

К440
1950/1 5кз.2

1-3/2

ШАРК ЮЛДУЗИ

227

1

1950 I



1950
ТОШКЕНТ



ШШ АРҚ ЮЛДУЗИ

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА САНАТ ЖУРНАЛИ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ

1

ЯНВАРЬ



ТОШКЕНТ

1950





РУСИЯ ХАЛҚЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Ишчи ва деҳқонларнинг Октябрь Революцияси умумий озодлик байроғи остида бошланди.

Деҳқонлар помещчиклар ҳокимиятидан озод қилинадилар, чунки бундан буён ер помещчикларнинг мулки эмас — помещчикларнинг ерга эгалик қилиши бекор қилинди. **Солдатлар** ва **матрослар** мустабид генераллар ҳокимиятидан озод қилинадилар, чунки бундан буён генераллар сайланиб қўйиладиган ва алмаштириладиган бўлади. **Ишчилар** капиталистларнинг зулм ва ўзбошимчилигидан озод қилинадилар, чунки бундан буён завод ва фабрикалар устидан ишчилар контроли ўрнатилади. Ҳамма жонли ва ҳаётга қобилиятли нарсалар ла'нати кишанлардан озод қилинадилар.

Зулм ва истибдод остида бўлиб келган ва бўлиб келаётган **Русия** халқларигина қолади халос, буларни озод қилиш ишига тезлик блан киришмоқ ва буларни қат'ий ва абадий суратда озод қилмоқ лозим.

Чоризм даврида **Русия** халқларини доимо бир-бирларига олқишлаб келдилар. Бундай сиёсатнинг натижалари ма'лум: бир томондан, қиргин ва ур-йиқитлар ва иккинчи томондан, халқларнинг қулликка тушиши ўша халқларни бир-бирларига гиж-гижлатиш сиёсатининг натижалари эди.

Бу ла'нати олқишлаш сиёсатининг янгидан тикланиши учун йўл йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Бу гиж-гижлатиш сиёсати бугундан бошлаб **Русия** халқларининг ихтиёрий ва ҳалол иттифоқи сиёсати блан алмаштирилиши лозим.

Империализм даврида, февраль революциясидан кейин ҳокимият кадет буржуазияси қўлига ўтгач, очикдан-очик олқишлаш сиёсати ўрнини бошқа сиёсат босди, у ҳам бўлса қўрққанидан **Русия** халқларига ишонмаслик сиёсати, халқларнинг „озодлиги“ ва „тенглиги“ тўғрисидаги пуч гаплар ниқоби остига олинган орсизлик ва ифвогарлик сиёсати эди. Бундай сиёсат натижалари ма'лум, бу сиёсат натижасида миллий низо' кучайди, халқларнинг ўзаро ишончига шикаст берилди.

Бундай номуносиб сиёсатга — алдамчилик ва ишонмовчилик, орсизлик ва иввогарлик сиёсатига хотима берилиши керак. Бу сиёсат бундан буён Русия халқлари ўртасида ўзаро тўла ишонч бўлишига олиб борадиган очиқ ва ҳалол сиёсат билан алмаштирилиши лозим.

Фақат шу тариқа ўзаро ишонч натижасидагина Русия халқларининг ҳалол ва мустақкам иттифоқи вужудга кела олади.

Фақат шундай иттифоқ натижасидагина Русия халқларининг ишчи ва деҳқонлари империалист аннексионист буржуазия томонидан бўладиган ҳарқандай суиқасдларга қарши тура оладиган ягона революцион куч бўлиб жипслаша олади.

Биринчи Советлар с'езди мана шу қоидаларга асосланиб, шу йил июнь ойида Русия халқларининг ўз тақдирларини ўзлари эркинлик билан белгилаш ҳуқуқини э'лон қилди.

Иккинчи Советлар с'езди шу йил октябрь ойида Русия халқларининг бу мустақкам ҳуқуқини янада кат'ий ва аниқ қилиб тасдиқлади.

Халқ Комиссарлари Совети шу с'ездларнинг продасини бажо келтириб, Русия халқлари тўғрисидаги масала юзасидан олиб борадиган ишига:

1. Русия халқларининг тенглиги ва суверенлигини.
2. Русия халқларининг ўз тақдирларини ўзлари эркинлик билан белгилашлари, ҳаттоки ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузиш ҳуқуқини.
3. Ҳамма ва ҳарқандай миллий имтиёз ва чеклашларни ва миллий-диний имтиёз ва чеклашларни бекор қилишни.
4. Русия территориясида яшовчи майда миллатларнинг ва этнографик группаларнинг эркинлик билан ривожланишини асос қилиб олишга қарор қилди.

Бундан келиб чиқадиган конкрет декретлар Миллатлар иши Комиссияси тузулгандан кейин дарҳол ишлаб чиқилади.

Русия Республикаси номидан

Миллатлар иши Халқ Комиссари

ИОСИФ ЖУГАШВИЛИ — СТАЛИН

Халқ Комиссарлари Советининг Раиси

В. УЛЬЯНОВ (ЛЕНИН)

1917 йил, 2 ноябрь
„Октябрь революциясининг
декретлари“, том I.

РУСИЯ ВА ШАРҚДАГИ БАРЧА МУСУЛМОН МЕХНАТКАШЛАРИГА

Ўртоқлар! Биродарлар!

Русияда улуг ҳодисалар рўй бермоқда. Бошқаларнинг мамлакатларини бўлиб олиш учун бошланган қонли урушнинг ниҳояси яқинлашмоқда. Жаҳон халқларини қул қилиб келган йиртқичлар ҳукмронлиги қуламоқда. Тутқунлик ва қулликнинг эски қўргони рус революциясининг зарбалари остида ларзага келмоқда. Ўзбошимчалик ва зулм дун'ёси энг сўнгги нафасини олмоқда. Янги дун'ё, меҳнаткашлар ва озод бўлаётганлар дун'ёси бун'ёдга келмоқда. Бу революцияга Русиянинг ишчи ва деҳқонлар ҳукумати, Халқ Комиссарлари Совети бошчилик қилади.

Ишчи, Солдат ва Деҳқонлар Депутатларининг революцион Советлари Русиянинг ҳамма жойига ёйилади. Мамлакат ҳокимияти халқ қўлида. Русиядаги меҳнаткаш халқ қалбида битта истак, ҳалол сулҳга эришиш ва дун'ёдаги мазлум халқларнинг озодликка чиқishi учун уларга ёрдамлашиш истаги мавж уради.

Бу муқаддас ишда Русия якка эмас. Ғарб ва Шарқдаги барча меҳнаткашлар рус революциясининг озодлик тўғрисидаги улуг нидосига қўшилмоқда. Уруш блан мадори қуриган Европа халқлари сулҳ тузиб, бизга қўл чўзаётирлар. Ғарбдаги ишчи ва солдатлар социализм байроғи остига тўпланиб, империализм истеҳкомларини штурм қилмоқдалар. Узоқ Ҳиндистон, Европанинг „ма'рифатли“ йиртқичлари томонидан асрлар бўйи эзилаётган ўша Ҳиндистон эса, қўзғолон байроғини кўтариб, ўз Депутатлари Советларини ташкил қилаётир, ўз елкасидан ла'нати қулликни ирғитиб ташлаётир, Шарқ халқларини курашга ва озодликка да'ват қилаётир.

Капиталистларнинг талавчилик ва зўравонликка асосланган ҳукмронлиги қуламоқда. Империализм йиртқичлари босиб турган замин ёнмоқда.

Русия ва Шарқнинг меҳнаткаш ва мазлум мусулмонлари, биз сизларга ана шу улуг ҳодисалар рўй бериб турган бир маҳалда мурожаат қилаётирмиз.

Русия мусулмонлари, Волга бўйи ва Қрим Татарлари, Сибирь ва Туркистоннинг Қирғиз ва Сартлари, Закавказьенинг Турк ва Татарлари, Кавказнинг Чечен ва Тоғлилари, Русия подшоҳлари ва золимлари томонидан мачит ва ибодатхоналари вайрон қилинган, дин ва урф-одатлари оёқ ости қилинган барча халқлар!

Сизнинг дин ва урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан буёқ эркин ва даҳлсиз деб э'лон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан ва баҳузур тузаберингиз. Шундай қилишга ҳақлисиз. Билингизки, сизнинг ҳуқуқингиз ҳам Русиядаги барча халқларнинг ҳуқуқи каби революция ва унинг органлари бўлган Ишчи, Солдат ва Деҳқон Депутатлари Советларининг бутун қудрати билан ҳимоя қилинади. Бу революцияни ва унинг ваколатли ҳукумати қувватлангиз!

Шарқ мусулмонлари, Эронлилар ва Турклар, Араблар ва Ҳиндлар, ҳаёти ва мол-мулки, эрки ва ватани асрлар бўйи Европанинг очкўз йиртқичлари томонидан сотилиб келган барча халқлар, уруш бошлаган таланчилар томонидан мамлакатлари тақсим қилиб олинмоқчи бўлиб турган барча халқлар!

Биз, Истамбулни босиб олиш тўғрисида, тахтидан туширилган подшоҳ томонидан тузилиб, ағдариб ташлашган Керенский томонидан та'кидланган махфий шартномалар ҳозирги вақтда йиртиб ташланганлиги ва йўқ қилинганлигини билдирамыз. Русия республикаси ва унинг ҳукумати бўлган Халқ Комиссарлари Совети бировларнинг ерларини босиб олишга қаршидир. Истамбул мусулмонлар қўлида қолмоғи лозим.

Биз, Эронни бўлиб олиш тўғрисидаги шартноманинг йиртиб ташланганлиги ва йўқ қилинганлигини билдирамыз. Уруш ҳаракатлари тўхтатилган ҳамон, қўшиялар Эрондан олиб чиқиб кетилади ва эронлиларга ўз тақдирини эркинлик билан ўзлари ҳал қилиш ҳуқуқи берилади.

Биз, Туркияни бўлиб олиш ва ундан Арманистонни „тортиб олиш“ тўғрисидаги шартнома йиртилиб ташланганлиги ва йўқ қилинганлигини билдирамыз. Уруш ҳаракатлари тўхтатилган ҳамон арманларга ўз сиёсий тақдирини эркинлик билан ўзлари ҳал қилиш ҳуқуқи берилади.

Сизларни Русия ва унинг революцион ҳукумати эмас, балки Европа империализмининг йиртқичлари, ҳозирги урушни сизларнинг мамлакатларингизни бўлиб олиш мақсадида олиб бораётган йиртқичлар, сизнинг ватанингизни ўзига „колония“ қилиб олиб талон-торож этаётган ва ўғирлик билан шуғулланиб келаётган йиртқичлар қул қилмоқчилар.

Бу йиртқичларни ва сизларнинг мамлакатларингизни қулликка солучи золимларни ағдариб ташлангиз. Ҳозирги вақтда, уруш билан вайронлик эски дун'ё негизларини қақшатаётган бир чоқда, империалист-босқинчиларга қарши бутун жаҳонда нафрат алангаси авж олаётган бир чоқда, ҳарбир қаҳру-ғазаб учқунни революциянинг қудратли алангасига айланаётган ва жафо чеккан ҳинд мусулмонлари ҳам уларни эзиб келаётган золимларга

қарши қўзғолон кўтараётган бир чоқда, — эндиликда жим туриш ярамайди. Вақтни ғанимат балингиз, асрлар бўйи ерингизга хўжайинлик қилиб келаётган босқинчиларни елкангиздан ирғитиб ташлангиз! Ота-бобонгиздан қолган қадрдон юртингизни бундан буёқ уларга талатиб қўймангиз! Ўз мамлакатингизга ўзингиз хўжайин бўлмоғингиз лозим! Ўз турмушингизни кўнглингиздагидай ва ўз хоҳишингизга мувофиқ қилиб ўзингиз тузмоғингиз лозим. Сиз шундай қилишга ҳақлисиз, чунки сизнинг тақдирингиз ўз қўлингизда...

Ўртоқлар! Биродарлар!

Биз, ҳалол демократия оламига қараб қат'ий ва дадил қадам ташлаб бораётгирмиз.

Бизнинг байроқларимиз бутун дунё мазлум халқларининг озодлик байроғидир.

Русия мусулмонлари!

Шарқ мусулмонлари!

Дунёни янгилаш йўлида сиздан хайрихоҳлик ва мадад кутамиз.

Миллатлар иши Ҳалқ Комиссари

ЖУГАШВИЛИ — СТАЛИН

Халқ Комиссарлари Советининг Раиси

В. УЛЬЯНОВ (ЛЕНИН)

Мусулмонларга қаратиб И. В. СТАЛИН ёзган мурожаатнома Халқ Комиссарлари Советининг 1917 йил 2 декабрь (19 ноябрь)да бўлган мажлисида ўқиб берилди. Мурожаатномани барча мусулмон халқлар тилида бирвеча миллион нусха босиб чиқаришга қарор қилинди.

„Октябрь революциясининг декретлари“, том I.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА
ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА
ЎЗБЕКИСТОН К(б)П МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва Бутун Иттифоқ Коммунист (большевик)лар партияси Марказий Комитети Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг йигирма беш йиллиги кунда Совет Ўзбекистонининг ишчилари, колхозчилари ва интеллигентларига қардошларча салом йўллайдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси СССРнинг ягона мустақкам қардошлик иттифоққа бирлашган барча халқлари тараққиёти учун кенг йўл очиб берди. Ўзбекистон меҳнаткашлари коммунист большевиклар партиясининг раҳбарлиги остида, улуғ рус халқининг ва мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг қардошларча ёрдами натижасида сиёсий, иқтисодий ва миллий зулмдан абадий халос бўлдилар ва социалистик ҳаётнинг озод қуручилари бўлиб қолдилар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси давлат сифатида эркин тараққий этган 25 йил мобайнида ленинча-сталинча миллий сиёсатни муттасил амалга ошириш натижасида хўжалик ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятларга эришди. Сталинча бешйилликлар даврида саноатнинг янги соҳалари—тўқимачилик, металлургия, машинасозлик, кўмир, нефть, химия саноати вужудга келтирилди.

Колхоз ва совхозларнинг ривожланиши ва мустақкамланиши ҳамда янги машиналар ва илғор агротехниканинг жорий қилиниши натижасида республиканинг қишлоқ хўжалиги бениҳоя юксалди. Ўзбекистонда ирригация қурилиши соҳасида катта ишлар қилинди. Бу ишлар экин майдонларини анча кенгайтириш ва пахта ҳосилини ошириш имконини берди.

Совет ҳокимияти йилларида ўзбек халқининг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданияти яшнади. Республикада 34 олий ўқув юрти, 92 техникум, 4.500 дан ортиқ бошланғич ва ўрта мактаб ишламоқда; миллий совет интеллигенциясининг жуда кўп кадрлари тайёрланди.

Совет ҳокимияти ўзбек хотин-қизларини озод қилди ва уларни давлат қурилишида актив қатнаштирди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон меҳнаткашлари Совет Иттифоқидаги барча халқлар билан биргаликда фронтда мардона жанг қилдилар ва мамлакат ичкарисида фидокорона меҳнат қилиб, душманини тезликда тор-мор келтиришга ёрдам бердилар. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ишчилари, колхозчилари, интеллигентлари эндиликда урушдан кейинги даврда халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш бешйиллик планини муддатидан илгари бажариш учун муваффақиятли кураш олиб бормоқдалар.

ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва Бутун Иттифоқ Коммунист (большевик)лар партияси Марказий Комитети Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси меҳнаткашларини республиканинг йигирма беш йиллиги билан табриклайдилар ва ўзбек халқи бундан кейин ҳам республиканинг халқ хўжалиги ва маданиятини янада яшнатиш учун, совет социалистик Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлаш учун ҳормай-толмай кураш олиб борадилар деб ишонч билдирадилар.

ССР ИТТИФОҚИ
МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

БУТУН ИТТИФОҚ КОММУНИСТ
(большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА

Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Олий Совети Президиуми Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ишчилари, колхозчилари ва интеллигентларини республиканинг йигирма беш йиллиги блан қизгин табриклайди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ўзбек халқини миллий зулм ва сиёсий ҳуқуқсизликдан абадий озод қилди, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маданий тараққиёти учун кенг йўл очиб берди.

Ўзбек халқи совет ҳокимияти йилларида Ленин — Сталин партиясининг раҳбарлиги остида, улуғ рус халқининг қардошларча ёрдами натижасида хўжалик ва маданий қурилишда катта муваффақиятларга эришди. Бу муваффақиятлар натижасида Ўзбекистон қолоқ чекка ўлкадан яшнаб турган социалистик республикага айланди. Республикада оғир ва енгил саноатнинг бирқанча корхоналари янгидан вужудга келтирилди, қишлоқ хўжалиги ирригация иншоотлари кенг миқёсда ривожланган, механикалаштирилган йирик колхоз хўжалигига айланди.


Ўзбек халқи маданий қурилиш соҳасида катта муваффақиятларга эришди. Республикада мактаблар, ўрта ўқув юртлари, театр, кино ва бошқа маданий-оқартув муассасалари кўплаб ташкил этилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси очилди. Бирқанча олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтлари ишламоқда. Булар миллий интеллигенция кадрларининг тўхтовсиз ўсишини таъмин этади.

Ўзбек халқи Улуғ Ватан уруши йилларида Совет Иттифоқидаги барча халқлар блан биргаликда фронтларда актив жанг қилди ва мамлакат ичкарасида фидокорона меҳнат қилиб, душман устидан галаба қозонишга ёрдам берди.

Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Олий Совети Президиуми Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси меҳнаткашларининг социалистик қурилиш соҳасида янги муваффақиятларга эришишларини тилайди ва ўзбек халқи бундан кейин ҳам урушдан сўнгги сталинча бешйиллик планни муддатидан илгари бажариш учун, республикада хўжалик ва маданий қурилишни янада юксалтириш учун, совет социалистик давлатининг қудратини мустаҳкамлаш учун ҳормай-толмай кураш олиб боради деб ишонч билдиради.

Яшасин Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси!

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ
ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ



ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ГИМНИ

Ассалом, рус халқи, буюк оғамиз,
Ассалом, доҳимиз Сталин, жонажон.
Озодлик йўлини Сиз кўрсатдингиз,
Советлар элида ўзбек топди шон.

Нақарот

Бўл омон, пахтакор, ҳур Ўзбекистон,
Сен Шарқда нурафшон, юртим, топ камол!
Советлар байроғи зафар байроғи —
Доимо бахш этар сенга шон, иқбол!

Серқуёш ўлкада кўрмасдик зиё,
Дар'елар бўйида эдик сувга зор.
Барқ урди чин қуёш — Ленин доҳимиз,
Йуллади Сталин — биз бўлдик бахтиёр.

Нақарот

Бўл омон, пахтакор, ҳур Ўзбекистон,
Бадавлат, фаровон, юртим, топ камол!
Советлар байроғи зафар байроғи —
Доимо бахш этар сенга шон, иқбол.

Илму фан нури-ла йўлимиз равшан,
Абадий қардошдир Совет халқлари.
Босқинчи ёвларни этиб тор-мор,
Борамиз биз янги зафарлар сари.

Нақарот

Бўл омон, пахтакор, ҳур Ўзбекистон,
Енгилмас, қаҳрамон, юртим, топ камол!
Советлар байроғи зафар байроғи —
Доимо бахш этар сенга шон, иқбол.

А. Э. НИЁЗОВ,
Ўзбекистон ССР Олий Совети
Президиумининг раиси.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ 25 ЁШДА

Бундан чорак аср илгари, ўртоқ Сталин раҳбарлиги остида Ўрта Осиёда миллий чегаралаш ўтказилгандан кейин, Совет Иттифоқидаги миллий республикалар ўртасида баравар ҳуқуққа эга бўлган Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси тузилди.

25 йил давомида ўзбек халқи большевиклар партияси, Совет ҳукумати ва шахсан ўртоқ Сталин раҳбарлиги остида, улуг рус халқининг ёрдами ва қўллаб-қўлтиқлаши билан республиканинг экономика ва маданиятини социалистик асосда қайта қуришда тарихий муваффақиятларга эришди.

Зулм ва эксплуатациядан озод бўлган ўзбек халқи кўп миллатли Совет Иттифоқи халқларининг қардошлик оиласида бирдамлик билан яшаб, янги коммунистик жамиятнинг актив курашчиси ва қуручисига айланди.

Улуг Октябрь социалистик революциясигача ўзбек халқи мустақил миллат бўлмай, ўзининг миллий давлатига ҳам эга эмас эди. Ҳозирги Ўзбекистон территориясида яшовчи халқлар революциядан илгари, Ўртоқ Сталиннинг та'рифича, "...турли хонликларга ва давлатларга ажралиб, майда-майда парчаларга бўлиниб кетган эди ва улар "ҳукмдорлар"нинг эксплуататорлик ҳийланайранглари учун қулай бир майдон эди" (Асарлар, VII том, 154 бет).

Ўзбек халқи чоризм даврида Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги ва Хева хонлиги қўл остида тарқоқ ҳолда яшаб, икки томонлама — маҳаллий феодаллар ва рус мустамлакачилари томонидан эзилар, эксплуатация қилинар эди.

Ўзбекистоннинг ўтмишда ма'мурий жиҳатдан ана шундай тузилиши рус капиталистлари ва фабрикачиларининг мафнаатларига тўла мос келар эди, чунки Туркистон уларнинг колонияси, хомаш'ё базаси эди, қишлоқ хўжалиги муҳсулотнинг 85 процентдан ошиқроғи бу жойдан олинар эди. Саноат эса, кичик-кичик ҳунармандчилик ва косибчилик корхоналаридан иборат эди. Тех-

ника жиҳатидан жуда ҳам қолақ бўлган бирнеча пахта тозалаш ва ёғ заводларигина бор эди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси Россия, шу жумладан Туркистон халқларига озодлик берди, уларни зулм ва эксплуатациядан қутқарди, ўзбек халқининг миллат бўлиб уюшуви учун шароит туғдирди.

Октябрь ғалабасидан кейин озод қилинган халқлар иродаси блан РСФСР составила Туркистон автоном республикаси тузилди, бу республика ўша вақтда ҳали мустақил миллат бўлиб улгирилмаган ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ, туркман ва бошқа халқларни ўз составида бирлаштирди.

Гражданлар уруши шароитида, Совет Туркистони Россиянинг марказий районларидан узиб қўйилган бир пайтда, Туркистон автономияси — бир хилдаги миллатларнинг социалистик республикаларини тузиш йўлида зарур бўлган босқич, я'ни совет миллий давлатчилигининг вақтинча ўткинчи шакли эди.

Социалистик революциянинг доҳилари, ишчи-деҳқонлар давлатини тузган доно Ленин ва Сталин қолақ ва узоқ миллий ўлкаларда совет тузумини ўрнатишга ҳамвақт жуда катта э'тибор бериб, бу ўлкаларнинг халқларига давлат бўлиб жиплашиш, маданий ва хўжалик ривожланиши жиҳатидан совет мамлакатининг марказий районларига етиб олишда ёрдам берар эдилар. Совет ҳукумати саноат ўчоқларини қуриш ва юксалтириш, пахтачиликни ва суғориш ишларини яхшилаш учун жуда кўп миқдорда пул ва материаллар берди.

Улуғ рус халқи, Туркистон совет автономиясини тузишда контрреволюция кучларига қарши курашда, миллий жиҳатдан жиплашув жараёнининг тезлашувида Туркистон халқларига жуда катта ёрдам берди.

Совет ҳукумати гражданлар урушининг оғир йилларида Туркистон халқларига озиқ-овқат ва қурол-аслаҳа блан ёрдам қилди. Туркистонда совет давлатини мустаҳкамлаш ва унинг душманларига қарши курашиш учун ўзининг энг яхши ўғилларини — синалган большевиклардан М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Л. М. Каганович ўртоқларни Туркистонга юборди, бу ўртоқлар шахсан ўртоқ Ленин кўрсатмаси блан тузилган Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари бўйича Комиссиясига бошчилик қилдилар. Бу комиссия ёш Туркистон республикасида совет қурилишини мустаҳкамлашга раҳбарлик қилди, ташқи ва ички контрреволюцияга қарши курашда ўлка большевикларига ёрдам берди.

Империалистик, сўнгра гражданлар урушлари натижасида вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаш учун Россиядан Туркистонга олимлар, мутахассис ишчилар келдилар.

Туркистонда совет давлатини мустаҳкамлаш, контрреволюцион кучларни тор-мор этиш, хўжалик қурилишида эришилган муваффақиятлар Бухоро ва Хева халқларининг инқилобий ғайратини қўзғатди, уларга буюк намуна бўлди. Бу халқлар 1920 йилда, рус ишчилар сивфининг ёрдами блан, Бухоро амирини ва Хева

хонини тахтдан тушириб, Бухоро ҳамда Хева Совет Халқ Республикалар туздилар.

1917—1924 йиллар давомида Ўрта Осиёда совет тузуми соҳасида эришилган ғалабалар, Ўрта Осиё халқларининг контрреволюция кучларига қарши курашлари, хўжалик ва маданий жиҳатдан юксалишлари ҳамда миллий онгининг ўсиши уларнинг миллий хусусиятларини йўқ қилиб ташламади, балки, ўртоқ Сталин айтгандай, уларнинг мустақил миллат бўлиб етишувларини таъминлади.

Парчалаб юборилган алоҳида-алоҳида халқларни мустақил миллий давлатларга бирлаштириш вақти етишган эди. 1924 йили июнда РКП(б) Марказий Комитети ўртоқ Сталиннинг ташаббуси билан Ўрта Осиё республикаларини миллий чегаралаш ҳақида тарихий қарор қабул қилди. Шу йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилганлиги, унинг улуг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи қардош оиласига ихтиёр равишда кирганлиги эълон этилди.

Ўзбекистон СССР составига кириш билан мустақил озод Совет давлати сифатида ўз мавқини мустаҳкамлади. Шундан бери унинг барча ҳуқуқлари қудратли Совет Иттифоқи кучи билан ҳимоя қилиниб келмоқда. Ўзбекистон ССР Совет Иттифоқи оиласига бирлашгандан кейин мамлакатнинг ишлабчиқариш кучларини юксалтиришда ва халқ маданиятини ривожлантиришда борган сари кўпроқ имкониятлар юзага келди.

Ўзбек халқининг ўз миллий давлатига бирлашиш тўғрисидаги асрларча қилган орзу-умидлари совет тузуми, ленинча-сталинча миллий сиёсатни усталик билан амалга ошириш натижасидагина амалга ошди. Ўзбек халқи Совет давлати туфайлигина „ривожланишнинг капиталистик босқичини четда қолдириб“ (Ленин), қисқа муддат ичида социализмнинг актив қуручисига айланди.

Республикани индустриалаш сиёсатининг амалга оширилиши ва унинг қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш натижасида ўтган 25 йил ичида ишлабчиқариш кучлари тез ўсди, шу билан бир қаторда халқ маданияти ҳам юксак даражада ривожланди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон — Совет Иттифоқининг асосий пахта базасига ва саноатлашган районларидан бирига, илғор индустриал-колхоз республикасига айланди.

Республикада қишлоқ хўжалиги, унинг илғор тормоғи бўлган пахтачилик айниқса ривож топди. Қишлоқ хўжалигининг юксалишида асосий ўрин тутган колхозлар деҳқонлар оммасини бадавлат турмушли қилди. Колхозларимиз трактор парклари, кўп миқдордаги қишлоқ хўжалиги машиналари, шунингдек юқори меҳнат унуми беручи пахта териш машиналари билан қуроллантирилди.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва илғор агротехникани қўлланиш натижасида ўзбек пахтакорлари дунёда пахтадан энг юқори ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Колхоз ва совхозлар, юзлаб бригада ва звенолар, пахта далаларининг илғорлари — юқори ҳосил усталари ҳар гектар ердан 100 центнер ва ундан ҳам ошқроқ пахта ҳосили етиштирмоқдалар. Уларнинг

ажойиб тажрибалари колхозчилар оммасини юқори ҳисил учун курашга илҳомлантирмоқда.

Ўртоқ Сталин та'рифича, пахта — Совет мамлакати учун галла, ёқилги ва металл каби зарурдир. Ўзбекистон Иттифоқимизнинг асосий пахта базасидир. Пахтачилик республика экономикасида катта роль ўйнайди. Суғориладиган экин майдонларининг 80 процентчасига пахта ва беда экилади. Машина-трактор станцияларининг ўндан тўққизи пахта далаларига хизмат қилади. Электр қувватининг кўп қисми пахта майдонлари учун тайёрланадиган минерал ўғит ишлабчиқаришга сарфланади.

СССР Министрлар Советининг 1946—1953 йиллар мобайнида Ўзбекистонда пахтачиликни тиклаш ва янада юксалтириш плани ҳамда тадбирлари тўғрисида“ деб 1946 йил 2 февральда чиқарган қарорида Ўзбекистон ССРда пахтачиликни юксалтиришнинг кенг программаси белгилаб берилди.

Ўзбекистон пахтакорлари бу қарорни амалга ошириш учун курашиб, пахтачиликни ривожлантиришда жиддий муваффақиятларга эришдилар. Аммо, 1947 йилда республиканинг партия ва Совет ташкилотлари пахтачиликка раҳбарлик қилишда бирқанча хатоларга йўл қўйдилар. Шунинг натижасида пахта тайёрлаш плани бажарилмади.

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитети, шахсан ўртоқ Сталин республика партия ва совет ташкилотларининг пахтачиликка раҳбарлик қилиш ишларидаги хатоларини очиб ташлашга ёрдам бердилар ва уларни тузатиш йўлларини кўрсатдилар.

Ўзбекистон пахтакорлари бу қарорларни амалга ошириш учун курашиб, 1948 йилда пахта етиштиришда урушдан аввалги даражадан ўзиб кетдилар ва давлатга бундан аввалги йилдагига қараганда юз минглаб тонна кўп пахта топширдилар.

Ўзбекистон пахтакорлари ўртоқ Сталиннинг оталарча ғамхўрлигига жавобан, 1949 йилда пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Республиканинг илғор районлари, совхоз ва колхозлари давлатга пахта топшириш юзасидан олган ўз мажбуриятларини анча ошириб бажарадилар. Республикада 1949 йилда энг юқори ҳосил — 1941 йилдагига қараганда анча кўп пахта топширилди.

Совет Иттифоқида биринчи навбатда Ўзбекистонда, пахтачиликнинг қудратли равишда ривожланиши Совет Иттифоқининг пахтага бўлган эҳтиёжини аллақачоноқ қондирди. Ўзбек халқи Совет мамлакатини капиталистик мамлакатларга пахтага бўлган муҳтожликдан қутилтириш ишига қўшган улуғ ҳиссаси блан мағруланади.

Пахтачилик блан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа тормоқлари — ипакчилик, қорақўлчилик, боғдорчилик ва узумчилик тормоқлари ҳам ривож топди.

Ўзбекистон ССРда тайёрланадиган пилланинг ярмидан кўпрогини беради. Иттифоқ миқ'ёсида тайёрланадиган қорақўл териларининг 60 процентдан ошиғроғини ўзбек қорақўлчилари етиштиради. Боғдорчилик ва узумчиликнинг ранг-баранг маҳсулотла-

ри ҳўл ва қуруқ ҳамда консерва ҳолида бутун Иттифоққа тарқалади. Ўтган йили Ўзбекистон боғдорлари субтропик, цитрус дарахтлари, лимон, мандарин ва бошқа мева дарахтларини парвариш қилиш ишига астойдил киришдилар.

Сув—Ўзбекистон учун ҳаёт-мамотдир. Ўзбек халқи ирригация қурилишлари соҳасида оламшумул тарихий ғалабларга эришди. Революциядан бурунги вақтларда сув меҳнаткашларни қўли қилиш қуроли эди, чунки сувдан фойдаланиш, уни тақсимлаш бойлар, помешчиклар қўлида эди, камбағал деҳқонларнинг экинлари сувсизликдан кўп вақт қақраб қолар эди. Совет давлати ҳаёт манбаи бўлган сувни меҳнаткашлар ихтиёрига берди. Совет ҳукумати суғориш ишларини яхшилашга кўп маблағ сарфлади. 1918 йилда В. И. Ленин Туркистондаги суғориш ишларига 50 миллион сўм пул ажратиш ҳақидаги декретни имзолади. 1923 йилда эса, Совет ҳукумати Туркистон республикаларида ирригация шохобчаларини тиклаш ҳақида қарор қабул қилди. Совет ҳукумати йилларида, айниқса 1939 йилда, республикада катта ирригация қурилишлари барпо этилди. Бўшбағаллар партияси раҳбарлик қилган Ўзбек халқи 1939 йилда ирригация қурилишлари соҳасида тарихий кураш бошлади. Ўзбек кучи блан тез қуриш усулини кенг қўллаб, янги канал ирригация иншоотлари қурилди. 270 километрли Катта Фарғона канали халқ кучи блан 45 кун ичида қурилиб тамомланди. Чоризм даврида эса 35 километрли Мирзачўл каналининг 11 йилда қурилганлигини эслаб ўтиш кифоядир.

Ўзбекистонда халқ кучи блан Молотов номли катта Тошкент канали, Микоян номли Шимолий Фарғона канали, Андреев номли Жанубий Фарғона канали қурилди, Мирзачўлдаги Киров номли канал, Хоразмдаги Тошсоқа канали, Қорақалпоғистон АССР даги Ленин номли канал, Катта Зарафшон канали кенгайтирилди.

Улуғ Сталин Ўзбекистонда суғориш ишларини янада кенгайтириш ҳақида доим ғамхўрлик қилиб келмоқда. Улуғ доҳининг ташаббуси блан ирригация қурилишининг галдаги тараққиёти масалалари, суғориш шохобчаларидан фойдаланишни тартибга солишга доир асосий масалалар ҳал қилиб берилди.

Ўзбек халқи ирригация соҳасида сўнгги ўн йил ичида фоят катта ютуқларга эришиб, янгидан суғориладиган ерларнинг умумий ҳажмини 500 минг гектарга кўпайтирди. Кўпчилик пахтакор районларда сув танқислиги асосан тугатилди, ерларнинг шўрланиши ва ботқоқланишига барҳам бериш учун шароит яратилди.

Ўзбек халқининг ирригация қуришлари соҳасидаги ташаббуси Совет Иттифоқидаги бошқа республика халқлари томонидан қизғинлик блан қувватланди. Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон, Бурят-Мўғулистонда ва бошқа жойларда халқ кучи блан кўплаб ирригация иншоотлари барпо этилди.

Ўзбекистон халқ хўжалиги ва экономикасининг асосий ва илғор тормоғи бўлган пахтачиликни ҳар тарафлама ривожлантириш блан бирга, большевиклар партияси ва Совет ҳукумати республика

ликани индустрлаш ишига ҳам ҳамавақт катта э'тибор бериб келди.

Большевиклар партияси, Совет ҳукумати Ленин ва Сталин раҳбарлигида империалистик ва гражданд урушлари йилларида вайрон қилинган саноат корхоналарини тиклаш, янги корхоналар ҳамда саноат ўчоқлари яратиш юзасидан жуда катта тадбирларни амалга оширди. 1928 йилга келиб, республиканинг саноат маҳсулотини урушдан илгариги даражага етди, 1937 йилда эса Ўзбекистон саноатининг 100 процент маҳсулотини Совет ҳокимияти йилларида янгидан қурилган ёки қайта қурилган завод ва фабрикаларда ишлаб чиқилди. Бундан ўзбек халқи ўз саноатини Совет ҳукумати йилларидагина қуролганлиги кўриниб турипти.

Республикани комплекс индустрлаш асослари биринчи сталинча бешйиллик план даврида вужудга келтирилди. У вақтларда саноатнинг электр, машинасозлик, ким'ё, тўқимачилик, ипакчилик, цемент, кўнчилик, пойафзал, тикувчилик ва бошқа тормоқлари барпо этилган эди.

Биринчи сталинча бешйилликлар даврида республика саноати-га 2 миллион рубльдан ошиғроқ маблағ харажатланди. Индустрлаш жараёида оғир саноат айниқса ривож топди. 1940 йилда оғир саноатнинг саноат революциядан илгариги 2 процентга нисбатан 13 процентни қўшилган эди. 1940 йилда саноат маҳсулотининг ҳажми 1913 йилга қараганда 7 мартадан ортиқ, 1925 йилгига қараганда 17 марта ошиқ эди.

Улуғ Ватан уруши йилларида саноатнинг кучли даражада ўсиши натижасида республиканинг асосий ишлабчиқариш фондлари 1946 йил бошида 1940 йилга нисбатан 86 процент ўсди. Уруш йилларида янги саноат тормоқлари — станоксозлик, металлургия, кўмир, электр саноати тормоқлари вужудга келди. Шу вақтларда энергетика, машинасозлик ва химия саноат тормоқлари бирмунча кенгайди. Тўқимачилик, тикувчилик, пойафзал, озиқ-овқат корхоналари ҳам кенгайтирилди, қанд заводлари қурилди.

Республикани индустрлаш урушдан кейинги сталинча бешйиллик даврида ҳам муваффақият билан давом этдирилмоқда. Янгидан юзлаб саноат корхоналари қурилди ва қурилмоқда.

Ўзбек халқи эришган ғалабалари билан мағрурланаолади. У, Большевиклар партияси ва Совет ҳукумати раҳбарлигида улуғ рус халқининг қардошларча ёрдами билан Чирчиқ электро-химия комбинати, металлургия заводи, Фарҳод гидроэлектростанцияси, нефть ва кўмир конлари, Тошкент тўқимачилик комбинати ва шунга ўхшаш катта саноат ўчоқларини яратди.

1948 йилда Ўзбекистон саноат маҳсулотини ҳажми 1913 йилга қараганда 11 марта кўпайди. Шу давр ичида электр қуввати ишлабчиқариш бир неча юз марта, нефть чиқариш 95 марта, оғир саноат маҳсулотлари ишлабчиқариш 221 марта кўпайди.

Ўзбекистон саноати республика эҳтиёжини таъминлашдан ташқари Совет Иттифоқининг бошқа республикаларга насослар, дизельлар, кўтариш кранлари, турли станоклар, экскаваторлар, гид-

ротурбиналар, тўқимачилик машиналари, радиоаппаратуралар, минераль ўғитлар, ип-газлама ва ипакли моллар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаб бериш имкониятига ҳам эга бўлди.

Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқлари гуллаб яшнамоқда. Совет тузуми йилларида шаҳар ва қишлоқларимиз ўз қиёфасини бутунлай ўзгартирди. Шаҳарларда ва саноат марказларида катта уй-жой қурилишлари барпо этилди. Водопровод, канализация, парклар, асфальтланган кўчалар республиканинг қишлоқ ва шаҳарларига ҳусн бериб турмоқда. Республиканинг ҳамма шаҳарларида автобуслар қатнайди. Пойтахтимиз Тошкентда трамвай ва автобуслардан ташқари, 1948 йилдан троллейбуслар ҳам қатнай бошлади. Қишлоқларимизда клуб, мактаб, болалар яласи ва боқчалари, касалхона, тураржойлар қурилмоқда, маданий шаҳарчалар пайдо бўлмоқда. Қишлоқларимиз борган сари электрлашмоқда. 1949 йил бошида республикада 434 та колхоз электростанцияси бор бўлиб, 645 колхозга электр қуввати берди. Яқин орада республикадаги ҳамма колхозлар электрлаштирилади.

Ўзбек халқи ўзининг юксак маданиятига эга бўлди. 1917 йилда ўзбек аҳолиси ўртасида фақат 2 процент саводли бор эди. Ҳозир ўзбек халқи 100 процент саводхон бўлди. Республикада минглаб мактаблар, олий ўқув юрлари, илмий-текшириш институтлари бор, Ўзбекистон Фанлар Академияси ўзбек халқининг фахридир. Ўзбек миллий адабиёти ва сан'ати тўхтовсиз ўсмоқда. Шундай қилиб, ўтмишда қолоқ ва маданиятсиз бўлган ўзбек халқи ҳозир шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятига эгадир.

Совет ҳукумати йилларида Ўзбекистонда саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият соҳаларида ишловчи миллий кадрлар армияси етишиб чиқди, ўзбек совет интеллигенцияси вужудга келди.

Совет ҳукумати йилларида ўзбек хотин-қизлари ҳаётида ҳам тубдан ўзгаришлар юз берди. Ўзбек хотин-қизлари саноат, қишлоқ хўжалиги ва жамоат ишларида актив иштирок қилмоқдалар. 13 мингдан ошиқ хотин-қиз маҳаллий совет депутатлигига, 106 хотин-қиз Ўзбекистон ССР Олий Советига, 14 та хотин-қиз СССР Олий Совети депутатлигига сайланди, ўзбек хотин-қизлари орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, орденлилар, олимлар бор.

Ўзбек халқи ўз республикасининг 25 йиллигини халқ хўжалигининг барча соҳаларида катта-катта муваффақиятларга эришиш блан қарши олмоқда. Урушдан кейинги сталинча бешйиллик планни муваффақият блан бажарганлик ҳақидаги шодиёна хабарлар кенг тарқалмоқда. Нефть саноати ходимлари келгуси бешйиллик ҳисобидан маҳсулот топширмоқдалар. Республикамининг колхоз ва совхозлари мамлакатга пландан ташқари 2 миллион пуддан ошиқроқ ғалла топширдилар. Пилла ва қорақўл тайёрлаш давлат планлари ошириб бажарилди. Республиканинг минглаб колхозлари, унлаб районлари 1949 йил давлат пахта тайёрлаш планини ошириб бажардилар.

Ўзининг 25 йил давомида босиб ўтган шонли йўлига назар солган ўзбек халқи республиканинг 25 йиллик юбилейи кунида эришган муваффақиятлари учун большевиклар партиясига ва ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси улуг доҳи ўртоқ Сталинга чексиз миннатдорлигини изҳор қилади.

Ўзбек халқи қудратли Совет Иттифоқи қардош халқлари оиласида ҳур ва озод яшаб, большевиклар партияси ва ўртоқ Сталин раҳбарлиги остида коммунизм сари комил ишонч билан олға боради.

Вс. ВИШНЕВСКИЙ

УНИТИЛМАС 1919 ЙИЛ

(Шу номли пьесанинг прологи)

1919 йилнинг майи. В. И. Лениннинг Кремльдаги кабинети. Деразадан тушаётган қуёш нури кўзни қамаштиради. Ленин қоғозларни кўздан кечириб ўтиради. Секретарь хотин киради.

Секретарь. Сиз ўртоқ Сталинни чақирган эдингизми? У келди.

Ленин. Чақиринг, чақиринг, мен кутаётган эдим.

Секретарь чиқиб кетади. Орадан бироз ўтгач кабинетга И. В. Сталин киради.
В. И. Ленин, ўрнидан туриб у томон юриб боради. Кўршадилар.

Ленин. Сизни, жуда, жуда кўргим келган эди, ўртоқ Сталин. Салом. Марҳамат, ўтиринг... Бу ерга. Фронтларда яна катта ҳодисалар юз берай деб турипти... Назаримда, республика тагин хавфли — ўлим даражасида хавфли аҳволга тушиб қоладигандай... Мен сизга, ўзимни анча кундан бери ташвишлантираётган нарса тўғрисида гапирмоқчи эдим. Сиз блан биз ҳаммавақт ҳақиқатни рўй-рост айтамыз-ку.

Сталин (ҳамон тикка турибди). Шубҳасиз, Владимир Ильич. Гарчанд бу нарса ба'зан бир хил одамларга ёқмаса ҳам, мен фақат ўйлаганимни гапираман.

Ленин. Ҳа, мен ҳам республика Реввоенсоветимизга, балки яна ба'зи кишиларга ёқмаслиги мумкин бўлган нарсани айтмоқчи эдим... Марҳамат, ўтиринг... (Уртоқ Сталин ўтиради.) Хуш. Реввоенсоветимиз ёмон ишлаётганига борган сари кўпроқ ишонмоқдаман... У Колчакнинг куч тўплаётгани ҳақида кеч, йўл қўйиб бўлмас даражада кеч огоҳлантирди... Ҳозир, ўша ҳодиса Деникин масаласида ҳам такрорланмоқда. Худди шундай ҳол Питер атрофида ҳам такрорланмаса деб қўрқаман...

Сталин. Эҳтиёткорлик ҳақидаги бу фикрингизга батамом қўшиламан.

Ленин. Реввоенсовет бизни хотиржам қилмоқчи. Ҳадеб хотиржам бўлишга ундаш одат, метод бўлиб қолган бўлса керак. Бу ёмон тактика. „Хотиржамлик уйини“.

Сталин. Бу хотиржамлик ҳар гал Троцкийнинг шайтонлаши блан алмашилиб туради...

Ленин. Аслида эса тургунлик. Иш деярлик хароб. Яроқсиз ҳарбий раҳбарларни ишга қўйишади.

Сталин. Ёки махмадоналарни ё учига чиққан сотқинларни рағбатлантиришади...

Ленин. Бундай практика яхшиликка олиб бормади. Ишимиз ўнгидан келмаётганининг сабаби шунда, бизни уришяпти... Мана кўринг (*харитадан кўрсатади*). Жанубда ишимиз ўнгмаяпти. Деникин фронтни ёриб ўтган... Марказий Комитетга нуқул ва'далар, схемалар, суратчалар юборишяпти,— душмани уни тишяпти... Главком тўғридан-тўғри шундай хабар беради: „Жанубда уруш бизга қўл келмайдиган йўлга кирмоқда. Украин fronti қўшин йўқлиги сабабли ўз вазифасини ҳал этаолмайди...“

Сталин. У шимоли-ғарбий фронт ҳақида, Питер ҳақида нима хабар беради?

Ленин. У Питерни тилга ҳам олмаган... Ғарбий фронтда тўзилган қўшинлар бутунлай яроқсиз бўлиб чиқди, деган халос.

Сталин. Менинча қўшин эмас, балки шу ахборотнинг автори — Главкомнинг ўзи яроқсиз...

Ленин. Мен аминманки, Антанта бу йил ҳам яна ҳужум бошласа керак... Улар биз блан „сўнгги жанг“ қилиб, томоғимиздан бўғмоқчи... Бу — Черчилльнинг ниятлари. Бизнинг анави „арбобларимиз“ эса шундай кунларда схемалар, суратчалар, ва'далар юборишади! Яна ўзларининг гапларини ўзлари рад қилишади: бу фронтнинг „қурби етмайди“, бунисининг „чоғи келмайди...“

Мен шу нарсани алоҳида та'кидлаб ўтмоқчиманки — душман ичдан туриб борган сари қаттиқроқ ҳаракат қилмоқда: катта фитналар,— мен буни Дзержинскийга айтганман,— ажнабий агентларнинг ҳаракати кучайиб кетди, кулақлар қўзғолонлари кучайиб кетди, темир йўлларда портлашлар тез-тез юз берадиган бўлиб қолди... Петроградда водопроводни портлатишга урилиб кўришган... Бунинг устига очлик... Питернинг бошидаги фалокатлар ҳақиқатан зўр... Тепкили терлама... Мана, менга путиловчилар хат ёзишипти.

(*Ишчиларнинг хатини узатади. Сталин уни тез кўз югуртириб уқийди ва дейди:* „Дадил ва тўғри ёзишипти. Мен, хат авторларидан ба'зиларини биламан...“)

Ҳамма нарсани ҳарбийчасига қайтадан қуриш керак. Бизни эса зўр бериб тинчлатишади ёки иш бундан ҳам баттар бўлади деб ва'да беришади... Ахир бу нима деган гап!.. Питерда собиқ офицерлар, собиқ мулкдорлар уймалашиб ётипти, чегарадан ўтишлар... У ерда тартибни ким кузатапти? Ҳарбий ишда бу э'тиборсизликларнинг ҳаммаси жиноят, ҳалокатлидир. Схемалар, суратчалар... Кўприклар, водокачкалар осмонга кўтариб ташлана-

япти-ю, улар эса зўр бериб сурат чизишади... Ё бўлмаса, бутун кучимизни бердик ва бундан ортиқ энди ҳечнарсга қилолмаймиз, деб зорланишади... Ахир Питер-а?.. У ерда заб одамлар ўтирибди-да... (қўл силтайди.) Иосиф Виссарионович, агар керак бўлса биз ҳамма муассасаларни, бевосита зарур бўлмаган муассасаларнинг ҳаммасини икки, уч, тўрт ойга ёпиб, коммунистлар, ишчиларнинг оммавий сафарбарлигини ўтказамиз, — нима қилсак ҳам фронтга одам берамиз. Душманни улоқтириб ташлаймиз.

Сталин (ўрнидан туриб). Бу таклифларга батамом қўшиламан. Мен Петрограднинг ишлари тўғрисида қўшимча қилсам, деган эдим.

Ленин. Ҳа, ҳа... Петрограддан кўз узиб бўлмайди. Бу шаҳарни қўлдан бериш сра мумкин эмас, нима бўлса ҳам уни сақлаб қоламиз.

Сталин. У ердаги раҳбарлар буни тушинмайди — ё тушингиси келмайди. Оқ гвардиячиларнинг шимоли-ғарбий корпуси инглизларнинг паноҳида денгиздан бир неча зарба берган, — Петроград бундан саросимага, ваҳимага тушиб, шаҳарни эвакуация қилиш ҳақида „кўрсатма“ берганлар... (Ленин алоҳида диққат блан тинглайди.) Бу ҳали ҳаммаси эмас: Болтиқ флоти кемаларини ботириш ҳақида ҳам „кўрсатма“ беришган.

Ленин. Бу жиноят ахир!.. (Секретарьни чақиради. У киради.) Кечирим сўрайман. (Секретарьга.) Ёзинг. (Айтиб туради): „Петроград. Смольний. Мудофаа Кенгаши тўқис-тугал жавоб берилишини таклиф қилади: қандай мулоҳазалар блан Петроград ва унинг атрофидаги баъзи заводларни кўчиришга қарор қилинган, ким томонидан ва қачон кемаларни ботириш ҳақида фармойиш берилган...“ Тамом.

Секретарь. Сиз имзо қўясизми?

Ленин. Ҳа... Ҳечқандай навбат кутдирмасдан жўнатилсин... (Секретарь кетади.) Худди имтиёзли князьларнинг ўзия: истасам — жўнайман, встасам — чекинаман, истасам — флотни ботираман... Ахир улар Марказий Комитет бор эканини, ҳукумат бор эканини биладими?.. Ўзбошимчаликка барҳам берамиз. Бу майлларни янчиб ташлаш, кескин равишда янчиб ташлаш керак... Биз бунда сизга суянамиз, ўртоқ Сталин... Сиз Петрограднинг ишларини биласиз...

Сталин. Имкон борича, Владимир Ильич.

Ленин. Мен сиздан Питер ҳақидаги, ўз нуқтай-назарингиз бўйича Петроград frontiдаги ҳам ҳарбий, ҳам сиёсий аҳвол ҳақидаги мулоҳазаларингизни айтиб беришингизни сўраб эдим.

Сталин (харита ёнига келиб). Душман Петроградни ўраб олмоқчи... Зарба берилиши таҳмин қилинган томонлар шулар: Петрозаводск участкаси — йўл шарқдан; Карелия бўйини — зарба шимолдан, йўл қисқагина, шаҳардан ҳаммаси бўлиб 30 километр узоқда. Нарва участкаси — зарба ғарбдан — Гатчина ва Красное Селога. Денгиздан инглизлар Кронштадтга зарба бериб қолиши, десант тушириши эҳтимол... Сўнгра Псковдан Дно—Бологоега зарба берилиши эҳтимоли бор. Мақсад: Москвага олиб келади-

ган темир йўлни кесиб қўйиш. Шимоли-ғарбий оқ гвардиячилар корпуси англиз эскадрасининг денгиздан берган ёрдами блан бундан тўрт кун бурун ҳужум бошлади...

Ленин. Иосиф Виссарионович, мен сизни, Марказий Комитет номидан, Петроград фронтига жунашингизни илтимос қилиш учун чақирган эдим.

Сталин. Мен партиянинг топширигини бажаришга тайёрман...

Ленин. Бир минутгина. (Яна секретарьни чақиради.) Ўртоқ Сталин учун мандат тайёрлаш керак.

Секретарь. Хўб... Ёзаман, Владимир Ильич.

Ленин. Халқ Комиссарлари Советининг бланкасига. „1919 йил 17 май...“ „Ишчи-Дехқон Мудофаа Кенгаши ўз а’зоси, Русия коммунистлар партияси Марказий Комитетининг а’зоси, Ишчи, Дехқон ва Қизил аскар Депутатлари Совети Бутун Русия Марказий Ижрой Комитети Президиумининг а’зоси Иосиф Виссарионович Сталинни Петроградга (пауза) ва ғарбий фронтнинг бошқа районларига...“ (Сталинга мурожаат қилиб): У ердаги қисмлар бутунлай яроқсиз дейишган эди шекилли... (Яна айта бошлайди): „... ғарбий фронтда юз берган аҳвол муносабати блан ҳамма зарур шошилиш чораларни кўриш учун командировка қилади...“ Хўш... Ҳали тагин бор... „Ўртоқ Сталиннинг ҳамма фармойишлари, ғарбий фронт районида жойлашган барча муассасалар, барча идораларга мажбурий“. Хўш... Яна бор... Сизнинг Царици ва Пермьдаги тажрибангизни мустаҳкамлаш керак... „Ўртоқ Сталинга Мудофаа Кенгаши номидан ҳаракат қилиш, айбдор бўлган ҳамма амалдор шахсларни ишдан четлатиш ва Ҳарбий-революцион трибунал судига топшириш ҳуқуқи берилди...“ Ўртоқ Сталин, сизнинг қўшимчаларингиз борми?

Сталин. Йўқ, ҳужжат тўла-тўқис.

Ленин (секретарьга). Ҳозирнинг ўзидаёқ босиб, имзо қўйгани менга беринг.

Секретарь. Ҳозир босаман ва олиб келаман, Владимир Ильич. (Кетади.)

Ленин. Ана, энди уларни сиз блан биз тинчитамиз. Биз уларга „суратча“ юборамиз ва ўз „схемамизни“ кўрсатамиз...

Сталин. Мен, Владимир Ильич, ба’зи амалий масалаларни кўзгамоқчи эдим...

Ленин. Ҳозирнинг ўзидаёқ демоқчисиз-да?

Сталин. Ҳа, шу нордон ахборотларнинг автори ҳам — Главком ҳақида гапираётирман — Болтиқ флотини сафдан чиқармоқчи. У, Болтиқ флотини Зиновьев истаганидек бирданига ботириб юборишга жур’ат қилолмайди... У линкорлар ва крейсерларни юзб юручи солларга айлантиришни таклиф қилади... Уларни буксирлар тортиб юрар эмиш...

Ленин. Ие, қанақасига? Ахир бу флотни ҳаракатчанликдан, оперативликдан маҳрум қилиб қўйиш деган гап-ку... Та’бирим учун кечирасиз, учига чиққан аҳмоқона фикр...

Сталин. Демак, Болтиқ флотини ҳаракатда қоладиган флот деб ҳисоблаймиз... Ишонаманки, Болтиқ флотининг матрослари

ўзларининг революцион куч эканликларини кўрсатадилар. Болтиқ флоти жуда керак бўлиб қолиши мумкин...

Ленин. Қўшиламан. Флот партияга кўп ёрдам берган ва яна ёрдам беради. Ҳа, айтмоқчи, душманнинг тактикасини ҳам, бу Черчилльнинг авантюризм, босқин, жон аччиғида чираниш, ваҳма тарқатиш каби усулларини ҳам ҳисобга олинг. Питерга юксак ҳуш'ёрлик зарурлигини уқдиринг. Бунинг учун истаган ҳарқандай чораларингизни кўринг. Оқларнинг ўн минглаб меҳнаткашларни савалаб нобуд қилишига йўл қўйишдан кўра, юзлаб хонинларни қамаш ёки отиб ташлаш афзалроқ...

Сталин. Яна бир таклиф.

Ленин. Қулоғим сизда.

Сталин. Сиз иккинчи майда, Петроградда қамал ҳолати ва қатор тадбирларни амалга ошириш ҳақида ўз имзонгиз билан кўрсатма берган эдингиз... Мен, у ердаги раҳбарларнинг буни оммага етказганига ишонмай турибман... Шунинг учун мен Петроград пролетариатига Марказий Комитет номидан мурожаат қилишни таклиф этаман.

Ленин. Ҳа, бу ишончлироқ бўлади.

Сталин. Худди шундай.

Ленин. Жуда соз таклиф... Вақтни ўтказмаймиз. Ёзамиз... (Ёза бошлайди.) Петрограднинг ишчиларига ва барча меҳнаткашларига. „Қизил Петроград жиддий хавф остида турибди. Петроград fronti Республика фронтларининг энг муҳимларидан бирига айланмоқда“.

Сталин. „Совет Русияси Петроградни ҳатто энг қисқа вақтга ҳам душман қўлига бераолмайди. Петроград, қандай бўлмасин, ҳимоя қилиниши керак...“

Ленин. „Буржуазияга қарши қўзғолон байроғини биринчи бўлиб кўтарган ва биринчи бўлиб ҳал қилучи ғалаба қозонган бу шаҳарнинг моҳияти жуда зўр. Петроград ишчилари, кучларини аямай ўзларининг ўн минглаб курашчиларини ҳамма фронтларга берганлар. Ҳозир бутун Совет Русияси Петроградга ёрдамга келиши керак...“ Шундайми?

Сталин. Бу сирни ўзингизга айтаман, Владимир Ильич, резерв олмасдан, Петрограднинг ўзидаги кучлар билан кифояланмоқчиман... Мен ишонманки, бунга эришса бўлади. Бошқа фронтларнинг диққатини четга тортиш, ёрдам сўраш ниятида эмасман.

Ленин. Хўб, жуда соз... Ўзингиз фойдали деб билганингизча ҳаракат қилинг... Бу текстни асос сифатида қолдирамиз... Кейин Политбюрода муҳокама қиламиз, уч кундан кечиктирмай текст э'лон қилинади.

Секретарь тайёр мандатни олиб киради.

Ленин (мандатга имзо қўйиб). Кўлингизга топшираман... Ва аҳвол нечоғлик оғир бўлишига қарамай, ишонманки: бардош берамиз, маҳкам турамиз. Халқимиз жуда ажойиб... Енгиб чиқамиз... Бу граждандан уруши ортда қолади, энг муҳим нарса: тинч

қурилиш бошланади. У даврлар одамнинг ҳавасини келтиради! Биз уни бесабр кутаемиз... Унга бутун кучларимизни, бутун ҳаётимизни бағишлаймиз... Сиз ҳали қирққа ҳам кирганингиз йўқ, сиз ёшсиз, Иосиф Виссарионович, ҳали кўпни кўрасиз... Хўб, муваффақиятлар тилайман. Ёдингизда тутинг — душман хавфли, бўғадиган, охири нафасгача бўғади. Черчилль эса — эски колониаль жазочи...

Сталин. Душманга қарши душманча иш кўраемиз... Уларни биз, нафаси чиқиб кетгунча бўғиб тамом қилаемиз.

Ленин. Ҳа, бир минутга: илтимос, Болтиқ флоти денгизчиларига ва Петроград фронтининг жангчилари ҳамда командирларига салом айтинг...

Сталин. Албатта айтаман. Кўришгунча хайр!

Ленин. Сизга оқ йўл бўлсин... (*Қаттиқ қўл қисиб хайрлашадилар.*) Сиздан сўрайманки: иш бўйича менга истаган дақиқангизда, истаган шароитда мурожаат қилинг...

ВАҲОБ РЎЗИМАТОВ
таржимаси.

ИЛЬЧИМИЗ

САИДА ЗУННУНОВА



У чинакам қуёш бўлиб, ҳаёт бўлиб туғилди.
Зулмат-олам ярқ этди-ю, ёруғланди кўзларда.
У кўринар иқбол бўлиб, умр бўлиб, нур бўлиб,
Лаблардаги кулкуда-ю, табассумли юзларда.

Ўша куни ранг югурди ҳатто гуллар юзига,
Ўша кундан серзавқ бўлди булбулларнинг қўшиғи.
Тезроқ озод бўлишини орзиқиб кутган инсон
Мана ўша кундан бери яшамоқнинг ошиғи.

Қуёшдан ҳам табаррукроқ бўлган унинг умрига
Сра ўлчов бўлолмайди на асрлар, на йиллар.
Чунки ҳаёт бергучини айтиб бўлмас ўлди деб.
Асрдошим деб атайди уни мангу насллар.

У яшайди озод қалбнинг қўшиғида, куйида,
Мазлумларнинг орзусида умид юлдузи бўлиб.
Ўлди демоқ мумкин эмас, ахир унинг ўзи-ку
Туғилгандир инсон учун умрнинг ўзи бўлиб.

Кечагина биз қутлаган кўп муборак етмиш йил,
Эндигина яшамоққа бошлаган ёши эди.
Озод олам оёғига қолқиркан, Сталинни
Бир оғиздан — Ильичимиз, Ленинимизсан! — деди.

ОЙБЕК

ОЛТИН ВОДИДАН ШАББОДАЛАР...¹

Роман

X

Анорхон кичкина аравада звено даласига гўнг ташиш блан овора эди. Завод ўғитидан ташқари, гўнгни „шарбат“ қилиб далага оқизмоққа жазм қилган эдилар. Эскириб кукунланган гўнгни бир подачи бола жуда олисда, қирда толиб, қизларга дарак берган эди. Кичкина, митти бўз эшак таниш йўлларда шошмасдан, ялқовланиб юрар, унча-мунча таёққа парво ҳам қилмас эди, қияликлардан тушишда оёқлари илдам махлуқ, сал баландликка кўтарилишга эринар, Анорхон гилдиракни бутун кучи блан итариб, „ҳаром қот!“ деб эшакни савалар эди. От қўшилган телегада ташиётган Дилшод ва Анзират йўлда учраб, гоҳо унга ҳазиллашар эдилар: „Миниб олинг опа, юки енгиллик қилаяпди шекилли...“ Лекин Анорхоннинг кайфи чоғ эди. Ҳамма ўртоқлари каби, у фақат звенонинг ша’нини ва энг юқори ҳосил олмоқ учун халқ олдида берилган ва’дани бажаришни ўйлар, звенонинг ҳар муваффақиятига қувонар, нолишни билмай ишлар эди. Чарчаса, ариқ бўйида, дарахт салқинида ўтириб, бирпас дам олар, мевалардан тотар эди. Анорхон куннинг авжи қизиган пайтида, тупроғи бозиллаган йўлда, қаттиқ фижирлаган аравадани ҳайдаб борар экан, сўлдан, ёлғизоёқ йўлдан унинг ўртоғи чиқиб қолди. Бу қиз — Анорхоннинг суйгани Жамолнинг синглиси, у бир сават қора — қизил олуҳиротни бошига қўйиб, қаёққадир борар эди. Анорхон аравадани тўхтатди.

— Ширин ойма бу, эсон-омонмисен?—хурсанд бўлиб, анча наридан қичқирди Анорхон.

Шириной салқинга ўтиб, саватни ерга оҳистагина қўйди. Улар қучоқлашиб кўришдилар.

— Нега кўринмайсен?— сўради Анорхон.

¹ Боши журналнинг 11-нчи сониди.

Қорачагина, истараси иссиқ Шириной нозиккина, холдор юзидан терни артиб, нафасини ростлаб жавоб берди:

— Бизнинг колхозда ҳам юмуш кўп. Яқиндагина қирдан қайтдим. Неча марта учрашай дедим-у, вақтим бўлмади. Яна сени хафа қилишним хоҳламадим, ўртоқжон.

— Нима гап?— ранги ўчиб сўради Анорхон.

Шириной индамасдан бошини қуйи эгди, фақат унинг қисикроқ қора кўзларидан юм-юм ёш қуйилиб кетди. Анорхонга бутун сир аён бўлди. Унинг бутун борлиги аламдан қақшаб, бўшашиб ерга ўтириб қолди ва гўё товуши ўчгандай, шивирлаб сўради:

— Қаердан билдинглар?

Шириной ўртоғи ёнига секин чўққайди, ух тортиб, энтикиб деди:

— Акамнинг ўлгани тўғрисида икки йил бурун хабар келган экан, лекин, амаким ҳаммадан яширган экан. Мана яқинда сирни аямга очибди...

Анорхон бўғилиб-бўғилиб йиғлади. Анорхон Жамолни шундай кучли, шундай юракдан севишини Шириной энди англади, воқияни билдирганига ҳам ичда пушаймон қилди, Анорхонни кучоқлаб, юзига юзини суриб, бошини силаб, йиғи аралаш юпантирабошлади. Қаердандир кишиларнинг овози эшитилгандан кейин, Анорхон бошини кўтариб, ўзини дарахт панасига тортди. Шириной кўзларини артиб деди:

— Тур, биров сезиб қолмасин. Ишингга бор. Мен ўзим эртаниндин уйингга келамен. Бемалол ҳасратлашамиз, ичимда дард кўп, ўртоқжон!

Анорхон юз-кўзини ариқда юва-юва, дарддан мажолсизланиб, секин ўрнидан турди ва ўртоғи блан хайрлашди. Қирга етганда қизик жанжал устидан чиқди у. Звено бошлиқларидан бири ўжар, жанжалкаш ўспирин Мадаминжон гўннга хужайин ё шерик бўлмоқчи эди. Тансиқ индамас, хўмрайиб турарди. Дилшод бир қўлини белига тираб, иккинчи қўли блан йиғитчага дўқ қилар, жиғибийрони чиқиб қичқирар эди. Шу вақтда даладан ғалла ташиётган аравалар гиж-гиж қилиб ўтабошлади ва чанг булути орасидан Собир Эрматов пайдо бўлди. Тўзонга кўмилган қошларини чимириб, ҳаммага бир-бир қараб, сўради:

— Яна нима гапто?

Қизлар ҳарёқдан чувуллашиб, воқияни тушунтиришди. Собир интизомга риоя қилмаган жангчини сўроққа тутган командир каби, Мадаминжонга тикилди-да, сўради:

— Хўш, бу қандай зўравонлик?

— Мен кўзлаб қўйган эдим, булар қўлимдан юлаяпти,— жавоб берди қовоғини солиб Мадаминжон.

— Эгаси йўқ мол — олдин топғанники,— қўлини силтаб деди Собир.

— Бизга подачи кўрсатди,— деди Дилшод қувониб.

— Менга ҳам у айтган эди,— куюниб мурожаат этди Мадаминжон Собирга.— Ўйланг, мен нима, шалгом* экканманми? Мен ҳам пахтакор, мен ҳам юқори ҳосил олмоқчимен!

— Хўш, ва'данг қанча?— кулиб сўради Собир.

— Қирқ центнердан,— гердайиб жавоб берди йигитча.

— Қизлар-чи? Юз!— Кўрсаткич бармоғини ҳавога қадаб деди Собир.— Ҳай, Мадамвижон, йигитсен, белинг араванинг ўқидай маҳкам. Инсоф қил! Қизалоқларнинг мардлигига тан бер, шу ердан, шу жазирамада қир ошиб, ўз даласига ўғит ташиганлари учуноқ мен орденларимни ҳаммасига битта-битта тақиб қўйгим келяпди ҳозир. Қани, қўлни бер, ука, келар йил мусобақада иккимиз бел ушлашамиз. Бир юз ўн центнерга. Тобинг борми? Ана унда жанжаллашсак ярашади!

Мадамвижон пўст думбадай тоза тарашланган бошини сал эгиб, ўқрайиб, аста узоқлашди. Собир бирнеча минут қизлар блан гаплашди-ку, лекин Анорхонга индамади: Унинг бир четда қовоғини солиб турганини кўриб, йигит ўзидан ранжиди: „Гапим қаттиқ теккан эканми?“ деб ўйлади ва аравалардан бирига сапчиб миниб, жўнаб қолди. Қизлар Собирни махташди: Анорхон индамади, унинг қовоғи солиқ эди, ба'зан беихтиёр, уҳ тортар эди. Тансиқ бунинг сабабини сўради, лекин Анорхон ўз ҳолимга қўй дегандай бошини ғамгин силкди. Иш яна қизиб кетди.

Кечқурун Анорхон чайлада дардини Тансиққа очди ва йиғлади:

— Мен ҳам ачинамен Жамолга, лочиндай йигит эди,— деди Тансиқ хафаланиб. — Лекин энди қайғу беҳуда. Бу ғам ёлғиз сенинг бошингдами? Энди дардингга сув сеп. Кенгашим шуки, агар хоҳласанг... Собир акадан қолма! Бу жуда яхши йигит. Бахтли бўласен, Анорхон.

— Вой, юрагинг тошданми? Мен уни қандай унутамен?— деди жаҳл ва дард блан Анорхон.

Ҳакима чайлага қувониб келди, грузовойда шаҳардан артистлар келганини ва кечаси катта концерт бўлишини ҳовлиқиб айтди. Анорхондан бошқа ҳамма қизлар қувониб, кийиниш учун уйларига югуришди.

Қишлоқ тамошага серҳафсала. Клуб орқасидаги кенг, текис сахна олам қалин. Ҳарким ўзи учун ўнғай жой қидирирди. Дарахтлар тепасида болалар шамолоқ. Чойхоначи Додамат давранинг тўрт томонига ўрнатилган катта маш'алаларни ёқиш блан ҳаммаёқ ёлқинланиб кетди. Худди ёнғин ичида қолгандек, дарахтлар алангаланди. Болаларнинг шовқуни яна кучайди. Конферансье ўртага чиқди, галстугини тузатиб, қўлининг ишораси блан халқни жим бўлишга ундади, пахтачиликни ривожлантиришда колхозчилар учун янги муваффақиятлар орзу қилиб, концертни очди. Сув қуйгандек жим-житлик ичида халқ қўшиқчиларни тинглади, ҳарбирини қарсақ ва қийқириқ бўрони блан олқишлади. Мана чирмандаларнинг вадавонг садоси ҳавода янгради. Икки ўйинчи қиз „Қичиқ атлас“ кўйлаklarини маш'алалар шу'ласида товлангириб, кенг даврада рақсга тушди. Қўллар чапакдан ёнди. Дарахтлардаги болалар ҳам ўзларининг кўм-кўк инларида чапакка қўшилдилар. Айниқса йигит-ялангларнинг шавқи авжига етди. Дадамат дамбодам мой қуйган маш'алалардек,

Баъз ва хурсандчилик қизиб кетди. Артистларни халқ қайта-қайта чақираверди...

Тансиқ музика, қўшиқ, рақс деб жонини беручи Аворхоннинг келмаганига ачинди ва концерт тугамасданоқ ўртоғининг уйига илдам жўнади.

* * *

Мирҳайдар ўз ҳовлисида артистларга ширингина зиёфат берди. Кайфи баланд меҳмонлар қий-чув блан хайрлашиб, қўшини колхозга ўтиб кетгандан сўнг, Ўктам уйга жўнади. Гапдон, хушчақчақ меҳмонларга қизиқиб, у ҳам майни қониқиб ичган эди, чала ешиниб, тош қотиб ухлади. Эрталаб, новуштадан кейин, онаси блан олдин-кетин далага чиқди. Сорабиби сабзавотни ўтоқлаш учун қайрилар экан, ўғлига деди:

— Болам, йўл узоқ. Пича яқиндан, осовроқ иш берсанг менга.

— Қимирлаган қир ошар, дейдилар-ку. Майда қадам блан бориб қоласиз, интилаверинг, ая,— деди кулиб ўғли ва колхоз ерининг этагида янги очилаётган ерга кетатуриб, ўйлади ичида у: „Ватани офат таҳликага солганда, қари қартанглар ҳам сўнги кучларини билакка йиғиб, меҳнатда фидокорлик кўрсатдилар. Ҳазабдан қўлга қурол олиб, ботирлардек жанг қилган кексалар ҳам оз бўлмади (кекса баҳодир партизанлар кўз олдига келди ўғиллари, набиралари учун немисдан ўч олишга уларнинг частга кўнгилли равишда қуролланиб келган, оқ соқоли кўксига мухтарам бир рус кексасини эслади Ўктам). Қийинчиликлар йўқотилган сайин кексаларни ишдан дархон қилиш керак. Олдин уларни жуда енгил, улар учун эрмак бўладиган ишларга қўйиб, кейин тамоман бўшатиб, нимани роҳат деб билсаларинг, шунини қилинглар дейилса... Бунинг учун ёшларнинг меҳнатини яхши уюштириш керак, энг муҳими — машиналардан, электрдан фойдаланиб, кучни, вақтни тежаш лозим...“ Шундай ўйлар блан Ўктам қизгин, суронли меҳнат майдонига келиб қолди. Бу — жарликлар орасида кичкина тўқай эди. Йигирмага яқин комсомоллар — йигитлар ва қизлар ғайрат блан ишлаб, тўқайни қамишдан, ҳархил ёввойи буталардан тозаламоқда эдилар. Ҳозир жар ёқаси бўйлаб, бир тутам тўқай қолган эди. Очилган ерда бошлари мажақланган иккита узун, йўғон, олачипор илон ялтираб чўзилиб ётар эди.

Ўктам олдига комсомол ташкилотининг секретари Ўсаржон Султонов югуриб келди. Тикан ва чўғирлардан унинг қўллари, жиддий, мардона, чиройли юзи юлинган, қирилган эди. Фақат қийғоч жовдироқ кўзларида наш'а учқунланар. Ўсаржон пешонасига тушган сочларини бошини кескин бир силкиш блан кўтариб, хурсанд ҳолда деди:

— Бугун кечка қолмай битирамиз, Ўктам ака.

— Темп жойида. Мўлжалингда неча гектар?

Ўсаржон майдонга қирғийсимон қараб, тўртта бармоғини кўрсатди ва кулиб деди:

— Колхоз рўзғорига яхшигина суфра...

Ўқтам хурсанд бўлди. Ўсаржоннинг камаридан ушлаб, бўш келмайсен дегандай, силкиб-силкиб қўйди ва буйруқ йўсинида деди:
— Эртагаёқ тракторни соласен, ерни роса ағдарасенки, бутун безгаги учиб кетсин. Сувни текис ичадиган йўсинда жўяк олдирасен кейин.

— Хотиржам бўлинг, Ўқтам ака,— деди ғурур блан Ўсаржон.— Ҳали қанча ўғит тўкамен! Бу ердан энг камида эллик тонна сабзавот олишга бошим гаров бўлсин! Фақат сиз усталарни қимирлатинг, новни тезроқ ярасинлар.

Колхоз ери блан тўқай орасини кенг, чуқур жарлик айирар эди. Ўқтам ва Ўсаржон жар ёқасида юриб, новни ўрнатиш учун боп жой қидирдилар. Гап орасида Ўсаржон бирдан Ўқтамга мурожаат этди:

— Ўзи нима гап? Раис блан ораларинг тарангроқ эмиш?

Ўқтам илжайиб, масаланинг моҳиятини холисона тушунтирди.

— Ёшлар сиз томонда,— деди Ўсаржон қат'ият блан.— Энди ертанинг ўйи блан яшайдиган замон келди. Электр кўзгагина эмас, қўлга ҳам ёрдам берсин. Эски тегирмонни станцияга айлантирармишлар. Ўтмас пичоққа олтин соп!

— Барибир бизники устун келади. Қадамимиз — замон қадами,— деди Ўқтам.

— Мирҳайдар ота ақлли чол. Балони билади,— деди Ўсаржон.— „Маромини энди ишлатмай қўйди, фақат „бомаслаҳат“ қолди. Буниси, албатта, махташга лойиқ. Менимча, ба'зи масалаларда чолнинг ўжарлиги бежиз эмас. Ба'зи одамлар чақимчилик қилиб, чолни авраб, сиздан уни айнатишга урунаётди.

— Мен ҳам сезамен. Лекин кимлар?— қизиқсинди Ўқтам.

— Масалан, ҳосилот раиси,— жавоб берди Ўсаржон.— Гарчи у яқин қариндошим, лекин одатларини ёмон кўрамен. Шайтонроқ, хасадчироқ, писмиқроқ одам... Бу тўғрида, Ўқтам ака, бафуржа гаплашамиз, дурустми?

Ўқтам бошини қимирлатиб, хўб, деди. Икковлари қўлларига кетмон олиб, ҳаммани ўзишга ундаб, ишга қаттиқ киришдилар.

Тушки овқат вақтида Мирҳайдар келди, атрофга аланглаб ҳайрон қолди, ёшларни махтади: „Ёш қўли — арслон панжаси!“ Кейин ердан бир чимдим қора, нам тупроқ олиб, каптида аста уқалади, қидлади жиндаккина тупроқни тил учи блан ялаб кўрди-да, тупурди ва Ўқтам ҳам Ўсаржонга қараб, салмоқланиб деди:

— Ўбдон пишיתיш керак. Гап хамирдагина эмас, ошпазнинг қўлида ҳам гап бор. Лағмонга унинг қўли маза беради. Хуллас калом, меҳнатни аяманглар. Ава унда бу жой хийла танги бўлади.— Бироздан кейин Ўқтам раисга ҳамроҳ бўлиб, қолоқ ғўза участкаларини кўздан кечиргани кетди. Йўлда кечроқ, сояроқ сабзавот участкасида Ўқтамни таниш аёл товуши чақирди. Раис парво қилмади, қўлларини орқага қўйган ҳолда, кетаверди. Ўқтам ўтоқ блан банд Мастуранинг тепасида тўхтади:

— Хуш, қулогим сизда,— деди Ўқтам.

Аёлнинг қовоғи солиқ, пешонаси тиришган эди. Ўрнидан турмасдан, Мастура кўзларини юқорига, Ўктамга олайтирди ва ўтиришни сўради.

— Вақт зиқ, гапираверинг, — деди ижирганиб Ўктам.

Мастура куюниб бидирлади:

— Нима, менда қасдингиз борми? Ўз пешона жерим блан обод қилган томорқамизни, кийим бичган чевардай, кесиб-кесиб алакимларга тортиқ қилдингиз. Куйдим, ўртандим — чидадим. Мана энди икки қўлим балчиқда. Шу ҳам ишми? Уҳ, эссиз умрим. Чўлда ширин-ширин овқат пишириб юрганим ҳам бир ғанимат экан...

— Жуда ношукур, жуда нозчи хотин экансиз-да, — деди Ўктам заҳарханда блан, — қирда, саҳройи бўлдим, деб қулоғимни битирдингиз. Бир кун офтоб тегди, деб ётдингиз; бир кун, гармисар урди деб инградингиз. Мана ҳозир ўрнингизда Дилшоднинг аяси ишлаяпти. Ўзи ҳам, ўроқчилар ҳам хурсанд. Ўтоқ — болаларнинг, кампирларнинг иши. Сизда қитдай инсоф бўлса, пахтада ишлар эдингиз! Ана унда меҳнат нима эканини билар эдингиз! Мен сизга олдиндан айтақолай — яқинда чопиққа юбо-рамен сизни. Нормани бажаришни талаб қиламен!

Мастура тўсатдан ўзгариб кетди; илжайиб, қора минчоқдек кичкина, айёр кўзларини ноз блан сузди-да, юмшоқ, сирли товуш блан деди: „Бирпас ўтиринг, гапим бор“. Мастура Ўктамни ўз ёнига ўтқазиб, иложи бўлса, унинг елкасига секингина қўл ташламоқчи эди: ўткинчи колхозчилар кўрса, Ўктамни та'налайди, обрўси тушади! Вақти зиқ, Ўктам ўтирмади.

Мастура лабларини ялаб, атайин теваракка аланглаб, шивирлади:

— Нуқул мендан хафа бўласиз, лекин қирда бўлиб ўтган воқиалардан хабарингиз борми?

— Хўш, унда намалар бўлди? — қизиксиниб сўради Ўктам.

— Айтишга тилим ҳам бормайди... — жавоб берди аёл қошини айёрча чимириб. — Бир кун эрталаб ёлғиз ўзим чодирда ётган эдим. Тепа остида Анорхон чой қайнатарди. Чой қайнаган бўлса, бир пиёлагина ичай деб ташқари чиқдим. Пастга қарасам, Анор ёнида Собир ака ўтирибди, кўзларини қизга шундай қадаб гапираяпти. Тепа лабида узала тушиб ётдим, дарров қулоқ солсам, Собир ака қўрғур қизни хўб алдаяпти, авраяпти: сани яхши кўрамен, жоним сенда, ёс - хушим сенда. Кўзларингдан аканг, сўзларингдан аканг, мендан бошқасини ўйлама, дейди...

— Яна? — илжайиб сўради Ўктам.

Мастура жавоб бермасдан, ўтоқ қилишга урунган бўлди. Ўктам Анорхонга кўнгил қўйган, деб ўйлар эди у. Ўктам Анорхонга табассум блан чой қўйганини, унга бирнеча марта ашула айтдирганини, бир кун тепаликка чиқишда Ўктам қизнинг қўлидан тортганини ва суюнганини кўрган эди. Ҳозирги мақсади эса, чақимчилик қилиб, қалин дўстларнинг орасини бузишга уруниш эди.

— Фақат шуми, нима бўлди яна? — яна жиддий сўради Ўктам.

Мастура кўзларини маккорона ўйнатиб жавоб берди:

— Улар сезмай қўяқолсин, деб жимгина орқага қайтдим. Ким билади, йигит блан қиз ёлғиз ўзлари ёнма-ён ўтиришса, кўнгиллари нималарни истамайди!

— Бу сирни менга айтишдан мақсадингиз нима? — кинояли кулги блан сўради Ўктам. — Агар сўзларингиз рост бўлса, мен жуда хурсанд бўламен. Собирдай азамат йигит блан Анорхондай жонон қиз бир-бирини севса, бир-бирига қовушса, ёмонми? Иккиси ҳам олтин. Агар қиз рози бўлса, тўйбоши ўзим бўламен! Сиз мана бу гапни қулоғингизга қуйиб олинг: гап ташучи, тирноқдан кир изловчиларни, чақимчиларни мен жуда ёмон кўрамен!

Мастура лабини бурди, ўзича нималарнидир пичирлаб, тескарн қаради. Ўктам пахта даласини бўйлаб, ёлғизоёқ йўлда илдам одим отди.

XI

Рустам Сайрамов ўз ҳовлисига кирди-ю, ариқ устига қўйилган катта, кенг ёғоч кроватъга ҳорғин ўтирди ва дарров этигини, уст кийимларини ечди. Тунги шамол унинг тукли, бақувват, кўкрагига роҳат бағишлади шекилли, енгиллаб чуқур нафас олди. Секретарънинг қалин қошли, бодомқовоқ, тўлагина, очиқ кўнгил хотини соатга қараб, эрининг барвақт келганига, илдам ечинганига ҳайрон қолди. Эрининг кеч қайтишига, ҳатто қайтмаслигига ҳам одатланиб қолган эди у. Яна бугун бир ўзи келди. Кўпинча секретаръ областъдан ё марказдан келган бирон ходимни бошлаб келар эди. Шошиб-пишиб овқатланаркан, шунда ҳам бутун гап районнинг сиёсий ва хўжалик масалалари, турли қарорлари ва уларнинг бажарилиши, ипак, пахта, ғалла, сув, машиналар ремонти ва ҳархил планлар ҳақида борар эди.

— Бугун байрам қилиб юбордик, — деди хотинига Сайрамов кулиб.

— Болалар қани?

— Чолнинг ёнида.

Сайрамов енгил шиппагини кийди ва ҳовлининг нариги бурчида, дарахтлар орқасидаги айвонга қараб юрди. Қари бобони набиралар қуршаб, эрмак қилишмоқда эди. Каттаси ўн бир, энг кичиги тўрт яшар болалар — икки ўғил, икки қиз сурон кўтариб, дадага отилишди. Сайрамов шўх кичик қизчасини дарров елкага миндириб, дадасининг ҳолини, кайфини сўради. Чол кўркам соқоли орасида яширинган лабарини аста қимирлатиб гапирди:

— Бу шўхлар блан овуниб ўтирамен. Болам, мана шу иккита кичигининг тилига сра тушунмаймен. Нуқул русча гужуллайтиди. Иккита каттаси мен блан ўзимча гаплашади. Ҳаммасининг умри узоқ бўлсин, сен ҳам мендай қариб, буларнинг бахтини кўр.

Чолни яқинда келини Тошкентдан олиб келган эди. Унинг отаси бир замонлар унга, йилинг сичқон деган экан. Чолнинг ўзи тунов кун бармоқларини бир-бир букиб, мучални санаб, саксон олти ёшга кирганини ўғлига айтган эди. У ўз умрида ўн йиллаб мордикорчилик, ҳаммолчилик, ўн йиллаб ямоқчилик блан

тирикчилик қилган эди, қарилигида бахт кўргани учун чол бениҳоят хурсанд. Рустамдан бошқа икки ўғлининг бири доктор, бири инженер. Ўғиллари ва қизларидан йигирма бир набирага бобо эди у.

— Зерикдингизми, дада?— сўради Рустам.

— Гоҳо бирпас эшикка чиқамен,— жавоб берди соқолини тутамлаб чол,— ўтган-кетганга разм соламен. Шаҳарчанг ширингина жой экан. Одамлари хушмуомила... Боғ меваси блан, шаҳар фуқараси блан. Суви ҳам мазали экан.

— Сизга ёқибди, жуда хурсандмен. Шаҳарчамиз яна обод бўлади, дада.

— Модомики, ҳукумат сени бу ерга улуг қилибди, сен шаҳарни обод қил, ўғлим! Ишингда тўғри бўл, ҳукуматнинг чизигидан қилча ҳам четга чиқма, мендак бир хокисор қашшоқнинг боласини шундай шаҳарга ва атрофига катта қилиб қўйган ҳукуматга раҳмат. Адолат ҳаққоният мана бу!

— Юринг овқатга, ё шу ерга келтирсинми?

— Қорним тўқ, болам. Ҳалигина келиним, илоҳим барака топсин, нуқул қиймадан сомсадай-сомсадай янгича овқат берди. Юмшоққина экан, ўбдон едим. Чой берсаларинг бас. Ҳа, айтгандай, қачон мени Тошкентга жўнатасен?

— Кетишни уйламанг, мен сизни жуда соғинганман-ку,— деди кулиб Рустам ва дадаси блан яна бирпас суҳбатлашиб, кроватга қайтди. Болалар бироз тўпалон қилишиб, ётишди-ю ухлашди. Фақат катта ўғил Озод дарахт шохидан осилиб турган катта лампа остида, русча қалин китобни тиззасига қўйиб, мутолаага берилди. Хотин бир коса жарков келтирди. Сайрамов ма'нодор илжайиб, вино сўради. Дарров бир шиша „Ҳосилот“ ҳам келди. Сайрамов секин-секин косани ҳам, шишани ҳам бўшатди. Кейин эр ва хотин у-бу тўғрисида бирпас суҳбатлашдилар. Хотин ўн йиллик мактабда тил на адабиёт муаллимаси эди. Район маориф ишларидаги камчиликлар ҳақида гапириб, эрини танқид қилди у:

— Биладан, маорифга унча қунт қилмайсиз.

— Йўқ, жоним, ҳозир ундай эмас. Мактаб масаласига бу йил яна кўпроқ қунт қиламиз,— деди Сайрамов.

— Кўрамай!— деди хотини ма'нодор жилмайиб.

Ярим соат қадар радио тинглашгандан кейин, Сайрамов папирос чекиб, газетларни бир-бир кўздан кечирабошлади. Хотини расми журналларни варақлади. Мана Озод ҳам қалин китобини ва жингалак сочли бошини ёстиққа қўйиб, бирпасда ухлаб қолди.

Деразалари, эшиги ёзчасига ланг очиқ қаршидаги хонадан телефон жаранги эшитилди. Сайрамов гурсиллаб хонага югурди ва дарров қайтиб чиқди-ю, этикларини қидирабошлади. Хотини унинг юзига қараб, шошиб сўради:

— Нима гап? Тинчликми?

— Юқорида тўғон бузилибди,— жавоб берди Сайрамов пихиллаб.

— Войбу!— деди аёл ташвишланиб.

Сайрамов этикларини шошиб-пишиб кияркан, хотини унинг кенг қалин оқ шойи кителини қўлда ушлаб, кийдиришга тайёр

бўлиб турди. Ҳозирги кунда колхозлар учун сув нима — буни хотин ҳам яхши англади. Бурунлар сувга ялчимаган бу район ерлари „Катта Фарғона канали“ қазилгандан кейин сувга анча сероб бўлиб қолган эсада, шу паллада, пахта майдонлари авжи сув талаб бир замонда, сувни жуда тежаб, қаттиқ тартиб блан тақсимлашга тўғри келар эди. Айрим бригадалар, звенолар орасидагина эмас, ҳатто аҳ‘ён-аҳ‘ёнда колхозлар орасида сув юзасидан талашиш-тортишиш рўй берар эди. Бузилган тўғон — унча мустаҳкам бўлмаган, муваққат тўғон эди, лекин ундан бирнеча колхоз сув ичар эди.

Сайрамов уйдан илдам чиқди. Соат бирдан ошган эди. Район маркази — шаҳарча жимгина ухлайди. Унда-мунда дарахтлар орасида чироқлар порлайди. Фақат олисдан, МТСнинг ҳовлисида машиналар ва одамларнинг шовқуни эшитилади, ишхона труба-сидан ҳавога учқунлар тинмай сочилади. Сайрамов йўлакай район ижроком биносига келди, ярим очиқ деразалардан раис кабинетига қаради. Раис қандайдир қоғозларни папкаларга ошиғич равишда солмоқда эди.

— Воқиядан хабардормисиз? — сўради Сайрамов.

Район ижроком раиси қирқ беш ёшлардаги Зуфар Маҳкамов ўрта бўйли, зуваласи пишиқ, кўзлари чақчайганроқ киши эди. Шошиб деразага келди:

— Ҳозир сизга телефон қилмоқчийдим. Сув қурғур ҳамиша шундай, кугилмаганда қутуриб қолади! — деди Маҳкамов ва одатича, бурнининг учини бармоғи блан бир туртиб қўйди.

Маҳкамов бу одатни ташлаёлмасди. Айниқса, мажлисларда сўзга чиққанда бурнини тез-тез туртар эди у. Судда хизмат қилучи олифга, сўзамол қизи унинг бу одатига куйинарди: „Мажлисда сўзга чиққанда, икки қўлни чўнтақларингизга солинг, қўлларингиз бирон нарса блан банд бўлиб турсин“. Маҳкамов қизариб, астайдил дер эди: „Унда сўз келмай қолади, мен синадим. Хўш, халқ олдида дудуқланганим яхшими?“.

Сайрамов сабрсизланиб сўради:

— Водхоз қаерда? Биладими?

— Жўнаб кетди ҳозир.

— Чарчаган бўлсангиз, сиз қолақолинг, — деди Сайрамов.

— Йўқ, уйқу келадими энди, — деди Маҳкамов ва бурнини яна туртиб қўйди.

Тош кўчалар отлар туёғидан қалдираб кетди бирдан. Мана район раҳбарлари энди чанг булути кўтариб, дала йўлида еладилар. Бир вақтлар финагент, сельсовет раиси, инструктор ва „Қизил Ўзбекистон“нинг қишлоқ мухбири, район суд ходими каби турли мансабларда ишлаган Маҳкамов қувроқ ва расмиятчи-роқ эди. Бурунлар у ҳечқандай танқидни кўтармас, кимки унинг нуқсонлари ҳақида оғиз очса, уни душмандай билар эди. Лекин Сайрамов келгандан буён, унинг та‘сирида, Маҳкамов хийла ўзгарди ва ўсди, танқидга энди қизариб-бўзариб дош беради.

Отлиқлар катта дарбозадан „Социализм“ колхозидорасининг катта ҳовлисига киришди. Чироқ милтираган бир хонадан секре-

тарь қиз ва икки йигитча югуриб чиқди. Афтидан, улар эртанги иш планини тузмоқда эдилар.

— Раис қаерда?— сўради Маҳкамов қичқириб.

— Ҳозир уйга кетди,— жавоб берди қиз бақрайиб.

— Тўғон бузилибди. Йигитларни, сувчиларни чаққон олиб борсин,— буюрди Маҳкамов.

— Ҳозир, ҳозир!— қичқиришди ёшлар.

Райком секретари ва Маҳкамов гоҳ айрилишиб, гоҳ яна тўсатдан учрашиб, колхозларда одамларни уюштирдилар, материал ташиш учун машиналар, аравалар юбордилар. „Азамат“ колхозида раис ҳовуз бўйида, чўғдай ёнган гилам устида опноқ ёстиқларга ёнбошлаб, бирнеча жўралари блан кайф қилмоқда экан. Маст раис Сайрамов отининг жиловини ушлаб, ялтақланиб деди:

— Э... жоним фидо бўлсин, марҳамат, марҳамат. Тушинг, бир нафас дам олинг. Ҳай, Қосимали, қаердасен, уйга югур, хабар бер...

Бу киши бир вақтлар, колхоз қурилиши ва пахтачилик соҳасида хизмат кўрсатганлардан бири эди. Кейин, район ва область миқёсида юқори мансабларга кўтарилди. Лекин кеккайгани, машатга берилгани ва ишда ўсмагани учун, балки ўзига таниш ишда тузалар, яна ўзини кўрсатар, деган умид блан колхозга қайтарилган эди. Сайрамов хўмрайиб деди:

— Планларни бажараяпсизлар, эрта-кеч базм, кайф-сафоларинг ярашади!

Бу киноя раисга, худди бошидан бир челақ муздай сув қуйгандек, та'сир қилди. Бирдан бўшашиб жиловни қўйиб юборди. Тўғон бузилганини эшитгандан кейин бақариб-чақариб югурди.

Сайрамов тўғон бошига келганда, бу ерда иш қайнамоқда эди. Водхоз бошлиғи ёш инженер-ирригатор Муродов худди катта ёнгин вақтидагидай, ошиғич, гайрат, жасорат ва ҳаяжон блан иш олиб бораётир. Қоронғида Сайрамов энг яхши миробларни овозларидан таниди. Одамларнинг кўпи ваҳимали гувуллаб, пахта отилаётган сувда эди. Яна ҳарёқдан узлуксиз равишда тўда-тўда колхозчилар келар, тўғри суронли курашга отилар эдилар. Кўп ўтмасдан машиналарда, араваларда уюм-уюм шохлар, ёғочлар ва ўзга материаллар келабошлади.

— Муродов, ишни пишиқ қил, тош бос, тош!— қичқирди Сайрамов.

— Хотир жам' бўлинг, боппаймиз!— қичқирди товуши борича Муродов.

Кимдир катта маш'ала ёқди. Сув тўлқинлари қипқизил оловланди. Колхозчилар сурон блан материал ташимоқда эдилар. Собир бутун-бутун харсангларни, ортиқча кучанмасдан, аллақайдандир кўтариб, қора терга ботиб югурар эди. Ўктам эса кўпирган, ўкирган сувда бўйнигача ботиб, ҳансираб ишламоқда. Сайрамовнинг юраги тўлқинланиб кетди. Халқнинг шовқунли, мардона курашини, қаҳрамонона ишини кўрганда, уни ҳамиша ҳаяжон қучар эди. Машҳур халқ қурилишларида ўн мингларча халқнинг баланд руҳини, фидокорлигини, имконсиздек кўринган ишларини му'жиза-

дор қахрамонлик блан бажарганини, энг азим қийинчиликларни ажойиб уюшқоқлик, уқув ва мардлик блан баргараф қилганини Сайрамов кўп марта кўрган. Ҳозирги кураш у буюк ишларга нисбатан бир томчи эди гўё. Лекин томчида қуёш акс этганидек, партия тарбиялаган, чиниқдирган совет одамларининг гўзал сифатлари бунда ҳам ёрқин намоён эди. Сайрамов оқ шойи кителини ечиб, қаёққадир отди-да, қизгин ишга астойдил қўл урди. Ишга киришганда ўзини унутадиган даражада қайдиқиш, берилиш— унинг одати эди. Кўпириб қайнаган сувга йиқилаёзган секретарьни Муродов базўр ушлаб қолди.

— Ўртоқ Сайрамов, мироблик осон эмас!— ҳазиллашди Водхоз бошлиғи.

— Жуда қизиб кетдим, бир шунғусам. маза қилар эдим-да,— деди Сайрамов ҳансираб.

Юлдузлар бирин-сирин ўчиб, тонг отабошлади. Сайрамов район ижроком раисини чақирди. Унинг кийимлари жиққа ҳўл; бурнининг устига нўхотдай лой ёпишган эди. Сайрамов дастрўмолча блан артиб қўйди. Маҳкамов хохолаб кулди. Кейин улар колхоз раҳбарларини йиғиб, халққа овқат тайёрлаш ҳақида ўйладилар. Қуёш чиққанда ҳар ерда катта кубларда чой қайнарди, ҳарёқдан нонлар, мевалар келабошлади. Райком секретари муҳим мажлисини ўтказиш учун, соат ўн бирларда ишни Маҳкамовга топшириб, отга минди ва Муродовга деди:

— Сув босилди, энди шошмасдан, мустаҳкамлаш керак, темир-битондай қилиб юбор, ука.

— Халқ кетаверсин, ўн-ўн беш полвон қолса, бас,— деди кўзлари қовжираган ҳорғин инженер.

— Кечга яқин келиб, текширамен, билиб қўй, дўстим.

— Биламен.

— Ғайрат кўрсатдинг,— деди дўстона оҳангда секретарь.— Бор энди, овқатлан, бирпас дам ол!

Тўғондан қайтишда йўлда Ўктамнинг кўзи Комилага тушди, Қиз ким бландир сўзлашиб борар эди. Йигит илдамроқ юриб, унга етиб олишни истади-ю, броқ, нечундир, ботинмади. Содда одамшаванда, қувноқ қизни Ўктам ўз хаёлида эришилмас юксак чўққига чиқариб қўйган эди. Мана у ўз колхозига элтадиган йўлда тўхтади, броқ қайрилгиси келмади. Уни Комиланинг излари илмади. Тепаликдан ошгандан кейин қиз ёлғиз қолди. Ўктам одими тезлатиб, унга бараварлашди:

— Салом, Комила опа,— деди Ўктам қизоринқираб.

— Э, ўртоқ Носиров, йўл бўлсин.

Икковлари қадрдонларча кўришдилар. Ўктам ёлғон гапираётганини гўё қиз унинг юзига солаётгандай, бир зум доводи раб деди:

— Шу томонда бироз юмушим бор. Қаранг мен сизни тўғонда кўрмабмен-да. Оломон, сурон...

— Мен сизни кўрдим, сувда балиқдай сузар экансиз,— деди кулиб Комила.

— Сиз келмасангиз ҳам, бўлар эди, жуда ҳорғин кўринасиз,— деди Ўктам.

— О, менга сув шундай зарурки, тўғон бузилганини эшитиб капалагим учиб кетди... Биласизми, сиз-биз бир ариқдан сув ичамиз-а.

Бирнеча минут улар сув, тўғон, зовур ва ҳоказо ҳақида суҳбатлашиб бордилар. Ўктамнинг сал оқсайдиган оёғи зирқираб огрийбошлади. Бирнеча марта энгашиб, силаб-силаб кўйди у:

— Ўнг оёғим бироз ногирон-да,— деди Ўктам жилмайиб.— Оғриғи ҳам майли-я, лекин оқсаганим чатоқ...

— Ҳечқиси йўқ оқсоқлигингиз билинмайди, ҳам ўзингизга ярашиб турибди...— деди Комила.

— Ана холос! Оқсоқликнинг кишига ярашганини мен энди эшитдим дун'ёда. Майли, биздан кулаверинг!— деди Ўктам.

— Нега кулай, рост айтаяпмен. Мардлик нишонаси бу,— деди Комила астайдил ишонтиришга уруниб.

Комила унинг қайси фронтларда бўлгани, қайси жангларда қатнашгани ҳақида қизиқиб сўради. Йигит камтарона жавоб берди.

— Болаларингиз суюниб қолгандир,— деди Комила.

— Кампир аям блан ёлғиз синглим жуда хурсанд... — жавоб берди Ўктам.

Комила терлаб, ҳорғин одим отар, гоҳ-гоҳ йигитга ялт этиб қараб яна қисилган кўзларини қуёшда ловулаган кимсасиз йўлга тикар, ба'зан салқин дарахтзорлар ичига, бирпас ором олгуси келганда, тикилар эди.

— Дам олмайсизми бироз? Кун ёниб кетди-ку,— деди Ўктам.

— Йўқ, андак йўл қолди. Мен югурукмен...— деди йигит блан ёлғиз ўтиришдан бўйин товлаганини билдиручи бир оҳанг ва табассум блан Комила.

Ўктам бироз юргандан кейин тўсатдан тўхтади: „Элобод“ колхозида, кенг, текис, яшил кўча бошида эди у.

— Кечирасиз, мен қаерга келиб қолдим!— деди Ўктам аланглаб.

— Ўзингиз қаерга бормоқчи эдингиз?— нозик ва ма'нодор табассум блан сўради Комила.

Ўктам бир нафас саросимада қолди. Дастрўмол блан қизғиш пешонасини артди ва қизнинг бармоқлари узун, кучли қўлини сиқиб ҳаяжон блан деди:

— Қиз суҳбати яхши май сингари. Ичкинг келаверади...

Комила қизариб, юзини сал бурди ва қўлини айиришга тиришди, тевааракка ҳам бир зум қараб кўйди. У, қанча дадил ва сарбаст бўлмасин, лекин эркаклар блан муносабатда эҳтиётли эди, ба'зан, истар-истамас, қишлоқ одатига риоя қилар эди. Колхозчи йигитлар уни туғишган опадай, ё сингилдай билар, ёши улуглар эса унга ўз қизидай қарар эдилар. Комила колхозга бирон юмуш блан келган ҳукумат ходимларини, турли ташкилот вакилларини ба'зан ўз уйда ё колхоз боғида меҳмон қилар, аммо бундай ўтиришларга колхоз раҳбарларидан ёки қариялардан албатта таклиф этар эди.

Ўктам, хурсандликдан оёқ оғриғини ҳам сезмай, қизиган йўлнинг дам у четига, дам бу четига ўтиб, илдам юрар экан, орқадан Комила қичқирди: „Биздан битта от олақолинг, юринг мен ўзим миндириб юборай...“ Ўктам қўлини кўксига қўйди: „Раҳмат, раҳмат!..“

Комила тўппа-тўғри идорага келди. Қарийб ҳечким йўқ эди. Фақат бухгалтерия жойлашган хонадан: „шоқ-шуқ“ чўт товуши эшитилар эди. Деволларига раҳбарларнинг расмлари ва ҳархил диаграммалар осилган тоза, кичикроқ кабинет салқин эди, очиқ дераза орқали боғча ва гулзордан енгилгина шаббода эсар эди. Раиса столга бирпас ёнбошлади. Унинг боши ёнар эди. Газета блан елпинди-да, кейин телефонда бригадирлар блан сўзлаша-бошлади: қайси участкада қанча одам, кимлар ишга чиқмаган, ўғит тақсимоти, трактор ва бошқа машиналарнинг иши, ёқилғи масаласи ва ҳоказони суриштирди. Гап асносида қаламни тез-тез юртиб, камчиликларни қоғозга қайд қилаборди. Кўзлари қисилиб, қорни оч ҳолда уйга келганда, онаси сўри тагидаги суфага ўтқазди ва дарҳол бир коса мастава келтирди. Комила иштаҳа блан овқатланди-да, бошини ёстиққа қўйди ва беихтиёр равишда илжайди: у сал оқсоқланган йигитни эслади ва онасига ниманидир айтмоқчи бўлди-ю, ухлаб қолди... Онаси, салқин бўлсин, деб суфа атрофига сувни қалин сепди.

Комила уйғониши блан қўл соатига қаради. Она эса қизнинг шошганлигини пайқаб, сояга разм солди. Уларнинг соатлари ҳархил эди!

— Ётатур, бу нима, қуш уйқуси?— деди она ранжиб.

Комила индамасдан, ариқда юзини ювди, тўппини ташлаб, енгил гулдор шойи рўмолча блан бошини танғиди-да, уйдан чиқди.

Чойхона олдида уни ёш, камтар, ёқавайрон йиғит қаршилади. У, аптидан, шу иссиқда узоқ масофа босиб, ҳозиргина келган. Унинг юзи чанг ва тердан кирроқ эди. Чиройли, хаёлчан кўзлари уялчан боқади. Йигит қизариб, ўзини танитди: „Рассом Насруллаев. Ўртоқ Салимова сизми?“

— Хўш, хизмат, ўртоқ Насруллаев?

Комиланинг катта расмини яратмоқ учун атайлаб Тошкентдан келганини билдирди рассом ва ёлворган кўзлари блан вақт белгилашни сўради.

— Оҳо, вақт!— деди Комила кулиб.— Биламен, рассом халқи иш бошладими, ўзини-ям, вақтни-ям унутади.

— Йўқ, бошингизни қотирмаймен. Бу расм катта виставка учун — ялинди рассом.

— Шошманг, виставкани шу ерда ташкил қилсакчи?

— Рассом таажжубланди.

— Масала бундай, — тушунтирабошлади жиддий равишда Комила.— Бизда илғор азаматлар бор — йигитлар, аёллар, чоллар. Ҳаммаси аjoyиб стахановчилар. Сиз уларнинг расмларини яхшилаб ишласангиз. Бу нарса клубимизни безайди, одамларнинг кўнглини кўтаради. Нима дейсиз? Менинг апта-башарамни охирроқда чизарсиз... Албатта, қалам ҳақи тўлаймиз.

— Рассом меҳнат ва илҳом манбаини сезиб, қувонч блан бу таклифни қабул этди, ҳозирданоқ ижодиятга киришмоқчидай, биёбон далаларга хаёлчан кўз югуртди. Меҳмонни боққа элтиб, унга яхши шароит туғдиришни чойхоначига уқдириб, Комила рассом блан хайрлашди. Фақат у дала йўлида рассом тўғрисида ўйлаб

Насруллаевга, юмалоқ бошидаги сочи тоза қирдирилганига ҳайрон қолди: рассомларнинг сочи елкага тушган одамлар каби тасаввур қилар эди у.

Кўм-кўк пахта денгизида қизгин иш борар эди. Мана Комила Михаил Иванович Акаскинга дуч келди. Улар дўстона куришдилар. Акаскин Комилага ихлосманд эди. Қиз блан рус тилида бемалол гаплашар, ҳам Комила унинг фикрларини жуда тез англай ва амалга оширишга тиришар эди. Улар ғўза парваришидаги камчиликлар, алмашлаб экиш масалалари устида гаплашиб, дала бўйлаб юрдилар. Гап орасида Комила сўради:

— У кунги лекциянгизда бўлолмадим, қалай ўтди?

— Ёшлар жуда қизиқди. Мен блан, яна бир-бирлари блан жиддий баҳслашдилар,— жавоб берди Акаскин.

— Колхозда пахтачилик тўғараги ва ҳосилотхона-лаборатория тузишни кўпдан буён ўйлаймен. Эшитишимга қараганда, ба'зибир колхозлар бу ишга киришибдилар. Ҳаммаси вақтга боғлиқ, ўртоқ Акаскин. Юқори ҳосил олмоқ учун колхозчилар йил бўйи далада зўр бериб ишлашлари керак. Ахир, йилда уч, балки тўрт ой пахтани териш ва топшириш блан банд бўламиз! Пахтакорликда ҳал қилиниши лозим бўлган жуда муҳим масалалар бор. Олинг юқори ҳосил масаласини. Кишилар айрим участкаларда алоҳида парвариш, алоҳида э'тибор блан, зўр ғайрат орқасида жуда юқори ҳосил олишябди. Масала шундаки, Ўзбекистонда бутун далалардан мўл ҳосил олайлик ва йил сайин ошириб борайлик. Биз далаларда халқ тажрибасини расо қўллаяпмиз. Мен ўзим пахта усталарининг, чолларнинг бошини ҳамиша қотирамен: нега бундай, нега бундай эмас ва ҳоқазо!.. Албатта, халқ тажрибаси чуқур, яна ўрганиш керак. Аммо бу блан чекланиш, менимча хато. Чунки маррамиз узоқ. Пахтакорликда чинакам қўлоч отиш учун энди илмга зўр бериш керак. Илм блан халқ тажрибасини пайванд қилмоқ зарур. Ана унда гуллашни тамоша қилинг...

— Во, во! Бутунлай тўғри, Комилахон,— деди Акаскин.

— Энди олимларимиздан, агрономларимиздан катта-катта ишлар талаб қиламиз,— деди Комила,— тўғри, агротехника масалаларида, механизацияда, уруғчиликда мутахассислар катта фойда етказди. Яқинда Тошкентдан бир профессор келди. Пахтанинг тезпишар хилини яратиш устида ишламоқда экан у. Мен жуда қувондим. Яратинг, дастлаб бизнинг колхозда тажрибадан ўтказамиз, дедим.

Михаил Акаскин совет қишлоқ хўжалик илмида рўй бераётган улуғ муваффақиятлар ҳақида, академик Лисенконинг ажойиб ишлари ҳақида муфассал гапирди ва Комиланинг тўғарак ва ҳосилотхона тузиш фикрини қувватлаб деди:

— Бу жуда яхши мактаб. Келгусида ҳамма колхозлар бу мактабни очади. Сиз бошланг, мен қўлдан келганча ёрдам берамен. Лекин ҳаммага намуна ва манзур бўладиган ҳосилотхона тузамиз, дурустми?

— Албатта, албатта,— деди Комила.— Биз ҳосилотхонани „хўжа-кўрсин“ учун эмас, чинакам фойдаланиш учун тузамиз.

Улар аста юриб, турли участкаларни айланишди ва ғўза парваришининг сифатини текширишди. Комила биронта камчилик сезса, қовурилиб кетар эди. Михаил Иванович унинг сўзларидаги ёки кўзларининг имосидаги ва қўлларининг ҳаракатидаги ма'но ва оҳанг бойлигига ғўё завқлангандек разм солар эди. Комила йигитлар, аёллар, чоллар блан айрим тил ва услубда гаплашар; ҳазили, ранжиши, махтови ҳам бошқача бўлар эди. Ба'зан овози бор бирон кишига тўсатдан далада иш устида ашула айтдиар, бирпасда одамларнинг кўнглини кўтариб, ҳордиқларини чиқаришни ҳам билар эди.

Ёзнинг узун, иссиқ, барқ урган куни аста-секин хираланганда Комила идорага қайтди, кабинет деразаларини очиб, кечки ишга тайёрланди. Бироздан сўнг идорани бригадирлар, звено бошлиқлари, табельчилар ва миробларнинг ҳам ғалла, чорва, сабзавотда банд кишиларнинг ва қурилиш ишлари бўйинча ма'рузага ёки кенгашишга келган устабошиларнинг шовқуни тўлдиради...

XII

Собирни болаларнинг шовқуни уйғотди. Юмшоқ, эзилган барра ўтдан бошини кўтариб, юқорига қаради у. Баланд, ҳайбатли, эски қайрағочда болалар қуш инига интилмоқда эдилар.

— Ниманинг ини? — қизиқиб сўради Собир.

— Зарғалдоқ, зарғалдоқ! — қичқиришди болалар.

Собир ўз болалигини эслади. Қуш деганда бир вақтлар унда тўё қанот пайдо бўлар эди. Қуш қидириб худди ана шу қайрағочдан бир марта йиқилган эди ҳам. Жиндай қон тупурган, оёқларини, белини бирпас силаб, яна югуриб кетган эди. Фронтда бир кун дарахт тепасида биқиниб, душман ҳаракатини кузатар экан, нақ боши устидаги шохда қушчаларнинг „чий-чий“ сини эшитиб, юраги бир зумда болалик ҳаваси блан тўлган ва ўзини тийишга қанча урунмасин, барибир ихтиёрсиз равишда бошини кўтариб, катта, чуқур инга қараган ва шу онда немис ўқиға дучор бўлишга оз қолган эди. Буларнинг бари Собирга худди кечатгина рўй бергандек туюлди. Собирнинг ёнгинасида, кўмкўк ўтлар орасидан, шарқираб сув оқар, ариқ ёқалаб қатор ўсган дарахтлар қўйнида шамол ғувиллар эди. Тонг саҳардан бошлаб қаттиқ ишлаган йигит, яна бирпас чўзилгиси келди-ю, лекин кўнгли иш учун безовта бўлиб, ўрнидан турди, худди сув кечмоқчидай, тор шимини тиззасигача кўтариб, кетманни елкага олди. Уйға ҳам, мажлисга ҳам кетмон блан борар эди у. Ба'зан кампир онаси кулиб дерди: „Болам, елкангга ачинаман, керакли вақтда кўтар“. Собир қўлини бепарво силкар эди: „Елкам ўбдон чиниққан, ая. Тўрт йил милтиқ кўтардим. У ҳам керакли эди, бу ҳам керакли“. Пешин вақти эди. Соядан чиқиши блан Собирни қуёш сели қучди. Жазиллама тупроқни билқ-билқ босиб, йирик одимлар блан борар экан, жийда тагида дам олиб, елпиниб ўтирган Мастурага дуч келди у. Аёлнинг икки томонида икки катта челак тўла помидор. Собир битта қон-қизил помидорни қапида ўйнаб, салмоқлаб турди: „Зап етилибди-да. Ҳандалакдай-а!“

— Еяқолинг. Терган блан адо бўлмайти. Ириб-чириб кета-япти...— деди Мастура.

— „Мўйсафид“дан яримтагина бўлсайди, ярим челагини уриб қўярдим,— деди кулиб Собир.

— Насимжон акангиз блан улфатчилик қилинг, у киши ҳар куни, оғайнилар учун, деб яримтани сувга ташлаб қўяди,— деди керилиб Мастура.

Собир индамасдан, катта одимлар блан юриб кетди-да, бирдан қайрилди:

— Ўқтамни кўрмадингизми?

— Кўрдим, қизларнинг чайласида,— деди Мастура ма'нодор илжайиб.— Тавба, жуда шўх йигит экан ўртоғингиз. Биласизми, ҳамиша Анорхон атрофида парвонадай айланади. Анорни суяди шекилли. Майли, тўйлари бўлсин, ошларини, нишолдаларини биз ҳам еяйлик!

Собир худди оёқлари остида бир нарсани қидиргандек, бир зум бошини қуйи солди, аёлга бир нима демакчи бўлди-ю, яна жўнаб кетди. „Наҳотки рост бўлса!— ўйлади ичида йигит — хўш, нега рост бўлмасини? Бўйи етук, чиройли, лобар қиз. Ўқтам бўй-доқ. Онаси ҳам худди менинг кампиримга ўхшаб, келин кўрайин деб унинг бошини қотираётгандир. Насимжоннинг хотини янглишмайди. Ер остида илон қимирласа биладиган қув аёл... Лекин шу ҳам ўртоқчилик бўлди? Тўғри, мен унга ҳали сиримни очганим йўқ эди. Лекин Ўқтам қишлоққа қайтган кунлариёқ мен унга, шу қизда илинчим бор, демаганмидим? Шундай ҳам пайқаса бўлар эди-ку. Демак кимнинг қўли узун бўлса, олмани у узади дебди-да дўстим...“ Шунинг каби ўйлар блан Собир ўз звеносига етди,— лекин беихтиёр орқага бурилди, тўғри қизлар чайласи томон юрди.

Чайла одида, салқинда Ўқтам ва Анорхон ўтирар эдилар. Қиз қўлидаги шафтолиранг сўлкупроқ гулнинг баргларини бир-бир узиб, йигитни тинглар эди. Ўзга қизлар олисда, далада ишламоқда эдилар. Собир ичида деди: „Оҳо, тўй маслаҳати шекилли!“

— Ҳорма, Собиржон!— қаршилади ҳарвақтдагидай Ўқтам.

Собир, индамасдан, улардан нарироққа ўтирди-да, шим киссасидан папирос олиб, жуда хумор бўлган кашандадай узоқ-узоқ тортди, тутун орасидан уларга яширинча кўз қирини ташлади. Қиз энди бошини уятчан эгиб ўтирар эди. Ўқтамнинг кўзларида эса қандайдир кинояли ма'но, лабларида ғалати табассум сезгандек бўлди Собир. Бу — уни масхаралагандек туюлди. Шу вақтда Ўқтам кулиб қизга мурожаат этди:

— Анорхон, бир шингил ашула айтмайсизми? Яхши овозингиз бор, тўғрим, Собир, бир эшитайлик-а... Қани, тунов кунги ашулани айтинг.

— Қўйинг, ашула вақти эмас. Яхшиси, районда кўрган ҳалиги кинони айтиб беринг. Ҳа, қачон бизларга кино кўрсатасизлар? Нуқул ва'да экан-да!

Шу вақтда Собир ўрнидан турди, Ўқтамнинг у-бу тўғридаги берган саволларига хоҳишсиз, қуруққина жавоб берди-да, Собир

узоқлашди. Ўктам унинг фе'ли айнаганини пайқаб, бирон нарсадан хафа бўлгандир, деб ўйлади. Бироз боши оғриб, чайлада дам олмоққа келган Анорхон яна далага, ўртоқлари ёнига кетди. Унинг кетидан Ўктам ҳам турди. У қалпоғи блан елпиниб, дала бўйлаб бораркан, Тансиқ уни тўхтатди.

— Кўсакларга қаранг, Ўктам ака,— деди қиз суюниб.

— Нима бўбди, ғуж-ғуж кўсак. Жуда хурсандман, синглим.

— Гап бунда эмас, кўсаклар яна кўпаяди. Мен шунга қувонаманки, кўсакларни кўпи бешхонали!— деди Тансиқ.

— А? Бешхона? Жуда соз.

— Мана, кўсакларга қаранг,— деди Тансиқ ва ғўза орасида чўққайди.— Ҳар чаноқда бешхона. Демак чаноқ тўла, серпахта бўлади.

Ўктам қизнинг ёнига ўтириб, юмалоқ кўсакларнинг кўк қобиғидаги чизикларни санайбошлади. Кейин кулиб, бошини тебратиб, деди Тансиққа:

— О, қойилмен, шуниям ҳисобга олдингизми?

— Бўлмаса-чи! Ҳар кўсак бир грамм ортиқроқ пахта берса, ўйлаб кўринг, қанча пахта бўлади!

— Тўғри,— деди Ўктам ўрнидан туриб,— тома-тома кўл булур, дейдилар-ку. Ҳа, кўсакларни тўқ қилишга интилаверинглар, пахтакор сингилларим!

Собир кўйлагини ечиб, қуёш тиғида на ҳордиқни, на чанқовни билмай, кечгача қаттиқ ишлади. У ўйлашни ортиқ истамасди: „Ихтиёр қизда. Кимни хоҳласа, унга тегади“ деб ўйлади. Лекин у Ўктамни кечиргиси келмади. Чунки илинжи Анорхонда эканини яна бир марта Ўктамга айтганини хотирлаган эди. Оқшом кетман елкада, дўсти Бойматга — колхоз қоровулига борди.

— Қани, ниманг бор, чиқар, қаҳрамон,— деди Собир.

Кун бўйи ёлғиз ўтириб зериккан Боймат жуда хурсанд бўлди. Каттагина ариқ бўйига, қалин ўт устига ташланган бир парча эски наматга ўтиришни якка қўли блан ишорат қилди. Унинг бир қўли нақ тирсақдан кесилган эди. Собир дастлаб кетманни ювиб ярқиратди, кейин ариққа тушиб, бошини, кўкрагини, узун, кучли оёқларини тиззага қадар ўбдон ювди.

— Нимани пойлаяпсан бу ерда, яккақўл?— деди Собир сувдан чикиб.

Боймат хохолади ва учи юмалоқ, ғадир-будир оғир таёқни енгил ўйнатиб, Собирга дўқ қилди:

— Колхоз мулкани сенга ўхшаш томтешарлардан сақлаймен!

Собир унинг қўлига пул қистириб, магазинга юборди, ўзи наматчага ўтириб, пиёз, помидордан закуска тайёрлашга ҳавсала блан киришди. Қуёш ботган бўлса ҳам, ҳаво ҳали ёруғ ва тиниқ эди. Йўлларда сигирлар ма'рашар, болалар сурон кўтариб, колхознинг боқувдаги отларини чайишга элтадилар. Яшилга бурканган уйлардан кўкимтил тутун юксалади. Боймат Сельпо магазинидан югуриб келди, ўт орасидан пиёлани қидириб топди. Собир шишани, тагига бир уриб, очди. Ароқни Боймат ўзи қуйди.

— Қани, сипқириб юбор, гвардия!— деди у хурсандлик блан Собирга.

Собир пиёлани бўшатиб „пув“ деб қўйди. Боймат сувдай қулт-култ ютиб, кейин лабини ялади.

— Аҳволинг қалай?— сўради Собир ғамхўрлик блан.

— Кўпчилик ичида киши хор-зор бўлмайди,— жавоб берди Боймат,— учта жўжамни толиқтирмай боқиб ётибмен. Агар колхоз бўлмаса, албатта, аҳволим чатоқ бўлар эди. Якка шоти блан аравани судраб бўладими? Шундай, яккақўл блан бош қашиш мумкин, деҳқончилик қилиб бўлмайди. Бир қўлни Украинада қолдирмаганимда, далада сенлар қатори ҳайқирардим. Ҳозир меҳнатда мардликни кўрсатадиган замон. Ҳечқиси йўқ, яқинда жўжаларим улғойиб, колхоз даласида бургутдай қанот қоқади, Собиржон.

Дўстларнинг бошлари қизиган сайин суҳбатлари жонланди. Улар наMATчада ёнбошлаб, фронтлардаги азоб-уқубат, шон ва мардлик блан тўла кунларни, ҳозир эртақдай кўринган саргузаштларни хотирлар, жангчи дўстларни, ботир командирларни соғинч ва севги блан йўқладилар. Теварак қоронғилашди, салқин шаб-бодалар эсди. Кўкка юлдузларнинг олтин ғунчалари сепилабошладди. Лекин дўстларнинг жонли, ўтли суҳбати борган сайин қизир эди. Фақат тўсатдан Насимжон келиб суҳбат ипини узди. Боймат шиша тагида қолган ароқни унга қўйиб берди. Насимжон ичиб, туганмас ишлардан шикоят этди ва пешонасини сиқиб, узун бир уҳ тортди.

— Нима, тегирмон тошини юргизаяпсизми?— деди Боймат ранжиб.

— Бундан ҳам бадтар. Идора иши худо қарғаган банданинг бошига тушади. Айниқса, кейинги вақтларда иш чалкашиб, ўн қат оғирлашиб кетди.

— Колхоз улуг хўжалик. Яна қулочини кенгайтираяпди. Албатта, ҳарбир одам зиммасига иш кўпроқ тушаверади,— деди Собир бепарволик блан.

Насимжон киноя блан кулиб деди:

— Ўсиш—ҳали масала бу. Гап бошқа ёқда.

— Хўш, нимада?— қизиқди Собир.

— Ҳамма иллат шундаки, Ўктамжон келди-ю, иш бўтқа бўлди, ҳаммадан тинчлик кетди. Ахир, у ҳар кун янги бир дарди-сар ишни ўйлаб чиқаради. Яна ҳаркимнинг бошида ёнғоқ чақмоқчи бўлади. Иложи бўлса, шу Боймат акамдек бойқиш инвалидга ҳам кетман тутқизса! Дўстларим, бирпас қулоқ солинглар, мен кулиб кул бўлаяпмен. Биласизлар, менинг қайин синглим болалар боғчасида мураббия. Жуда боадаб, жуда ўқимишли қиз. Сийсатдан бохабар. Ўзи адабиёт техникумини битирган-а! Мана нақ кеча Ўктамжон боғчага кириб, уни хафа қилибди. Шундай қизни-я!

— Хўш, нима бўлди?— қаддини ростлаб, қизиқиб сўради Собир.

— Қиз бойқиш чарчаб, салқинда чўзилибди, мудроқ ҳам босибди,— давом этди сўзида Насимжон,— узун кун, иссиқ. Қиз монанд нозик бўлади. Хуллас, болаларнинг овқати кечикибди шекилли. Болалар чувиллашиб, ўз ҳолича офтобда юришган экан шекилли. Яна шунга ўхшаш майда-чуйда гапни топибди мазмуни. Ана шунинг учун ўқимишли қизни ранжитиш мумкинми? Шу ҳам инсофми? Йўқ, Ўктамжон керилиб, минутдан минутга ҳададан ошаяпти...

— Хафа бўлманг, Ўктамжон ўзимизнинг йигит,— деди Боймат бепарвогина.— Балки ишда ҳали гўрроқдир. Ножўя ҳаракат қилса, ётиғи блан насиҳат қилиш керак. Ақли равшан йигит, хатосини дарров тушунади у.

— Менимча, унинг қилиқлари бежиз эмас,— деди Насимжон товушини пасайтириб,— ҳар ишни ма'лум маррани кўзлаб қилаяпти. Ким билади, балки Мирҳайдар отамни ҳам оёғидан чалар бир кун...

Собир бошини эгиб, гапнинг давомини кутгандай, бирпас индамасдан ўтирди. Кейин ҳаммалари папирос чекишди. Собир Насимжонга тикилиб сўради.

— Яна қандай гиналарингиз бор?

— Полвон иним, булар хамирнинг учидан патир. Лекин масала равшан,— жавоб берди тиржайиб Насимжон.

Собир папиросини чекиб, орқага отди ва Насимжонни гўё биринчи марта кўраётгандай, бошини унга яқинлаштириб, шундай газаб блан қарадики, Насимжонни титроқ босди. Собир гуриллаган овоз блан деди:

— Насимжонга равшан нарса менга жуда қоронғи!

— Аканг айлансин Собиржон, чирмандангни бармоқ блан черт, далада ҳали эл юрибди,— деди Насимжон ҳансираб.

— Ҳақиқатни баланд товуш блан айтаверадилар,— қичқирди Собир.— Сизга ўхшаб, ифвогар бўлсам, тирноқ орасидан кир кавласам, шивирлар эдим. Ўктамнинг нима айби бор? Дангасаларнинг та'зирини берса, бозорчиларнинг йўлига гов солса, колхоздаги кам-кўстларни йўқотишга бел боғласа, бу кимга фойда? Ўктамнинг нияти холис, қадами тоза. Бутун ҳаракати ёлғиз колхоз учун, халқ учун. Колхозда ҳисоб-китоб ишини йўлга қўйиш — менинг пешона теримни қадрлагани учун эмасми? Ўктам қишлоққа электр берса, Насимжон ҳам ўз ҳовлисига сим тортмайдими?

Собир папиросга гугурт чақиб, янги ҳужумга тайёрланаркан, Насимжон унинг кенг елкасига қўлини ташлади ва бойқушдай совуқ кулди, кейин ялтоқланиб деди:

— Полвон иним, унчалик тутоқманг. Биламен, сизлар дўстсизлар. Дўстинг учун заҳар ют, деган гап бор. Мен ҳам аслида Ўктамга холис дўстман. Мен балки янглишардирмен. Янглишмоқ одат отадан қолган мерос. Мен фақат танқид йўсинидагина сиз дўстларимга гапирган эдим. Биласизки, танқид кишига мойдай фойдали нарса...

— Танқид эмас, бўҳтон бу!— қичқирди Собир кўзларини газабдан чақнатиб.

Насимжон зўраки қаҳқаҳа блан Собирнинг елкасини қоқди ва чўнтагидан чоракта ароқни олиб, тантанали равишда ўртага қўйди ва томогини тақиллатиб деди:

— Боймат, қани, дарров сета қилиб юборинг. Аҳ, қандай сўдум кеча-я. Нақ шоирлар ичадиган пайт. Дутор-мутор топмайсизларми, оз-моз дингиллатар эдик. Хўб, ичайик, эсон бўлайлик!

Уч кундан кейин Собир тонг палласида кетманни елкага қўйиб, ҳўл оёқларини тупроққа тап-тап ташлаб, уйга қайтар эди. Бутун кеча у ғўза сугорган эди. Пастак девол орасидан кетман товуши эшитилди. Собир беихтиёр равишда, юракнинг қандайдир ички турткиси блан деворга яқинлашди ва ичкарига қарадио, унинг юраги „жиг“ этиб кетди: Анорхон ўз томорқасида сабзавот чопиқ қилаётган экан. Қиз калтагина юпка, гулдор қўйлакда, бошида енгил зангори рўмолча, катак шойи иштонининг пойчалари тиззага қадар кўтарилган; юзи қизариб ёнади. Гоҳ қаддини бир зум ростлаб, узун кўркам сочларини орқага ташлайди, бир қариш ери экинсиз қолмаган кичик, чиройли боғчанинг атрофидаги ҳархил мевали дарахтларда эрталабки шавқ блан сайрашган қушларни бирпаст тинглайди-да, ишга берилади. Собирнинг юраги гупиллайди, оёқлари қалтирайди. Броқ қараганига афсус қилади. Чунки қанча севмасин, юраги қанча ачишмасин, қизни унутишга, ундан умидни узишга тиришар эди у: „Ўктам севибди; у мард, кўнгли баланд йигит. Севгиси ҳам чинакам бўлади. Қизлар ҳам шундай йигитларга гулдай чирмаша қоладилар. Энди орада чақир тиканак бўлишим — киройи номардлик!“ — деб ўйлаган эди. У Далада қизлар еридан олисроқ юрар. Анорхоннинг қорасини кўрса, орзуларини, туйғуларини иродага бўйсундириб, йўлини ўзгартирар эди. Девор орқасида ўсган шафтоли ва тоғолчалар орасидан сўнги марта кўз югуртаркан, кимнингдир қадамини эшитди, ялт этиб қараб, Ўктамни кўрди. У аста юриб келар эди. Катта жиноят устида тутилгандек, Собирнинг бутун а'зойи бадани бўшашиб кетди. Шу пайтда у ер қа'рига шўнғишга рози эди... Ўктам блан шу ерда юзма-юз учрашмаслик ниятида, бошини эгиб, дам бўзарган, дам оқарган ҳолда, уйга эмас, ўзи келган томонга илдам одим отди у.

— Ҳай, Собир! — қичқирди Ўктам.

Лекин Собир гўё эшитмагандек, ёки бирон ишга ошиққандек тез кетаверди. Ўктам таажжубланиб елкасини қисди. Кейин девор орқали бир зумгина боғчага қаради-да, илжайди: „Қизиқ — қачондан буён Собир бундай уятчан бўлиб қолди? Болага ўхшайди-я...“

XIII

Бўёғи айниган эски „ЭМКА“ катта йўл устида, қўш мағиздай бирикиб, бир-бирини қучоқлаб юксалган икки азим терак олдида тўхтади. Сайрамов дим машинадан чаққонгина сакраб, оғиз-бурнини капи блан беркитиб, бурқиган, қизгин, аччиқ чанг ичидан илдам югуриб чиқди. Салқинда, қатор ўриклар остида оқ кителини

қоқди, ёзбоп енгил шапкасини олиб, сочи тоза тарашланган юма-лоқ, силлиқ бошини елпиди ва ҳар ўткинчининг диққатини жалб этучи қучоқлашган муаззам теракларга, ҳар вақтдагидек, бир-пасгина қизиқиб қаради-да, дала бўйлаб юрди. У дам сўлга, дам ўннга кўз югуртиб, қинғир, тор йўлнинг икки томонидаги ғўзаларни таққослади. Чоллар звеносининг ғўзаси уни қувонтирди. Райком секретари ҳамиша кузни, ҳосилни, планни ўйлар, яхши звенолар тажрибасини ўрганишга ва ўзгаларга тарқатишга тиришар эди.

„Саксон“ ота узун, қаттиқ бармоқларини қалин қошлари устига қўйиб, ҳали зийрак, чуқур кўзлари блан Сайрамовни анча наридан таниди, уни қаршилаш учун, илжайиб даладан чиқди.

— Ассалом, бардаммисиз, отажон?— чолнинг қўлларини икки қўл блан узоқ сиқди Сайрамов.

— Келинг Рустамжон, марҳамат, ўртоқ Сайрамов!— хурсандликдан шошиб қолди чол.

Райком секретари умуман қари-қартагларни ҳурмат қилар, пайти келганда улар блан дилкашлик қилишни севар эди. Аммо бу чолга ҳурмати, ихлоси айниқса баланд. Чунки Алимқул— „Саксон“ ота пахта устаси, кўпни кўрган, ақлли, хушмуомила бир кексагина эмас, у оташин ватанпарвар эди. Уруш йилларида „Саксон“ ота катта йиғинларда ўзининг содда, доно сўзлари блан халқни қаҳрамонликка, совет Ватани учун қонни, жонни аямасликка, фидокорона меҳнатга чақирган эди.

„Саксон“ ота Сайрамовни ариқ бўйидаги кўрпачага ўтириб, бирпас дам олишга таклиф этди.

— Раҳмат, ота, юмушларим бор, йўлакай сиз блан омонлашиб ўтай дедим. Қари ботирларнинг ғайратига ҳавасим келаяпди, Ғўза яхши, кўрдим.

— Бирпас шаббадаланинг, райком болам, — деди чол ачинган бир тус блан Сайрамовга қараб.— Сизда ҳам беюмуш, беташвиш фурсат бўладими? Уйқингиз ҳам чала-чатти бўлса керак Йўқ, иш орасида бўлса ҳамки, ҳордиқ чиқаришни унутманг. Бош роҳати, тан роҳати ишга барака беради. Қани, бир пиёла чой ичсинлар.

Сайрамов бир парча шолча устидаги кўрпачага ўтирди. Кул босган чўғда турган кичкина қумғондан чол қаҳрабодек чойни қўйди ва нон ушатди.

— Эшитайлик, ишлар қалай, турмуш-маишат қалай?— сўради Сайрамов бир бурда нонни тишлаб.

— Ҳаммаси жойида, Рустамжон ўғлим, лекин, янги номим дилимга ғулғула солади, холос, — жавоб берди чол тоза, оппоқ соқолини ҳилпиратиб қулиб, — худо берган ёшимни оқлайин, деб уруниб ётибмен. Ҳайтовур, ишимиз чаккига ўхшамайди. Қари шоввозларим ҳам серғайрат. Мана трактор блан культивация қиляяпмиз. Бу — тез ҳам пишиқ иш. Ерга нақ жон киргизади. Ғўзани шахмат қилиб экканимизда, ғўза ораларига ҳам машиналар солар эдик, баҳорда бироз шошиб қолди, кетини ўйламабмиз. Ишни баракали қилишда машина бир му'жиза эканда. Ҳа, энди ўғитни ҳам машина блан сепаяпмиз. Бу ҳам улуғ иш бўлди. Лекин барибир ғўза

кетман сўрайди, парвариш сўрайди. Ғўза жўхори ё арпа эмас, ғўзани ундириш учун ҳар кун кўза-кўза тер тўкади киши...

— Техникага миниб оламиз, ота,— деди Сайрамов.— Яна янги-янги, хилма-хил машиналар ясалади. Бари қишлоқ учун, бари ғўза учун. Машинанинг қандай му'жиза эканини ана унда кўрасиз! Яқин орада теримни ҳам машиналаштирамиз. Инженерлар мукамал терим машинаси яратиш учун қаттиқ ишлаяпти. Ба'зи нухаларини мен кўрдим. Электр-чи! Деҳқончиликни ўн қат юқорига кўтаради. Мана бу йил ҳосилни мўл олсанглар, яхшигина гидростанция ҳам қурарсизлар. Унинг кучи блан не-не ишлар қилиш мумкин!

— Бизнинг Ўктам шу ишга жуда ҳавасманд,— деди „Саксон“ ота,— кошкийди тунларимиз кундуздай чақнаса... Чироқ дахмазасидан бошим қотди, Рустамжон. Лампа шишаси жуда ножинс нарса: жин теккандай, кўз олдинда „чирс“ этади-ю, синади. Ана қоронғида кўр бўлиб ўтир! Тунов кун мен келинларимга айтдимки,— ҳа, каминада уч келин бор, Рустамжон. Эрлари аскарда. Бири „қора хат“ бўлди, ўртанча ўғлим эди. Тақдирга бўйинсундик. Худога шукур, каттаси блан кичиги сиҳат ва саломат. Тез-тез хат, хабар келиб туради улардан. Иккиси ҳам ҳозир герман ерида хўжайин бўлиб, гап қилиб юрибди. Бениҳоят хурсандман. Келинларим қанотимда. Ушоқ набираларим кўп. Аммо барака топкур келинлар дала ишини-ям, болаларини-ям эплашади. Ҳаммаси боадаб, ҳаммаси аҳл. Бир қозондан ош ичадилар. Шундай келинлар бўладики, никоҳ эртасиёқ ўз қозоним, ўз қосовим бўлсин, дейди. Шундай овсинлар бўладики, бир қозондан ош ичишдан кўра, заҳар ичганим афзал, дейди. Йўқ, келинларим жуда аҳл, ҳар ишда баҳамжиҳат. Мендан кенгашсиз қадам босмайдилар. Ҳа, эсим қурсин, нима демоқчийдим ўзим?

— Лампа шиша масаласи,— кулиб деди Сайрамов.

— Балли. Шундай қилиб, лампа шиша умрнинг эгови бўлди,— қўли блан соқолини тараб қўйиб давом этди чол,— келинларга айтдимки, қорачироқ ёқинглар; ёруғидан кўра иси кўпроқ бўлса ҳам, дахмазасизроқ бу, дедим. Брок кўнмайдилар — шиша топ! Ахир кечалари ба'зан бичиш-тикиш керак. Ўзларига-ям, болаларига-ям кийимни жуда қунт блан, бурма-сурма, сертугма қилиб тикадилар. ...Шундай қилинг, райком ўғлим, электр тезроқ бўлақолсин. Мен ҳам қариганимда дахмазасиз чироқнинг ҳузурини кўриб қолай. Ниҳоят сув кучи блан ёнадиган бир му'жиза экан. Ўйлаб турсам, сув асло туганмас куч экан. Уни баланддан югуртир! Кичкина ариқчани юқоридан сакрат — тошни чайнаб ташлайди...

— Сув биз учун куч кони ва катта хазина,— деди Сайрамов,— совет ҳуқумати, партиямиз бизга сув берди ҳам унинг кучини танитди. Ўтмишда халқимиз тегирмон ва обжувоздан нарига ўтолмаган эди. Мана ҳозир Сирдар'ёда „Фарҳод“ни қураяпти.

— Тегирмон, обжувоз ҳам бу томонларда онда-сонда учради,— деди Сайрамовни диққат блан тинглаб чол.

— Сув кучининг қаймоғини энди оламиз ота,— деди секретарь қизиқиб.— Бутун Ўзбекистон электрлаштирилади. Улуғ ишлар.

улуғ қурилишларга киришамиз. Чўлларимиз биёбон. Нима олдиқ ундан? Ҳозиргача очган ерларни, менимча парча-пурча деб ҳисоблаш керак. Чўллардан чақримлаб эмас, бутун-бутун район ва область жойлашадиган ерларни очишимиз, обод қилишимиз керак. Бу ишларга, бундан ҳам зўр қурилишларга қодирмиз. Чунки суянган тоғимиз бор. Бу — партия, Москва, Сталин. Ўзбек халқининг жонажон отаси Сталин янги олтин водилар берди. Бардам бўлинг, қария, олдимиздаги йўл — жуда чиройли, жуда улуғвор йўл!

— Фарғонанинг бахтини кўрдим, янги водиларнинг шаббодасидан ҳам халқ блан бирга баҳраманд бўлай,— деди „Саксон“ ота ҳаяжонланиб.— Кўнглим ҳамиша шод ва равшан, негаки улуғ одамнинг замонида, қанотида яшаш менга насиб бўлди. Сталинининг назари, ақли осмондай кенг. У бутун оламни кўради. Сталин ҳаммамизни қоронғидан, кавакдан офтобга олиб чиқди, ҳамиша бошимизда қуёш бўлиб турсин у!

Сайрамов суҳбатга берилиб, вақтнинг қандай ўтганини билмай қолди. Бир қумғон чой ичилипти ва битта ананас қовун ейилибди. Улар ўринларидан турганда, қаердандир Ўктам келиб қолди. Уччовлари жазирама далада юриб, чолнинг участкасини айландилар. Ғўзанинг ҳосилдор шохлари бақувват, етук эди. Сайрамов ба'зи туплардаги кўсакларни санади ва хурсанд бўлиб, чолга кўзини қисиб қўйди.

— Дилимнинг бир чекасини хавфи-хатар чимчилаб қўядида,— деди чол жиддий тусда,— баҳор бироз белга тепган эди, ҳалиям ғўзада унинг сал-пал касри бор.

Ғўзани эртароқ пишириш зарурлиги устида ҳаммалари жуда жиддий, жуда қизиқиб гаплашдилар. Бу тўғрида Сайрамов кўпдан буён бош қотирар эди. „Саксон“ ота ғўза ораларини чопишга киришди. Қари, тажрибакор деҳқоннинг қўлларида кетман енгил ва чиройли ўйнар эди. Саратоннинг оловида меҳнат қила-қила ёшликдан чиниққани учун, чол унча терламас эди ҳам. Сайрамов ўзга кексалар блан ҳам қадрдонларча кўришди, уй ичи, болачақаларининг аҳволини сўради, ҳазиллашди. Лекин Шодибой олдида кўпроқ тўхтади. Шодибой „шарбат“ учун чуқурга чириган ғўнг ташимоқда эди. У „Саксон“ отадан ўн ёш кичик бўлишига қарамай, ундан қаримсироқ кўринар эди. Шодибой бутун юзи ажиндан иборат, букринамо, кичкинагина киши эди. Сайрамов бир вақтлар у блан илк учрашганда, ҳатто унга ачинганди, лекин Шодибойнинг ишига бирнае разм солиб, ортиқ даражада ҳайрон қолган эди. Шодибой чарчашни билмайдиган, фавқулодда девкорлардан эди. Унинг ўзи ба'зан дўстларига махтаниб қўярди. „Гаров бойлашиб, олис йўлга отдан илгари борамен!“ Райком секретари, ҳарвақтдагидек, у блан бироз ҳангомалашиб, кейин сўради:

— Янги уйга кўчдингизми?

— Кўчдик, райком ука,— жавоб берди Шодибой, пешонасини танғиган рўмолчани сал кўтариб,— болалар саройга киргандай

жуда яйрашиб қолди-да. Шукур, полизимиз серҳосил — ўн уч жонмиз.

— Кўпайгани яхши,— деди Сайрамов,— хўш, янги уйга симкаравотлар оламен деган эдингиз, нима бўлди?

— Яна каттадан кетайлик: ойнали шкафдан бошладик, қизларимиз фосонроқ. Бўй барабар ойнага қарамасалар, кўнгиллари тўлмади...

— Яшанг, Шодибой ака, демак ишлар бекаму-кўст?— деди кулиб Сайрамов.

— Яна пича даҳмазамиз бор,— жавоб берди ишдан қўл узмай Шодибой.— Янги уй пардоз: оқлаймиз, эшик, деразаларни осмонни ранг блан бўяймиз, айвонга гулчин нусха панжара қиламиз. Пардоз керак. Онангни отангга бепардоз кўрсатма деганлар-ку.

— Шошқолоқлик қилдингиз-да,— деди Ўктам.— Бироз сабр этсангиз, ўзимиз ич-ташини ялтиратиб, калидни қўлингизга берардик, мана, қадам ранжида қилинг, деб. Хўб, пардозига ҳам ёрдамлашамиз. Лекин зиёфатини қачон еймиз?

— Тишингни қайраб тур, ука, сал қўл бўшасин, катта тўй қилиб берамен. Атайлаб битта хумга чаросни босиб қўйдим!— хурсанд, товушини қўйиб деди Шодибой.— Аммо муборакбодга ўша куни хўжайиннинг ўзлари келмасалар, тўй менга татимайди, сра татимайди...

— Раҳмат, Шодибой ака, албатта келамен, иккаламиз қадаҳларни бир чўқиштирар эканмиз-да!— жуда самимий деди Сайрамов хушчақчақлик блан хайрлашди.

Сайрамов бу колхозда, ўз мўлжалига қараганда анча узоқ қолди. Ўктам уни бирнеча бригадаларга олиб борди, кўп нарса кўрсатди, кўп масалаларда кенгаш сўради. Райком секретари „Қаҳрамон“ колхозида ижтимоий мусобақанинг ташкил этилиши ва бажарилишидан жуда рози бўлган эди. Ниҳоят, Ўктам уни дам олишга қистади. Сайрамов иссиқ ва дим ҳавода паст-баланд ошиб, зовурлардан сакраб қаттиқ терлаган ва лаблари қовжираган эди. Салқинда, сийрак майсага ёнбошладилар. Қаршида Собир от блан культивация қиларди. Унинг гўзаси колхозда энг яхшилардан ҳисобланарди. Собир кўйлаксиз, тўппи устидан пешона орқали рўмолча ўраб олган, унинг сополранг кенг яғрини, елкаси йилтирар эди. Қуёшда қордай чақнаган катта оқ от бирдан тўхтади ва икки ёнига ҳорғин қараб қўйди. Бирпасдан кейин Собир дўндай торвузни келтириб, секретарь олдига юмалатди. Ўктам ушлаб кўриб, муздай-ку, деди. Собир буни тонгда узиб, салқинда, ўт орасига яшириб қўйган экан. Сайрамов тарвузни бирга баҳам кўришга таклиф этди. Собир қўлини кўксига уриб, раҳмат, деди-да, яна далага югурди. Муздай қумоқ-қумоқ, ширин тарвуз чанқоқлар учун ором бағишлади. Сайрамов қўлларини лабларини артиб, кула-кула қорнини чертди-да, дарров жиддийлашиб, муҳим бир сирни айтмоқчидай, Ўктамга тикилди ва бирдан сўради:

— Яна қандай ишлар блан машғулсиз?

— Менимча, энди сизга аёндир, кўрдингиз-ку. Лекин ҳамма масалаларнинг масаласи — пахта!

— Тўғри, ўртоқ далач,— деди Сайрамов ингичка табассум блан,— Сиз бу қишлоқ тепасида бегона қушни кўрдингизми?

Ўктам тушунмади, ҳайрон бўлиб секретарьга тикилди.

— Саид Қуддусхон эшонни танимайсизми?— сўради Рустам Сайрамов.

— Йўқ. Ким экан бу, оти бир ярим қулоқ?— сўради Ўктам кўзларини катта очиб. Сайрамов индамади, лабига папирос қистириб, кескин ҳаракат блан гугурт ёқди. Аллақандай сирли воқиянинг изини сезгандай, Ўктам сергакланди ва ўйлашиб деди:

— Лекин катта домла пайдо бўлибди, жуда тақводор эмиш, ром очармиш деб, каердадир кампирлардан қулоғимга чатилган эди. Ўша эмасмикин?

— Тақводорлиги қурсин у эшакнинг!— деди гижиниб Сайрамов. — Қишлоқларда паранжи кўриниб қолаяпди, эски одатлар, хурофотлар унда-мунда рўй бераяпди. Бу нарсада мунофиқ руҳонийларнинг та'сири йўқ дейсизми? Эшон ба'зи қишлоқларимизда содда, онгсиз одамлар, айниқса аёллар орасида ўзига мухлислар ҳам топибди. Балки бу қишлоққа ҳам оралагандир у. Нега қизқмадингиз, шу қадар бепарволик!

— Мен кўрмадим, беҳабармен, қайдан пайдо бўлди у энағар?

— Мен уни яхшигина текширдим...— деди кўзларини ма'нодор қисиб Сайрамов,— бу мунофиқ Андижон томонда ўз вақтида машҳур бир эшоннинг тўртинчи хотинидан туғилган кенжа ўғил. Дадаси бирнеча қилни пайғамбарнинг соқоли деб кўрсатиб, халқни роса талаган, юз ботманлаб ер, сандуқ-сандуқ пул ортдирган. Революциядан кейин хурофотфуруш бу хонадон тезда қуриб, тўзғиб кетади. Бу кенжа эшон эгасиз итдай турли шаҳарларда санғиб юради. Самарқандда қайси бир мазорнинг тепасида садақа блан кун кечиради. Тошкентда кундузлари „Чорсув“да, „Хадра“ атрофида бир парча буйрага ўнта майда силлиқ тошни ёйиб, ромчилик қилади. Кечалари вино дўконлари олдида бочкаларни ҳидлайди. Ҳозир кўринишда шундайки, гўё пашшага озор бермайди. Шундай ҳушмуомила, шундай хокисор. Хуллас, илон авлоди-да!

— Чора кўрамиз, ўртоқ Сайрамов. Колхоз қишлоғида қузғунларнинг қағиллашига йўл қўймаймиз.

— Балли, бунинг учун колхозчилар ўртасида илмий-сиёсий ташвиқотни кучайтириш керак,— деди Сайрамов та'кидловчи овоз блан.— Руҳонийлар, эшонлар кимлар эканини фош этиш, хурофотларнинг пуч, бема'ни ва зарарли эканини содда тилда тушунтириш керак. Ташвиқот ишларига коммунистлар, комсомоллар актив қатнашсинлар; бу ишда қишлоқ муаллимларидан яхши фойдаланиш мумкин. Мен районлардан ҳам лекторлар юборамен. Фақат эшон пайдо бўлган учунгина эмас, халқни сиёсий, маданий тарбиялашга ҳамиша зўр э'тибор бермоқ керак. Албатта, яшириб нима қиламиз, бу муҳим масалада бизда ҳам айб бор. Тарбия ишига озроқ диққат қиламиз, бу соҳадаги ишимиз кенг, чуқур ва системали эмас. Шундай эмасми?

— Тўғри. Лекин бу ла'нати товламачига қарши бошқачароқ чоралар...

— Бу сизнинг ишингиз эмас... Хуш'ёр бўлсангиз бас,— деди Сайрамов ва ма'нодор кулиб қўйди.

Ўктам, тушундим, дегандай, бошини қимирлатиб қўйди. Сайрамов ўрнидан туриб, шимини қоқди, ғижимларини қунт блан текислади ва Ўктам блан хайрлашаркан, бирдан сўради:

— Айтинг, эшон тўғрисида кампирлардан эшитдим дедингизми?

— Ҳа, кампирлардан.

— Сизда кампир борми?

— Ҳа, аям бор,— жавоб берди таажжубланиб Ўктам.

— Демак, сиз эшонларга, хурофотларга қарши ташвиқотни ўз кампирингиздан бошланг,— деди кулимсираб,— элакка чиққан қўшни хотиннинг эллик оғиз гапи бор, дейдилар. Эшонлар, ромчилар, тўғрисидаги „миш-миш“лар кампирларга мойдай ёқади. Ба'зи ташвиқотчилар хурофотга, эскиликка қарши мажлислардагина ўт очадилар, қилич кўтарадилар. Броқ ўз уйлари хурофотнинг чирик ини эканини билмайдилар, ёки бунга кўз юмадилар! Хайр ҳозирча...

Ариқ бўйида чўзилиб ухлаган шофер ирғиб туриб, қизарган кўзларини уқалади, терлаган юзига ёпишган ўтларни сидириб ташлаб, эски шапканинг козерёгини орқага қилиб кийди-да, кабинага минди.

— „Бешбулоқ“ сельсоветига,— деди Сайрамов машинага ўтирган ҳамон.

— Фарғонага, обкомга кечикамиз,— деди шофер хомуза тортиб.

Сайрамов соатга кўз қирини ташлаб, қўлини силкиб, Ўктам блан хайрлашди-да, шоферга деди:

— Улгурамиз, илдамроқ ҳайда!

XIV

Ўктам дўсти Собир даласига қайтди. У дала чекасида, каллакланган тутга суяниб, дам олмоқда экан. Икковлари биттадан папирос чекишдилар. Ўктам райком секретари блан бирга бугун қилган ишларини ва унинг ба'зи масалалардаги мулоҳазаларини, ниҳоят, эшон ҳақида бўлган гапни айтиб берди. Собир қизиқиб тинглади-ку, лекин ўзи ҳечнима демади, у дам ерга ўйчан қаради, дам бир чеккада ўт чимтиган отга „ҳай“, „хушу“ каби хитоблар қилиб ўтираверди.

— Нима бўлди, кайфсиз кўрнмасен, полвон?— сўради Ўктам.

— Йўқ, кайф жойида,— деди зўраки илжайиб Собир,— ўтирчи, қулоғингга икки оғиз гапим бор.

Ўктам унинг қаршисига чўққайди ва диққат блан тикилди. Собир тунов кечаси Боймат блан кайф қилишганда Насимжоннинг Ўктам тўғрисидаги бўхтонини айтиб берди ва охирда жаҳл блан деди:

— Бўш келма, оқ юзингга қора сураяпди у. Думини мундай бураб қўй, ортиқ акилламасин!

— Насимжон лаганбардорлиги орқасида ба'зи кишиларнинг пинжига жуда кириб олган. Улар учун гўё Насимжонсиз иш барбод,— деди Ўктам.— Шунинг учун бу қуён шу вақтгача колхозда ўзини арслон фаҳмлаб юрган. Мен секин-секин башарасини очаяпмен. Дод демасдан иложи борми! Қўявер, яна бироз синаб кўрайлик...

— Бундай майда гапчиларнинг та'зирини бер, ишга халал қилмасин, лекин раис блан муомилада нозикроқ бўл. У яхши одам,— деди Собир ва ўрнидан туриб, отни ҳайдаб ишга тушди.

Ўктам унинг орқасидан анча тикилиб, кўнгли қандайдир ғаш бўлди. Чунки Собирнинг ичида қандайдир чигал борлигини ва уни яширмоққа тиришганини ҳам ўзидан совинқираганини сезди: „Бу қандай сир? Нега мендан яширади? Орамизда не воқиа рўй бердики, мендан совиди?“—Бу саволлар Ўктамнинг фикрини чўқилайбошлади. Шу ондаёқ Собирнинг олдига югуриб боргиси келди ва очиқ гаплашиб, сирини билмоқчи бўлди, лекин яна айниди, жаҳли чиқди: „Мендан бирон хато ўтган бўлса, бетимга айтмайдими, яна дўст!“—деб ўйлади ва индамасдан кетди-қолди. У тўғри бориб, қишлоқ ёқасидаги бир тавақали янги кўк эшикни тақиллатди. Тарих муаллими Сулаймон Зокиров узун бўйли, қийғоч, сузук кўзларининг тевараги серажини, бўйни ингичка, ўттиз беш ёшар киши — ялангаёқ, очиқ ёқали узунгина оқ кўйлақда чиқди.

— Кечирасиз, Сулаймон ака, сиз блан беш-ўн минут гаплашмоқчи эдим,— деди Ўктам.

— Марҳамат, Ўктамжон, марҳамат.

Ўктамнинг унамаганига қарамай, муаллим уни уйга олиб кирди ва катта, сердарахт ҳовлининг ўртасидаги чор бурчак суфага ўтқазди. Бўйлари бир-биридан оз-моз фарқ қилучи нусхалари жуда ўхшаш болалар ҳовлида қувлашиб, сув сепишиб, ўйнар эдилар. Сулаймон Зокиров қўл ишораси блан уларнинг шовқунини пасайтирди-да, Ўктам қаршисига утириб, одат бўйича, унинг хол-аҳволини сўради. Ўктам катта теракнинг учигача чирмашиб чиққан, уюм-уюм узуми ҳавода олтинланган аймақи токка, тўқ қизил, йирик олуҳиротларга, шохлари ерга теккан олмаларга қаради. Ҳовлининг ўртасидан кесиб ўтган ариқнинг икки чёти — бошдан охиригача туташ гулсавсар блан қопланган эди. Ўктамнинг завқи келиб, „гул ариқни“ мақтади.

— Ўзбекистонда йилда қарийб етти-саккиз ой ҳовлида яшаймиз. Кўкламда икки-уч кун ҳовлига ҳафсала қилинса, йилнинг уч фаслида гул ичида бўлади киши... Камина гулчиликка бироз ҳавасманд,— деди Сулаймон ва суфада тартибсиз ётган, кичик ва қалин китобларни бир чеккага йиғиштирабошлади.

— Ҳозирданоқ дарсларга тайёргарлик кўрабошлабсиз шекилли,— деди Ўктам.

— Балли!— деди уй эгаси.— Лекин бундан ўзга ташвишим ҳам бор: имтиҳон беришим керак.

— Имтиҳон?— қизиқсинди Ўктам.

— Ҳа, бу ерда ўқитучи, Фарғонада ўқучимен, — жавоб берди Сулаймон. — Мен педагогик институтнинг сиртқи студентимен. Яқинда 3-нчи курс учун имтиҳон берамен. Тайёрланиш керак, дўстим.

— Жуда соз, — деди Ўктам. — Шундай замондамизки, илм, техника йўли ҳаммага очиқ. Фақат орзу ва ғайрат бўлса, бас! Хатто, „Ўқи, мутахассис бўл, олим бўл!“ деб мажбур ҳам қилдилар. Менда ҳам ўқиш орзуси бор, Сулаймон ака. Ўн йиллик мактаб нима беради кишига? Илм томизгиси бу... Бошимни бироз ёритиб келай, деб колхоз блан хайрлашамен-да.

— Шундай қилинг, Ўктамжон, — деди Сулаймон Зокиров бошини чолларча вазмин қимирлатиб. — Ҳозир ёш колхозчиларнинг қарийб ҳаммаси етти, ўн йиллик маълумотга эга!

Ўктам ўз мақсадини айтабошлаганда, ёш қиз ясоғлиқ патнус ва чой келтирди. Шўх атласдан ёқаси кўкраккача очиқ, тор кўйлак кийган, қошларига ўсмани ингичка ва узун қилиб тортган нозик, чиройли қиз Ўктам блан дадил кўришди.

— Менинг синглим, Гулчеҳра, — таништирди. Сулаймон. — Москвада театр студиясида ўқийди, дам олгани яқиндагина келди.

— Оҳо, яқинда колхозимиздан сан’ат устаси етишади десангизчи! — хурсанд қичқирди Ўктам. — Камол топинг, синглим. Лекин бир нарсани унутманг, бу ерга қайтасиз, ўзимиз бу ерда шаҳарниқидан қолишмайдиган жонон театр қурамыз. Колхозчи халққа тамоша кўрсатасиз, кадрлар тайёрлайсиз. Яна қишлоғимизга юз ўгириб кетманг. Ҳа, кўпи блан, уч-тўрт йил ичида шундай обод бўладики, танимай қоласиз.

— Олдин мен мактабни битирай, сан’атнинг улуғ усталаридан кўп нарса ўрганай, сан’атни эгаллаш анча қийин. Ана ундан кейин кўрамыз, — деди Гулчеҳра чиройли табассум блан.

— Фикрингиз жуда тўғри. Сан’атда баландга интилаверинг, синглим, — деди Ўктам.

Қиз нозиккина бурилиб, қўллари блан гулларни сийпаб-сийпаб, айвон томонга кетди. Сулаймон Зокиров нон ушатиб, меваларни саралаб-саралаб, меҳмон олдига сурди:

— Марҳамат, дастурхонга қаранг.

Ўктам анордай йирик қизил олмани еди-да, ўз мақсадини — ташвиқот ишларида муаллимларнинг қатнашуви масаласининг муҳимлигини айтди ва ёрдам сўради. Тарих муаллими унинг фикрларини ма’қуллади, терак тепасида шамол ва қуёшга роса тўйиб пишган „якдона“ узумнинг олтин доналарини оғзига бир-бир отиб, ўз доклади учун мавзу’ ўйлади. Ба’зан у бирдан енгилланиб, хурсинади-да: „Манави мавзу’га нима дейсиз?“ деб Ўктамга мурожаат қилади, лекин дарров ўзи айниб, қўлини умидсизча силкиб кўяди: „қидирганда топилмайди-да!“

Ўктамнинг сал сузук кўзлари энди беихтиёр равишда ҳовлида айланиб қолди. Келажакнинг артисткаси — Гулчеҳра атлас кўйлагини оловдай ёндириб, дарахтлар орасида, гўё ўйинга тушгандай енгил, нозик йўрғалар, гоҳ ҳовлининг тўридаги айвон олдида яшнаган ва ҳар тупидан сават-сават гуллар узиш мумкин бўлган

тўқ қизил, нимсариг, тиниқ оқ гуллар орасидан бир зумгина юзини кўрсатиб қўяр эди.

— Мана бу мавзу' қалай?— тўсатдан хонтахтани „шоқ“ уриб сўради тарихчи.

Ўктам чўчиб бошини бурди ва қизга тикилганимни муаллим сездими, деб йигит қизариб кетди, унга қарашга ботинмай, истар-истамас, меваларга шошиб-пишиб қўл узатди.

— „Самарқандли Хўжа Аҳрор ва унинг кирдикорлари“ деган мавзу'да доклад қилсам,— деди Сулаймон.

— Хўжа Аҳрор?— муаллимга зимдан қаради Ўктам.— Эшитганмен, қариялар кўпинча тилга олишар эди уни. Тушунтириш менга, қачон ўтган бу Хўжа?

— Бу киши эшонларнинг фили, сўфиларнинг пири бўлган. Бундан беш юз йил бурун яшаган шайх!— деди Сулаймон кўрсаткич бармоғини тиккайтириб.

— Баракалла сизга!— деди ранжиб Ўктам.— Аллақандай тўфон-мўфон замонида юрибсиз-а. Яқингиларни, айниқса ҳозирги кунда қанғиб юрган товламачиларни фош қилинг-да. Аҳрорнинг гўрнини қавлаб нима қиласиз?

— Бироз сабр қилинг, Ўктамжон,— деди Сулаймон куюниб,— Хўжа Аҳрор машхур руҳоний. Халқ орасида у энг кароматчи, му'жизалар кўрсатучи шайх ва худонинг арзандаси бўлиб танилган. Лекин ҳақиқатда Хўжа Аҳрор энг алдоқчи, таловчи ва энг маккор одам бўлган. Мингларча қулларнинг, мингларча қашшоқ деҳқонларнинг кучини, қонини сўриб, дун'ё-дун'ё бойлик ордирган. Хўжа Аҳрорнинг бойлиги тўғрисида бир афсона ҳам бор, қулоқ солинг: шоир Машраб бир кун эшакка миниб, саёҳатга чиққан. Биласиз, Машраб гоҳ пиёда, гоҳ эшакда кўп ўлкаларни кезган оташнафас бир шоир. Унинг бир эшагу, бир танбурдан бошқа мулки ҳам бўлмаган экан. Хўш, қулоқ солинг, мана Машраб эшакка миниб, шаҳардан чиқади. Далада туман-туман қўйларни кўриб подачилардан сўрайди: „Кимники?“— „Хўжа Аҳрорники!“ Кейин саҳрода Машраб минглаб туяларни кўради: „Кимники?“— „Хўжа Аҳрорники!“ Яна бир давон ошгандан кейин шоир мингларча йилқиларга дуч келади: „Кимники?“— „Хўжа Аҳрорники!“ Ана шунда Машрабнинг жуда энсаси қотиб, дарров эшакдан сакрайди ва уни бир тепиб дейди: „Жўна, сен ҳам Хўжа Аҳрорники бўлақол!“

— Дун'ёни ютмоқчи экан-да муттаҳам авлиё!— ҳайрат блан қичқирди Ўктам.

— Унинг ер-суви-чи?— Чой ҳўплаб, қизиқиб давом этди. Сулаймон.— Ҳў! Бир бурчидан иккинчи бурчига шамол ҳам етолмас экан. Мана, кўрдингизми, Хўжа Аҳрор халққа дун'ё лаззатларидан воз кечишни буюрган, фақир, забун бўлишликни тарғиб этган; бунинг бадалига нариги дун'ёда жаннатни ва'да қилган. Ўзи-чи? Ниҳоят очкўз, мулкпараст бўлган. Ҳа, Хўжа Аҳрор илмга мактабга, китобга душман эди. Мана бир мисол сизга: Улугбекнинг шогирдларидан, замонасининг зўр олимларидан астроном, юлдузшунос Али Қўшчи бир тўда талабалари блан бирга Самар-

қанднинг қайси бир кўчасида қаёққадир бораётир экан. Шу вақтда хонақоннинг эшигида ўтирган Хўжа Аҳрор ўз муридларига қараб шундай дейди: ана катта бир қанжиқ ўзининг кучукбаччалари блан келаяпти!.. Тушундингизми, Хўжа Аҳрор қандай қора куч! Самарқанднинг ёруғ кундузини тунга айлантирган мана шу эшон. У ва унинг шоғирдлари, маслакчилари тарқатган захарли хурофотдан халқимиз яқиндагина қутулди. Яна, Сулаймон тўқияпти, деб ўйламанг. Ҳаммаси факт. Мен мана китобдан олиб гапираяпмен (муаллим китоблардан бирини баланд кўтариб, яна жойига қўйди). Бу китобни академик босиб чиқарибди. Ма'лумки, олимларнинг фикрлари кўпинча баландроқда учади. Бу фикрларни содда, равшан тилда колхоз оммасига етказиш керак. Энди сиз, қулай фурсат келганда, халқни йнғасиз, камина олдин Хўжа Аҳрорнинг кирдикорларини лўнда-лўнда айтиб берамен, кейин, яқингача унинг қора йўлини давом этдирган бошқа эшонлар, сўфилар, ҳархил авроқчилар, товламачиларни фош этамен. Қани, сизга ма'қулми?

— Ма'қул, аини муддао. Қўлни беринг.— Ўктам муаллимнинг қўлини сиқди,— Сулаймон ака, ўзингиз ҳам салкам академик бўлиб қолибсиз-ку,— деди ҳазилсимон.

— Ҳали қайда!— деди Сулаймон кулиб.— Лекин, агар таним сиҳат бўлса, ўн-ўн беш йил Тошкентда ёки Маскавда ёлғизгина униш-ўрганиш блан банд бўлмоқчимен. Олдин доцент, кейинкейин майли қариганимдаёқ, профессор бўлиш орзуси мана бу юракда лим-лим, укажон. Замонамиз тўхтовсиз олдинга ҳаракат қилиш замони.

— Шу мақсад йўлида ишлайверинг, етасиз орзуга. Бунинг учун совет ватанида ҳамма шароит бор,— деди Ўктам.

— Менда ўқиган, яқинда бир қарич болалардан бирнечаси яна икки йилдан кейин университетни битириб келади. Ҳаммаси ўз қишлоғимиздан. Мен бунга қувонамен. Лекин ўзим „собиқ муаллим“ бўлиб қолишни истамаймен.

— Бу йил яна бирнеча йигитча ва қизчаларни олий мактабга юборамиз,— деди Ўктам керилиб — Яхши, айтинг-чи, менинг қўшним Соатжон нима тўғрида доклад қилсин?

Сулаймон жавоб беришга қийналгандай, ерга қараб сукут қилди.

— Хўш, кучи етмайдимми?

— Билмадим, ўзи блан гаплашинг,— деди Сулаймон лаб учиди кулиб.

— Айтинг қайси илмда кучли у?

— У киши бизнинг дўстимиз. Гарчи аччиқ бўлса ҳам, ҳақиқатни очақолай сизга: Соатжон дастлаб ўз саводини элақага келтирсин, носвой чакишни, беданабозликни ташласин!

— Ие, кўпдан буён муаллим-ку...— афсусланиб деди Ўктам.

— Мутолиаси йўқ. Китоб очса, уйқуси келади. Ачинамиз, лекин бефойда.

— Рост мен унинг қўлида китоб тугил, газета ҳам кўрмаймен,— деди Ўктам ва кулиб қўйди — кўпинча бир жуфт қуруш-

қоқ эчкини боқиб юради. Йўқ, қўшнимни бир карра танқид қилайлик: интил, илмингни бойит, деймиз. Интилмаса, ўзидан кўрсин. Иши чиппакка чиққанда, кўзи очилади. Ёшлар келаяпти, ёшлар!

Сулаймон балли дегандай бошини вазмин қимирлатди. Жуғрофия ва физика муаллимларига табиат ҳодисалари ҳақида лекциялар топшириш тўғрисида кенгашдан кейин Ўқтам суфадан сакради, гулга, мевага бой, чиройли ҳовлида уёққа-буёққа биров юрди, муаллимнинг думалоқ-сумалоқ, ёқтой болалари блан „сув-сепар“ уйнашди. Ўқтам Гулчеҳранинг пешонасини, бурнининг учини ва иягини Комиланикига ўхшаткиси келди, ёш артистка унга гул узиб бергиси келганини, лекин акасидан тортинганини ҳам сезди у. Сулаймон ўзи яхшилаган ба’зи гулларни ва дарахтларга қилган пайвандларини кўрсатиб, меҳмонни эшиккача кузатиб чиқди. Ўқтам миннатдорчилик билдириб, у блан хайрлашаркан, яшил ҳовлидан булбулникидай, янгроқ, ёқимли, тоза овоз юксалди. Икковлари ҳам илжайиб қулоқ солишди. Гулчеҳра Москва ҳақида русча бир қўшиқни куйлар эди. Ўқтамни юксак ўй ва хаёл қучди, кўз сузилиб, бутун гавдаси секин-секин тебранди. Олтин ҳавода қўшиқ тингандан кейин Сулаймон деди.

— Қизча Масквани соғинибди, бутун юраги у ерда...

— Соғинади, она Масквани соғинмаслик мумкинми? — деди Ўқтам.

XV

Кечга яқин даладан қайтган бирнеча ёш йигитлар клуб майдонига гулзор олдида, жомакорларини ечмасданоқ, деворий газета чиқариш блан машғул эдилар. Комсомол комитетининг секретари Ўсаржон Султонов қулоғига қалам қистириб, стол атрофида секин айланиб, мақоланинг сўзларини дона-дона, пишиқ-пишиқ айтиб, диққат зўридан дўнг пешонаси бурушган ёш ва хушхат котибга ёздирар эди. Бошқалар эса материалларни ўқир ва таҳрир қилар эдилар. Ўқтам клубдан чиқди ва сиёсий ўқиш-ўрганиш ҳақида ҳозиргина ёзган мақоласининг айрим жойларини кўздан кечириб, Ўсаржонга берди ва ярми бўш оқ картонга қараб, сўради:

— Қачон ўқиймиз „Илғор пахтакорлар“ни?

— Кечалаб ишласак ҳам бугун битирмоқчи эдик, броқ материал оздай кўринади,— жавоб берди Ўсаржон.

— Ўзинг ҳечнима ёздингми? Бошқалардан қисташни хўб биласен-а.

— Вақт танг, даламда иш тиғиз. Нормани икки ҳиссадан бажарсак ҳам, улгуролмай турибмен. Кечаси қўлга қалам, қоғоз олиб, бир киришдим, „Юқори ҳосил учун курашда ёшлар“ деган мақолани бошладим, броқ чала қолди.

— Илҳом келмадими?— қичқирди кимдир гуллар орқасидан.

— Сўлум кечада ойга телмурсам ҳам келмади. Жуда серноз бўлар экан,— жавоб берди қулиб Ўсаржон.— Йўқ, тўғриси шуки,

Ўқтам ака, мен ма'носи тўла, ҳар сўзи ўтдай мақолани яхши кўрамен. Шундай ёзиш учун ўйлаб-ўйлаб қалам тебратмоқ керак. Энди чиройли ёзишга ўрганмасак бўлмайди. Негаки, ўзимиздан шоирлар пайдо бўлаяпти. Мана, Соли аравакашнинг ўгли ше'р ёзибди. Қаранг, „Қишлоғимга нур келур“ деган сарлавҳа қўйбди.

— Ўқи, ўқи!— зўр қизиқиш блан сўради Ўқтам.

Ўсаржон сўл қўлида бир парча қоғозни тутиб, ўнг қўлини тантанали равишда кўтариб, баланд товуш ва шавқ блан ўқиди. Ше'р Ўқтамга жуда ма'қул тушди ва кулиб деди:

— Шоиримиз улкан гидростанцияни битириб ҳаммаёқни нурга гарқ қилибди-ку. Майли, бугунги орзу, эртага чин бўлади. Энди бу шоир болани тарбиялаш керак. Мен биламен, ўйчан бола у.

— Унга айтамиз: ше'рларини Ёзучилар союзига юборсин, ижодий ёрдам сўрасин,— деди Ўсаржон.

Ўқтам газетага ба'зибир дангасаларни фош қилучи мақолалар ёзишни ва уларни дала шийпонларида ўқиб беришни уқдирди.

— Бирнечасининг башарасини кулгили қилиб чиздирмоқчи эдим,— деди Ўсаржон — броқ рассомимиз Ил'ёсхон бетоброқ. Кишини ҳажв қилишни дўндиради у. Бултур Султнали звеноси орқада қолган эди. Ил'ёсхон тошбақанинг косаси ичидан Султоналининг узунчоқ бошини чиқариб қўйди. Султнали далада тошбақа кўрса, ҳозир ҳам қизориб кетади.

Уларнинг гапини тўсатдан келган отлиқ қиз кесди. Ўқтам юғриб бориб, Комила Салимова блан кўришди-да, таниш отни, эгасининг э'тирозига қарамай, жиловидан тутиб, четга элтиб боғлади.

— Хуш келибсиз, Комила опа,— қизга мурожаат этди Ўқтам, ҳам саросимада, ҳам хўрсанд.— Супага марҳамат.

Комила энгашиб, оқ шойи кўйлагининг гижимланган этагини қўллари блан текислади ва шикоятли товуш блан деди: „отни эркалар минсин-да!“

— Ҳуқуқларингиз баравар-ку,— ҳазиллашди Ўқтам.

Комила ҳазил блан жавоб беришга ҳозирланди-ю, яна тилини тийди:

— Кишини чарчатиб қўяди от,— деди қаддини ростлаб, сочларини тўғрилаб Комила.

— Колхоз раисиди қўним йўқ, машина олинг, Комилахон.

— Олдин колхозимизда грузовойларни кўпайтирай.

— А, ҳозир ҳаммадан муҳим нарса бу. Трехтонкалар гумбурлаб қатнаб турса, колхоз ёлчийди-да.

Комила супанинг четига ўтирди, кўкимтил, юпқа шерсть пиджак чўнчагидан дастрўмолча олиб, кулимсираган, қорамтил юзини, сал дўнгроқ чиройли пешонасини артди. Газетачи ёшлар унга гоҳ-гоҳ кўз қирини ташлаб, ўзаро шивирлашганини сезди-да, қиз теваракни қоплаган дарахтларга кўз югуртди. Ўқтам бир болани четга имлаб, бирнима тўғрисида гапирди ва Комилага қайтди.

— Овора бўлманг, мен сизга меҳмон бўлиб келмадим,— деди Комила.

— Бирпас дам оласиз колхозимиз ҳавосида,— деди ялинқираб Ўқтам.

— Раҳмат, мен йўлакай отдан тушдим. Мирҳайдар ота қайдалар? Кўрамен-у, жўнаймен.

— Раис далада, келиб қолар, ё киши юборармиз,— деди Ўктам.

— Кекса овора бўлмасин, вақтингиз бўлса, борақолайлик,— деди Комила кўзларини чиройли сузиб.

Ўктам ўз ичида хурсанд бўлди. Иккови ҳам пиёда кетишди. Ҳаво дим эди, ботаётган қуёш дарахтларни майин оловга чуллаган эди. Йигит блан қиз чангли катта йўлни кесиб, далага чиқишди.

Комила ўқтин-ўқтин бир зум тўхтаб, теварақдаги ғузаларга разм солар, яна тигиз ёлғизоёқ йўлда илдам юриб кетар эди. Юраги соғинчга тўла Ўктам ўз-ўзини койиди: „аҳ, соддалигим курсин нега яқин йўлдан бошладим!“ Ҳайтовур, унинг бахтига, пахта денгизи орасида қовун полиз учраб қолди. Қизнинг диққатини полизга жалб этди у. Кўмкўк фалаклар ичида дўндай-дўндай чўғирлар олтинлар, саноксиз ананаслар ғарқ пишиб ёрилиб ётарди.

— Танлашни биласизми? Биттасини узинг,— деди кулиб Ўктам.

— Қовун танлашда дидим йўқ. Сиз-чи?

— Бир вақтлар пичагина билардим,— деди Ўктам ва полизга кириб, бир пас теварақка қараб тўни хунук битта умбурвақини шартта узиб чиқди, ҳидласин, деб қизнинг бурнига яқинлаштирди. Комила узоқ ҳидлади, кўзларини чиройли юмуб, ҳузур қилганини билдирди. Йигит, ўз қўли блан қовун узишга Комилани қистади. Комила полизда аста юриб, анча жўякларни оралади, кўп қовунларни ушлаб, ҳидлаб, қайбирини узишни билмади: „бир-биридан яхшига ўхшайди-ку, жуда довдираб қолдим“— деди кула-кула Комила ва ниҳоят, таваккалга бир қовунни узди-да, ҳидлаб-ҳидлаб олиб чиқди. Ўктам унинг шошилмаётганини сезиб, ўтиришга, „ширинаки“ ўйнашга таклиф этди. Комила э'тироз қилгандай бир хўрсиниб, ўтириш учун ўн ғайроқ жой қидирабошлади. Улар қуруқ, иссиқ пичанга ўтирдилар.

— Мен ютқузамен,— деди Комила иккала қовунни галма-гал чертиб, оғирлигини чоғлаб.

— Нимадан баслашамиз?— жиддий тикилиб сўради Ўктам.

— Ҳо ҳечнимадан, ҳазилакамга,— жавоб берди бошини тебратиб Комила.

Ўктам этик қўнжидан ўткир, ихчам пичоқни суғурди, қулининг нозик ва моҳир ҳаракати блан олдин қиз қовунига пичоқ солди. Бармоқлари орасидан хушбўй, ширали томчиларни оқизиб, икковлари бир тилиқдан тотдилар. Ўктам кўзларини қисиб, бошини тебратиб қовунни махтади:

— Дидингизга тан бердим. Асалу гулоб блан суғорилганга ўхшайди.

— Йўқ, чўрроқ чиқди, ўзингизникини сўйинг,— деди Комила чиндан ранжиб.

Ўктамнинг қовуни қизга жуда ёқди, икки тиликни махтаймахтаи еди. Йигит эса бу қовун бирқадар тобидан ўтганлигини, унча хушбўй эмаслигини айтди ва пичоғини ўт блан артиб, қинга, кейин қўнжга тикди-да, бир вақтлар ўртоғи блан „ширинаки“

ўйнаб икки-уч соатда қирқ-эллик қовунни сўйганларини, ҳарқай-сисидан бир карч-бир карч тотиб, охирда қоринлари шишганини ва тиллари қовун мазасига ўтмас бўлиб қолганини кула-кула сўзлади. Комила дастрўмолча блан лабларини артиб, ўрнидан турди: „Эккан колхоз ва танглаган кишининг умри узоқ бўлсин!“

Ўктам, қаердандир пайдо бўлиб, олисдан уларга гоҳ-гоҳ мўралашган болаларни чақирди. Қолган қовунни болалар чувуллашиб еябошладилар. Комила дам йигитдан сал олдин, дам бир-икки одим кейин юриб, кайфи чоғлик блан гапирар, камчиликларга, қийинчиликларга қарамай, колхозларда ялпи юксалиш бошлангани ва колхозчиларнинг муттасил олдинга интилишлари ҳақида жонли, чиройли ҳикоя қилар эди.

— Тўғри, боладан кексагача, ҳаммада зўр интилиш бор, — деди Ўктам қизга ёвдош бўлиб. — Ҳар янги ишга кучоқ очиб, жонутан блан киришадилар. Гидростанция қуриш тўғрисида масала қўзғаган эдик, колхоз комсомоллари яктан кўтарилди: давай кўрсат, бу ишни биз ўзимиз зиммамизга олайлик! — дейишди.

— Яхши, қуриш керак, кучли станция қуриш керак. Мана бизники ҳозирданоқ кичиклиги сезилиб қолаяпти. — деди Комила.

— Биз ҳам шу ниятдамиз, — деди Ўктам. — Лекин ҳали ҳеч нарсанинг дараги йўқ-ку, бир колхозчи боламиз бу тўғрида ше'р ҳам ёзибди.

— Ше'р?

— Ҳа, ҳозиргина ўқидик. Ажаб тавур. Ленин чироқлари коммунизм йўлини юлдузлардай безайди, дейди. Ўзимиздан шоир етишганига суюнамен, — деди Ўктам фахрланиб.

Комила ўзининг мактабдоши ва илк ошиқи Мирза Ҳуснийни эслади. Бу колхоз шоирини ҳам худди у сингари тасаввур қилди. Лекин ўзининг шундай катта колхозида ҳали шоир пайдо бўлмагани учун, Комила ичида бироз ўксинди. Ўз колхозининг ҳаржихатдан олдинда бўлишини истар ва бунинг учун курашар эди у. Ўктам, йўл сал ўнғайсиз бўлса, тиканакли ўсимликлар учраса, дарҳол Комилага кўмаклашишга тиришар эди. Зовурдан ўтказганда, қизнинг қўлини қўйиб юбормади, гуё гап блан овора бўлгандек, кетаверди. Бироздан кейин Комила қўлини аста айирди ва шўхлиқ қилманг, дегандай, бошини тебратиб, лабини сал тишлаб қўйди. Ўктам қизариб, гапга чалғитишга тиришди.

Улар Мирҳайдарни звено бошлиқларидан бирига ниманидир қаттиқ-қаттиқ уқдириб турган ҳолда учратдилар. Кекса ва қиз худди ота-боладек кўришишди. Ҳол-аҳвол сўрашди. Донгдор қиз олдида раисдан яна туртки ейишни истамади, секингина сурғулишни кўзлаган йигитга Мирҳайдар хийла юмшоқ гапирабошлади:

— Бу ердан нима оласен? Ғўзапоями? Қара, ғўзанг нуқул бўйга-ю, баргга зўр берибди. Кўп суғоргансен, бемаҳал суғоргансен. Биласенми, даданг қандай омил пахтакор. Бобонг бир бақатерак учида қизил гул ундирган экан, лекин уламолар ман' қилган экан, деб эшитар эдик. Ўйлаб иш қил-да! Йўқ, пахтани яхши биласен, фақат қунт йўқ, ҳафсала йўқ сенда.

Комила раис блан ҳамқадам, жимгина сўзлашиб, узоқлашди. Ўктам звено бошлиғи блан бирга юриб, гўзага диққат қилди. Лекин у даланинг бошқа томонларида ортиқча ғовланиш аломатини кўрмади. Звено бошлиғи хўмрайиб, ўпкалаган товуш блан деди Ўктамга:

— Гўзапоя эмиш! Қаранг, бу кўсақлар нима? Фе'ли айниб турган экан шекилли, қаёқдан ҳам дуч келиб қолдим унга! Юқоридаги икки-уч қаторни кўрди-ю, тутоқиб кетди..

Ўктам йигитнинг кенг елкасига қўлини қўйиб, астагина деди:

— Мана Собирнинг даласи, худди ёнбошингда. Ўзинг рост айт, гўзанг унга баробарми?

Йигит базўргина жавоб берди:

— Фарқ бор.

— Нега?— сўради кинояли илжайиб Ўктам.

Звено бошлиғи жавоб бермади, кўзларини қайсарларча ерга қадаб тураверди.

— Хўб, мен ўзим жавоб берай,— деди Ўктам,— бу ерлар орасида менимча, фарқ йўқ. Кучинг ҳам Собирникидан қолишмайди: унда буй-бор, санда эн. Фарқ ёлғиз бир нарсада: Собир ҳам қўли, ҳам юраги блан ишлайди. Мана ўнг томонингда Ўсаржоннинг даласи. Ҳарким завқланиб қарайди. Чунки Ўсаржон куйиб-ёниб ишлайди. Гап шунда. Биламен, эсинг-ҳушинг кўпроқ томорқангда. Унда роса терлаб-пишиб ишлайсен. Сен биринчи галда колхозни ўйлашинг керак эди. Сенинг бутун хонадонингни ким рўёбга чиқарди?— Колхоз. Бойлигинг, бахтинг — колхозда. Турмушим гулласин, қишлоғим яшнасин десанг, колхозни бақувват қил!

Звено бошлиғининг калласи яна эгилди. Қошларининг ораси тугунчаланди, қалин лаблари нимадир пичирлади. Кейин қаддини ростлаб, ўйчан, ўткир кўзлари блан атрофини қамради-да, ишонч блан деди:

— Ҳалиям бўлса, Собир ака блан бел синашиб кўрамен. Чоғимда, ҳали жила кеч эмас. Нима дейсиз.

— Меҳнат ҳам тажрибани аямасанг, муродингга етасен,— деди Ўктам ва Йигитнинг елкасига дўстона бир уриб қўйди.

Комила ва раис жонли суҳбатлашиб, аста қайтишди. Ўктам уларга қўшилди, гапларига қулоқ солиб, ўйчан, жим кетди. Комила „Гулистон“ колхозининг раиси жамоат мулкини барбод қилганини кеча ялпи мажлисда Сайрамов фактлар блан исбот ва фош этгани ҳақида гапирди.

— Қаердаки ҳаром қўл бор, у ерда барака йўқ. Бефарқ, беандиша киши экан-да. Модомики халқ сенга э'тимод қилиб, бошига кўтарибди, сен халқнинг оёғида тур. Колхознинг битта чўпи бир кун кўзингга араванинг михидай қадалишини унутдингми? Қуш хотин сақлашдек аҳмоқчилик раис учун шармандалик эмасми? Раис — колхозчига кенгашчи, колхоз мулкига посбон бўлади. Раис дала беги эмас, дала навқари! Жуда яхши бўбди, Комилахон қизим, энди қўшнимиз у аблаҳдан қутулибди. Лекин унинг астар-аврасини бурунроқ титиб ташланса ҳам бўлар эди.

Чойхонага келганда Мирхайдар Комилани уйга таклиф этди. Фақат қиз, юмушларим кўп деб, унамади, отга миниш олдида Уктам блан илиқ хайрлашди, йигит шикоятланиб деди унга:

— Бир ошам паловга турмадингиз-да.

— Раҳмат. Паловни олдин бизникида ошайсиз,— деди шўхгина кулиб Комила.

Ўктам алланечик бўшашган ҳолда отлиқ қизнинг орқасидан анча вақт ўйчан қараб қолди. Уйга кетиш олдида раис деди унга:

— Оловдай қиз. Ақли расо. Хушсуҳбат, хушфе'л. Бахти баланд йигит олади уни.

— Не юмиш блан келибди Комилахон?— сўради Ўктам.

— Мени йўлакай кўриб кетай дебди. Барака топкур, мен блан анча қалин. Мажлисларда кўпинча менинг ёнимда ўтиради. Бир вақт каналда икки-уч кун менинг чодиримда қўнди, жуда тортинчоқ, боадаб қиз.

Раис кетгандан кейин Ўктам чойхонага қайрилди. „Илғор пахтакор“нинг жонкуярлари, қоронғи тушишига қарамай, жиддий ва ошиғич ишламоқда эдилар. Ўсаржон Султонов қўлларини шим киссаларига тиқиб, мудроқ, сокин дарахтлар орасида уёқ-буёққа аста юриб, ўз мақоласини ўйлар эди. Даладан қайтган Додамат жилла бўлмаса тунда чойхонага файз бериш учун самоварга ўт ташлаб, чойнак ва пиёлаларни тез-тез артар, ба'зиларига разм солиб, чертиб кўрар ва ўзича минғирлаб қўшиқ айтар эди.

Ўктам ариқ бўйида аста кезиб, Комилани ўйлади. Унинг юраги ҳам шод, ҳам қандайдир нотинчроқ эди. Бугун қаерда, қай сўз ва қай муносабат блан Комила унга қандай қараганини, унинг кўзларининг жилва ва ма'носини бир-бир хотирлади. Қизнинг муносабатида бирқадар эркинлик, илиқлик, яқинлик сезгани учун у мамнун эди, бундан кейин Комила блан саросимасиз учрашаолишига, бирон ишни баҳона қилиб, отда „ғир“ этиб, „Элобод“ колхозига боришига умид қилар эди. Броқ қизнинг юрак сири унга ҳали нома'лум: „донгдор, билимдон колхоз раисаси балки бошқалар блан яна эркинроқ, бемалолроқ сўзлашар. Ахир у ҳали Мирхайдарни дам қўлтиқлаб, дам унинг елкасига қўл ташлаб юрмадими? Раис унинг отасидек-ку, лекин шундай бўлса...“— ўйлади ичида Ўктам.

Шу вақтда „Виллис“да олимлар келишди. Ўктам қувонч ва ҳаяжон блан уларни кутиб олди. Акбар Мухторов ва Анна Александровна Комарова худди район марказида уч кун бурун Ўктам блан учрашгандагидай, пухта, содда йўл кийимида эдилар. Ўктам гулзор ёнига дарров жой ҳозирлади. Иккала профессор идорадан олиб чиқилган стулларга ўтиришди. Гулларни тамоша қилиб, ёйилиб дам олабошлашди. Акбар Мухторов ўрта бўйли, тўлагина юзли, кўзлари ичга ботинқираган, ияги чиқикроқ, қирқ беш ёшлардаги киши эди. Анна Комарова баланд бўйли, ингичка юзли, пешонаси серажин, оқиш сочлари қисқа кесилган, эллик ёшар мулојим хотин эди. Уларнинг иккиси ҳам тупроқшунос эдилар.

Ўктам Додаматга палов тайёрлашни буюриб, чироқлардан бири-

ни олиб, азиз меҳмонларига қайтди ва қувонганини қайта-қайта уларга баён қилди.

— Ва’дага мувофиқ келдик, Ўктамжон. Ўтиринг, иш тўғрисида гаплашайлик, — деди Мухторов.

Тошкентдан Фарғона водисига катта экспедицияга чиққан бу тупроқшунос олимлар блан Ўктам район марказида тасодифан учрашган эди. Тупроқнинг ҳосилдорлик сабабларини илмий равишда ўрганиш ва ғўза экилган шўрхок катта майдонларни махсус зовурлар қазиб орқали яхшилаш ва бу йўл блан ҳосилни ошириш ва ҳоказо муҳим масалалар блан шуғулланишларини англагандан кейин, Ўктам илмий ишларни ўз колхозида ўтказишни улардан сўраган эди. Чунки бу колхозда шўрхокланган майдонлар бор эди.

— Бироз дам олинглар, раис келсин, бафуржа гаплашамиз, — деди Ўктам.

Анна Комарова чироқни ўз томонига бироз суриб, автомат ручка блан кичкина блокнотга нималарнидир қайд этиб, Ўктамга мурожаат этди:

— Ёдингиздами, биз ҳамма масалалар тўғрисида сиз блан батафсил суҳбатлашган эдик. Бизнинг текшириш ишларимиз учун колхоз битта хона берса, бас. Бошқа ҳечнарсанга эҳтиёжимиз йўқ. Биз ўзимиз, ёрдамчиларимиз — ҳаммаси беш киши — очиқ ҳавода яшайверамиз, биз ҳарқандай шароитга ўрганиб қолганмиз, шундай эмасми, Акбар Маҳмудович?

— Бутунлай тўғри, Анна Александровна, — деди Мухторов ҳамма ёққа завқ блан қараб. — Жаҳаннамдай қизгин қумликлардан кейин, бу води эртақлардагидай ғўзал. О, Фарғона!

— Нодир ўлка, ҳатто та’рифлашга сўз тополмайсен, — деди Комарова.

— Колхоз — кенгчилик, мўлчилик. Ҳамма шароитни туғдира-рамиз, — деди Ўктам. — Хўш, йўлда чанқагандирсизлар, муздаккина шафтоли келтирайми?

— Раҳмат, йўлда роса мевахўрлик қилдик, — деди Комарова ва блокнотига бошини эгди.

— Ўзбекларнинг бир мақоли бор: „Сўраб бергунча, уриб бер“ — деди Мухторов.

Ўктам қота-қота кулди. Анна Александровна таажжубланиб уларга қаради. Мухторов мақолни таржима қилиб берди. Комарова ҳам кулди, кўзойнагини пешонасига кўтариб, Мухторовга деди:

— Дўстимизни уялтирманг. Унинг илмга муҳаббати, янгиликка интилиши ҳарқандай махтовга сазовор...

Ўктам столни бирпасда ранго-ранг мевалар блан яшнатиб юбордики, энди Мухторов бу исрофгарчилик учун ундан ранжиди. Ўктам раисга Ўсаржонни юбормоқчи бўлди, лекин яна айниди. Масаланинг моҳиятини Мирҳайдарга дастлаб уқдириш кераклигини ўйлаб, комсомол секретарини меҳмонлар олдида қолдириб, ўзи кетди. Раисни янги енгил кичкина шийпонида учратди у. Мирҳайдар шийпонинг панжарасига суяниб, оёқларини гиламга узатиб, ҳосилот

раиси Каримқул блан суҳбатлашиб ўтирар эди. Ҳосилот раиси алланечик қизарди, бошини боғ томон буриб, мўйлабини олифталарча силайверди. Раис Ўктамни беларвогина қаршилади ва турли камчиликлар, „ўлда-жўлда“ қолган ишлар тўғрисида шикоятланди. Ўктам диққат блан тинглади, броқ, бу тўғрида гапни чўзмасликка тиришди-да, олимларнинг келганини ва улар колхозда бажаргуси илмий ва амалий ишларни батафсил тушунтиришга киришди. Энди ҳосилот раиси боғдан бошини қайирди ва семиз бақбақасига кўмилган иякка муштини тираб, мийиқ учуда кинояли кулги блан тивғиллайбошлади. Ўктам сўзни тамом қилганда, у қаддини ростлаб, ма'нодор йўталиб қўйди.

— Меҳмонларни яхшилаб кутиб олдингизми? Зиёфатни қуюқ қилаверинг, — деди Мирҳайдар.

— Жуда камтар одамлар экан. Ҳечнарсасага эҳтиёжлари ҳам йўқ, — деди Ўктам.

Мирҳайдар Каримқулга мурожаат этди:

— Нима қилдик энди? Бирёқдан азиз ҳурматли одамлар келибди, иккинчи ёқдан ўз дахмазаримиз ҳам тоғ-тоғ ошиб ётибди...

— Менимча, меҳмонларни яхши зиёфат, яхши сўз блан жўна-тиб юбориш керак, — деди, қат'ий равишда Каримқул.

Ўктамнинг жаҳли чиқиб, қичқираёзди, лекин ўзини тийишга тиришиб, деди:

— Мен сра тушунмай қолдим, нега илмдан ҳуркасиз? Олимлар қўлингизни боғлаяпдими? Йўқ, хотиржам бўлинг, бошингизга заррача ташвиш ортмайди улар. Агарда сиз ва биз учун оғир юк бўлиб тушганда ҳам, бу ишга астойдил қувонишимиз керак эди.

— Нега масалани аввал правленияда хал қилмайсиз? — кекирдигини чўзиб қичқирди Каримқул. — Мана раисимиз, ёнингизда арслондай ўтирибди. Умрлари узоқ, бахту-давлатдари яна зиёда бўлсин, нега бу отамиз блан маслаҳатлашмайсиз? Ўзбошимчаликка қачон чек қўямиз?

— Раисни мен ҳам ҳурмат қиламен, — деди овозини сал баланд кўтариб Ўктам. — Тўғри, айрим масалаларда тортишамиз. Бу нарса жуда табиий ва шундай бўлиши ҳам керак. Вақти келганда бир-биримизни танқид ҳам қиламиз. Раис коммунист бўлгани учун бунга зарра қадар ранжиши мумкин эмас. Лекин биз ҳамма ишимизда танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтиришимиз керак. Тўғриси, танқид бобида биз ҳали жуда оқсаймиз. Мени ўзбошимчаликда айб-лашингиз — қуруқ тухмат, ўртоқ ҳосилот! Тўғри, колхозда илмий тажрибалар масаласини ёлғиз ўзим ҳал қилдим. Бу — бесабаб эмас: Академиянинг экспедициясига район марказида кўққисдан учраб қолдим. Планлари катта экан. Одамлари ҳархил тажриба, ҳархил текшириш учун турли ёқларга кетаяпди. Вақт ганимат, фойдали ишдан маҳрум қолмайлик, дедим-да, колхозимизга ўзим таклиф этдим. Хўш, мен зарарли ишни бошлабменми? Ёки бунда бирон шахсий манфаатим борми? Сиз, Каримқул ака, қинғирликка ола-япсиз. Билиб қўйинг, қандайдир шахсий манфаатлар учун раис-нинг обрўсини соққадай юмалатучилар блан гаплашамиз ҳали. Бу бошқа гап. Энди менинг саволимга жавоб беринг: ғўзани бўғиб,

жонини сўриб ётган қанча шўрхоқ ер бор бизда? Тупроқни яхшилаш учун қандай чоралар кўраёпсиз? Ҳосил қаерда, тўпроқдами, ё каллангизда?

— Илм қадрини биз ҳам биламиз, — деди пинғиллаб Каримқул, — лекин деҳқончилик сирини профессорлар ўргатган эмас бизга. Пахтакорнинг ўз китоби бор. Бу китоб унинг кўкрагида... Зовур қадамдан мерос қолган нарса. Тупроқнинг ҳосиятини ким билмайди? Олимлар яхши терим машинаси чиқарсин, мен қойил қолай. Биламен, тажриба учун ашқол-дашқолни кўтариб келишади, ғузани оёқости қилишлари мумкин.

Ҳосилот раисининг тиш-тирноқ блан қаршилиқ кўрсатиши Ўктам учун кутилмаган ҳодиса эмас эди. Жиззаки Каримқул бирнеча мажлисларда Ўктамнинг ҳаққоний, лекин ўткир танқидига дуч келиб, унга нисбатан тўнини тескари кийиб олган эди.

Шошган Ўктам кўзларини юмиб ўтирган Мирҳайдарга мурожаат этди ва ўз ра'йини қат'ий равишда билдиришни сўради. Раис қийинчиликларни йўқотиш учун аҳллик кераклиги ҳақида гапириб, ниҳоят, деди:

— Каримқул акангнинг гапида туз йўқ эмас, лекин бироз лоф қилди: Колхозда қилинмоқчи бўлган тажрибалар менга ҳам унча қизиқ кўринмайди. Шунинг учун бошқа колхозларда тажриба ясаб кўрсалар, агар яхши натижа берса, биз ҳам фойдаланамиз, аммо, Ўктамжон, бу фикрни олимларга ғоят нозик бир йўсинда билдириш керак, яна диллари ранжимасин. Сен боравер, мабодо ҳозир боролмасам, эрталаб нонуштани бизникида қилишсин.

Ўктам индамасдан кўчага отилди. Кайфи бузуқ, қовоғи солиқ эди. Профессорларга нима жавоб беришини билмас эди у: „Олимлар олдида расво бўлдим, улар мени, ёлғончи, субутсиз, бевурд одам экан, дейишади...“ Броқ у ўзининг тамом ҳақли эканига, текшириш ишларининг аҳамиятига ишончи комил эди. Масалани эртагаёқ партия мажлисига қўйиб, ҳақиқатни рўёбга чиқаришга жазм қилди-да, меҳмонларга анча дадил бўлиб келди Ўктам.

Профессорлар тупроқ картаси тузиш тўғрисида қизғин суҳбатлашмоқда эдилар. Ўсаржон Султонов ҳарбир сўзни уқиб олмоққа тиришиб, қимир этмай тинглар эди. Ўктам ўтиргандан кейин комсомол комитетининг секретари унинг қулоғига шивирлади:

— Нима гап, раис қани?

— Кейин айтамен, унамаяпдилар, — жавоб берди Ўктам.

— Бема'ни ўжарлик! Бу масалада ҳарқандай тўсиқни ағдариб ташлаш керак, — деди Ўсаржон.

Ўктам ишонч блан бошини қимирлатиб қўйди. Шу вақтда Додамат бир лаган палов келтирди, бодринг, пиёз ва помидордан шундай закуска таёрлаган эдики, тамошага арзир эди. Ўктам бир шиша „Биҳишти“ очиб, кичкина пиёлаларга қўйди.

— Раиссиз ичаверамизми? — сўради Мухторов.

— Балки келиб қолар. Масала асосан ҳал бўлди. Марҳамат. Соғлиқларингиз учун... — Ўктам пиёлаларни аста чўқиштирди. Анна Комарова бир-икки хўплаш блан чекланди-да, паловни махтаб-махтаб еябошлади. Мухторов ҳам оз ичди. Ўктам ва Ўсаржоннинг

қисташларига қарамай, палов „тоғи“ ҳам унча ўпирилмади. Овқатдан кейин бироз чой ичиб, меҳмонлар миннатдорчилик билдириб, тўсатдан ўринларидан туришди. Ўктам, сирдан огоҳланишдими, деб алланечик қизариб мурожаат этди:

— Хўш, шу вақтда қаерга яна? Биз жуда хафа бўламиз.

— Раҳмат, биз ҳозир „Элобод“га борамиз,— деди Мухторов қўл соатига қараб.— Биз бирваракай бирнеча колхозда текшириш ўтказмоқчимиз. Ба'зи илмий ходимларимиз ҳозир у ерда. Мана икки-уч кундан кейин асбобларимизни келтирамиз-да, кичкина лаборатория қуриб, ишни бошлаймиз. Колхозингизга раҳмат.

— Тўғриси, мен бироз чарчадим,— деди Ўктам блан хайрлаша-туриб Комарова,— бу ерда қолишга қарши эмасдим, лекин ўртоқ Салимова блан ва'далашган эдик. Биласизми, у жуда принципиал қиз...

Меҳмонлар хурсандчилик блан жўнашди. Ўктам енгилланиб уҳ тортди-да, раис уйида рўй берган низо' тўғрисида кенгашмоқ учун Ўсаржонни қўлтиқлаб, партия ташкилоти кабинетига юрди.

Редакциядан:

„Олтин волидан шаббсдалар“ романини босишни шу ерда тўхтатамиз. Асар Ўзбекистон Давлат нашриёти томонидан алоҳида китоб қилиб нашр этилди.

КОМИЛ ЯШИН
ГЕНЕРАЛ РАҲИМОВ¹

Тўрт парда, саккиз кўринишли драматик портрет

Қ А Т Н А Ш У Ч И Л А Р:

- КАГАНОВИЧ ЛАЗАРЬ МОИСЕЕВИЧ — Ҳарбий Совет а'зоси.
РАҲИМОВ СОБИР — Шимолий Кавказ фронтдаги 395-нчи шахтёрлар дивизиясининг командири, полковник, сўнг генерал-майор.
КЕДРОВ НИКОЛАЙ ИВАНОВИЧ — армия қўмондони, генерал-полковник.
ЛУКЬЯНОВ ЗАХАР ЗАХАРОВИЧ — армия штабининг бошлиғи, генерал-лейтенант.
САНЮК СТЕПАН НАЗАРОВИЧ — полк комиссари.
ИВАН ЗАГОРУЙКО — старший лейтенант, батальон командири.
СМИРНОВ ГЕННАДИЙ — лейтенант, Раҳимовнинг ад'ютанти.
БАДРИДЗЕ СЕРГО — майор, полк командири.
ШАРОВ БОРИС ВАСИЛЬЕВИЧ — майор, полк командири.
НАДЕЖДИНА АННА ПЕТРОВНА — 2-нчи ранг ҳарбий врач, госпиталь бошлиғи.
МАРЧЕНКО МИХАИЛ ТИМОФЕЕВИЧ
СОҲИБЧАНГАЛ
КОРОВИН АЛЕКСАНДР (САША)
АРАМ ЮЗБОШИЯН
ШЕРМАТ
ДЎЛОН
ШВИДКО — капитан Кедровнинг ад'ютанти.
ПАША — медицина ҳамшираси.
ЖОВИД — турк офицери.
САЙИДБЕК — қочоқ.
ФОН-БУГ — генерал-майор.
ШТЕНГАЛЬ — полковник.
ШИЛЬ — об-рлейтенант.
ТЕЛЕФОНИСКТАЛАР.
ЖАНГЧИЛАР.

Танкка қарши отучи
жангчилар (Пе-те-эрчилар).

¹ Бу пьеса Ўзбекистон ССР 25 йиллиги шарафига э'лон қилинган конкурсда 2-нчи мукофот олган.

ПРОЛОГ ЎРНИДА

Мивг тўққиз юз қирқ иккинчи йил, сентябрь ойлари. Шимолий Кавказ. Губорсиэ кенг осмон. Қорли тоғ чўққилари. Ҳаво совуқ, изгирии қўл-қулоқларни ялаб, ачитиб турипти. Жангчилар ўзбек халқининг тарихий мактубини тингламоқдалар. Мактубни дивизия командири полковник Раҳимов ўқийди. Бир жангчи қўлида қизил байроқ. Жангчиларнинг руҳида қат'ият, жанговар ирода ҳукмрон, кўзларида ғазаб оловлари чақнайди.

Раҳимов (*босиқ, мардона овоз блан*). „Азиз жигарпораламиз! Ватаннинг ҳарбир сиқим тупроғи биз учун табаррук экан, унинг фашист итваччалар оёғи остида мурдор бўлишига бепарво қараб турган кўзлар кўр бўлишга, бепарво эшитиб турган қулоқлар кар бўлишга лойиқдир. Ҳозир Улуғ Ватан уруши майдонларида айниқса Сталинград, Шимолий Кавказда ва бошқа фронтларда совет халқларининг ва шу жумладан Ўзбекистоннинг ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётир. Бир қадам ҳам орқага чекиниш йўқ! Ё ҳаёт, ё ўлим-асорат! Агар ўрталарингизда бирон тангиз заррача қўрқоқлик қилсангиз, жанг майдонларидан қочсангиз, унда сизга ла'нат ўқиймиз. Сизга серқуёш Ўзбекистонни ҳаром деб ҳисоблаймиз! Сиздай фарзандни оқ қиламиз! Бундай нолойиқ фарзанд ўз ҳавлисига қайтиб келиб, эшигини қоқишга ҳаққи йўқ. Қочоққа шафқат, қўрқоққа ҳурмат сра мумкин эмас! Ўзбек халқининг сиздан қаттиқ талаби битта: Душман йўлини тўсаянгиз, уни улоқтириб ташлангиз ва тезроқ тор-мор этингиз! Бизнинг ишимиз ҳақ иш, биз ғалаба қиламиз. Яшасин саркарда ва улуғ мададкоримиз ўртоқ Сталин!“

Жангчилар. Ура! Ура!

Соҳиб (*ўзича шивирлаб*). Бир қадам ҳам орқага чекиниш йўқ!

Чироғ аста ўчади.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Блиндаж. Марченко, Саша, Соҳибчангал, Шермат, Арам ва яна бирнеча жангчилар блиндажда. Ҳарқайсиси бирон иш блан машғул. Бири автомат тозалайди, яна бири махорка ўрайди, бири хат ёзади. Соҳибчангал эса ёнбошлаб ётиб хат ўқийди, хаёл суради.

Марченко. Соҳиб, қалайсан? Ишинг жойидами?

Соҳиб. Михдай!..

Саша. Дядя Миша, сорок!

Марченко. Махорканг соб бўлдими?

Соҳиб. Дивизияда сендақа чекағони йўқ. Йилинг махорка-ю, мучалинг чилимми, билмайман.

Саша. Чекмайсанми, гапга суқилма. Ўзимнинг та'бим хира бўлиб турипти.

Соҳиб. Биламан, Дўлонгумбирга куясан.

Саша. Йигитнинг гули эди-я Ўлдими, қўлга тушиб кетдими билмайсан киши!

Шер. Саша, йигирмасини, узат!

Саша. Ҳозир. Ма, ол! (Соҳибга.) Ҳамколхозинг тузик, улфат, (Пауза.) Эҳ... Автоматдек чарсиллаган, ўктам йигит эди-я у, Чангал!

Соҳиб. Саломат бўлса келади, албатта.

Арам. Махоркажон! (Тортади.)

Шер. Мунча чекдинг?

Арам. Бекорилик. Махорка бўлмаса ёрилиб ўлардим. Оборона...

Шер. Гап оборонада эмас, йўғ эса мен нимага ёрилиб ўлмайман?

Арам. Сен ёрилиб ўлмайсан, ўлиб ёриласан.

Шер. Э, Арамжон нафасинг мунча саратон? (Пауза.) Бай, бай! Изгирич ҳам роса забтига олди-ку!

Соҳиб. Йўталаяпсан. Ма, бўйнингга илиб ол! (Иссиқ рўмол узатади.)

Шер. Ўзинг-чи?

Соҳиб. Қўявер, мени жин ҳам урмайди. Михдайман. Ранг-пар нозиксан, яна тумовлаб қолма, ҳамколхоз. (Рўмолни беради.) Онамдан хат олдим.

Шер (Жонланиб). Хат? Қани? Нима ёзипти?

Соҳиб. Сенга салом айтипти. Зулайхо холам кун ора ойимди ёнига кириб: „Ҳой Зебинисо, хат ёзсанг ўғлингга тайинлагин, Соҳибжон минг қилса катта йигит, Шерматжон ҳали ёш, тергаб турсин, акалик қилсин“ дер эмиш.

Шер. Қандай меҳрибон оналаримиз бор-а! Ўзлари ҳам бир-биравига шундай жонкуяр, шундай дўст... Ораларидан қил ҳам ўтмайди.

Соҳиб. Қишлоғимизда тиши ўтса тоғни, тикани бўлмаса ян-тоғни ейдиган ғаламис бир бой ўтган. Булар шу бойнинг эшигида йигирма йил чўрилик қилишган. Қўли косов, сочи супурги эди онаминг... Ҳе, бизни не-не азоб-уқубатлар ичида катта қилишган бу шўринг қурғурлар. (Хаёлга чўмади.)

Саша (хатни ўқиб туриб). Бирам ширин хат ёзиптики...

Соҳиб. Боягина тутун қайтараётувдинг, бирдан гули қаҳқаҳдек очилиб кеттинг... Ўзи нима гап? Ҳа... Катяхондан хат келганга ўхшайди-я?

Саша. Бирданига учта.

Арам. Нималарни ёзипти?

Саша. Нима ёзар эди, „Жоним, сени соғиндим, ҳар кеча тушимга кирасан, душманни енгиб тезроқ қайт, мен сени севаман, кутаман, ўпаман...“ хуллас шунақа гаплар.

Арам. Жавоб ёзсанг, мендан ҳам салом де. Ие, суратиям бор дейман, қани бир кўрай. (Кўриб.) Оҳо... бир жаҳон-ку, зап кетворган қиз экан-да.

Соҳиб. Қани кўрсатчи. (Яқин боради, кўради.)

Арам. Кўзини қара, кўзини! Ёнади-я...

Шер. Ҳой, кўп тикилаверма, киннанг киради. (Қараб.) Бай-бай... Офатижон-ку... Ёру-жононинг блан мурод-мақсудингга бепилиска етворавурмайсанми...

Соҳиб. Тўғри, жиндак пучуқ демасанг... Ҳа... Шошма, ва'даси ҳам ўзига ўхшаган миҳдаймикан?

Саша. Нега пучуқ дейсан.. Ўзингизники қанақа? Қуралай кўз, бурунлари ҳам чимдилаб қўйгандайми? Хатида нима депти? Сизга берган ва'дам, чин ва'да, деб ёзиптими, а? Нега дамнинг ичингга тушиб кетди? Гапир!..

Соҳиб. Мен қизлардан хат олмайман.

Саша. А? Шерматни лақиллатаберма!

Шермат. У нима деганинг, Саша?

Саша. Хатни ояимдан келди деса ишонаяпсанми? Тўғри, ойи-сиданам хат олади, аммо хат, Шерматжон, кўпроқ сингилчангиз-Қумрихондан келади... Ҳа, муҳаббатнома...

Соҳиб. Ёлғонни ҳам ямламай ютасан...

Саша. Ёлғон дедингми? Бўлмаса, хатни кўрсат!

Соҳиб (кулиб юборади). Шарманда қилдинг-ку! (Хатни Шерматга узатади.)

Шер (хатни кўздан кечириб). Хату-саломнинг кўпи синглиздан келар экану, адресни бизга чатоқ кўрсатиб юрган экансиз-да, почча?..

Соҳиб. Уялдим-да, Шермат... Ахир Қумри, ўзинг биласан...

Шермат. Аллақачон пайқаганман, менга ёзган хатларидан ҳам ма'лум эди, майли, почча десам арзигудек йигитсан...

Соҳиб (кўрсатиб). Фақат шу ерини ўқи, буёғига ўтма. (Хатни беради.)

Шер (ўқийди). „Районимиздаги барча колхозлар...“ (Пауза.) „Бизнинг колхозимиз ҳам доҳига берган ва'дани бажариш учун қаттиқ иш олиб бормоқда. Мен звеном блан 40 центнердан пахта беришга ва'да қилдим...“ Хўш... „Сиз ҳам аблаҳ душманни йўқ қилиб, элу-юрт олдида юзимизни ёруғ қиласиз, албатта! Соғ-омон қайтинглар, кўзимиз йўлингизга интизор, балиқ сув блан тирик бўлгандай...“

Соҳиб (хатни тортиб олиб). Энди буёғи секрет, дўстим... Ҳа, буёғига аралашмайсан. (Қўйнига солади.)

Арам (Марченкога). Дяда Миша, мунча хаёл сурдинг?

Саша. Яна кўмири эсига тушиб кетди шекилли.

Арам. Ҳа, шунинг учун ҳам кўнгли кўмирдай равшан бўлиб турган экан-да.

Марченко (зарда блан). Қоп-қора! Нега куласан? Тўғри, эсимга тушиб кетди. Сра эсимдан чиқаролмайман! Ахир биласанми? Йўқ, билмайсан. Макеевқадаги, Донбасдаги, Шахтидаги кўмир конларини яхши билмайсанлар... (пауза) жудаям антиқа қилиб юборган эдик-да. Агар у шахталарни, у техникани Американг кўрса борми, ҳасаддан жиғи-бийрони чиқиб, ваҳмадан суроби тортилиб кетар эди. Ҳа, нима деяпсан... Эй аттанг... Ҳаммаси вайрон бўлди, бузилди, ёиди. (Пауза.) Саша, сен Макеевқадансан-а?

Саша. Красний Сулинда ишлар эдим.

Марченко. Шахтёрсан. Дардимни биласан. Э, қўй буларни! Нимани кўрипти, нимани билади? Дарвоқи' комбатимиз Загоруйко, ана у билади... Ҳа, у ҳам бизнинг шахтада ишларди. Донгдор шахтёр эди, азамат...

Соҳиб. Саша, ҳасратга тушиб кетдигу, қани автоматжон, гармонингни ол! Битта михдағичи ясаб ташла. Хатдаги ширин гаплар бундай танзимизга яйрасин...

Марченко. Бугун тилиннга шакар суртиб олганмисан, Чангал? Саша. Қани, дакан хўроз, заказингни қилавур! (*Гармоньни олади.*)

Соҳиб. Ў... Хмара дар'ёсидан ўтиб, Егоровка районига кириб бораётганимизда бир нарса чалувдинг, эсингдами?

Саша. Ҳа, уми? Уни ўзим тўқиганман. Ўшанда батальонимизнинг командири шу Раҳимов эди, унда майор эди, бу ашулам командирга жудаям ёқувди-да...

Соҳиб. Қани ўшани бир чал!

Саша гармоньни завқ блан чалади, жангчилар тинглайдилар, шу орада Раҳимов, Санюк ва Загоруйко кирадилар.

Саша (*чалишдан тўхтаб*). Ўртоқ полковник!

Жангчилар оёққа турадилар.

Раҳимов. Тўхтатманг, чалинг, чалинг! (*Саша чалади.*) Сўзи қандай эди? Шундай бошланармиди? (*Куйлайди.*) Буздим-а?

Саша. Боплайсиз... Лекин манаву жойини (*куйлайди*) шу хилда майинроқ қилиб олсангиз ашула анча силлиқ чиқади...

Раҳимов. Раҳмат... Кейин ўргатарсиз... Хўш аҳвол қалай, ўртоқ жангчилар?

Жангчилар. Яхши, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Овқат, ётиш-туриш?

Соҳиб. Михдай, ўртоқ полковник! Фақат ҳалиги томокидан...

Раҳимов. Ҳа, ҳа, томокидан қисилган кўринасизлар. Ўртоқ комбат, старшинага буюринг, ҳарбир жангчига юзтадан папирос берсин.

Загоруйко. Слушаюсь, ўртоқ полковник, юз донадон папирос берилади.

Жангчилар. Раҳмат.

Раҳимов (*Марченкога*). Тетикмисиз, қария?

Санюк. Бу кишини қария деманг, хафа бўлади. Ҳали норғул йигит.

Раҳимов. Бўлмаса узур... (*Енгил кулки.*) Лекин мушукнинг бўйнига кўнгироқ бойлаб келолмайдиган йигитлар ҳам бўлади.

Марченко. Биз унақасидан эмасмиз, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Биламан чайирсиз, Соҳибчангал айтгандай, михдай йигитсиз, шундайми?

Марченко (*хижолат тортиб*). Йўғе... жудаям махтаб юбордингиз, ўртоқ полковник.

Раҳимов (*унинг этигини кўрсатиб*). Охори тўкилипти-ку?

Марченко. Роса йўл босган, хизмати катта, лекин... (дудилади.)

Раҳимов. Лекини нима? Ёки бу этик нуқул кетга қараб йўл босган демоқчимисиз?

Марченко. Топдингиз. Шунинг учун ҳам кўзимга совуқ кўришиб қолган-да сабил. Қасд қилганман, то маймоқ бўлиб, жағи узилиб тушмагунча, шу блан ер депсаганим, депсаган!

Раҳимов (куллимсираб). Ҳа-ҳа, тоқат қолмади, денг?

Марченко. Бўлди-да, отнинг жиловини энди буёққа буриш керак!

Соҳиб. Бизни Берлин йўлига тўғрилаб: „Қани, ҳа, азаматлар!“ деворинг, бизам, бундай, ишди миҳдай қилиб, фашистнинг елкасидан сафар ойини кўрсатиб қўяйлик.

Раҳимов. Иш миҳдай бўладиган бўлса бўпти! (Соҳибнинг қўлида китоб кўриб.) Нима ўқияпсиз? Қани...

Соҳиб (хижолат). Бекорчилик...

Раҳимов. Иш катта-ку... Инглиз тилини ўрганаяпсизми?

Марченко. Балодак гапиради (Кулки.)

Соҳиб. Эй, ёлғонингизни қўйинг, уялтирманг, рус тилига нўноқману... Бу китобни, уч кун бўлди, топиб олдим...

Раҳимов. Тузук, тузук... (Загоруйкога.) Қарияга янги этик берилсин.

Марченко. Раҳмат, ўртоқ полковник. Бу этикни яхши ният блан сақлаб қўяман.

Раҳимов (Шерга). Хўш, Шерматаския, овоз қалай? Янги афандидан борми?

Шер. Овоз тобида. Фриц ҳақида бир жуфт навнуса афандини тўқиб, пардоздан чиқариб қўйдим, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Э, унақа бўлса эшитайлик.

Шер. Қиттак чаласи бор, роса қиёмига етсин. (Пауза.) Фрицни бир аския қиб ташай дейману, сра яқин келмаяпти, хумпар!

Марченко. Бу бола яқинда келди. Ҳали жангга кирганича йўқ. (Шерга.) Шошмай тур, рўдапога дуч келасан.

Шер. Менга рўпара бўмаяпти-да.

Раҳимов. Отангиз сизни Шер деб атапти. Фриц шердан кўрқади. Бунинг устига, узоқдан дурбин солиб бўйвингиздаги ўқни кўриб, ўзингизни замбарак деб ўйлагандир... (Кулки.)

Арам. Ҳо-ҳо-ҳо... болади-ку, қуштамоқ!

Шер. Аския бўлаяпти чамамда. Опташай дейману, пича андиша қиламан-да, ўртоқ полковник.

Санюк. Қофия келганда ҳечкимни аяма.

Раҳимов. Булар ёмон, риюя қилишмайди. Бир куни йўлдош ота блан шуларнинг колхозига борганман.

Шер. Ҳали-ҳали эсингизда экан.

Раҳимов. Бир олишамиз. Аммо айтиб қўяй, Шер, аскияга менам жуда уста бўлганман-да, ёмон оламан. Ҳа!

Марченко. Эҳтиёт бўласан, Шермат.

Шер. Кўрамиз, ўртоқ полковник.

Соҳиб. Эркақори акаларни ҳам қийратган бола бу, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Арман халқининг қаҳрамони, димоғ чоғми? Уйдан хат келаяптими?

Арам. Раҳмат. Хат масаласида пешонамиз очиқ, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Зериккандирсизлар...

Марченко. Жуда-жуда, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Бўлмаса, ҳуш'ёр бўласизлар, йигитлар. Ўртоқ комбат, пе-те-эрчи¹ группанинг бошлиғи ким?

Загоруйко. Мана шу Александр Коровин.

Раҳимов. Жуда соз. Тунда бўладиган мажлисга шу группадан уч тўрт кишини олиб борасиз.

Загоруйко. Слушаюсь, ўртоқ полковник.

Санюк. Ўртоқ полковник, яна бирмунча блиндажлар қолди, шуларни ҳам кўздан кечириб чиқсак.

Раҳимов. Яхши.

Геннадий, унинг кетидан Васька киради. Васьканинг сочи ўсиқ, кир, эгнида узун, кенг йиртиқ шинель, юзлари очликдан, йўл машаққатидан сўлғин, кўзлари ичига тортиб кетган, қарашлари дардли, ғазабли.

Геннадий. Ўртоқ полковник, армия қўмондонни генерал-полковник Кедровдан... (*Хатни беради.*)

Раҳимов (*ўқиб*). Генерал чақиряпти, ҳузурига тез боришим керак экан, ўртоқ комиссар.

Санюк. Бўлмаса блиндажларни мен ўзим айланиб чиқаман.

Раҳимов. Яхши, жангчилар блан гаплашинг, ҳол-аҳволни билинг! (*Васькани кўриб.*) Бу ким? Нима қилиб юрипти?

Геннадий. Бу бола боядан бери кетимга тушиб олиб, менга командирни кўрсатасан, деб гишава қилади, холос. Эшикдан ҳайдасам, тешикдан киради, ҳозирнинг ўзида кўзини шамғалат қилиб машинага ўлтириб қочдим. Аммо бу зумраша, — қаноти борми билмайман, — бу ерга ҳам мендан илгари учиб келиб, яна кўзини лўқ қилиб рўпарамда турипти. Ҳа, нима дейсан? — Командирингни кўрсатасан, бошқа гап йўқ.

Раҳимов. Отинг нима?

Васька (*қовоғи солиқ*). Васька... Куркин...

Раҳимов. Ота-онанг борми?

Васька. Икковини ҳам осиб ўлдиришди. Отам шахтёр, коммунист эди.

Раҳимов. Ўлдиришди? (*Пауза.*) Энди нима қилмоқчисан?

Васька (*босиқ ва ҳаяжон блан*). Қасос оламан!.. Аскар бўламан! (*Жимлик.*) Мен уни... (*қиқчириброқ*) ўлдираман! Қурол бермасангиз ҳам майли... (*Кир латтага ўралган, кичкина бир ханжарни этигининг кўнжидан чиқариб Раҳимовга кўрсатади.*) Ўзимда ҳам бор, мана (*беради.*) Уни танийман. Укки кўз, ўлдирамасдан қўймайман, букирдан қасос оламан! (*Жимлик.*)

¹ ПТР — танка қарши қурол.

Раҳимов. Ёш экансан. Хат ёзиб берай, Тошкентга кет. Тўғри уйимга борасан. Яхши парвариш қилишади. Менга ўгил бўласан. Ота-онанг учун биз қасос оламиз.

Васька. Йўқ!. Ҳеч ерга бормайман! Мен уни топмай қўймайман. Мен буларнинг ҳаммасини ўлдираман! Ҳа, ҳаммасини!!!

Раҳимов ерга кўз тиккан Васьканинг рудига киради, ачинади.

Раҳимов. Қани, жўнадик. (*Чиқабошлайди.*)

Васька (*Геннадийга*). Жон амаки, ўртада сўппайиб қолавераманми?

Геннадий (*Васькага*). Тошкентга жўна, хумпар, нобуд бўласан.

Раҳимов (*қайтиб*). Ҳалиги бола қани?

Васька (*жон кириб*). Мана мен!

Раҳимов. Қани юр! Замбаракнинг тагида бақаларни қўрқитиб юрарсан...

Васька (*гердайтиб*). Ким нимани қўрқитади, ҳали кўрамиз.

Раҳимов. Хайр, ўртоқ жангчилар.

Жангчилар. Хайр, ўртоқ полковник!

Раҳимов, Загоруйко, Санюк чиқадилар.

Васька. Хайр, ўртоқ жангчилар.

Геннадий (*тажанг*). Васька!

Васька. Кўзингизни олайтирманг, амаки!

Геннадий. Қараб тур, ташвиш.

Васька. Ҳе... ўша.

Геннадий. Ҳай, ҳай Васькажон, шу ердан қайт.

Чиқадилар, жангчилар кулишади.

Марченко. Ўт бола, ўт!

Соҳиб. Михдай йигит бўлади.

Саша. Автомат.де — автомат.

Марченко. Ўлмасин командиримиз.

Арам. Ўзи ҳам етимликда ўсган-да, билади.

Шер. Арам, томокингни узат!

Харқайсиси яна ўз иши блан овора. Соҳиб Шерматнинг кулоғига шивирлайди.

Соҳиб. Шер!

Шер. Ҳа, Соҳибжон?

Соҳиб. Эшитдингми?

Шер. Эшитдим.

Соҳиб. Гаплари михдай-а?

Шер. Ҳа.

Соҳиб. Ҳа, ҳеч гапиринг келмайди, уйқи босаяптими?

Шер. Ҳайронман.

Соҳиб. Шу боланинг гапини эшитдим-у кўнглим ҳам бузилиб кетди. Э, кўе... Қави (*муштини тугиб*) ўша букирни топсаму, чириган суякларини тиззамга қўйиб туриб, тарашадай синдириб ташласам.

Саша. Михдай иш бўларди-да.
Соҳиб. Қани чал, Саша.

Саша ҳазин бир кўйни чалади.

Марченко (*музика орасида*). Жанг қанча оғир бўлса галабаси ҳам шунча ширин бўлади.

Соҳиб. Дядя Миша, кўпни кўрган одамсиз, қани бир каромат қилинчи?

Марченко. Қандай каромат?

Соҳиб. Нима учун командиримизни бунчалик штоб блан чақириб қолишти?

Марченко. Оборонада ётабериб бўғилиб кетдик. Ишқилиб, янги этик бечиз берилмаган бўлса керак.

Саша чалади, аста-секин табиат манзаралари ўзгаради, булутлар тарқайди, ҳайбатли тоғлар яна яққол кўринадилар. Буларнинг кўзлари узокларда... Кур-кур отилган ракеталар, атрофни ёритиб туралди. Жангчилар музикага жимгина қулоқ соладилар.

Соҳиб (*ухлаб қолган Шерматнинг устига бир нарса ёпиб*). Совқотиб қолма, иссиғроқ ёт, Шерматжон.. Дўстим...

Парда.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Генерал фон-Бугнинг штаби. Бирнеча офицерлар генерални кутмоқдалар.

Ад'ютант. Генерал жаноблари.

Фон-Буг ва полковник Штенгаль кирадилар.

Фон-Буг. Жаноб офицерлар, Кавказ Гитлер оёғи остида. Кавказни ишғол қилишдай зўр бир вазифа фон-Клейст жанобларига топширилган.

Офицерлар. Хайль Гитлер!

Фон-Буг. Полковник Штенгаль, жаноб офицерлар, мен сизларга жуда кичик ва енгил бир вазифа топшираман. Раҳимов деган аллақандай осийли бир полковникнинг дивизиясига чақмоқдай тез ҳужум қилиб, уни уч кун ичида тамом янчиб ташлайсиз!

Штенгаль. Янчиб ташлаймиз, жаноб генерал!

Фон-Буг. Олампахоҳ ҳазратлари бизни ҳечқачон унитмайдилар. Мана ўқинг. (*Телеграмма узатади.*)

Штенгаль (*ўқиб*). Фюрердан? Қандай саодат!

Фон-Буг. Яна шунча дабдаба, яна шунча техника! Фюрернинг марҳаматлари улуг. Полковник Штенгаль, кўксингиз яна ялтираб қоладиган бўлди.

Штенгаль. Фюрер ҳазратлари аввало жанобингизни...

Фон-Буг (*қоғозни ёзиб*). Мана, азизлар, ҳамма нарса мана шу планда кўрсатилган. Бугун учинчи, бешинчи сентябрь соат беш 00 да... Жаноб офицерлар, операцияга мумкин қадар пухта тай-

ёрлавиягиз. Полковник Штенгаль, саккизинчи сентябрьда Раҳимов дивизиясининг тор-мор бўлганлиги ҳақида менга хабар берасиз!

Штенгаль. Хабар бераман, генерал жаноблари!

Фон-Буг. Сизларга руҳсат! Полковник, сиз, қолинг! (*Офицерлар чиқидилар, ад'ютантга.*) Меҳмонларни таклиф қилинг.

Ад'ютант чиқади, Жовид ва Сайидбек кирадилар.

Фон-Буг. Марҳамат, азиз меҳмонлар! (*Кўришадилар. Штенгальга.*) Меҳмонлар блан танишинг. Империянинг дўсти, Туркия фарзанди Жовид афанди.

Штенгаль. Мамнунман! (*Кўришади.*)

Фон-Буг. Бу жаноб туркистонли, Сайидбек афанди.

Штенгаль. Бахтиёрман. (*Кўришади.*) Жовид афанди, Туркияга фюрер ҳазратларининг алоҳида меҳр-муҳаббати бор. Сиз бунга шак-шубҳа қилмасангиз керак.

Жовид. Бу муҳаббат блан биз фахрланамиз. Шунинг учун ҳамки, империя армияси Кавказда, айниқса Боку ҳам Туркистон дарвозаларига яқин турган бир пайтда биз турклар бу воқияларга бепарво, тамошабин бўлиб қараб туrolмадик. Ғалабангиз бизни ниҳоят даражада шоду-хуррам қилди. Биз ҳам қўлимиздан келганча ёрдамлашиб, ғалабангиз хазинасига ўзимизнинг арзимас ҳиссамизни қўшдик.

Фон-Буг. Миннатдорман. Ҳаммамизнинг мақсадимиз битта: Кавказ ҳам Туркистонни большевиклар панжасидан озод қилмоқ, фюрер ҳазратларининг енгилмас қиличи ҳимоясида шу юртларда ҳақ ва адолат урнатмоқдир.

Сайидбек. Бизнинг ҳам орзу-амалларимиз фюрер қиличи ҳимоясида қўлдан кетган бахт-давлатимизни қайтадан тикламоқдир, генерал ҳазратлари.

Фон-Буг. Марҳамат, жаноблар, бу энг а'ло томоки, Туркиядан мукофот, бу эса Франциянинг машҳур коньяги, қани марҳамат. (*Томоки тортадилар.*) Сайидбек жаноблари, сизнинг юртингиздаги боғларда, ҳаётбахш водиларда лазиз узумлар кўп битар эмиш, тўғрими?

Сайидбек. Тўғри... Фарғона водиси, Хоразм, Тошкент, Самарқанд, Бухоро сингари шаҳарлар ўзларининг бўлиқ ерлари, узумзорлари, айниқса пахталари блан машҳур, генерал жаноблари. Масалан, биргина менинг бузрукворимнинг беш шаҳарда пахта заводлари, жаннатсумон боғлари, юз мингдан ортиқ қорақўл қўйлари бўлган эди. Ҳе... аттанг...

Фон-Буг. Қорақўл, пахта, нефть! (*Мийиғида кулиб.*) Қани жаноблар, нефть, пахта, қорақўл учун ичайлик! (*Ичадилар.*) Кавказ букун ё эртага тамом бизники бўлади. Ўзбекистон виноларини ҳам, албатта, биргаликда ичамиз, Сайидбек афанди.

Сайидбек. Иншоолло! Аввал Бухорода, менинг боғимда... Гиждивонда шундай катта боғим бор эдики, унга ҳатто амир ҳам кўз тиккан эди. Ҳозир у боғ.. Йўқ, мен бунга чидолмайман, юрагимни куйдирган чўғ йигирма икки йилдан бери ўчмайди.

Мен уларнинг пўстларига сомон тикмасам, дун'ёдан армон блан кетаман.

Жовид (*кулиб*). Жаноб генерал, Туркия давлати ҳам анчадан бери Кавказ ва Ўрта Осиёдаги мамлакатларга...

Фон-Буг (*айёр кулиб*). Нима демоқчи эканлигингизни кўзингиздан билиб турибман, ҳа... Ҳа!.. Фюрер ҳазратлари ҳам шу ўлкаларни Туркия паноҳига топширишга тантанали суратда ваъда қилган, деган сўз бир вақтлар қулоғимга еткандай бўлувди, Жовид афанди.

Жовид. Бу оламшумул марҳамат, шоён таҳсин! Ҳали ҳам кечаги бир воқнадек эсимда; Кавказ ва Шарқий Бухорода Туркия қиличининг кучи блан тартиб ўрнатмоққа киришдик. Аммо бу ўлкаларда ҳокимиятни большевиклар қўлга олдилар. „Қўқон мухторияти“ битирилди, амир салтанати тугатилди. Биз бунга чидаб туrolмадик. Ёрдамга югирдим. Сайидбек афанди блан биргаликда амир салтанатини қайтадан тиклашга уриндик.

Фон-Буг. Кечирасиз, Британия давлатининг бевосита амр-фармони блан ҳам, деб қўйинг, Жовид афанди.

Жовид. Шундай, Черчилль жанобларининг гайрат ва кўмаклари блан...

Фон-Буг. Ҳа, ҳа... энди у киши гуё... Йўқ, Черчилль ҳеч қачон русларга дўст бўлган эмас, бундан сўнг ҳам дўст бўлмаса керак, албатта. (*Куладилар.*) Хўш, қандай операциялар ўтказдингиз?

Жовид. Босмачилик ҳаракатига ривож бердик.

Сайидбек (*ширакайф*). Тўғри, бир мен ўзим қанча ишлар қилмадим. Осдим, кесдим, ёндирдим, қонга ботирдим, коммунист, комсомолларни бўғизладим, айниганларнинг ёстигини қуритдим. Дин-шариатни рўкач қилдим, ҳар тадбир, ҳар чорани кўрдим, аммо мақсадимга етолмадим. Ниҳоят ўз жонимни зўрга олиб қочдим. Ҳайрият яна фурсат келди. Яна бораман. Бу гал сизнинг паноҳингизда бораман, бихи-бунёди блан қуритаман, мен сизнинг ҳарбир буйруғингизни садоқат ва ихлос блан бажаришга доим тайёрман. Ана шунинг учун ҳам ичаман, генерал жаноблари.

Фон-Буг. Чиройлик гапирдингиз, Сайидбек афанди. (*Ичадилар.*) Юртингизни кўрмаганингизга қанча вақт бўлди?

Сайидбек. Бухородан чиқиб кетганимга роппа-расо йигирма йил бўлди.

Штенгаль (*қадаҳларга май қуйиб*). Чиқиб кетганингизгами, ёки, кечирасиз, чиқариб юборганларигами? (*Кулишади.*)

Сайидбек. Бу пичинг, гарчи аччиқ бўлса ҳамки — ҳақиқат. Жовид. Яна ҳам тўғрироғи, уриб чиқарганларига йигирма йил бўлди.

Фон-Буг. Ўшанда ҳам калтакни, Сайидбек афанди, мана шу генерал Кедров блан Раҳимовдан егансиз.

Сайидбек. Афв этасиз, сиз буни қаёқдан биласиз, генерал жаноблари?

Фон-Буг (*напқадан бир варақ қоғоз олиб*). Таржимайи қолинғиздан ма'лум. (*Пауза*.) Биз даставвал бошқача ўйлаган эдик. Мулоҳазамиз хато бўлиб чиқди. Совет халқлари ўзаро урушар, жанжаллашар, тарқалиб, бўлиниб кетар, деб умид қилган эдик. Аммо умидимиз сув юзидаги кўпикдай пучга чиқди. Ҳа, ҳа пучга чиқди! Бу нарса фюрер ҳазратларини, бутув империяни қайғуга солади. Чунки улар бир ёқадан бош чиқаришиб, яқдил, яқвужуд бўлишиб бизга қарши жанг қилмоқдалар. Уларни ажратиш учун қилаётган барча тadbир, чораларимиз ҳаммаси, ҳаммаси шамолга учмоқда. Большевизм чорак аср мобайнида буларнинг миясида шу қадар чуқур, бақувват илдиз отганки, бу илдизларни фақатгина калла блан биргаликда қўпормоқ мумкин, холос. Ҳа, ҳа шундан бўлак чора йўқ. Шундагина биз фюрернинг янги тартибини жаҳон миқ'ёсида мустаҳкам ўрнатаолурмиз.

Жовид. Бу вазифани бажармоқ учун Туркия давлатининг бир миллион армияси Кавказ чегараларида жанговар бир ваз'иятда ҳозир-нозир туришти, жаноби генерал. Бу армия буюк империя учун қон тўкишга тайёр. Фақат ҳалигидай (*дудилиб*) ўртада... Сталинград масаласи...

Фон-Буг (*ранги ўчиб, тажанг*). Биламан, келинг амалий ишга ўтайлик. Сиз — Жовид ҳам Сайидбек афандилар, оберлейтенант Шиль блан биргаликда иш кўрасиз. Вазифа оберлейтенант Шильга тўла тушинтирилган. Бор кучни ишга солинг. Ҳийла-тадбирлар қўринг, варақалар тарқатинг. Радио орқали Кавказ мусулмонлари ўртасида ташвиқот олиб боринг. Тез кунда полковник Раҳимовни йўқотинг. Бу вазифани мен сизларга топширдим. Керакли ҳужжат ва қурооллар блан та'мин қилинаси. Бир йўл топиб, ўзингизни Раҳимов штабига етказасиз, уни бир тараф қиласиз...

Шиль. Бажарамиз, генерал жаноблари.

Фон-Буг (*Шильга*). Асирни киритинг. (*Шиль чиқади*.) Жовид афанди, сиз фюрернинг янги тартиб ва янги мафкурасини мусулмонлар ичида ташвиқ қилинг. Айниқса ўзингизнинг сиёналган қуролингиз — пантуркизмни ишга солинг. Империяга ёрдам кўрсатинг. Полковник Штенгаль, сиз бу жанобларни операциямиз плани блан ҳам ошна қилинг.

Штенгаль. Таништираман, генерал жаноблари.

Фон-Буг. Қани ғалаба учун, жаноблар!

Ичадилар. Шиль яна бир немис автоматчиси, калтакланган, кўйлаклари йиртилган бир жангчини киритадилар. Жангчи — мағрур, тикка туради. Жимлик.

Штенгаль. Хўш, ҳали ҳам гапирмайдими?

Шиль. Ҳатто инграмайди.

Фон-Буг (*Жовидга*). Разведкачи. Йўл адашиб қўлга тушган.

Штенгаль. Тўртга азаматимизни чавағлаб ташлади бу.

Жовид. Қийнаб ўлдириш керак!

Штенгаль. Лекин кичкина бир хизмат қилиб, тирик қолиши мумкин. Ўжар, мутаассиб!

Фон-Буг. Гаплашиб кўринг, Жовид афанди.

Жовид. Отинг нима? Гапир

Шиль. Оти Дўлон.

Сай идбек. Дўлон? Раҳимов дивизияси ҳақида нима биласан?
Қўрқма, ёрдам берамиз, биласанми, иккимиз ҳам.. бир одам,
бир юртдан.

Жовид. Тўғри, ҳаммамиз бир миллат фарзандимиз.

Дўлон (*бошини кўтаради, узоқ тикилади*). Бир миллат?
Бир одам дедингми? Сен одаммисан?! Сен бебурд, бетайин, мил-
латфурушсан! (*Жовидга.*) Сенчи? Сенинг миллатинг фашист! Кас-
бинг жаллодлик! (*Тепади*).

Фон-Буг. Аблаҳ!

Дўлон. Сен ажалсан!

Жовид. Йўқотинг!

Дўлон. Ўлимга маҳкум алвастилар!

Фон-Буг. Олиб чиқинг, осинг!

Дўлон. Тфу! (*Уни уриб олиб чиқадилар.*)

Жовид. Генерал жаноблари, бу мени ҳақорат қилди. Рухсат
этинг ўз қўлим блан, ў... Бадбахт!..

Фон-Буг. Бўғилманг! Асаб... энг яхши дори... Қани соғ-
лигингиз учун...

Жовид. Ташаккур, генерал жаноблари.

Фон-Буг. ... ҳам уч кун ичида Раҳимов дивизиясини тор-мор
қилиш учун! (*Ичадилар.*)

Парда.

ИККИНЧИ ПАРДА

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Армия кўмондони генерал-полковник Кедровнинг штаби. Икки бўлмадан иборат
уй. Уйнинг этагида парда блан ярим тўсилган кроватъ. Деразаларнинг пардалари
туширилган. Деворда катта харита. Бир бурчакла радиоприёмник. Устада
стол. Стол агрофида бирнеча генераллар, полковниклар ва турли чиндаги офи-
церлар ўлтиришибди. Улар генерал Кедровнинг ўзини тингламоқдалар. Қабул-
хонада адъютант Швидко.

Кедров. Қўшини ва Гудериан сингари генераллари Москва
остонасида тор-мор бўлгандан сўнг, Гитлер бўлак йўлга ўтди. У
Русияни зўр қисқич ичига олиб, Волгада иккига бўламану, осон-
гина ютаман дейди. Мана Қрим, Керчь, Тамань ярим отаси Манш-
тейн, Маттенклотт сингари Гитлер генералларининг панжасида,
Гитлер Волгага Паулюсни, Кавказ ва Кубаньга бўлса фон-Клейстни
юборди. Европани лимондай сиқиб, италян, румин, венгер груп-
паларини ўтга отмоқда. Тамань—Гитлер армияси учун бир трам-
плин. Шу ердан туриб у, Тбилиси бойликларини, Боку нефтьларини
босиб олмоқчи ҳам ўзининг аҳмоқона планларини амалга ошир-
моқчи! Фон-Клейст қатъл душман. У блан жанг жуда қаттиқ бўла-
ди. Фон-Клейст 198-нчи ва 125 нчи пиёда аскар дивизияларини ва
54-нчи тоғ дивизиясини, яна қанча танк, мотомехполкларини мана

бу Қайнар булоқда, Кохт тоғлари, Кулечовой ҳам Качканов районларида тўплаган. Бунинг мақсади қаттиқ зарба блан ёриб ўтиб Туапсега чиқиб олишдир. Олий Қўмондон Шимолий Кавказ fronti армиялари олдига шундай шарафли вазифани қўяди: душманнинг олдинга силжишини тўхтатиш, жонли кучлари ва техникасига қирон солиш, фурсат келганда буйруққа мувофиқ ҳужумга ўтиб, Шимолий Кавказни, Кубаньни душмандан тозалаш, Краснодар, Новороссийск, Тамань, Қрим, Одесса орқали Берлинга қараб йўл олиш. Вазифа оғир, лекин шарафли. (Лукьянов бирқадар ҳовлиққан ҳолда киради, Кедровга қоғоз узатади. Кедров хатини ичида ўқийди ва сўзини давом қилади.) Ҳаммангиз ўз мулоҳазаларингизни, тадбир ва талабларингизни ёзиб тайёрлангиз. Бугун кечқурун фронт штабида қўмондан ҳузурида менинг докладим бўлади. Саволлар борми?

Офицерлар. Равшан, ўртоқ генерал-полковник!

Кедров. Бўлмаса, сизларга жавоб. (Генерал ва офицерлар хайрлашиб чиқадилар. Лукьяновга.) Рақиядан берилдими?

Лукьянов. Шундай, тездан бунга қарши зарурий чораларни кўрмоқ керак.

Кедров. Генерал фон-Буг офицерларини тўплаб, уларнинг олдига кичкина бир вазифа қўйипти, Ўрта Осиёни бир полковникнинг дивизиясини блиц-натиск блан уч кун ичида тор-мор этиш учун 5 сентябрь соат беш 00 да... Шундай... Демак, эрта ўтиб ниндига тонг пайтида...

Лукьянов. Шундай, Николай Иванович...

Кедров. Ҳа, ҳа, душман Кавказда ҳал қилучи зарба учун ҳозирлик кўрмоқда. У бу зарбани даставвал Раҳимов дивизиясига бермоқчи бўлади. Сиз уларнинг оператив фикрлари қандай деб ўйлайсиз?

Лукьянов. Клейст ҳар икки флангда бақувват танк группалари тўплаган. Разведканинг кўрсатишича, Клейст армиясига ёрдамчи кучлар қўшилмоқда. Танк дивизияларига материал қисмлари олмоқда. Шунга қараганда, зарба ҳам Ғарбдан, ҳам Шимолдан бир вақтда берилади. Лекин у илгари Раҳимов дивизиясига зарба бермоқчи. Фон-Буг Клейстнинг маккор, танк ҳужумига моҳир генералларидан, бу унинг таржимаий ҳолидан маълум. Клейст шу операция блан Шимолий Кавказни олиб, Туапсега чиқиб олмоқчи.

Кедров. Демак полковник Раҳимовнинг зиммасига жуда оғир вазифа тушар экан. Қандай бўлмасин, Раҳимов дивизияси бу ҳужумни тўхтатиши, фон-Бугни бир қадам илгари ўтказмаслиги шарт.

Лукьянов. Раҳимов дивизияси бу ҳужумни тўхтатиши керак. Шунга кўра бу тўғрида менинг алоҳида фикрим бор, Николай Иванович.

Кедров (харитадан кўзини узмай). Эшитай, Захар Захарович.

Лукьянов. Инкор қилмайман, полковник Раҳимов жангларда чивниққан, қобилиятли офицер. Аммо ўртада Кавказ масаласи кўндаланг бўлиб турипти. Тоғдай бу оғир юкни Раҳимов кўтара-

олармикан? Борди-ю Раҳимов фон-Бугнинг ҳужумини тўхтата-
олмаса ..

Кедров. Хўш, унда нима бўлади?

Лукьянов. Душман бизни анча овора қилади. Ҳатто Туан-
сега ёриб ўтиши ҳам мумкин.

Кедров. Ҳа, ҳа.. Тўғри... Тўғри...

Лукьянов. Бу ҳақда чуқурроқ мулоҳаза юритишимиз ке-
рак. *(Уртага оғир жимлик чўқади, Кедров уёқдан-буёққа юради.)*

Кедров. Фон-Клейст, бу қари тулки фон Бугни Раҳимов
дивизиясига бечиз қарши қўйган эмас. Шахтёрлар дивизияси
Ростов жангларида донг чиқарди. Буни туллак фон-Клейст яхши
билади. Хўш, қанақа маслаҳат берасиз?

Лукьянов. Раҳимовни бошқа ўринга олиб, у дивизияга
тажрибакор генераллардан бирини юборсак дейман.

Кедров *(Лукьяновнинг кўзига қараб)*. Захар Захарович,
бу қандай маслаҳат? Бу гап менга ҳазм бўлмади, кечирасиз...

Лукьянов. Николай Иванович, Раҳимов ёш, асов отдай тез,
тажанг, ғазабини босолмай бирон хатога йўл қўйгудай бўлса,
ялмоғиз фон-Буг букиб қўяди, деган хавфим бор холос.

Кедров. Раҳимов қачон, қайерда букилипти? *(Жим.)* Ўртоқ
генерал-лейтенант...

Лукьянов. Мен фон-Бугнинг бутун плюс-минусларини ҳи-
собга олиб гапираяпман, Николай Иванович! Ахир гап Кавказ-
нинг тақдирини устида...

Кедров. Раҳимовни бўшанг, заиф демоқчимисиз?

Лукьянов. Йўқ, Раҳимов, чиниққан, пишиқ офицер, аммо
генерал фон-Буг айёр, танк жангларини билади, даҳшатли ал-
васти.

Кедров. Даҳшат десангиз ҳам, бало десангиз ҳам мана шу-
нинг ўзи!

Лукьянов. Ким?

Кедров. Раҳимов! Раҳимов — фашистлар учун даҳшат. Яқин-
роқ келинг. Мен сизга бир план кўрсатай. Мана, Раҳимов тузган.
*(Қоғоз кўрсатади, шивирлашади. Қабулхонага Раҳимов киради,
Швидко ўрнидан туради.)*

Раҳимов. Салом, ад'ютант. Нега бормаисан?

Швидко. Фурсат бўлмапти, ўртоқ полковник!

Раҳимов. Бор, Ўзбекистондан янги винолар келди. Қўлбола.
Меҳмон қиламан.

Швидко. Унақа бўлса борганим бўлсин, ўртоқ полковник.
Раҳимов. Геннадий, ўлтиратур.

Швидко. Марҳамат, ўртоқ лейтенант. Мана стул, ўлтиринг.
Геннадий. Раҳмат. Ҳожати йўқ. Битта чексак майлими?
(Ўлтиради, чекади.)

Раҳимов *(кириб)*. Ўртоқ генерал-полковник, буйруғингизга
мувофиқ келдим.

Кедров. Келинг, Собир Умарович! *(Кўришадилар.)*

Лукьянов. Соғлиқ қалай, полковник?

Раҳимов. Раҳмат, ўртоқ генерал-лейтенант.

Кедров. Гуноҳингизни биласизми?

Раҳимов. Йўқ.

Кедров. Устингиздан шикоят тушди.

Раҳимов. Шикоят?

Кедров. Ҳа, мана, Тошкентдан хат олдим... Ўртоғингиздан...

Эрим ухلامасдан озиб кетипти... Уришиб қўйинг, депти. (*Хатни кўрсатади.*)

Раҳимов. Келинингиз менга ҳам шу мазмунда хат ёзипти.

Кедров. Хўш, нега ухламайсиз? Қани, менга айтингни, нега ухламайсиз?

Раҳимов. Ухлайман, Николай Иванович. Лекин кўпинча уй-қим бузилади.

Кедров. Ҳа, ҳа, кўзингизга ҳалигидай алвастилар, дев, ажиналар кўринади, ўшалар блан бўғишасиз, кейин чучиб уйғониб кетасиз, шунақами?

Раҳимов. Худди шундай, ўртоқ қўмондон.

Кедров. Ана ўша девлар, ажиналар, сизни ўнгиингизда, янчиб ўтишга қасд қилишган. Хўш, бунга нима дейсиз? (*Кузига тикилиб туради.*)

Лукьянов. Яна қанақаси денг, энг қаттоли.

Раҳимов. Бешинчи сентябрь соат беш 50 минутда. (*Кедров блан Лукьянов бир-бирларига ма'ноли қарашиб олишади.*)

Кедров. Сиз буни қаердан билдингиз?

Раҳимов (*қабуллонага қараб*). Геннадий!

Геннадий (*кириб, салом беради*). Разведка группасининг бошлиғи лейтенант Смирнов Геннадий эшитади ўртоқ қўмондон!

Раҳимов. Бундан беш соат илгари учта жосусни тутиб олган. Бирини, қочгани учун жойида отиб ўлдирган, иккиси тирик қўлга тушган. Мана сўроқ протоколи.

Кедров. Бу немис эмас-ку?

Раҳимов. Ўзбек, қочоқ босмачи, бири оберлейтенант, мана буни си турк офицери.

Кедров. Турк? Кавказда... Бу Геббельснинг найрангларидан бири. Бунда сир бор. Раҳмат, сизга рухсат. (*Геннадий чиқади.*)

Лукьянов. Хўш, энди ўзингиз нима дейсиз?

Кедров. Фон-Буг эртага дивизияингизга ҳужум бошлайди. Аммо орқага бир қадам силжиш Кавказни душман оёғи остига ташлаш деган сўз. Сиз, ўртоқ полковник, Кавказ дарвозасини қўриқлаб турибсиз. Бу ишончини оқлашингиз керак.

Раҳимов. Партия ва халқимнинг ишончини оқлашга жоним борица ҳаракат қиламан.

Лукьянов. Душман катта куч блан ҳужум бошлайди.

Раҳимов. Кўкрак блан қарши борамиз.

Кедров. Кўкрак блан эмас, кўкрак тешилади. Ўт-олов блан қарши олишингиз керак!

Раҳимов. Ўт-олов блан қарши оламиз. Техникамиз оз, одам кам, шароит оғир, шуни айтишим керакки, ўртоқ қўмондон, қанча оғир бўлмасин, душман ҳужумини тўхтатishга ҳаракат

қиламиз, бир киши қолгунча курашиб ўз маррамизда жон беришга тайёрмиз.

Кедров. Жон беришга шошилманг. Аввал жанг қилишга урининг. Жанговар мудофаа учун позиция сайлаш, батальон, рота, взводлар учун жасур командирлар танлаш ва уларни тарбия қилишнинг аҳамияти зўр. Шуларга эътибор қилинг. Мен сизнинг дивизиянгизга қўмондонлик қилмоқчи эмасман, душманни ўтказманг, қиринг, маҳкам туринг, чекинманг. Қўмондоннинг буйруғи шу!

Раҳимов. Чекиниш йўқ! Вазифани бажаришга рухсат этинг, ўртоқ қўмондон.

Кедров. Солдат — бу улуг сўз. Уларга ғамхўрлик кўрсатинг, ҳаммамиз ҳам солдатмиз.

Раҳимов. Менга одам ҳам техникадан ёрдам берасизми?

Кедров. Ёрдам берардим, афсуски, резерв масаласи...

Раҳимов (*жимликдан сўнг*). Булмаса яна бирқанча танк ҳам пе-те-эрлардан беришингизни сўрайман.

Кедров. Ҳозирча сизга танк керак эмас, пе-те-эрдан қанча сўрайсиз?

Раҳимов. Элликта.

Кедров. Бу кўп. (*Кўйин дафтарчасига қараб.*) Йигирмата олиб туринг. (*Ёзиб беради*)

Лукьянов. Кавказ масаласи, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Мен ҳарбий сан'атни Бокуда ўрганганман. Кавказ менинг иккинчи ватаним. Ҳа, ўзбек халқининг мактубини жангчилар ўртасида ўқиб чиқдик.

Кедров. Жуда яхши. Ўқидим, жуда ўткир ёзилган. Хайр, ўртоқ полковник, сизга ғалаба талайман.

Раҳимов. Раҳмат! (*Чиқиб.*) Қани кетдик, Геннадий. Хайр Швидко. Бор, тугаб қолади.

Швидко. Хайр, ризқимизга яраша қолар, ўртоқ полковник. (*Кириб*) Ўртоқ генерал-полковник, сизга ҳечнарс керак эмасми?

Кедров. Менга ҳечнарс керак эмас.

Швидко. Ахир бу нима? Чой музлаб, колбасаям жаҳлидан кўкариб кетипти-ку.

Кедров (*кулиб*). Янгилаб келақол, жонинг чиқмасин. (*Швидко чиқади.*) Хўш, Захар Захарович, сиз менга бир нарс демоқчимидингиз?

Лукьянов. Нима ҳам дер эдим, яна ўзингиз биласиз... Ҳар ҳолда кўп оғир участка. Мен Раҳимовни ўз уғлимдай кўраман, аммо бу фон-Буг...

Кедров (*завқ блан*). Кўрдингизми, бургутнинг боласига ўхшайди, ёвқур, забардаст йигит... Ажойиб... Мен ишонаман. Қани харитани олинг! (*Лукьянов столга харитани ёзади, ҳариккови, қўлларида қалам, энгашидилар.*)

Парда.

Раҳимовнинг штаби. Ярим кеча. Мажлис. Офицерлар состави. Тартибсиз стуллар, тутун.

Раҳимов (*офицерларга*). Мана қаранг... Душманнинг асосий техника кучи, майор Бадридзе, сизнинг полкингиз турган шу икки катта йўлдан келади. Демак, жанг оқибатини сиз ҳал қиласиз...

Бадридзе. Шундай, ўртоқ полковник. Разведка материаллари ҳамда душманнинг сўнги кунлардаги хатти-ҳаракатига қараганда ҳужум даставвал Загоруйко батальони турган участкага, мана бу ерга (*кўрсатиб*) бўлади.

Раҳимов. Сизнинг мулоҳазангиз қандай, майор Шаров?

Шаров. Мен ҳам шундай деб ўйлайман, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Сизнинг полкингиз, майор Шаров, чап томондан бўладиган ҳужумни қайтаради. Ваз'ият талаб қилса Бадридзе полкига ёрдам берасиз.

Шаров. Ёрдам бераман, ўртоқ полковник!

Раҳимов. Мардлик ва жасорат кўрсатингиз. Душманнинг ҳужуми шиддатли бўлади. Қат'ият ҳамда темирдек ирода блан қарши турингиз!

Шаров. Душман ҳужумига кўкрак блан қарши турамиз.

Раҳимов. Кўкрак блан эмас. Кўкрак тешилади, ўт-олов блан қарши олингиз, ўртоқ майор!

Шаров. Ўт-олов блан қарши оламиз, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Вазифа равшанми?

Офицерлар. Равшан.

Раҳимов. Саволлар борми?

Офицерлар. Йўқ.

Загоруйко. Менинг бир-икки саволларим бор, ўртоқ полковник!

Раҳимов. Хўп, қолган гаплар жанговар буйруқда айтилган, уруш панида кўрсатилган. Ҳаммангизга муваффақият тилайман. Майор Бадридзе блан комбат Загоруйко қолишади. Бошқаларга жавоб. (*Офицерлар чиқадилар.*)

Санюк. Қани ўлтиринг ўртоқ комбат. Айтганча, уч-тўртта жасур йигитларни, ўзингиз блан бирга олиб келинг деган эдик.

Загоруйко. Улар шу ерда. Чақирайми?

Раҳимов. Бироз тўхтаг. Вазифани аниқ тушиндингизми? Душман дастлаб сизга ҳужум қилади. Демак ғалабанинг калиди сизнинг қўлингизда, ўртоқ комбат.

Бадридзе. Қани харитангизни олинг. (*Загоруйкодан харитани олиб кўрсатади.*) Мана бу батальон участкаси, бу ерда батальон артиллерияси бор. Булар қўшни батальонлар, бу ўқ ячейкалари.

Загоруйко. Жанговар пойлоқчилар мана бу ерда. Саволим ҳам шулар ҳақида, ўртоқ полковник. Сиз ғалаба дейсиз, батальон участкасида бўладиган ўпирилишни ўзимдаги бор кучлар

блан йўқ қилишга ақлим етмаяпти. Чунки резервда турган биронта ҳам взводим йўқ. Тўсатдан бериладиган қаттиқ зарбани кайтаришга кучим ҳам етарлик эмас. Аммо шунга айтишим керакки, ўртоқ полковник, батальон чекинмайди, керак бўлса ўз маррасида жон беради.

Раҳимов. Жон беришга шошилманг, жонни сақлаб, душман блан жанг қилишга, ғалаба қозонишга ўрганинг!

Загоруйко. Душман бизнинг жанговар пойлоқда турган йигирма-ўттизга яқин жангчиларимизни уриб ташлаб ёриб ўтади.

Санюк. Нега уриб ташлаб? А? Нега ёриб ўтади?

Загоруйко (*таажжубланиб*). Ахир ўн-ўн беш одамдан иборат бўлган жанговар пойлоқчилар душмanning ғоят катта кучини тўхтатиб туролмайди-ку, ўртоқ комиссар!

Раҳимов. Мен сизга ҳайронман, комбат, ахир сиз фашистни савалаган офицерсиз-ку? Ельняда, Оқсойда, Кукуевода, Гончаров, Казатчино районларида, ниҳоят Ростовда.

Загоруйко. Унда ўзимиз ҳужум қилганмиз, ўртоқ полковник.

Санюк. Солдат бир жойда ўлтириб ўлим кутмайди, ўлимни душманга тўғри қилиш керак. Сиз, душман уриб ўтиб кетади, дейсиз, ҳолбуки, бу ерда фақат жанг қилиш шарт, ўртоқ комбат.

Раҳимов. Комиссарнинг гапи ҳақ. Душман (*кўрсатиб*) мана бу ердан келади. Бу ерларга бақувват пе-те-эрчи взводлар юборинг. Йўлларга миная қўйинг, енгил миномёт, қўл пулемётлари бўлсин, лекин группа енгил, чаққон бўлиши шарт.

Загоруйко. Ўртоқ полковник, душман бу ердаги взводларнинг ҳар икки томонидан ўтиб кетаверади.

Бадридзе. Ҳар икки томон жарлик, тоғлик-ку!

Раҳимов. Фашист бу ерлардан машинасиз юрмайди. Фақат шу йўлдан келади, кўрдингизми? Пулемёт, миномёт ҳам танкка қарши отадиган милтиқлар блан қуролланган кичик бир взводни ҳам бу ерлардан уриб чиқариш қийин. Мана бу тепаликка пистирма қўйиб душманни шу ерда қарши олиш керак. Танклар бостириб келдими, взвод орқага ташланиб, сўнг биқиндан урсин. Яна яшириниб, сўнг мана бу ерда пайдо бўлиб ўтга тутсин. Кўрасизми, ёвни неча марта овора қилишингиз, тутиб туришингиз, ҳатто улоқтириб ташлашингиз мумкин. Бизнинг вазифамиз, душманни бир қадам ҳам илгарига ўтказмаслик, орқага чекинмаслик!

Загоруйко. Чекинмаймиз!

Раҳимов (*Геннадийга*). Жангчиларни чақир.

Геннадий чиқади. Саша, Соҳиб, Марченко, Арам, Шермат кирадилар, салом берадилар.

Саша. Буйруғингизга мувофиқ келдик, ўртоқ полковник. Пе-те-эрчи группа бошлиғи Александр Коровин.

Санюк. Загоруйконинг ишонган тоғлари.

Раҳимов. Душман танкларига қирон соладиган довяраклар! Мана сизларга ҳам иш чиқиб қолди!

Саша. Вазифани ўринлатамиз, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Тушинтиринг, ўртоқ комбат!

Загоруйко. Фашист тонг пайтида бизга қарши ҳужум бошлайди. Душманнинг ҳужумини сизлар қарши оласизлар. Сиз мана шу жойда пистирмада ётасиз. Вазифангиз шу. Душманнинг автоколонналарини, артиллериясини, танкларини ўтказмаймиз...

Саша. Бир қадам ҳам ўтказмаймиз. Темирдай маҳкам турамиз!

Раҳимов. Сизларга жавоб.

Саша. Ўртоқ комбат!

Загоруйко. Ҳозир етаман.

Жангчилар чиқадилар, қабулхонада тўхташади.

Раҳимов. Сиз буларнинг ҳаракатидан мени хабардор қилиб турияг.

Загоруйко. Хабардор қилиб тураман, ўртоқ полковник. Кетишга ижозатми?

Раҳимов. Боринг.

Загоруйко. Ўртоқ майор, сиз блан...

Бадридзе. Ҳозир ўзим бораман.

Загоруйко. Слушаюсь, ўртоқ майор!

Загоруйко чиқиб кетади. Раҳимов Бадридзе блан харита устида шивирлашиб қолишади.

Васька. Амаки мени ҳам бирга олиб боринг.

Геннадий. Эй, қаёққа борасан. Сени мен зўрға топганман. *(Жангчиларга.)* Ҳа, бу менинг кадрим бўлади.

Саша. Эшитдингми? Сенам кетсанг командир ёлғиз қоларкан.

Геннадий. Хафа бўлма.

Саша. Хайр ука!..

Соҳиб. Васькажон қалайсан?

Васька. Михдайман.

Соҳиб. Баракалла! Ўша укки кўзни тутсам нима қилай? Тириклай чайнаб ташлайми?

Васька. Э, қўйинг! Масхара қилманг!

Соҳиб. Хафа бўлма. Ҳа, Васька, мени Соҳибчангал дейишади. ёдингда тут. Катта бўлганигда эслаб юрарсан. Ўзбек эди, бўтақоралик эди, ўзи ҳам қоп-қора, келишган, михдай йигит эди, дейсан. *(Жангчилар кулиб чиқишади.)*

Бадридзе. Хўп, ўртоқ полковник. Ҳамма айтганларингизни бажараман. Рухсат беринг!

Раҳимов. Майли боринг, хуш'ёр бўлинг! *(Бадридзе кетади. Геннадий киради.)* Асирларни киритинг. *(Геннадий, Васька қўлларида автомат, асирларни киритадилар. Шиль блан Жовиднинг боши эгилган.)* Қани яширманг, яшашга умидларингиз булса, тўғриси гапиринг! Охирги марта сўрайман. Ҳужум қайси кунга белгиланган, қанча куч блан ва қайси томондан бошланади? Ҳаммасини гапиринг.

Шиль. Айтганман.

Раҳимов. Унинчи сентябрь соат тўртдами?

Шиль. Ўнинчи сентябрь соат тўртда.

Раҳимов (*Жовидга*). Тўғрими, тасдиқ қиласизми?

Жовид. Тўғри, тасдиқ қиламан.

Шиль. Бизга барибир, яширадиган жойи қолгани йўқ. Фон-Бугнинг буйруғи шу. Ўнинчи сентябрь!

Раҳимов. Ёлғон айтасан!

Шиль. Билганимиз шу!

Раҳимов. Ёлғон!

Шиль. Булак нарсани билмайман.

Раҳимов. Газанда! (*Урнидан шарт туради, уёқдан-буёққа юради, ғазабини босишга уринади. Жовидга.*) Хўш, сен бу фашистларнинг оёғи тагида нима қилиб ўралашиб юрибсан? Ёки ер вада қилдимиз?

Васька (*Геннадийнинг қулоғига секин*). Ер керак бўлса ўзимиз икки-уч метр берар эдик.

Геннадий (*секин*). Сайрамай тур, мамадана.

Васька. Слушаюсь, мамадана сайрамай туради...

Раҳимов (*Жовидга узоқ тикилиб*). Бу варақаларни сен тарқатдингми? Бешараф, беномус байроғингни кўтариб келдингми? Фашист байроғини-я! Яна зулм-жафо уруғини сепмоқчимисан? Гитлернинг қонли қўлини ўпасан! Разилсан! Сен ниятингга етолмайсан!

Жовид. Барибир мен тантана қиламан.

Раҳимов. Бас! Сенлар ҳужум планини мендан яширмоқчи бўласанлар, аммо мен биламан, бешинчи сентябрь соат беш 00 да!

Бу сўз Жовид блан Шильни ваҳимага солади.

Шиль. Империя армияси ҳаммангизни мажақлаб ташлайди.

Раҳимов. Юм оғзингни!

Геннадий. Мунча жоврадинг, жағинг тушкур.

Раҳимов. Олиб чиқинг, отиб ташланг!

Жовид. Қонунга хилоф! Отолмайсан!

Васька. Қани бўл, ортиқча гап эшакка юк. (*Геннадийга.*) Манави бир...

Геннадий. Энди ишинг юришиб кетади, Васькажон қани, ҳайда.

Олиб чиқадилар, жимлик, Раҳимов ғазаб блан Жовид ва Шльнинг изидан қараб қолади.

Раҳимов (*ўзича*). Тантана қилармиш... Чаён!.. (*Яна жимлик.*)

Геннадий (*кириб*). Ўртоқ полковник, ҳамма нарса бекаму-кўст тахт бўлди.

Раҳимов. Фақат ўзингга эҳтиёт бўл! (*Қоғоз бериб.*) Ҳаммаси шу ерда кўрсатилган. Инженерга учра, сапёрларни ишга сол. Шувдай қилки, керак пайтда тоғ ағдарилсин.

Геннадий. Буйруғингизни тугал бажараман, ўртоқ полковник, хайр! (*Чиқади. Васькага.*) Васькажон! (*Сочларини силаб, эркалаб.*) Мана биз ҳам кетдик.

Раҳимов (*қўлига китоб олиб*). Война и мир... (*Ичида ўқийди.*)

Геннадий. Агар биздан жиндак хатолик ўтган бўлса ма'зур тутасан. Командирга парво қил, вақти-вақтида ейиш-ичишига қара, зериктириб қўйма. Қур-қур жаҳли чиқиб уришади, кўнглиннга олма. Ҳарқандай шубҳали одамларни ёнига қўйма, маҳкам бўл. Тушиндингми? Васька, Васька, Васькажон! (*Қўл узатиб.*) Хайр, омон бўл!

Васька. Дядя Геннадий, сиз қаёққа борасиз?

Геннадий. Юракка ғусса тўлди, бир ўйнаб келай, яна кўришамиз, хайр Васька, омон бўл! (*Жуда тез чиқиб кетади.*)

Васька (*Геннадийнинг сўзларидан ҳанг-манг бўлиб қолган эди, бирдан ўзига келади*). Дядя Геннадий! (*Орқасидан югиради, тўхтайди.*) Бу қанақа одамлар? Мени ёш бола, ақли етмайди, деб ўйлашади шекилли, йўқ, мен ҳаммасини биламан. Мен ёш бола эмасман. Мен.. Булар ўлимга кетатуриб ҳам, қўшиқ айтишадилар, қандай ажойиб кишилар! (*Қабулхонага чиқиб Васькадан кўзини узмаган Раҳимовга.*) Ўртоқ, полковник!

Раҳимов. Ҳа, Васька, йиғладингми?

Васька. Ўртоқ полковник, мени ҳам дядя Геннадий блан бирга жўнатинг.

Раҳимов. Геннадий кетса, сен кетсанг, мен нима қиламан? Шошма, тонг отиб қолай деди-ю, нега ухламадинг, чарчагансан.

Васька. Дядя Геннадий ўрнига ад'ютант қилиб қолдириб кетди. Ўзингизчи?

Раҳимов. Унақа бўлса ўртоқ ад'ютант, сен ҳам ухла, мен ҳам ухлай, бор! (*Васька ухлашга тайёрланади, Раҳимов бирқанча вақт қимирламасдан тик туради. Дераза ойнасига йирик ёмғир томчилари урилади. Ёмғирга қулоқ солади.*) Роса қуйдику... (*Уёқдан-буёққа юради, бирқадар асабийлашгани, ташвишлангани сезилади, дағал юзида қасос туйғулари, кўзларидан ғазаб учқунлари барқ уради. Бирдан орқасига қайрилиб телефонга боради, трубкини олади.*) Катаев, ҳа уруш худоси, тикмисан? Кайфинг яхшими? Ҳуш'ёр бўптур. Албатта... Сенга ҳам. (*Трубкини қўяди, юради, соатига қарайди, тоқатсизланади. Эшик секин очилиб, уйқисираган Васьканинг боши кўринади.*)

Васька. Чақирдингизми? Сизга бирон нарса керакми, ўртоқ полковник?

Раҳимов. Ҳа, сенмисан?

Васька. Бирон нарса керакми, дейман?

Раҳимов. Ухла, дедим сенга, ухла! (*Васька кўздан йўқолади. Раҳимов ҳам ётоққа ўтади. Саҳна бўш қолади. Ёмғир кучаяди. У яна кўринади. Телефонга келиб трубкини олади, бўғиқ товуш блан.*) Менга Каймаковни беринг! Ўртоқ инженер, Геннадий Смирновга ёрдам бердингизми? А? Бали! Раҳмат, хайр! (*Трубкини аста қўйиб, яна олади.*) Санюкми? (*Трубкини шинели*

орасига олади, Васька томонга кўз ташлайди, бўғиқ, аста гапиради.) Степан Назарович, Бадридзегга айтинг, Загоруйкога кўз-қулоқ бўлиб турсин. Душман томонда нима гап? Жимжитлик?! (Трубкани аста қўяди. Қўлини ихтиёрсиз узатиб, столдан бир китобни олиб варақлайди.) Тамань... (Уқиб.) Александр Македонский ўзининг шоҳона зиёфатига шу Таманьдан вино олдириб кетар эди. (Яна варақлаб.) Тамань Суворов фанагорияси... Александр Васильевич Суворов шу ерда казак корпусига беш йил кўмондонлик қилган. Бу қал'ани мустақкамлашда Александр Суворовнинг хизмати жуда ҳам зўр. (Китобни ёпиб, ўйланиб.) Суворов, генераллиссимус Суворов!.. Қандай улуг зот, рус халқининг шоншавкати, азамат саркарда. (Суратига тикилиб.) Юзларидан нур ёғилади. (Ўйланиб.) Хўш, шундай оғир танг бир ҳолга тушиб қолганда қандай талбир кўрар эди у? А?.. (Шошиб варақлаб бир саҳифани очиб.) Тебранмас эди. Ҳарқандай оғир ҳолга тушганда ҳам галабага ишонар эди. „Где тревога — туда и дорога!..“ (Ёпиб.) Қандай бақувват сўзлар... „Где тревога — туда и дорога!..“ (Астасекин юриб, қабулхонага чиқади, ухлаб ётган Васька устига шинель ёпади, яна қайтиб киради. Китобни қўйиб чирогни ўчиради, уй қоронғилашгандай бўлади. Бироз вақт ўтгач секин қонг ёриша бошлайди. Раҳимов яна дераза ёнида пайдо бўлади. Уйга чўмади, соатига қағайди. Саҳна орқасида товуш эшитилади, эшик тикиллайди.) Киринг.

Шошилган ҳолда Санюк киради.

Санюк. Беш минут қолди... Загоруйко батальони совхоз территориясига мустақкам жойлашиб олган, душманни ўт блан қарши олишга тайёр. Пе-те-эрчи группалар ҳам душманга яқин жойларда пистирмада туриптилар. Буйруғингиз тўла-тўқис бажарилди, ўртоқ полковник. Энди фақат жангга қараб қолдик, холос!

Раҳимов (соатига қараб). Уч минут қолди. Бошқа батальонларнинг ваз'ияти қандай?

Санюк. Бадридзенинг бошқа батальонлари, майор Шаровнинг полки ҳам тўла жанговар ваз'иятда.

Раҳимов. Загоруйко ёвқур командир. Биз уни ташлаб қўймаймиз, албатта, ёрдам берамиз. Бир минут қолди. Бу азамат комбат, душманнинг жуда катта кучига қарши жанг қилади. (Соатига қарайди.) Ана расо беш 00. (Ҳар иккови тоқатсизлик блан қулоқ соладилар. Жимлик. Тобора буларнинг қабзияти ошади. Санюк тоқатсизланиб юради, гапирмоқчи бўлади, Раҳимов қўли блан, тингланг дегандек ишора қилади. Узоқдан бирдан бўғиқ гумбиолаш эшитилади.)

Санюк. Ла'нати. Бошлади.

Раҳимов. Ҳа, бошлади. Роса беш 00 да. Қани кетдик. Где тревога — туда и дорога! (Тез чиқадилар).

Парда.

УЧИНЧИ ПАРДА

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Кавказнинг юксак қорли тоғлар тизмаси кўринади. Тонг яқин. Саша, Марченко, Соҳибчангал, Шермат ва бошқалар пулемёт ва танка қарши отадиган миликлар билан қуролланган ҳолда қулай марраларга жойлашиб олганлар. Отилиб турган ракетаalar яқин ўртада фашист окопларининг борлигилан дарак беради.

Марченко. Хўш, кўринаяптими, ўртоқ командир?

Саша. Кўкат ҳам қимирламайди, дяля Миша.

Арам. Ла'натининг артподготовки тугади-ку!

Соҳиб. Қулоқларим батанг келди-я!

Шер. Бу жимжитлик нимага аломат? Шитир этган товуш ҳам эшитилади. Назаримда ҳозир ҳужум бошланади-да.

Арам. Шермат, дукиллаётган нима? Юрагингми?

Шер. Суф сенга!..

Саша. Соҳиб, тетикмисан?

Соҳиб. Михдайман, ўртоқ командир!

Шер (*ҳовлиқиброқ*). Нон урсин, ҳозир бошлашади.

Соҳиб. Биз ҳам шуни кутиб турибмиз, бошлайвермайдими.

Саша (*Соҳибга*). Нима ўқияпсан?

Соҳиб. Партияга кириш ҳақида ариза ёздим. Кираман. Мана, ўртоқ парторг. (*Беради.*)

Арам. Бизники ҳам тайёр, жангга коммунист бўлиб киришни истайман. (*Чўнтагидан ариза олиб беради.*)

Саша. Албатта, кўрамиз.

Соҳиб. Коммунист бўлиб жангга кириш катта бахт.

Марченко. Ватан учун курашаётган ҳарбир жангчининг олий тилаги шу!

Соҳиб. Миша амаки, шу Ватан, деган сўзни нехилда тушириш керак?

Шер. Ватанми?

Соҳиб. Тўхтаб тур, Шер!

Марченко. Шошма, қани айтсин.

Шер. Ватан бу киндик қонинг тўкилган жой, масалан Бўтақора.

Саша. Йўқ, Шермат, Ватан туғилган жойгина эмас, Ватан, бу кенг советлар юрти.

Соҳиб. Бу Москва, Кавказ, Ўзбекистон. Тўғри айтдимми, ўртоқ командир?

Саша. Жуда тўғри, айтдинг Соҳиб.

Шер. Пахтавоғли гапди ҳам миҳдай қиласан, ҳамколхоз.

Соҳиб. Москванинг азамат, кенг кўчаларини, шаҳардек заводларини, қиёмат Метросини, ниҳоят буюк Кремльни ўйласам ҳадеб фашистни савалагим келади. Ўзбекистоннинг кўм-кўк пахтазорларини, қумисқабел узумларини эсладимми, фашистни савалагим келади. Кавказ, бу азамат баланд тоғлар, бу кўм-кўк увалар, кенг даралар, булар ҳаммаси менга ошна, мен шуларга

суқланиб қарайман. Қараган сарим душманни савалагим келади. Кавказ осмондаги юлдузларни кўрганымда Шерматжон..

Шер (*сўзини кесиб*). Синглим Қумрининг чўлпон кўзлари эсингга тушиб кетадими? Шоир бўлкетей, гапни ҳам роса қиясан. Шошма, сен ўзинг Москвада бўлганмисан?

Соҳиб. Йўқ.

Шер. Тошкент уёқда турсин, Қўқонни кўрганмисан?

Соҳиб. Йўқ, Бугақорадан тўғри Берлинга бормоқчиман. Кулма! Мен мамлакатимни хаёл кўзи блан кўраяпман. Галаба қилиб қайтгандан кейин шаҳарларни бир-бир кезиб чиқаман.

Саша. Балли Чангал, тўғри айтасан.

Шер. Китоб кўравериб саводинг ҳам чиқиб қопти. Инглизчаниям хатим қилиб юворган бўлсанг керак?

Соҳиб. Нимага қўл узатсам, етаман, нима дейсан!

Марченко. Қил блан фил бошлаш, тирноқ блан тоғ қазини мумкин, аммо Саша, Соҳибчангалга ўхшаган мард ўғилларни устирган Совет Ватанини қўл қилиш сра мумкин эмас!

Соҳиб. Биз ҳали бу ла'натининг бошига тоғларни ағдарамиз, нима деяпсан. Мана ше'р ёзиб қўйдим. „Жангчилар“ газетасига юбораман.

Шер (*эшитар-эшитмас*). Сал ўпкангни бос, шоир!

Саша, Марченко, Арам бир ёққа сурилиб кетишди.

Соҳиб. Жаҳлимга тегма! Сени қандай жин урди, фе'линг айнаб қолди!

Шер (*бўғиқ*). Ҳай, бундай, дўппини олиб қўйиб ўйлаш керак. Бир сиким тупроғимиз шу ерларда қопкетмасин дейман.

Соҳиб (*кўзига оғир тикилиб*). Қўрқаяпсанми?

Шер (*шивирлаб*). Ахир душман зўр. Танклари, ўзиюрар бехисоб замбараклари ҳали замон бало-қазодай устимизга ёпирилиб келади-ю, ҳаммамизни янчиб ташлайди.

Соҳиб. Гапингда сичқоннинг думича ҳам қиймат йўқ. Янчиб бўпти! Ҳарнарсани ҳам ҳамқишлоғимга айтсам бўлаверади, деб ўйласанг аҳмоқ экансан. Ҳа, ишинг чаппа бўлади, бола!

Шер. Ёшмиз, ҳали дун'ёга келиб нимани кўрибмиз?

Соҳиб. Ҳа, нима бўпти? Фашистни кўрмайпман, бир кўрсам аския қилардим, деб қариллаётган сен эмасмидинг? Гапир! Имонинг учдими, туямижоз?! Мақсадинг нима? Ҳойна-ҳой кўзини шамғалат қилиб, носимизни тупирибқ олайлик демоқчимисан?! (*Ғазабкор.*) Гапир итвачча!

Шер. Дарров тилингга зўр берма!

Соҳиб. Саша, Марченко, Арамларнинг ҳам жони борми? Ширинми?

Шер (*ноилож*). Ширин, ширин...

Соҳиб. Бўпти-да! Йигит — йигитнинг кўзгуси, шулар нима бўлса биз ҳам шу! Қўрқоқ йигит эмас, тўнгак. Тўнгакнинг ўзи на сумалакка ярайди, на маҳалланинг ишига! Бўйнида иллоти борнинг оёғи қалтирайди. Қалтирама! Ҳа, ночор қолганда олам эшакни амаким депти, дейсан-да! Фрицни амаки дейликми? Ҳой

бола, гапдан гап, чўпдан хас чиқиб яна ишнинг пачавасини чиқара кўрмаки, нариги дун'ени сенга бир қадам қилиб қўяман.

Шер. Бўлди энди, аравакаш тавба қипти. Мен шунчаки, бир гапирдим, қуйдим-да, отнинг тўрт оёғи бўлса ҳам қоқинади. (Пауза.) Қаҳрамон бўлмоқчисан да, а? Биламан, биламан... Орденга қизикасан... Қўлингда бир пулинг йўқ, туянинг тишини санайсан-а, ҳамколхоз?

Соҳиб. Ўзбек мард, довурак бўлади. Шуни яхши билиб қўй! Иснод келтиракўрма! Буйруқ шу. Гитлернинг танкасиниям, дўзахиниям ўтказмаймиз. Улар блан тиригимизам, ўлигимизам олишади, тушиндиргимиз? (Жимлик. Булар ҳам жимгина, узоққа тикилишади.)

Саша (саҳнанинг олдига келиб, телефон трубкасини олиб). Артподготовка тамом бўлган, батальоннинг биринчи марралари қаттиққина зарарланган. Душман ҳужумини кутиб турибмиз. Хўп, албатта! (Трубкани қўяди.)

Шер (бирдан бақариб). Танклар!

Узоқдан танкларнинг гуриллаши эшитилади.

Саша. Тўғри! Итваччаллар, орқамизга ўтиб олишмоқчи!

Соҳиб. Сездн шекиллик.

Саша. Танк орқасида фашистлар кўринди. (Телефонга.) „Орёл“, тўртинчи ориентирда танклар пайдо бўлди. Хўп ўртоқ комбат, танкларни жонли кучлардан ажратиб ташлашга ҳаракат қиламиз! (Трубкани қўяди. Шу чоқда буларнинг устидан ўқ учиб ўтади. Ҳамма бошини пастга қилади. Шермат сра бошини кўтармай қолади). Арам, танкларнинг йулини қарқинг! Марченко, сиз ҳам боринг!

Арам. Слушаюсь, ўртоқ командир, танкларнинг йулини қирқаман!

Марченко. Арам гранаталар олиб, эмакляб чиқиб кетадилар. Танкка қарши отадиган милтиқларнинг расчётлари Саша командасида танкларни ўтга тутати. Саша ўз пулемётидан ҳам отабошлайди. Бир миња тушиб ёрилади. Соҳибнинг милтиғи пачақланади. Ўзи бугун тупроқ тагида қолади. Саша Соҳибни кўрмайди, бақиради.

Саша. Соҳиб, Соҳиб, Соҳибжон! Соҳиб!!! (Югирганича бориб, тупроқни кавлайди, Соҳибни тортиб олади.)

Соҳиб. Поқ ўлаёзувдим, дўстим! (Қараб.) Уҳ, аблаҳлар яқин келиб қопти-ку?! (Граната иргитади.) Мана сенга!

Саша. Милтиққа ўт! (Ўзи пулемётга ёпишади. Пулемёт бузилиб қолади.) Бузилди! (Тузатабошлайди.) Соҳиб, Арам, Стёпа, шошилманг, танкларни ёндириг. Волода, Козим, гранаталарни олиб, чап биқинга ўт, танкни яқинлаштирмай туринлар! (Ўзи жуда тез ҳаракат қилиб, пулемётни тузатмоқчи бўлади, тузатолмайди.)

Соҳиб. Саша, фрицлар кепқолди!

Саша. Бўлмапти.

Шер. Ана югиришди. (*Танкларнинг овози тобора яқинлашади.*) Бу қандай бало?! Бостириб келаяпти!

Фашист офицерларнинг говур-гувури, командаси эшитилади.

Саша. Барибир ўтолмайсан ҳашаротлар!

Марченко. Рухий атакага ўтишти. Пулемёт... эҳ... бузилганини қара-я!.. (*Белига гранаталарни боғлаб чиқиб кетади.*)

Ноғара ва ашула блан фашистлар келабсшлайди, борган сари яқинлашади, Кўллари чаноғидан чиққан ҳолда Шермат қочиб киради.

Соҳиб. Қаёққа?! Қайт дейман сенга, қайт! Қани ушла бунин! (*Бир боғлам граната тутқзади.*) Юр! (*Ўзи олдинга ташланади. Шермат ўзини бошқа томонга уради. Саша бирдан тўзалган пулемётдан яқинлашиб қолган душманга ўт очади. Фашистлар орқага чекинади.*) Аҳа, ана, келавер, ажалинг етканинг келавер!

Сашага ўқ тегиб йиқилади, Раҳимов, Загоруйко, Генналий, Васька кўлларида автомат, граната блан кириб келадилар.

Раҳимов. Қаёққа?! (*Шермат тошдай қотади.*) Душман ана уёқда, чекинадиган жой йўқ!

Загоруйко. Ўртоқ полковник, танклар бостириб келаяпти!

Раҳимов. Гвардиячи азаматлар, Сталин учун, Ватан учун! Душман йўлини тўсинг, танкларини ёндириг. Мен блан олға! (*Ўзи олдинга югириб кетади. Унинг кетидан жангчилар эргашади. Шер бир чуқурликда ваҳимадан йиқилиб қолади.*)

Саша (*ўзини куч блан тутиб*). Мана бу ёндан фашистлар кўринди. (*Пулемётга келади, кучсизланади. Васька кириб пулемётга ёпишади.*)

Васька. Қани?! Ҳа газандалар! (*Пулемётдан отабошлайди, ўқ тегиб йиқилади.*)

Раҳимов. Васька, Васька! (*Бағрига босади. Бир четга қўяди, ўзи пулемётга югиради.*) Ҳа, санчилдингми?! Кўтар бошингни илонлар! (*Ўқ ёғдиради.*) Қайтмаганингга қўймайман, қочиб қол! Қочиб қол! У ким? Марченко?!

Соҳиб. Марченко, ўзини танк остига ташлади, ёндирди!..

Загоруйко (*куйиб-пишиб киради*). Қайтарилиди... Танкларни ёндириб юборишди. (*Кўли блан кўрсатиб.*) Бир... икки... беш... етти... қолганлари қочди, ўртоқ полковник. Атака қайтарилди.

Отишмалар тўхтайтиди.

Раҳимов. Аросат жанг бўлди. Биринчи атака бостирилди. Азамат Марченко! Аммо фон-Буг худди шу жойга ҳали кечгача жуда куп атака қилади. Ёриб ўтишга уринади, сиз яна шу жойнинг ўзини мустаҳкамланг, ярадорларни санитария батальонига жўнатишг. Қаҳрамонлик кўрсатганларни орденга тақдим қилинг. Мен бошқа участкаларга кетдим. (*Васькага яқин бориб.*) Васька! Васька (*кўзини очиб*). Ўртоқ подковник...

Раҳимов. Қалайсан... Қўрқма, қўрқма!

Васька. Қўрққаним йўқ... (Инграйди.)

Раҳимов. Тезда машинага ётқизинглар, қон кўп кетди. (Васькани олиб чиқадилар. Загоруйкога.) Мен кетдим, айтганларимни бажаринг.

Загоруйко. Ҳаммасини бажараман, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Ҳалок бўлганларни иззат-ҳурмат блан дафн этамиз.

Раҳимов, Загоруйко чиқадилар. Саҳна бўш, Соҳибчапчалнинг: „Шер“, „Шермат!“ деган ҳайқирғи эшитилади. Бироздан сўнг бош-кўзидан қон оққан, кучли изтироб ичида саҳнага огилиб киради.

Соҳиб. Шер, Шер!.. (Пауза. Ўртада ўйланиб қолади. Ўзига тасалли берган бўлиб.) Ҳа ўлган, менинг жонажон дўстим. Шер — шердай курашиб ўлган... (Чиқиб, яна гир айланиб келади.) Шермат йўқ! Ўлиги ҳам, тириги ҳам йўқ. (Бошидан даҳшатли бир фикр ўтиб.) А?! Наҳотки, Шермат қўлга тушган бўлса, ёинки... Унинг сўзлари... Йўқ, йўқ. бу бадхоел, этларим сесканиб кетди. Шер! Шермат! (Қовжираган, йиғи аралаш товуш блан.) Бадбахт бола, агар хиёнат қилган бўлсанг онангнинг берган оқ сути ҳаром бўлсин, яшама, кўзларинг ўйилсин! Мен сени ўлимга ҳукм этдим. Марченко, Марченко! Дядя Миша! (Пауза.) Қандай ҳалол, пок одам эдинг, дядя Миша! Қасам-ёд қиламанки, бир қатра қоним колгунча душманларинг блан курашаман! Қонингга қон, жонингга юзлаб жон оламан! Танклар... Йўқ, ўтолмайсан, ўтолмайсан алвастилар!

Танклар тобора яқин келади. Соҳибнинг ғазабкор кўзлари ёнади.

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Раҳимовнинг команла пункти. Стереотруба ўрнатилган. Уйнинг бир бурчагига телефонист блан радист жойлашган. Уч-тўрт жангчи, қўлларида автомат, тикка туришипти. Соҳибчапчал ғазабидан тугақиб кетган. Ўртада бошяланг, қуролсиз Шермат. Жимлик.

Раҳимов (секин, вазмин). Гапир! (Жимлик.) Нега қочдинг? Дўстларни ўлимга ташлаб-а? (Шермат жим. Ғазаб блан бақиради.) Жавоб бер!

Шер (кўзлари жовдираб). Тавба қилдим, тавба қилдим, ўртоқ полковник!

Раҳимов. Сен Шермисан?! Йўқ, сендан ит ор қилади. Сен иснод кетирдинг! Сен бебурд, ярамас! Қўрқоқ! Сенинг борингдан йўғинг, афзал!

Шер (шафқат сўрагандай бўлиб жангчиларга қарайди, уларнинг ғазаб тўла кўзларидан ваҳимага тушиб, бақиради). Вой-дол! Мени отманг! (Жинланиб.) Ёшман! Тавба қилдим! Отманг!!

Раҳимов. Мактубда қўрқоққа шафқат бўлмас дейилган, унитдингми? (Бақиради.) Встать! Ўртоқ жангчилар бунга қандай жазо берамиз? (Милтиқлар шарақлайди.) Кимда-ким бу ярамас отилсин, деса икки қадам илгари чиқсин!

Жангчилар икки қадам олдинга чиқадилар.

Шер (*талваса блан*). А?! Ўлим?!.. Соҳибжон... Дўстим! Ахир сен ҳамқишлоғимсанку?! Онамга нима дейсан? А? Онамга нима дейсан? Колхозга не деб жавоб қиласан? А? Ўйладингми?! А?!

Соҳиб. Беномус қўрқоқни ўз қўлим блан отиб ўлдирдим дейман. Онанг ҳам берган сутини кўкка совурган. Сенинг ўлишинг керак!

Шермат. Шундайми? (*Соҳибнинг кўзига тикилади, нажот кўрмайди, тақсирга тан беради, калласи тушиб, кўча томон йўл олади, орқасидан Соҳиб боради.*)

Жангчилар ҳам аста-секин чиқадилар. Раҳимов бир нуқтага тикилганча жим қолади, ҳаяжонланади. Унинг юрагини алланималар тиндалагандай бўлади. Эзилади, лекин у тездан ўзини тутиб олади. Милтиқ товуши эшитилади.

Санюк. Душман бутун ўтини Загоруйконинг устига ташляпти. (*Раҳимов уёқдан-буёққа юради.*) Яна қаттиқ ҳужум бошланди, биз ҳам жавоб қайтарсакмикан, ўртоқ полковник?

Раҳимов. Мумкин эмас, ўртоқ комиссар.

Санюк. Чидаб бўлмайти, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Биламан. Кўриб турибман.

Санюк. Оғир.

Раҳимов. Солдатнинг иши қачон енгил бўлган экан? Генералнинг айтганларини унитдингизми?

Санюк. Танклар! Танклар совхозга, Загоруйко батальонига яна ҳужум бошлашди.

Раҳимов (*шошиб стереотрубага боради, кўради*). Қани? Ҳа, кўрдим, етти, тўққиз, ўн беш, ўн етти, йигирма уч... Ла'натилар!

Санюк. Танклар блан шердай олишяпти, азаматлар!

Раҳимов. Қандай чиройлик жанг қилишяпти, қандай чиройлик! Ҳаммаёқни тутун босиб кетди. (*Трубадан нари кетади, юради, ўйланади, тўхтайди, узича гапирди.*) Ҳозир қат'ий зарба бериш учун энг қулай пайт! Контратакага ўтиш керак. (*Ичиди масалани ҳал қилгандай бўлиб, телефонисткага.*) Менга Бадридзени тўғриланг. Контратакага ўтамиз.

Телефонистка. „Тўртинчи!“ „Тўртинчи!“

Раҳимов (*айниб*). Йўқ, керакмас. (*Яна уёқдан-буёққа бетоқат юради.*)

Санюк. Ўртоқ полковник, душман оғир тўплардан отабошлади. Загоруйконинг участкаси дузахга айланиб кетди, уни икки томондан ўраб қелишяпти. Уни қутқазиб керак.

Раҳимов (*тараддудга тушади, унинг қийин руҳий ваз'иятда қолганлиги — юзидан, юриш-туришидн сезилиб туради. Юратириб у бирдан тўхтайди. Телефонисткага.*) Бадридзени чақиринг!

Телефонистка (*суюниб*). „Тўртинчи!“ „Тўртинчи!“ „Йигирмага қулоқ сол! (*Раҳимовга*) Мана, ўртоқ полковник!

Раҳимов (*трубкани олиб*). Ўртоқ майор, а? Нима дейсиз? (*Шу вақтда кўзойнагини арта туриб қўмондон киради. Раҳимовнинг сўзини эшитади. Швидко ҳам бор.*) Биламан, аҳвол

оғир. Загоруйкога қийин бўлди. Нима? Контратакага рухсат?.. Чидалмаяпсизми? Рухсат йўқ. Чиданг! Буйруқ шу! (*Трубкани қўяди. Санюк, телефонистка ҳайрон. Раҳимов тез чиқиб кетади.*)

Кедров. Салом, ўртоқ комиссар!

Санюк. Салом, ўртоқ генерал-полковник.

Кедров. Хўш, аҳвол нечук?

Санюк. Душман танклари батальон позициясига ҳужум қиляпти. Загоруйко батальонининг аҳволи танг.

Кедров. Полковник қани?

Санюк. Ҳозир чиқди.

Кедров. Чақиринг!

Санюк тез чиқади. Югириб Раҳимов киради.

Раҳимов. Салом, ўртоқ генерал-полковник! (*Кўришади.*) Эндигина телефон қилиб сўрамоқчи эдим.

Кедров (*қўлини узатиб*). Карпов дивизиясига борган эдим. Кириб ўтмасликнинг иложи бўлмади. Сизни табриклар қўяй дедим. Ҳа, ўтқир офицерларни тарбияладингиз. Загоруйко бургут-а?

Раҳимов. Чинакам бургут.

Кедров. Фон-Буг кучанаяпти, Шаров, Бадридзе, Загоруйкодай азаматларни босиб ўтиб бўпти... Хўш?

Раҳимов. Яқиндагина унга танклар қаттиқ ҳужум қилди. Душман унга уч томондан бало-қазодай ёпишди... Агар тездан қат'ий ҳужумга..

Кедров (*сўзиди кесиб*). У ялтираган нарса нима?

Санюк. Икки тоғ орасидаги жилға. Душман шу оралikka кириб олиш учун уринаяпти.

Кедров. Бу — катта йўлга чиқиб олиш деган гап.

Раҳимов. Ўртоқ генерал-полковник, шароит шуни талаб қиладики...

Кедров (*бўлак ёққа қараб*). Кавказ, тоғу-тошдан иборат. Довон учун бўлган жанглар эсингиздами? Яқинда қўмондан ўртоқ Петров блан ҳам сизни эслашдик, полковник!

Раҳимов. Раҳмат ўртоқ генерал-полковник, ваз'ият шуни талаб қиладики..

Кедров. Молодец! Загоруйко пухта офицер, қаранг душманни анча овора қипти.

Раҳимов. Ўртоқ генерал-полковник!

Кедров. Хўш, полковник?

Раҳимов. Қарши атака қилишга рухсат сўрайман, ўртоқ генерал-полковник!

Кедров. Юрагинг тошиб кетаяптими?

Раҳимов. Қулай пайт.

Кедров. Мумкин эмас!

Раҳимов. Ҳамма нарса тайёр. Артиллерияни ҳам бир жойга тўплаганман.

Кедров. Рухсат йўқ!

Жимлик. Кедровнинг жаҳли чеққанини Раҳимов пайқайди.

Раҳимов. Слушаюсь, ўртоқ генерал-полковник.

Кедров. Ҳозирча мудофаани мустаҳкамла. Душманнинг тинкасини қурит, комбатга ёрдам бер, унга миномётдан кўпроқ узаг. Загоруико маҳкам туради.

Раҳимов. Бажараман, ўртоқ генерал-полковник.

Санюк. Душман атакаси қайтарилди.

Жимлик. Кедров Раҳимовга яқин келади.

Кедров. Мен яна бир гапни аниқлаш учун келдим, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Эшитсак, ўртоқ генерал-полковник.

Кедров. Биринчи куни ҳужум қаттиқ бўлдими?

Раҳимов. Шундай ўртоқ қўмондон.

Кедров. Олдинги маррага бордингми?

Раҳимов. Бордим, ўртоқ генерал-полковник.

Кедров. Жангга кирдингми?

Раҳимов (*қийналиб*). Шундай, ўртоқ генерал-полковник.

Кедров. Жанг қилдим дегин?.. Бу кўрсатган фидокорлигинг учун қандай мукофот берсак экан-а? Сен туфайли мен қўмондондан катта мукофот олдим. Танбиҳ, уқдингми? Қўмондон мени роса койиб ташлади, ҳа, фақат сен туфайли. Ахир неча марта айтишим керак? Қачон ташлайсан бу ўзбошимчаликни? Сен кимсан, ўзингни биласанми, дивизия командири! Дивизия командири ҳали траншеяда, ҳали қўл жанггига кириб кетган, ҳали танкка қарши югиради, ҳужум қилучиларнинг тепасига келади, ура — ура! Бу қандай гап!

Раҳимов (*босиқ товуш блан*). Узур... Айбдорман. Кечиринг ўртоқ генерал-полковник. Туролмадим, мажбур бўлдим. Узур сўрайман.

Кедров. Узур, узур... Мана шу блан бешинчи марта кечираман, билиб қўй полковник! Ҳа, ғазабимни биласан-ку, жаҳлим чиқса отамни ҳам аямайман. Мана ҳозир ҳам шошилаяпсан. Яхшиям келганим, булмаса чидаб туролмасдинг, контратакага ўтардинг, ким билсин, ура, деб жангчилар бошида тагин ўзинг кетардинг?

Раҳимов. Сиздан берухсат ҳужумга ўтмас эдим, ўртоқ генерал-полковник.

Кедров. Вақт келганда ҳужумга буйруқ оласан. Шошилма, мудофаани кучайтир. Фон-Буг ҳозир кучини бир батальонга қарши солапти. Унинг кучини қир, тўхтат. Олий Бош Қўмондоннинг иродаси шу.

Раҳимов. Бажараман, ўртоқ генерал-полковник.

Кедров. Хушхабар. Фронтизмизга Лазарь Моисеевич Каганович келдилар.

Раҳимов. Ўртоқ Каганович?

Санюк. Қандай бахт!..

Кедров. У киши доҳи Сталиндан Шимолий Кавказ мудофаасида турган жангчиларга салом келтирган. Шу блан тенг қанча

куч, қанча техника. Ҳа, мана энди ишимиз юришиб кетади, полковник!

Раҳимов. Тўғри айтасиз!

Санюк. Ҳозир кўнглимга чироғ ёққандай бўлдингиз, ўртоқ кўмондон.

Кедров. У киши армия ҳам дивизияларнинг ҳоли-аҳволи блан танишиб, уларни мустаҳкамлаб юриптилар.

Санюк. Фон-Бугни энди урамиз, ўртоқ генерал-полковник!

Кедров. Албатта. Швидко, машинани тайерла, кетамиз.

Раҳимов. Нима гап?

Самолётларнинг товуши.

Санюк. Мессершмитлар! Биз томонга учиб келаяпти.

Кедров. Кетамиз, хайр полковник.

Раҳимов (*югириб келиб, унинг йўлини тўсиб*). Кечирасиз, мажбурман. Жонингиз биз учун, Ватан учун азиз, Николай Иванович!

Санюк. Тепамизга келди!

Раҳимов. Николай Иванович!

Кедров. Мақсадингни биламан, мени ертўлага ҳайдамоқчисан. Бўлмайди, ишингни қилавер, сенга халақат бермайман, полковник Швидко машинани тайёрла.

Раҳимов (*қаттиқ изтироб ичида*). Ўртоқ кўмондон, кечирасиз, мен сизга рухсат бермайман. Бироз тулинг, яширининг, сизнинг бу ерда эканлингизни билиб қолган бўлса керак.

Кедров. Билса, билар... Мен сенинг қанотингдан, нимадан кўрқаман, Собир.

Санюк. Самолётлар қайтиб кетишди.

Кедров. Ана кўрдингми, сен бўлса ваҳима қиласан. Генерални ўлдириш осон гап эмас, полковник. Ҳа, кетдим. Фон-Буг ҳади сенга кўп осилади. У энди жинни бўлади. Буш келма. Темирлай маҳкам туравер.

Раҳимов. Сиз бор, темирдай мустаҳкам тураман, ўртоқ генерал-полковник!

Кедров. Хайр! Сенга ғалаба тилайман! (*Чиқади.*)

Раҳимов узатиб қайтиб киради. Ташқарида машина товуши.

Санюк. Ўртоқ полковник, душман Загоруйко устига ява ҳужум бошлади.

Раҳимов. Загоруйкога қийин бўлди.

Танклар овози.

Телефонистка. Ўртоқ полковник, Загоруйко...

Санюк. Хўш?

Телефонистка. Загоруйко жангдан чиқипти.

Раҳимов. Ўлгавми?

Танклар, самолёт моторларининг овози, тўп товушлари, шу'лалар, ёнғинлар кучаяди...

Парда.

Дивизия кўчма госпиталида бир хона. Кроватьда ярадор Раҳимов ётади. Кровать ёнида госпиталь бошлиғи — 2 ичи ранг ҳарбий врач Анна Петровна Надеждина ўлтиради. Паша Раҳимовнинг ҳароратини ўлчаб, қоғозга қайд қилади.

Надеждина. Уйқига кетди, бирон кишини қўйманг, ором олсин. Сўнг тинчроқ жойга кўчирамиз. *(Чиқади.)*

Қўлтиғида бирталай қоғоз, папкалар блан Васька киради.

Васька. Салом, Анна Петровна!

Паша. Тссс..

Васька. Тссс. *(Оёқ учида кириб келади, шивирлаб.)* Тузукми? Қайфи жойидами? Иштаҳаси? Гапда тоби, томирининг уриши, рангги рўйи, хуллас саломатлиғи қандай?

Паша. Ола... Худо сенинг пешанангдан илгарй жағингни очган экан-ку.

Васька. Сенсираманг.

Паша. Ҳой тирранча жим! Ўзинг кимсан?

Васька. Ана холос! Ҳали сиз Васька Куркинни танимайсизми? Турмушдан минг километр орқада қопсиз. Билмасангиз билинг. Мен полковник Раҳимовнинг ад'ютантиман. *(Паша кулади.)*

Надеждина *(қўлида дори шиша, киради, Васькага)*. Хўш йиғитча яна келдингизми? Қўлтиғингиздаги нима?

Васька. Анна Петровна, энсангиз қотмасин, нима бўларди, қоғоз, буйруқ.

Надеждина. Қани дарров туёғингизни шиқиллатиб қолинг!

Васька. Анна Петровна, овора бўласиз. Барибир ҳали замон чақиртириб келади.

Надеждина *(Пашага)*. Буни қўйманг дедим-ку!

Раҳимов *(кучсиз товуш блан)*. Васька...

Васька. Лаббай! Айтмовдимми! *(Югириб кроватьга яқин келади.)*

Надеждина. Уйғотдингиз, зўрға ухловди-я!.. *(Кроватьга келиб)* Безовта бўлманг, ётинг.

Раҳимов. Йе!.. *(Кўзғалади.)*

Надеждина. Қаёққа!

Раҳимов. Кетаман.

Надеждина. Мумкин эмас.

Раҳимов. Қани Васька, йиғиштир, кетдик.

Васька *(шошилиб)*. Слушаюсь! *(Пашага.)* Палка блан попоқ қани?

Надеждина *(аразлаб)*. Собир Умарович, нима қилаяпсиз?

Раҳимов. Ётолмайман. *(Бирдан туришга ҳаракат қилади.)*

Надеждина *(ихтиёрсиз қичқиради)*. Кўзғалманг! *(Раҳимов оғриқ сезади. Надеждинанинг кўзига тикилади, норозилик туяди, жимлик.)* Жонингизга куйсангизчи, Собир Умарович! *(Васька ҳайрон.)*

Раҳимов *(хўрсиниб)*. Васька... Васька...

Васька. Эшитаман, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Иш ҳуржун-ку, жиян?

Васька. Кўриб турибман. Яхшигина қиймалашипти, бераҳимлар...

Раҳимов. Ишдан чиқибмиз-да энди...

Васька. Йўқ, сиз ишдан чиқмайсиз, сиздан иш чиқади.

Раҳимов. Ҳали бу оёқ блан Висла, Одердан ўтиб Берлинга кириб бормоқчи эдик-ку!

Васька. Ярадор бўлса оёқ бўпти, сиз бўпсизми?

Раҳимов. Тўғри айтасан, кетамиз...

Надеждина. Мен устингиздан генералга шикоят қиламан!
(*Зарда блан эшик томонга югиради, Раҳимов ҳайрон.*)

Раҳимов. Анна Петровна, ҳазил, генералга айтасан, мана ётдим.

Надеждина. Паша, полковникка дори ичир, мен бошқа касаллардан хабар олай.

Надеждина чиқади. деразадан келиб полковникка қараб хотиржам бўлиб кетади. Шу вақтда эшик очилиб ярадор жангчилар кўринадилар.

Раҳимов. Салом ўртоқлар. (*Хархил, пойма-пой: „Салом“, „Омонмисиз ўртоқ полковник“, деган товушлар.*) Қалай, хафа қилишмаяптими? Яхши қарашаяптими?

Саша. Яхши қарашаяпти.

Жангчилар полковникдан қандайдир сўз кутгандай бўлиб унга тикиладилар.

Раҳимов (*жангчига*). Ўтиринг, тик турманг. (*Паша табуретка келтириб беради, жангчи ўтиради.*) Қани бир танишиб олайлик, сиз қайси полкдан?

1-нчи жангчи. Рядовой Козим, учинчи полк, биринчи батальоннинг учинчи ротасидан.

Раҳимов. Бадридзе полкидан. Комбатингиз Загоруйко яхши одам... Оғир ётипти.

2-нчи жангчи. Арслондек йигит...

Раҳимов. Ҳаммаларингиз ҳам бир батальонданмисизлар?

Жангчи. Шундай.

Раҳимов. Батальон қаттиқ жанг қилди, лекин ўзи ҳам анча тўкилди... Нима бўлса ҳамки, маҳкам турдингиз. Душманни тўхтатдингиз. (*Яраси оғрийди, инграйди, Паша унга ёрдамга югиради.*) Ҳожати йўқ, ўтиб кетди. (*Жангчилар бир-бирларига қарашиб олишади.*) Кўриб турибман сизларга жуда оғир, оғир, дўстларим.

1-нчи жангчи. Саволимиз бор эди...

Раҳимов. Сўранг.

Жангчи. Бу шунча ҳаракат қилаяпмиз, лекин натижа ҳалигидай... Чамамда фашист жойидан сра қимирламайди шекиллик.

Раҳимов. Фашист ҳали Ленинградда, Одессада, Киевда, Мурманскда, Қримда ҳам мана шу Кавказда. Фашист бу ерларга канадай ёпишиб олган.

2-нчи жангчи. Э аттанг... Аҳволимиз мана бундоғ... Краснодарга кирмасдан туриб, майиб, бўлиб қолдим, алам қилади...

1-нчи жангчи. Қани энди (оёғини шапатилаб) ишкал бўлмаганда-ку роса тепардим-а! Хўш, буёғи нима бўлди, ишни сарҳолда қолдириб, кетавераманми? Йўқ, ўртоқ полковник, кетмайман. Яна жангга кираман.

Раҳимов. Нима учун бундоғ бўлди, сабабини биласизми? Саша. Тўғрисини гапирсак майлими?

Раҳимов. Гапиринг!

Саша. Машинаси зўр. Машинаси бўлмаса-ку... кунини кўради-я.

Раҳимов. Лекин совет жангчиси танкдан зўр чиқди... Бунга мисол ўзингиз. Уч ой бўлади, фон-Бугга бир қариш ер бердикми?

Саша. Йўқ.

1-нчи жангчи. Бермаймиз ҳам.

Раҳимов. Бермайсиз. Биз ҳали сизлар блан кўп жангларда учрашамиз. Лазарь Мойсеевич Кагановичнинг сўзларини хотирлайсизми? У бизга отамиз Сталиннинг саломини топширди, у солдатга қандай меҳрибон, қандай жонкуяр, бизни улуғ ғалаба кунларига олиб бориш учун нималар қилаяпти, ҳаммасини, ҳаммасини сўзлаб берган эди. Мана шунга ҳам роса икки ойдан ошди, ҳали ҳам кечагидек эсимда, у шундай деган эди: Ғалаба йўли текис бўлмайди, бу йўл жуда оғир, мушкул... Шундай вақтлар ҳам бўладики, орқага чекинасан, шаҳарлар бўшатасан, ҳал қилучи бир жойда куч тўпламоқ учун ёрдам кутасан. Сўнг бутун кучу-қувват, ғазаб ва даҳшат блан душман устига ёпирилсан, тўғри-а? Совет солдати мардликни бировдан қарзга сўрамайди... Ҳаммамиз Улуғ Русияни севамиз, керак бўлса жонни ҳам фидо қиламиз. Биласизми, ўзбекларнинг севикли шоири Ҳамид Олимжон яқинда Русия ҳақида шундай ш'ер ёзипти, мана эшитинг ўқиб берай (ўқийди):

РУСИЯ

Русия, Русия азамат ўлка!
Эй осмон сингари бепоён Ватан!
Тўлдирган чоғда ҳам жаҳонни нурга
Қуёш қучаолмас сени даф'атан.

Русия, Русия, менинг Ватаним,
Мен сенинг ўғлингман, эмасман меҳмон,
Сенинг тупроғингда улғайди таним,
Ҳозирман сен учун бўлмоққа қурбон.

1-нчи жангчи. Отасига раҳмат! Роса дилидан чиқариб ёзипти.

Раҳимов. Раҳмат дўстларим.

2-нчи жангчи. Сизга раҳмат, ўртоқ полковник, кўнглимизни кўтардингиз.

Арам. Тезроқ тузалинг.

Саша. Саломат бўлинг. Хайр, ўртоқ полковник!

Жангчилар хайрлашиб чиқадилар.

Санюк (*киради*). Салом, Собир Умарович! Соғлигингиз-яхшими?

Раҳимов. Раҳмат, анча тузукман. Ҳа, ажаб келдингиз... Мен бир план туздим. Шу план бўйича фон-Бугни тездан бартараф қилиш мумкин.

Санюк. Қандай қилиб?

Раҳимов. Мана, сиз ҳам танишиб чиқинг. Мен буни генерал-полковникка юбордим. Агар план тасдиқ қилинса, марра бизники. Бу сафар тўхтатибгина қолмаймиз, ўзимиз ҳам хужум қиламиз. Генерал-полковник планни Шимолий Кавказ fronti қўмондонига юборган. Ўртоқ комиссар, биз ҳам душманга даҳшатли зарбамизни кўрсатамиз.

Надеждина (*бир яшик кўтариб киради*). Собир Умарович, мана, сизга совға. Сухумидан... Апельсин... Лимон. Горком секретаридан хат ҳам бор.

Раҳимов. Раҳмат, Анна Петровна. Ўртоқ комиссар, ўқинг-чи.

Санюк (*ўқийди*). „Дивизия командири полковник ўртоқ Собир Раҳимовга ва полк комиссари ўртоқ Санюкка. Азиз биродарлар! Кавказнинг шонли ҳимоячилари! Сухуми шаҳрининг меҳнаткашларидан сизга оташин салом! Сиз жанг майдонларида марллик ва жасорат кўрсатиб душманнинг ҳолини танг қилмоқдасиз. Аблаҳ фашист, сизнинг омонсиз зарбангизни кўриб ваҳимага тушмоқда. Кавказни мудофаа қилаётган ҳарбир жангчи шуни яхши билсинки, унинг орқасида кенг жонажон юрти ва йўлига кўз тиккан оиласи турипти. Азиз фронтвиклар, фикру-ёдимиз сизда! Сизга ғалаба тилаймиз! Сухуми шаҳри партия комитетининг секретари...“

Раҳимов. Анна Петровна, илтимос қиламан, лимонларни жангчиларга берсангиз.

Санюк ва Надеждина яшикни олиб чиқадилар.

Надеждина (*тез қайтиб кириб*). Сизни кўргали ўртоқ Каганович келдилар.

Раҳимов (*ҳовлиқиб*). Ўртоқ Каганович?! (*Ўрнидан туради*.)

Каганович ва Кедров кирадилар.

Каганович. Жойингиздан жилманг, уринманг... Салом ўртоқ Раҳимов!

Раҳимов. Салом! Хуш келибсиз, Лазарь Моисеевич!.. Ўртоқ генерал-полковник... Келинг отахон...

Келганлар ўлтирадилар.

Каганович. Кайфу-ҳолингиз нечук? Эшитиб кўп хафа бўлди, Собир Умарович.

Раҳимов. Раҳмат, Лазарь Моисеевич! Яхшиман.

Каганович. Собир Умарович, сизни табриклайман. Раҳмат

душманни Кавказга ўтказмадингиз. (Пауза.) Бу кўрсатган хизматларингиз учун СССР Олий Советининг Президиуми сизни 2-нчи даражали Суворов ордени билан мукофотлади. Буюк саркардининг порлоқ, ўлмас образи ҳамisha сизни руҳлантирсин, ишингизга мадад берсин. Сизни чин юракдан табриклайман. (Кўксига орден тақади)

Кедров. Табриклайман, Собир Умарович.

Раҳимов (ҳаяжон билан). Служу Советскому Союзу!

Надеждина. Табриклайман, Собир Умарович!

Раҳимов, Раҳмат, Анна Петровна. Сиздан хурсандман.

Кедров. Аммо Анна Петровна сиздан хафа. Лазарь Моисеевич, ўртоқ Раҳимов Анна Петровнага хафа қилармиш, врачларга қулоқ солмас эмиш. Госпитальга ҳам зўрға келтирдик. Шундайми?

Надеждина. Тўғри, агар Николай Иванович бўлмаса, полковникни госпитальга ётқизиш қийин бўларди. Операция яна бир кун кечикса борма...

Каганович. Бирхил одамлар бўладики, сра ҳам жонига ачинмайди, саломатлигини барбод қилади. Ахир унинг олтин боши, сиҳати, кучи-қуввати халқники-ку! Шунини яхши билинги, Собир Умарович, сизнинг жонингиз халқ учун, ҳукумат учун, партия учун керак. Ўртоқ Сталин ҳарбир жангчининг ҳаёти ва саломатлиги ҳақида ўйлайди, ташвиш чекади. Сиз бўлсангиз...

Раҳимов. Кечиринг...

Кедров. Сиз бир нарса сўрамоқчи эдингиз шекилли?

Раҳимов. Ҳа... Битта саволим бор.

Каганович. Биламан, мудофаада туравериш жонга тегди, қачон ҳужумга ўтамиз демоқчимисиз? Ҳаммамизнинг ҳам тилагимиз шу. Улуғ саркардамиз, албатта, ҳужумга буйруқ беради, лекин қачон, қай куни уни ўзи билади. (Пауза.) Фон-Клейст бор кучи билан яна бир марта кучаниб кўрмоқчи. Бутун участкаларда, шу қатори сизнинг участкангизда ҳам бугун-эрта зўр жанглар бошланади. Душманингиз фон-Буг ҳам ўлиб-тирилиб тайёргарлик кўрмоқда. Ҳаммасидан, ўзингиз хабардорсиз...

Раҳимов. Мен фон-Бугни тор-мор этиш ҳақидаги план ва мулоҳазаларимни қўмондонга юборган эдим.

Кедров. Кўрдик. Фикрлашдик.

Каганович. Яна фикрлашамиз. Ўйлайманки, рухсат ҳам этармиз.

Раҳимов. Раҳмат. Мен эртадан бошлаб чиқаман.

Каганович. Бу гапни врачлар ҳал қилсин. Тўғрими, Анна Петровна?

Надеждина. Тўғри айтасиз, Лазарь Моисеевич. Полковник яна беш-тўрт кун шу ерда даволаниши керак.

Каганович. Эшитдингизми? Аввал тузалинг. Ҳали зўр жанглар турипти.

Кедров. Бугун-эрта сиз билан биргаликда Берлинга қараб йўл оламиз, ўртоқ генерал-майор.

Бу гапдан ҳамма ҳайратда.

Каганович. Тўғри, таажжубланманг, сиз генералсиз, табриклайман. (*Қўлини сиқади.*)

Раҳимов. Лазарь Моисеевич, ахир... мен... мен... ҳали унча хизмат кўрсатганим йўқ.

Каганович. Хизматингиз катта...

Кедров. Табриклайман, ўртоқ генерал-майор.

Раҳимов (*ҳаяжонланиб, Кедровнинг қўлини маҳкам сиқиб*). Раҳмат Николай Иванович. Фақат сиз...

Каганович. Кечирасиз, безовта қилдик, бизга ижозат, соғ бўлинг. Ҳа, Ўзбекистонда бўлдим. Дарвоқи, иккаламиз ҳам бир юртданмиз-ку, шундайми, Николай Иванович?

Кедров. Шундай, Лазарь Моисеевич. Сиз ўзбек халқининг депутатисиз.

Каганович. Ўртоқ генерал, Ўзбекистон, севган юрту-элингиз сизга кўпдан-кўп салом айтди.

Раҳимов. Раҳмат. Ўзбек халқи сиздек фарзанди ва раҳбари блан ҳарқанча фахрланса арзийди, Лазарь Моисеевич!

Каганович. Демак иккаламиз ҳам ўзбек халқининг ишончини, улуғ Сталиннинг ишончини оқлашимиз керак. Хайр генерал, сизга ғалаба тилайман!

Раҳимов. Раҳмат, кўп миннатдорман, тамом тузалиб қолдим.

Кедров. Ана айтмадимми, қочишга баҳона топилди.

Каганович. Йўқ, мусаффо бўлиб соғайганингиздан сўнг, ўшанда ҳам докторларнинг ижозати блан. Хайр, соғ бўлинг!

Хайрлашиб чиқадилар.

Надеждина (*кириб*). Чин юрагимдан табриклайман сизни, Собир Умарович.

Раҳимов. Анна Петровна! Анна Петровна, майли энди бало-бадтар дорингиз борми, уқолингиз борми опкелаверинг. (*Надеждина кулади.*) Нима десангиз хўп. (*Ўзича.*) Наинки мен... а?! Ҳозир юртим бу хабарни эшитиб қандай суюнаяпти экан. Биласизми Анна Петровна, ҳа мен жиндак ховлиқаяпман. Хайрон бўлманг, кулманг. Ахир... Революциядан илгари қуроол нималигини билмаган ўзбек э... қўйинг, гапдан адашдим, ишқилиб, Анна Петровна, мен сизга чин юрагимдан ташаккур билдираман.

Саша (*эшикдан мўралаб*). Муборак бўлсин, ўртоқ генерал-майор!

Раҳимов. О... Саша... Қуллуқ, раҳмат.

Жангчилар. Муборак бўлсин, табриклаймиз!

Раҳимов. Мен бу шону-шарафга сизлар туфайли сазовор бўлдим, аввало сизларга раҳмат, дўстларим!

Васька (*ҳовлиқиб кириб*). Табриклайман, ўртоқ полковник... йўғе ўртоқ генерал-майор!

Раҳимов (*Васькани қучиб*). Раҳмат, Васька! Қани энди тайёرمىсан?

Васька (*честь бериб*). Тайёрман, ўртоқ генерал-майор!

П а р д а.

Грауденц шаҳри бўсағасида бир ўрмонзор. Узоқдан Грауденц шаҳридаги завод-фабрикаларнинг трубалари, қабат-қабат иморатлар, вайрон бинолар, мустақкам дзот, дотлар кўришиб туради. Шаҳар қамалда. Қиш кунлари, қора совук... Ёнғин шу'аллари, тутун. Ора-чора пулемёт, автомат ва ракеталар отилади. Саша, Васька, Арам, кўлларида автомат, кўкраклари тўла орден, медальлар, шаҳарни тамоша қилмоқдалар.

Саша. Ана, йиртқич ҳайвоннинг уяларидан бири — Грауденц шаҳри. Кўраяпсанми, Васька?

Васька. Кўраяпман, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, гвардия лейтенанти ўртоқ Александр Коровин.

Арам. Тўрт йилдан бери жанг қила-қила ахир шу ерга етиб келдик.

Саша. Фон-Бугнинг ҳам, зарбимизга тоб бералмай қоча-қоча, охир етган шаҳри шу бўлди.

Арам. Шаҳарни ҳам роса маҳкамлапти. Дзот устига дзот қуриб ташлапти, ла'нати.

Васька. Энди қаерга қочар экан?

Саша. Берлинга қочади.

Арам. Яна икки марта сакрасак Берлинга ҳам етиб оламиз-а, лекин мана бу иш чўзилиб кетди. Шаҳарни қамал қилганимизга ҳам мана роса бир ойдан ошиб кетди.

Соҳиб инглиз офицерини бошлаб киради.

Соҳиб. Салом дўстлар, ишлар миҳдайми?

Саша. Салом, бу ким?

Соҳиб. Танимадингми? Англиялиман дейди.

Арам. Ҳа, кеча лагерда ётган беш минг кишига яқин асирларни озод қилмовдикми? Бу ўшалардан бўлса керак, офицерга ўхшайди.

Соҳиб. Топдинг. Генерални кўриб унга раҳмат айтишим керак, дейди. Менам: икки „Шуҳрат“ орденининг кавалери младший сержант Соҳиб бўламан, раҳматингни менга айтавур, генералга бориб тегади, дедим, сра кўнмайди.

Васька. Сен унинг юрагидагини қаёқдан билдинг?

Соҳиб. Гаплашдим. Тўрт йилдан бери пашша тутиб юрганим йўқ. Ўқидим, тил ўргандим. Гаплашиб кўрсатайми?

Арам. Имо-ишора блан гаплашишга ҳам катта ҳунар керак.

Соҳиб. Гаплашмайми? Бояги француз солдатлари бўлса халоскоримиз сенсан деб ўпишавериб, икки бегимни дўмбира қилиб юборишди. Бунингчи? Сўрагани сўраган. „Ҳорма!“ — „Бор бўл!“ У, бу, шуноқ, гап. „Ҳа сен кимсан!“ — „Ҳа мен Соҳибчангалман. Эшитмаганмисан?“ — „Ҳа нима учун сени чангал дейишади?“ — „Ҳа тўртта фрицнинг бўғзини йиртиб ташлаганман“. Бу гапни эшитиб ўзиниям капалаги учиб кетди. „Нимага келдинг?“ — „Ҳа, бу юртларда халқ бесарамжон бўпти, ёмонларнинг та'зирини бериб, яхшиларди мундоғ ишони миҳдай қипқўяй деб келдим“ дейман. „Қаердансан?“ — „Бўтақораликман“ — „Ҳа, Бўтақоранг Москвадан

каттами, кичикми? Чироғлари кўпми? — „Ҳа, Москвадан кичик, лекин Лондондан ёруғроқ. Чунки, чироғлари кўп“ дейман. Қўйчи, нуқул ташвишнинг ўзи.

Саша. Демак, бутун Англияга довруғинг кетипти-да, Чангал?

Арама. Европани Гитлер чангалидан озод қилган бутақоралик Соҳибчангал Миршодиқул ўғли деявер! (Кулки.)

Соҳиб. Қани (имо қилиб) гаплашамиз, юрсинлар. (Офицер блан чиқиб кетади.)

Жангчилар кулишади. Генерал Раҳимов киради, жангчилар салом берадилар.

Раҳимов. Салом, ўртоқ жангчилар!

Жангчилар. Салом, ўртоқ генерал-майор!

Раҳимов. Кайфларингиз қандай?

Жангчилар. Жуда соз!.

Раҳимов. Мана ниятингизга етдингиз, ўртоқ жангчилар. (Жангчилар аста-секин тўпланиб, саф торттишади.) Сиз Германия тупроғида, қадимги Бранденбург маркграфлигининг ерларидасиз. Прусс юнкерларининг бешиги, немис империализмининг ўчоғи, уруш ва провокациянинг манбаи бўлган зулмат шаҳри Берлиннинг биқинида турибсиз. Душман Орёл, Смоленск, Ленинградда, Миус, Свирь, Днепр дар'еларида, Севастополь, Перекоп, Болтиқ бўйларида, Познань, Люблин, Карелия бўйнида жуда ҳам бақувват мудофаа қўрғонлари, қал'алари барпо қилган эди. Сиз буюк саркарда Сталиннинг буйруғи блан ғалаба байроғини баланд кўтариб шу мустаҳкам қал'аларни йиқитиб, парчалаб, ўт ва қон кечиб, шу ергача етиб келдингиз! Сиз Дон, Десна, Днепр, Шимолий Донец, Жанубий Буг, Двестр, Нарва, Неман, Висла дар'еларини орқада қолдириб, бу ерга етиб келдингиз. Энди сиз Одерга яқин турибсиз. Сизнинг қаҳрамонлигингизга, қудратли техникангизга бутун жаҳон қойил. Бир йил илгари бизнинг шпоримиз: „Ғарбга қараб олга!“ бўлса, энди: „Берлинга қараб олга!“ Ҳа, рус солдати Берлинга мана шу блан учинчи марта киради. Лекин бу охиргиси бўлиши керак. Доҳи Сталин, душмани ўз уясида ўлдириб, ғалаба байроғини Берлинга ўрнатишга фармон берди. Биз бу вазифани шараф блан бажаражакмиз! Даёшь Берлин!

Жангчилар. Даёшь Берлин!

Раҳимов. Берлинга бориш учун қаршингизда ана шу кичик Берлин — Грауденц шаҳри турипти. Буни бартараф қилмай, муғомбир, ҳийлакор, мақтанчоқ фон-Бугнинг жазосини бермай туриб, Берлинга бориш мумкин эмас! Тайёрмисиз?

Жангчилар. Тайёрмиз, ўртоқ генерал!

Жангчиларнинг сафлари бузилади, ҳарким ўз иши блан овора.

Раҳимов. Хўш, гвардия младший сержанти ўртоқ Соҳибчангал, этик қалай?

Соҳиб. Разрешите доложить, ўртоқ генерал. Раҳмат. Этик Берлингача етишга чидайди.

Раҳимов. Хўш Совет Иттифоқининг Қаҳрамони гвардия лейтенанти ўртоқ Александр Коровин, ўқ-доридан қалайсиз?

Саша. Разрешите доложить, ўртоқ генерал, ўқи-дори Бер-ливгача этади.

Раҳимов. Бали, хурсанд қилдиларингиз. Энди мен ҳамман-гизни тўй блан табриклайман.

Саша. Қанақа тўй?

Раҳимов. Менинг йигирма йиллик тўйим.

Васька. Йигирмага кирган бўлсангиз икковимиз бир ёшда эканмиз, ўртоқ генерал.

Раҳимов. Ҳа, мен эмас, республикам, мен туғилиб катта бўлган азиз тупроқ, совет Ўзбекистони йигирма ёшга тўлади. Мана (*телеграммани баланд кўтариб*) бугун Ўзбекистонда тўй. Мени тўйга чақиршипти.

Соҳиб киради.

Соҳиб. Ўзбекистонда тўй?

Саша. Тўйинг муборак бўлсин, дўстим! (*Соҳибнинг қўлини сиқади.*)

Соҳиб. Раҳмат Саша, раҳмат! Яшавурмайдими, иши михдай, ҳаққи бор. Гармонинг қани, автомат, э кечирасиз, ўртоқ лейте-нант.

Васька. Ўртоқ, генерал, бирвақт мени Тошкентга жўнат-моқчи бўлган эдингиз, эсингиздами? Ана энди пайти келди, бир-га борамиз.

Раҳимов. Биз тўйни шу ерда ўтказамиз. Ўзбекистоннинг тўйига Грауденц шаҳрини тўяна қиламиз, ўртоқлар.

Жангчилар. Ура, ура, ура!

Раҳимов. Қани Васька поварга айт, қулинг ўргилсин палов, кавказча қабоб тайёрласин.

Васька. Слушаюсь, ўртоқ генерал, Соҳиб акам айтгандай ҳаммаси михдай бўлади!

Раҳимов. Саша гармонингни торт. Тўй, юртимизда тўй, кўнглимизда тўй!

Саҳна қоронғилашиб ёришганда стол атрофида генерал Кедров, Лукьянов. Шаров ва бирнеча офицерлар ўлтирган бўлишади. Зиёфатнинг авжи қизиган пайти. Саша чалиб куйлайди.

Кедров (*қўлида стакан*). Қани, яшнаб турган пахтакор республикамиз Ўзбекистон учун яна ичамиз. Ўзбекистон совет байроғи остида тобора гулласин, равнақ топсин!

Ичадилар. Ашула давом этади. Гурунг, кулкилар, музыка.

Раҳимов (*қўлида қадаҳ, ўрнидан туради*). Ўзбек ҳалқи Ленин — Сталин партияси раҳбарлигида, кўнгли дар'ё азамат рус халқининг ёрдами туфайли, қуллик занжирларини парчалаб, мана шундай бахту-садоатга етишди, рўёбга чиқди. Мен бу қадаҳни жонажон буюк рус халқининг шону-шарафи учун ичаман! (*Қа-даҳни уриштирадилар.*) Николай Иванович, Захар Захарович сизлар учун, соғ-омон бўлингизлар! (*Ичадилар.*)

Луқьянов. Собир Умарович, Ўзбекистондан делегация келатган эмиш. Хабарингиз бўлса керак.

Раҳимов. Хабарим бор, Захар Захарович.

Луқьянов. Уларни яхшилаб кутиб олинг. Мен ҳам бўламан.

Раҳимов. Албатта сизга хабар бераман, Захар Захарович.

Луқьянов. Ишонаманки, делегация сизнинг ғалабангиз, шуҳратингизни кўриб, ниҳоят даражада хурсанд бўлади. Сиз, ўртоқ генерал-майор, юксак баҳо ва олқишга лойиқсиз.

Раҳимов. Раҳмат, ўртоқ генерал-лейтенант.

Луқьянов. Собир Умарович, сизнинг соғлигингиз ҳам саодатингиз учун шу қадаҳни кўтаришга ижозат беринг!

Раҳимов. Раҳмат!

Ҳаммалари чўқиштириб ичадилар. Кедров Раҳимов блан бир четга ўтади. Луқьянов, Шаров, Бадридзе иккинчи томонга ўтиб ўзаро суҳбатлашадилар.

Кедров. Хўш, ўртоқ генерал-майор, ваз'ият қандай?

Раҳимов. Грауденц шаҳри, ўзингизга ма'лум, бир ойдан бери қамалда.

Кедров. Аммо шаҳарни душман дўзахга айлантириб юборган. Бу шаҳарнинг мудофаасига Гитлернинг ўзи аралашаётган экан. Разведканинг хабар беришига қараганда „Герман Геринг“ номидаги мотомех дивизияси ёрдамга юборилган. Фон-Бугга мадад бериш учун Европада танилган жаллод генерал Фрике келган. Фон-Бугнинг ўзи ҳам Грауденц шаҳридан экан. Шунинг учун ҳам Гитлер фон-Буг Кавказдан қочгандан кейин Грауденц шаҳри мудофаасини унга топширган.

Раҳимов. Жуда тўғри.

Кедров. Хўш, мадофаа системаси қандай?

Раҳимов. Ҳаммасини игнасида — ипигача билдик, разведканинг хабар беришига қараганда шаҳар неча қатор траншеялар, сим тўсиқлар, танкка қарши қазилган чуқурлар блан ўралган. Мина далалари, дзот-дотлар жуда ҳам кўп. Ҳарбир уй, том-тош, вайрона, кўприклар, мудофаа учун фойдаланилган. Ҳамма ерда пулемёт, миномёт уялари бор. Ҳатто соқчи батальонлар, полиция бригадалари, фольксштурм отрядлари ҳам шаҳар мудофаасига ташланган. Бу нарса кўрсатадики. Гитлер осонликча жон беришни истамайди. Лекин шуни айтишим керакки, ҳечқанча куч йўлимизни тўсолмайди, биз Олий Бош Қўмондоннинг фармонига мувофиқ ғалаба байроғини Берлинга ўрнатамиз, ўртоқ қўмондон.

Луқьянов. Раҳмат, тўғри айтдингиз, Гитлер жон бериш олдида қаттиқ талвасага тушаяпти, янгидан-янги дивизиялар, полкларни келтириб бизга қарши солаяпти. Дўзах дарвозасига энди яқин келдик, у осонгина жон бермайди. Берлинга яқинлашган сари шиддатли, оғир, қонли жанглар бўлади. Лекин ишонаманки, гвардиячи Сталинград қаҳрамонлари Олий Бош Қўмондонининг буйруғини сўзсиз бажарадилар.

Раҳимов. Албатта, сўзсиз бажаради, ўртоқ генерал-полковник.

Кедров. Сиз Грауденц шаҳрини ўз кучингиз блан штурм қилиб оласиз. Мен маршал буйруғига мувофиқ Данцигга жўнаймаман. Данциг катта порт шаҳри. Бу ерга Шарқий Пруссиядан Болтиқ буйларидан, Помераниядан чекинган саноқсиз фашист армияси тўпланган. Душман Данцигга маҳкам ёпишмоқда. Аммо Олий Бош Қўмондон ўртоқ Сталин ердаги, ҳаводаги, денгиздаги барча кучларни ишга солиб, зўр жангларни бошлаб юборишга фармон берди. Сиз Грауденцни олгандан сўнг тездан Данциг томон йўл олинг, етиб боринг.

Раҳимов. Ўзбекистоннинг йигирма йиллик тўйи шарафига бугун тонг чоғи шаҳарни штурм қиламан.

Кедров. Майли, рухсат. Душманни яксон қилинг, аммо жангчилар ҳаётини сақланг. Шунинг учун энг аввал яхшилаб артподготовка ўтказинг. Ўртоқ Сталиннинг буйруғи шундай, ҳарбир жангчининг ҳаёти... Ҳа шуни унитманг. Зиёфатингиз учун раҳмат, ўртоқ генерал-майор. (*Ҳайрлашади.*)

Лукьянов (*яқин келиб*). Раҳмат, ўртоқ генерал-майор. Чин кўнгилдан сизга ғалаба тилайман. Тезроқ етиб боринг, Данцигда кутамиз сизни.

Раҳимов. Кўп миннатдорман! (*Генералларни узатиб, қайтади.*) Васька!

Васька. Эшитаман, ўртоқ генерал-майор!

Раҳимов. Полк, батальон командирларини, ҳаммасини чақир. Айт, команда пунктимни шу жойга кўчирсинлар!

Васька. Слушаюсь, командирларни чақираман, команда пунктини шу ерга кўчираман, ўртоқ, генерал-майор.

Чирков. Ўчиб, ёнганда команда пунктини шу жойда кўрамиз, Радист, телефонисткалар ишга киришган бўлади, бирнеча офицерлар хизматга ҳозир турадилар.

Загоруйко. Ўртоқ генерал-майор полк жангга тайёр.

Раҳимов. Сизчи, ўртоқ Бадридзе?

Бадридзе. Тайёрман, ўртоқ генерал-майор.

Раҳимов. Полковник Шаров?

Шаров. Полк жангга тайёр, ўртоқ генерал-майор.

Раҳимов. Сизларга ишонаман.

Офицерлар. Ишончингизни оқлаймиз.

Раҳимов. Жангга киришинг, сизга ғалаба тилайман!

Чққадилар.

Васька. Ўртоқ генерал, менга ҳам жангга киришга рухсат беринг.

Раҳимов. Рухсат!

Васька кетади.

Телефонистка. Ўртоқ генерал-майор, барча қисмлар блан алоқа боғланди.

Раҳимов. Балли! (*Радисткага.*) Хўш, сен тайёрмисан?

Радистка. Тайёрман!

Раҳимов. Бузилиб қолмайдими?

Радистка. Асло, ўртоқ генерал-майор.

Раҳимов. Қани, „Чақмоқ“ни чақир.

Радистка. Ҳозир! „Чақмоқ“, „Чақмоқ“, сен блан „Ўттиз“ чаплашади.

Раҳимов. „Чақмоқ“ Тайёрмисан? Қани бўлмаса еру-кўкка бир ларза сол! Огоњи! (*Трубкани қўяди, дурбин блан кузатади.*)

Шу пайтла бирдан зўр канопада бошланади. „Катюша“ларнинг бўғиқ, даҳшатли товушлари юзларча узоққа отар пўлат тўпларнинг ҳайқирғига қўшилиб кетади. Ҳавода узлуксиз гумбирлаш. Ёнғинлар, узун алангалар кўринади, атрофни тутун босади.

Раҳимов. Қани „Куч“ни чақир, „Куч“ни!

Телефонистка. „Куч“, „Куч“, сени „Ўттиз“ чақирапти. Мана! (*Трубкани беради.*)

Раҳимов (*трубкага*). Пўлат айиқларни олиб чиқ! Батарейларни янчиб ташла! Дадил олдинга бос! (*Трубкани қўйиб, яна олади.*) Шаров, тайёрмисан, полковник? Қани полковник, жангчиларни кўтар! Фашистларга қирон сол! Дзот-дотларини, траншеяларини янчиб ташла! (*Иккинчи трубкани олади.*) Артиллерия тайёргарлиги яхши бўлди. Ҳа полковник Бадридзе, кўтар, дадил кўтар! К бою! (*Танкларнинг гуриллаши, тўп овозлари эшитилади.*) Галаба тилайман! (*Телефонисткага*) „Лочин“ни чақир!

Телефонистка. „Лочин“, „Лочин“, сени „Бургут“ сўрайди. (*Раҳимовга.*) Мана, ўртоқ генерал-майор!

Раҳимов (*трубкага*). „Лочин“, юрагинг тошиб кетаяптими? „ИЛ“ларингни осмонга учир, ёғдир, аяма!! (*Трубкани қўяди. Шу чоқда бирдан ўнлаб самолёт моторларининг гуриллаши эшитилади. Трубкага.*) Аҳвол қандай? Яқинлашдингми? Боравер! К бою! Нима! Чап томондан, контратака қилаяпти?!

Санюк. Ҳужум қилаётган қисмимизга орқа томондан зарба бермоқчи.

Раҳимов (*телефонисткага*). Резервни чақир!

Телефонистка. Резерв штабининг бошлиғи телефонда.

Раҳимов. Андрей Никифорович, чап томондан томоки фабрикасига контратака қилаяпти, батальонни чапга ташла. Бешинчи ротани Загоруйко ихтиёрига юбор. Шаҳарга ёпиш. А? (*Ҳаяжонланиб*) Бу қандай гап? (*Санюкка.*) Контратакани тўхтатиб бўлма-япти, вазъият оғир. Комиссар, сиз қўмонда беринг, ўзим бораман!

Санюк. Ўртоқ генерал, борманг, бормайсиз! Ахир яхши эмас.

Раҳимов. Хавф туғилиб қолди, душман фабрикани қўлга олса, дивизияни икки қисмга бўлиб қўяди. Қўмонда беринг! (*Ўзи югириб чиқиб кетади.*)

Санюк. Ўртоқ генерал! Оббо яна кетди, бу қандай одам?

Радист. Армия генерали!

Санюк (*трубкани олиб*). Салом ўртоқ армия генерали. Ҳа, мен командир ўринбосари Санюк. Яхши, Грауденцни штурм қилаяпмиз... Ҳозир шу ерда эди. Хўп, раҳмат ўртоқ қўмондон! (*Трубкани қўяди.*) Загоруйко, яқинлашдингми? (*Трубкани қўяди, дур-*

бин блан қарайди.) Генерал бир группа автоматчиларни олиб кетди. Ана генерал, бу қандай одам? Яша, бошлаб урди. Контратакаси ҳам барбод бўлди. *(Пауза. Трубкага.)* Нима, полковник Шаров, биринчи траншеяларни эгалладим дейсанми? Балли, ўлма, олдинга бос! *(Иккинчи трубкани олиб.)* Майор Загоруйко шаҳар деворига ёпишайпти? Яша, азамат майор, яша!

Ҳорган, чарчаган ҳолда Раҳимов киради.

Раҳимов *(трубкага)*. Нима? Одам оз қолди? Ҳозир учта рота сизга ёрдамга боради. Полковник Бадридзе, шаҳар қопқаларини бузиб ташла, босиб кир! Вперед, вперед! *(Кенг нафас олади, харитага белги қўяди.)*

Санюк *(кириб, ҳаяжонда)*. Ўртоқ генерал-майор, Загоруйко, Бадридзе, Шаров полклари Грауденц шаҳрини олдилар. Крепость-та байроқ ўрнатилди. Генерал фон-Буг таслим бўлди.

Раҳимов *(секин)*. Ура, ура, полковник!

Санюк. Ура, ура, ўртоқ генерал-майор!

Раҳимов *(трубкага)*. Николай Иванович, Грауденц шаҳри олинди, буйруғингиз бажарилди, генерал фон-Буг таслим бўлди. Ҳа, генерал Фрике ҳам бирга. А ким блан?.. *(Санюкка секин.)* Маршал... *(Трубкага.)* Мен Раҳимовман, ўртоқ маршал, салом! *(Пауза)* Раҳмат. Ватанимнинг ҳарбир амри фармонига ҳозирман! Служу Советскому Союзу! Раҳмат. Албатта! *(Трубкани аста қўяди, кулади.)*

Санюк. Табриклайман Собир Умарович!

Раҳимов. Сизни ҳам табриклайман, Степан Назарович.

Васька ҳовлиқиб киради.

Васька. Разрешите доложить, ўртоқ генерал-майор. Топшириқ бажарилди. Шаҳар олинди. Тўнғузнинг энг каттаси—сизнинг кушандангиз фон-Буг ҳам генерал Фрике ҳузурингизга бош эгиб келди. Мана ҳужжатлари. *(Папка узатади.)*

Фон-Буг ва Фрикени Соҳиб, Арам, Сашалар киритдилар. Уларнинг қўлларида немис байроқлари. Жангчилар байроқларни келтириб Раҳимовнинг оёғи остига ташлайдилар.

Раҳимов. Зулмат, ажал байроғи. *(Жангчиларга.)* Раҳмат, мен тўртталангизни СССР Олий Совети Президиуми номидан Қизил Юлдуз ордени блан мукофотлайман. *(Байроқларни босиб ўтади.)*

Васька. Ўртоқ генерал, менга яна қандай хизмат бор?..

Раҳимов. Ўртоқ Васька, энди Берлинга!

Васька. Есть, Берлинга!! *(Чиқади.)*

Асиё тушган солдатларнинг соялари кўрилади. Шаҳар кўрғонига илинган қизил байроқ қанот ёзади. Бувдан руҳланган Раҳимов жангчиларига мурожаат қилади.

Раҳимов. Қоплон юракли жангчилар! Галаба блан табриклайман! Ана, балолар, мусибатлар, оху-фар'ёдлар келтирган қора шаҳар оёғингиз остида! Буюк доҳимиз Сталиннинг номи блан Берлинга томон олға!!! Олға!!!

П а р д а.

М. ШАЙХЗОДА

БОҒИСТОН

(„Йигирмабешлар“ достонининг кириш қисмидан)

Эй Ос'ёнинг сийнасида яшил боғистон,
Ҳар булоғинг — бир мисра'дир, ҳар дар'ёнг — достон.
Олтин қуёш иқболингнинг бошида зартож,
Чечакларинг юлдузлардан олмоқда хирож.
Оқ булутлар сенга кўрпа, тоғларинг — ёстиқ,
Эркинг бўлмиш Сталиннинг қўли-ла тасдиқ!..
Аму блан Сир оқаркан Орол-кўл ёққа,
Икки қўллаб тупроғингни олган қучоққа.
Тупроғингки, тирикликнинг нишонасидир,
Ҳар қўрғони баракатнинг кошонасидир.
Биз тупроқви йўғуролдик хамирдек қориб,
Дар'ёларга юган солдик, тоғларни ёриб.
Пахтамининг ҳосилдир жаҳонда илғор,
Ҳинду Мисру Америка ҳасад-ла боқар.
Пахта эли Ўзбекистон — Ватаннинг ша'ни,
Ҳар чигитда жилдлар тўла мазмун ва ма'ни.
Пахтазорлар даласида саркор ўзимиз,
Илми-пахта ҳақимининг айнан ўзи биз.
Кўп ақлли машиналар бизга даст'ёр,
Экишда ҳам, теришда ҳам буйруққа тайёр.
Бу қиссани биз ўзимиз тугал ўқиймиз,
Я'ни ўша пахтамиздан газмол тўқиймиз,
Пахтамининг ҳарбир ипи шундай узун тор,
Бу тордаги куйга ёқут, белорус хушдор.
Биз бу торда олқишлаймиз дўстликнинг куйин,
Ҳўб ясанган архангельли шўх қизнинг тўйин.
Боғистонда ҳар дарахтнинг бор ўз лақаби,
Зўр хонадон авлодининг номлари каби.
Ҳар иқлимнинг ўз гули бор, бор ўз шеvasи,
Бизнинг боғнинг қофияси: ширин меваси.

Ҳатто улкан заводларнинг нафаси — тутун,
Ёғочзордан ўтаолмай эриydi бутун.
Ўлкамизнинг темир қалби—саноати бор,
Юрт танида темир қалбнинг салобати бор,
Шарқнинг ёруғ деразаси — минг кўча Тошкент,
Та'рифини десанг битмас минг кеча, Тошкент.
Ўзбек эли ўзига бек—бу ўз еримиз,
Пойтахту ҳукумату тилу муҳримиз.
Дар'ёлардан симлар блан оқиб келар кон,
Бу кўк кондан шаҳру қишлоқ бўлмиш чароғон.
Элимизни бир наҳристон демишлар гўё,
Қашқа, Сурхон, Аму ва Сир... дар'ёю-дар'ё.
Аммо совет қаламила юрт режасига
Янги-янги дар'ё кўшдик ва нечасига
Кавал дедик, бир каналки маданий дар'ё,
Колхозларнинг фармониға ҳозир, муҳайё.
Биз ҳовузлар қазиб қўйдик мисоли коса,
Сувларини бол десак ҳам бордир ижоза.
Аммо шундай бир косаки, фалакка монанд,
Асалиға пахта ва қуш, қўй ва гул хурсанд.
Ипакобод аталади элда Марғилон,
Қўчқоршойи квяр экан ҳар қиз, ҳар ўғлон
Ипакчилар қўшиниға раҳмат айтади,
Чунки пилла етмиш икки қўлдан ўтади.
Олам аро рақибни йўқ, мисли йўқ, машҳур,
Қора инжу — қоракўлдир; шерозий ва сур.
Чўпонларнинг бу сан'ати, қаламий хатлар
Чечакларнинг бўйи каби енгил, муаттар.
Чавондозлар оламида ғоят му'табар,
Зоти тоза, ола оёқ қорабайирлар.
Бизнинг ғозғон мармаридан нақшин деворлар
Қасрларнинг зийнатидир: меҳмонни чорлар.
Биз даштларни боғ қилолдик, адирни—ўрмон,
Дастурхонға нағма айтди бетинч тегирмон.
Китоб бизға йўлдош бўлди, ғоя—раҳнамо,
Сталин—нур қуёш бўлди, Ватан—кенг само.
Асоратни йиртиб чиқди қизлар-аёллар,
Борлиқларға қовушолди қадим хаёллар.
Йўлимизда қардошворий ва буюк эди
Рус халқининг ғамхўрлиги, иши, ўгути.
Ирғитолдик золимларни ла'нат қа'риға
Ва йўл олдик истиқболнинг зумрат бағриға.
Инсонликнинг шарофати паспортимизда,
Биз соҳиби-ихтиёрмиз ўз юртимизда.
Меҳнатимиз ва илмимиз ва қасидамиз,
Ғайратимиз ва қалбимиз ва нашидамиз,
Биз ўзимиз,

Жуфт кўзимиз,

Ҳарбир сўзимиз

Коммунага бағишланган муқаррар, сўзсиз.
Республика юксалмоқда пояма-поя,
Саодатнинг шодлигига бўлмас ниҳоя.
Пахтакорлар, экучилар, иморатсозлар,
Қуйчўпонлар ва боғбонлар—ишда шаввозлар,
Зўр олимлар, муаллимлар, устакор зотлар,
Ким'ёгарлар, нағмасозлар, бастакор зотлар
Кеча-кундуз мижжа қоқмай юртни қурдилар,
Далада ҳам, фронтда ҳам олга юрдилар.
Бу сафларда Сталинни кўрганлар бордир,
Сталинни кўрганларни кўрганлар бордир,
Кўрганларни—кўрганларни кўрганлар бордир,
Барчамизнинг юрагида у барқарордир.
Нурни севган барча кўзлар офтобни кўрар,
Нурга мухлис дийдаларга қуёш нур берар.
Сталиннинг меҳри блан балқи ва порла,
Ўзбек эли, гурур ила ва ифтихор-ла!
Эй Ос'ёнинг сийнасида яшил боғистон,
Шоирингман, аскарингман, ишчи, боғбон,
Шу табаррук тупроғингда унган насллар,
Сталиндан баҳра олган азиз ҳосиллар,
Олтин фасллар
Сенга дейди: „Қутлуғ бўлгай янги манзиллар!“

АСҚАД МУХТОР

РЕСПУБЛИКАМ ҚЎШИҒИ

Республикам ери гувлар,
Яшарар,
Жўшқин қўшиқ бўлиб оқар ҳаёти,
Майин оҳанг бўлиб қўшилар ниҳоллар,
Меҳнат — бу қўшиқнинг синмас қаноти,
Пўлат оқинининг суронлари блан
Кўк денгиз шов-шуви унда жўш урган.
Унда халқнинг армонлари блан
Ленин ғоялари бирга қўшилган.
Қўшиқ нотасидай Фарҳод симлари
Қуёш нури блан чирмашар экан,
Икки қуёш сим улашиб

юртимни
Нурга буркаш тўғрисида сирлашар экан.
Асримиздан

Қутлуғ элчи бўлиб бу қўшиқ
Келажакнинг қулоғига етади.
Юртим ҳуснин, боғим атрин,

Ватан донгини
Олиб учиб эллар кўкин тутади.
„Аврора“ залпидан

Сўнг салютгача
Унда бор жам'и жанг, меҳнат шонлари.
Бу мағрур қўшиққа нақаротчилар —
Социалистик меҳнат қаҳрамонлари.
Уни кўнгилдамас,

Баралла айтиб
Жаҳон халқи умид боғлар бахтига.
Бутун бу қўшиғу,

Бутун бу ҳаёт
Сталинни шарафловчи мадҳия!

РАМЗ БОБОЖОН

РУС ХАЛҚИГА

Фурурим қалбимга сиғмайди сра,
Совет кишисиман,
 чинакам инсон!
Шарқда маш’ал бўлиб кўринган ўлка
Менинг республикам —
 ҳур Ўзбекистон.
Тўкин дастурхонда нон-насибам бор,
Қардошлар тенгдоши,
 жигарбандиман.
Бахтлилар ичида мен ҳам бахтиёр,
Катта оиланинг бир фарзандиман.
Шон-шуҳрат,
 меҳнат,
 эрк,
 илму-ма’рифат,
Орзу тилак бизнинг оилага хос.
Оила шарафин оқламоқ бурчим, —
Ота-боболардан яхши бир мерос.
Оила — мамлакат,
 жонажон Ватан,
Октябрь қуёши нур сочган тупроқ.
Миллатми,
 фарқи йўқ!
Шунча меҳрибон
Рус, грузин,
 украин,
 ўзбек ва қозоқ —
Жангларда қуролдош,
 меҳнатда ҳамкор.
Хатто, бир магизни тенг бўлиб ейди.
Халқлар бир оғиздан такрор ва такрор
Улуғ оғасига ташаккур дейди.

Раҳмат рус халқига,
 бизни курашга,
Енгишга ўргатди,
 қозондик зафар.
Зулматдан қутқариб,
 оқ йўл кўрсатди,
Коммунизм сари бошладик сафар.
Босқинчи ёлларни этдик тор-мор,
Тинчли-чун курашдик,
 курдик,

 яратдик.
Сирдар'ё қўйнида қад кўтарди ГЭС,
Пахта водисига нурлар таратдик.
Металл заводида пўлат куючи—
Шомурод Мариядан ўрганди ҳунар.
Йигит-қизларимиз илм олгали
Буюк Москвага—

 пойтахтга жўнар.
Ильич офтобидан хонамиз ёруқ,
Нурлари сингари умримиз узун.
Павлов тажрибасин ўзбек олими
Бир мактаб биледи ўз иши учун.
Пушкин мисра'ларин яхши қўшиқдай
Тилидан қўймайди ўғлонларимиз.
Мичурин илмининг хосиятини
Ҳосилда кўради деҳқонларимиз.
Бари рус халқининг муруватидан,
Ленин — Сталиннинг даҳосидандир.
Лауреат,

 қаҳрамон бўлган ўзбеклар
Азиз оғамизнинг баҳосидандир.
Раҳмат қадрдоним,

 улуғ рус халқи,
Саодат боғига сиз йўлладингиз.
Ҳаётим хатарда қолган дамда ҳам
Сиз кафил турдингиз,

 сиз қўлладингиз.
Лўттибоз дипломат ҳақорат блан
Номимни аташга ҳаққи йўқ энди.
Чунки энг шиддатли, оғир жангларда
Суйанган тоғимиз—

 рус халқи енгди!
Фурурим қалбимга сиғмайди сра,
Совет кишисиман,

 чинакам инсон!
Шарқда маш'ал бўлиб кўринган ўлка
Менинг республикам—
 ҳур Ўзбекистон.

ГАФУР ГУЛОМ

ДИПЛОМ

Узоқ кечаларда юлдуз кўз блан
Олам китобини кезади зеҳн.
Гранит лавҳага ўйилган каби
Мияда чизиқлар секиндан-секин
Билим пармаси-ла бўлур чуқурроқ.

Жимжитлик...

Қитрлар ба'зида қалам,
Оқ қоғоз юзида янги жимжима.
Ўн-ўн беш китобдан худди шуниси,
Худди шу бетдаги мана шу жумла
Студент кўзига ойдек ярқироқ.

Гўё шу жумлада жаҳонлар сири,
Шу сирни гўёки билар фақат у.
Жимжитлик...

Бир ғурур ўртада гангир,
Келажак шу тобда келиб рўбарў
Кеча заҳматкашин қучар, эркалар.

Ўн-ўн беш китобни ёзган устодлар
Қўлтиқлаб олгандай ўз шоғирдини,
Капалак сингари учяшни чоғлаб
Қанотин тузатиб, қоқиб гардини
Ўрнидан қўзғалур қатор эрталар...

Зачёт книжканинг қатор бешлари
Унинг-чун кечаги босган зинадай,
Тайёрлаб папкага тушган ўн варақ
Ўн ойлик ёшдаги она сийнадай
Унинг улғайиши учун восита.

Нонушта чоғидир... Броқ хаёли
Дўстлари, муаллим, аудитория
Кичкина олимнинг — кенг оламидир.
Отаси эшиқни сал очиб қия:
— Ўғлим, чойингни ич, — деёлур аста.

1949 йил, ноябрь

ЯНГИ ЙИЛ МИСРА'ЛАРИ

Бизнинг ҳаётимиз — улуг бир китоб,
 Ҳар йилимиз — унинг бир саҳифаси.
 Лекин саҳифалар унда беҳисоб,
 Улар бир-биридан ранг-баранг асил.

Унинг мазмунидир тинчлик ва иқбол,
 Ижод ва юксалиш, шавкат, шараф-шон.
 Унинг мазмунидир порлоқ истиқбол,
 Етмоқ коммунизм боғлари томон.

Ҳар йил шу китобнинг бир саҳифасин
 Қудратли қўли ила очар экан халқ,
 Коммунизмнинг илиқ нафасин
 Яна ҳам яқиндан сезар муҳаққақ.

Янги йил муборак! Улуг китобнинг
 Янги саҳифасин очди Ватаним.
 Бир йил — бир саҳифа. Ўн йилларга тенг,
 Зафар нурларини сочди Ватаним.

Бу нурни бергучи Сталин қуёш
 Бизни янги йилла табрик этмоқда.
 Халқлар карвонига ўзи бўлиб бош,
 Бизни коммунизм сари элтмоқда.

ЎТКИР РАШИД

ЎЗБЕКНИНГ ҒУРУРИ

Ким эдинг, ким бўлалдинг,
 Не бор азиз дилингда?
 Эй тил бергил сарҳисоб.

(*Ғ. Ғулом*).

Мутлақо ҳақлидир бугунги ўзбек
 Қаддини кўтариб сўзласа мағрур.
 Улкамга ол байроқ ярашганидек,
 Унга ҳам ярашур инсоний гурур.

Тарих саҳифасин очмай қўяқол,
 Аёндир тун каби у шум замона.
 Ёшликда ўлимин истаган бир чол,
 Бугун ҳур ҳаётга, гулга парвона.

Ўзбекнинг уйига кўрк бўлиб кирди
Ма'рифат, истиқбол, ҳақ, ҳуқуқ нури.
Қон-қардош элларни қудратли қилди
Озодлик доҳиси — Ленин шуури.

Ўзбекнинг минг йиллик орзулари ҳал,
Энди у юртида ғариб эмасдир.
Унинг шарафини, бахтин билиш-чун,
Бирининг кўксига қаралса басдир.

Унинг ифтихори олтин даласи,
Замира, Муйдинлар қўлида гулзор.
Ҳар туб ғўзасининг камолотида
Ватанга, доҳийга, элга меҳр бор.

Бу юртда қари ҳам, ёш ҳам ижодкор,
Тупроқдан олтинлар яратмоқ мумкин.
Ўлкамда ҳур меҳнат топди э'тибор,
Тоғда ҳам, чўлда ҳам ҳосиллар тўкин.

Фарғона бойлиги, ҳуснига боқсанг,
Самарқанд имлайди, қуванчинг ортар.
Бухоро, Хоразм, Қарши, Термиз ҳам
Бойлиги, кўрки-ла бағрига тортар.

Ўзбекнинг юртига энди бир қаранг,
Нурга кон, сувга мўл, чўли-ю қири,
Бу бойлик, кўркамлик боиси шулки,
Москвага туташдир бу юртнинг ери.

Мутлақо ҳақлидир энди ҳар ўзбек,
Қаддини кўтариб сўзласа мағрур.
Ўлкамга ол байроқ ярашганидек,
Бизга ҳам ярашур инсоний ғурур.

1949 йил, июнь.

ТУРОБ ТҮЛА

БУ МЕНИНГ ВАТАНИМ

Бугун катта еримиз
 Ёшига қўшди бир ёш.
 Уч юз олтмиш беш марта
 Чиқиб ботибди қуёш.

Демак, биз ҳам Сиз блан
 Бир ёш-бир ёш ўтибмиз.
 Ақлу идрокда анча
 Илгарилаб кетибмиз.

Бизлар ҳар кун, ҳар соат
 Ўсмоқдамиз беармон.
 Ким одобли бўлолса,
 Бўлаолур билармон.

Гарчи бошқа-бошқадир
 Туғилган кунларимиз,
 Лекин шу кун гўёки
 Туғилганмиз баримиз.

Ана... умр соати
 Завг урди данғиллатиб.
 Янги йил келаётир
 Ҳов... кўкда қулоч отиб.

Ана у, Кремльдан
 Чиқиб келар биз сари.
 У, бахтларга ёр бўлган
 Ватаннинг тонготари.

Туғилар Москвада,
 Галабадир бешиги.

Шод бўлсин, хушвақт бўлсин
 Ҳарбир кирар эшиги.

Юлдузлар орасидан
 Ўтиб келмоқда шошиб,
 Ўтиб келмоқда хурсанд
 Кўк ошиб, денгиз ошиб.

Уни қаранг, кимнидир —
 Излайди орамиздан.
 Мени кўрсатинг,
 Эски —
 Йилни сўраса сиздан.

Ростдан!
 Нега куласиз?
 Курсатаберинг мени.
 Эски йил ўзи айтган
 Вакил қилдим деб, сени!

Биласизми, не учун —
 Келолмади Эски йил?
 Иши кўпайиб кетди
 Сўнгига келиб буткул.

Борсам, счёт олдида
 Ойна тақиб олибди.
 Ҳисобига етолмай,
 Ўралашиб қолибди.

Ҳисоблайди бетиним.
 Счётга сигмас иши,

Янги йил келгунича
Яқунлашдир ташвиши.

Менга тайинлаб деди:
— Янги йилга чиқ пешвоз,
Номимдан узр сўра,
Ҳам кузатгил, — деди, — соз.

Оқ йўл тила номимдан,
Қутлуқ бўлсин сафари.
Меникидан ҳам ошсин
Ва юксалсин зафари!

Дун'ёни кезиб кетдим
Юракларим юлинди.
Ҳиндистон чўлларида
Дардим мингга бўлинди.

Ҳаммаёқда ҳукмрон
Инглизлар пошнаси.
Керак бўлиб қопдики,
Ҳинду бўпти „ошнаси“.

Инглиз лорди хўжа
Эрон, турк ерида ҳам.
Нефтьни сўриб ётади
Қон сўргандай, муттаҳам!

Ундан ўтдим Юнонга,
Тундан қаро кун кўрдим.
Қаҳрамон юнонларнинг
Жангу-жадалин кўрдим.

Испан партизанлари
Руҳимви кўтардилар.
Ғалаба байроғини
Кўтариб ўтардилар.

Уруш деб тонг отади
Ҳар кун Америкада.
Ғийбатдан кун ботади
Ҳар кун Америкада.

Шошилинич юкланади
Ҳар кун аслаҳа-қурул.
Одатга кириб қолган
Америкада бу ҳол.

Кўнгилсиз ўлкаларда
Кўрганим бўлди таҳқир.
Очлик, ишсизлик, бўҳрон
Кемирмоқда тап-тақир.

Лекин халқлар истаги
Эркилик, ҳақиқат, тинчлик.
Миллионларнинг хитоби:
— Тинчлик ва фақат—тинчлик!

Бу йил ошди яна ҳам
Коммунизм э'тибори.
Ленин байроғи яна
Кўтарилди юқори.

Эркин нафас олдилар
Асоратда қолганлар.
Абгорликда бир умр —
Ноҳақ ла'натланганлар.

Бугун Қутубни ўтдим
Тунаб Чукоткасида.
Хитой юртига етдим
Жангнинг дағдағасида.

Бепоён жанг ўтида
Мао Цзе-Дунни кўрдим.
Унинг блан ёнма-ён
Юртма-юрт кўчиб юрдим.

Гоминдан „ботирининг“
Боши қолди найзада.
Чан Кай-ши қочиб қолди
Ноилж — аламзада.

Буюк Хитой кураши
Ниҳоясига етди.
Америка-инглиз —
Этиги чокдан кетди.

Шунча мунофиқликнинг
„Вой“ бўлди оқибати.
Черчиллдан қолди фақат
Қуруқ соқи-сумбати.

Ёв режаси бузилди
Тонг отди нурли, оппоқ.
Хитойнинг теппасида
Порлади қизил байроқ.

Мана шулар тўғрида
Гапир,—деди Эски йил.—
Орқада қолма,—деди,—
Янги йил-ла бирга юр!

Будапешт фестивалин
Ёддан чиқарма,—деди.—
Булар тинчлик, эрк учун.
Курашчи ёшлар эди.

Кезиб чиқдим жаҳонни,
Кўп ҳоридим ғазабдан.
Кўзим тинди, чарчадим
Кўравериб азобдан.

Ватанимга етдиму
Ўндим уни қучоқлаб.
Озод каптардек учдим
Шод қувониб, шод йиғлаб.

Ёлғиз сўнгги илтимос,—
Деди менга сўнгги бор:
— Сўнгги соатларимга
Қилгил қаттиқ э'тибор.

Я'ни,—деди Эски йил:
— Фақат бахтга ошнаман.
Қаридим, аммо билсанг,
Ешликка кўп ташнаман!

Бутун инсонликка хос
Ҳаётни кўрдим бунда.
Бахт дар'ёсида оқдим
Шодиёна тўлқинда.

Қани, менга йўл беринг,
Азиз ўқучиларим,
Кўп эрур Янги йилга
Айтадиган сўзларим.

Ма'муранинг қўлига
Биринчи китоб берган
Ва мактабга синфга
Бошлаб, етаклаб кирган,

Каримжоннинг уқишга
Қўзғаган муҳаббатин,
Олиб берган қўлига
Етуклик аттестатин,

Университетгача—
Кузатиб қўйган кимдир?
Эски йил эмасмиди,
Уйлаб кўрингларчи бир?!

Сизни элга танитган
Мана шу йил эмасми?
(Ўзидан катталарни—
Ҳурматлаш керак расми!)

Қани, менга йўл беринг
Келиб қолди янги йил,
Эски йил илтимосин
Бажарайин жону дил.

Хуш келибсан, Янги йил,
Кел, кел, толи' ер бўлсин!
Сен, бизнииг бахтимизга
Бу гул Ватан бор бўлсин!

Келолмади Эски йил,
Сендан узур сўрайди.
Билмоқчи бўлсанг, иши—
Охир келиб зўрайди.

Энди у қариб қолган,
Дам олса ҳам ярашар.
Худди Ҳасан отадек
Пенсия олиб яшар.

Кетмоқни истамади.
Бир умрга қолмоқчи.
Қадрдон чоллар блан
Бирга ҳордик олмоқчи.

Бу йил олам бахтиёр,
Зўр кунларни кечирди.
Хуш хабарлар юртма-юрт,
Элма-эл кўчиб юрди.

Қўшиқлар парвоз қилди
Доҳий мадҳиясида.
„Сталин, жон Сталин!“
Бахтиёрлар сасида.

Етмишга тўлди роса
Улуғ доҳининг ёши.
Қалбимизда яшайди
Улуғ башар қуёши.

Ҳамманинг қўшиғида,
Самимий оқ дилида,
Ҳамманинг орзусида,
Бир хил умид тилида:

Кўп яшасин Сталин,
Бахтимизга ёр бўлсин!
Лениннинг давомчиси
Доим бирга бор бўлсин!

Шундай бизнинг орзу
Ва шундай тилагимиз.
Шуни дер фақат-фақат
Бу ёшлик юрагимиз.

Яшнат, гуллат дун'ёда
Ватан чаманзорини.

Сен ҳам байрам қилгайсан
Етмиш бир баҳорини.

Оқ йўл, сенга Янги йил,
Қутлуғ бўлсин сафаринг.
Биз каби бахтиёр бўл,
Мул-кўл бўлсин зафаринг!

Ёшлик, баҳодирликлар
Истиқболи қўлингда.
Сталинча беш йиллар
Яқуни бор йўлингда?

Оқ йўл, янги ғолиблар —
Қўшинига салом айт.
Келаси йил шу вақтда
Қўну-қўнжинг тўлиб қайт!

ФОТИХ НИЕЗИЙ

В А Ф О

(Шу номли повестьдан парча)

Асосий ҳужум бошланиб беш кун ўтгач, Гитлер армиясининг қолдиқлари, қаттиқ селда ивиб путури кетган девордек, ортиқ бардош беролмади. Тириклай кўмилиб ётган немис-фашист солдат ва офицерлари валангор бўлган уйлардан, ертўла ва блиндажлардан, подвал ва чуқурлардан қўлларини кўтариб бирин-кетин чиқишмоқда эди.

Тўп ва милтиқ товушлари тобора босилиб, шаҳар аста-секин одамга тўла бошлади. Душмандан тамоман тозаланган маҳалларда сапёрлар майдонларни, уйларни, йўлкаларни, кўчаларни минадан тозалашар, ўлжа командалари немислар ҳарёққа ташлаган беҳисоб яроқ-аслаҳаларни йиғиштиришар, алоқачилар телефон симлари тортишар, ишчи отрядлари тош-тупроқ босган кўчаларни тозалашар, йўл қуручилар снаряд ва бомбадан ҳосил бўлган чуқурларни наридан-бери текислашар, бузулган кўприкларнинг ўрнига янги кўприклар солишар эди. Шаҳарнинг бир кўчаси очилиши бланоқ кўча ҳаракатини тартибга солувчилар қизил ва сариқ байроқчаларини кўтариб ўртага чиқиб, кўча ҳаракатини тартибга солишар эди.

Кун яримдан оққандан кейин ҳануз гумбурлаб турган тўп товушлари тинди. Таслим бўлишдан бош тортган немис қўшинлари ҳам ниҳоят тиз чўкиб, енгилганликларига иқроор бўлишди.

Сафар сўнги 7—8 ой мобайнида биринчи марта автоматини окопга қўйиб, бежавф-хатар ўрнидан турди ва уст-бошининг чангини қоқиб атрофга назар ташлади. Теварак-атрофда бошқа жангчилар ҳам, Сафар сингари ўринларидан туриб, бир-бирларини ўпишар ва қучоқлашар эди.

Сафар ҳам ўз вазоди блан окопдан чиқиб, ўзларига томон келаётган жангчиларнинг истиқболига югурди ва уларни ғалаба блан табриклади; ёнида турган бир солдатдан:

— Сиз қайси қисмдан? — деб сўради.

Жангчи Сафар эшитмаган бир командирнинг номини айтди.
— Генерал Людников дивизияси қайси томонда экан, билмай-сизми?— деб сўради Сафар.

— Биламан, биздан икки юз-уч юз метр нарида эди. Ҳозир ана у Волга бўйидаги бузулган уйнинг нариги томонида бўлса керак—деди, жангчи қўли блан ўша томонни кўрсатиб.

Сафар, қаёққа боришини Ермакка айтиб югурганича солдат кўрсатган томонга кетди. У Волганинг унг ёқасидаги паскамликка етганда уни командир либосини кийган ўрта ёшлардаги, сочи қора ва ўзи ҳам қорачадан келган бир киши тўхтатди:

— Тўхтанг, ўртоқ жангчи!— деди у, — пичоғингиз йўқми?

— Бор, ўртоқ подполковник, — деди Сафар ва этигининг қўн-жидан садаф сопли дудама пичоғини олиб берди.

— Бир пас сабр қилинг, ҳозир қайтариб бераман, — деди командир ва пичоқни Сафарнинг қўлидан олиб тўрт-беш қадам наридаги чуқурликка томон кетди. Сафар ҳам унинг кетидан борди. Чуқурликда ярадор командир ва бир жангчи бор экан. Сафардан пичоқ олган командир ярадор командирнинг олдига келиб унинг чап енгини учидан юқорисигача пичоқ блан кесди. Енг остидан унинг қонга бўялган қўли кўринди. Жангчи бу командирнинг уқ теккан тирсагини авайлаб бинт блан ўрайбошлади.

— Келиб-келиб уруш тамом бўлганда ўқ тегса-я, ла'нати!— деди ярадор командир инқиллаб.

— Зарари йўқ, комбат, жонинг фойдага қолдику, — деди иккинчи командир ва солдатга комбатни тезлик блан санитария қисмига олиб боришни буюрди. У пичоқни Сафарга қайтиб бераётган эди, сопига ўйиб ёзилган хатга кўзи тушдию узатган қўлини тортиб, яна пичоққа қаради.

— Сиз қаердан бўласиз?— деб сўради.

— Тожикистондан, ўртоқ подполковник, — деб жавоб берди Сафар.

— Аз гушойи Тожикистон?¹— деб сўради подполковник тожикилаб, — эҳтимол ҳамшаҳардирмиз?

— Хисордан, — деб жавоб берди Сафар тожикдан чиққан шундай катта командирни кўрганига хурсанд бўлиб, — сиз-чи?

— Хисордан?— деди подполковник ҳайрон бўлиб.

— Ҳа, Жўйбори Хисар қишлоғидан.

— Мен Микоянободдан. Отингиз нима?

— Сафар Одинаев.

Подполковник худди кўп йиллардан бери қидириб юрган кишини топгандек унга диққат блан тикилиб:

— Сафар Одинаев?— деди, — бу пичоқни қаердан топдингиз?

— Бу пичоқ ҳамқишлоғимиз Юнусбоб деган бир одамнинг пичоғи эди.

— Бу пичоқни у қаердан олди экан?

— Шу пичоқнинг сопига номи ёзилган командир унга хотира учун берган экан.

¹ Тожикистоннинг қаеридан?

Подполковник Сафарнинг жавобини эшитиб суюниб кетди ва уни бу ердан бирнеча қадам нарида қувури ерга санчилиб ётган бузуқ тупнинг олдига олиб борди-да, унинг устига ўтириб яна савол-жавоб бошлади. Сафар ҳам унга бутун бошидан кечирганларини айтиб берди.

— Шошманг... Шошманг... Сафар Одинаевман дедингизми? Рус командири ёрдам берди дедингизми?— деб сўради подполковник яна.

— Ҳа, бу босмачилик йилларида бўлган эди. Шу пичоққа номи ёзилган командир мени интернатга олиб кириб қўйган эди.

Подполковник хурсанд бўлиб Сафарнинг елкасига қоқдию эўр мамнуният блан ўзича „топдим“ дея ўрнидан турди ва Сафарни тирсагидан ушлаб ўзига тортди.

— Ўша командирни ҳозир сизга кўрсатайми?— деди.

— Кошки эди.

— Ҳозир қаёққа кетаётган эдингиз?

— Генерал Людниковнинг дивизиясига.

— Бирон топшириқ блан кетаётганмидингиз?

— Йўқ. Мен илгари ўша дивизияда эдим. Ўша дивизияда эски таниш бир командир бор эди. Ўшани бориб кўрмоқчиман.

— Биламан, бу дивизия бизга қўшни эди. Унда бир қанча тожик йигитлар ҳам бор эди. Бу дивизия ҳозир қаерда турганлигини биласизми?

— Ҳа, бир солдат ана у бузилган уйларнинг нариги томонидаги пасқамликда деди.

— Хўп, қулоқ солинг. Ўртоқларингизни кўриб келганингиздан кейин менинг команда пунктимга боринг. Менинг команда пунктим Баррикада посёлканинг кираверишида. Ўша ерга бориб часовойлардан 313 полк командири подполковник Рустамов қаерда туради деб сўрасангиз айтиб беришади. Мен бўлмасам кутинг,— деди подполковник Рустамов пичоқни Сафарга бериб. Бу подполковник 1941 йилнинг ноябрида Москва остонасида генерал Балашовга учраб қолиб, соч-соқоли ўсиб кетган шу йигитнинг қиссасини ўшандан эшитган капитан Рустамов эди.

Жуда хурсанд бўлиб кетган Сафар подполковник Рустамов блан хайрлашар экан:

— Хўп, ўртоқ подполковник, албатта бораман,— деди-да, Людников дивизиясига қараб жўнади.

Сафар дивизияга бориб ўзининг собиқ ротасидаги қуролдош ёру-жўраларидан фақат уч-тўрт кишинигина топди. Бошқалар сон жиҳатидан кўп бўлган душманга қарши қонли жангларда ҳалок ёки ярадор бўлиб сафдан чиққан эди.

Бу ерда Сафар учратган жангчилар Осьмухин ротасидан Коробко блан Степан Шестак эди. Булардан ҳар бири ҳам уч-тўрт мартадан ярадор бўлиб, яна ўз жанговар бўлинмаларига қайтиб келган эдилар.

Сафар булар блан кўришиб-сўрашиб бўлганидан кейин:

— Лейтенант қаерда?— деб сўради.

— Қайси лейтенант?— деди Коробко.

- Қайси лейтенант бўларди, Осьмухин-да.
- Э, биродар, сен ҳаётдан орқада қолибсан... — деди Коробко.
- Нега, унга бирон нарса бўлдими? — деди Сафар ранги ўзгариб, юраги ҳовлиқиб.
- Сен нима деб ўйланиб эдинг, Осьмухин бу ерга овга келишганими? — деди Коробко Сафарнинг юрагини бадтар сиқиб.
- Биладан, урушга келган албатта... — деди Сафар ғамгин, бўлиб.
- Шундоқ бўлса одамизоднинг етти пушти кўрмаган шундай жангга қаҳрамонлик кўрсатган одам лейтенант бўлиб юраберадими? — деди Коробко аста-секин мақсадга яқинлашиб.
- Коробконинг бу сўздан кейин Сафарнинг кўнгли тинчиб, енгил тортди.
- Шугапингни илгарироқ айтмайсанки, кайфимни учуриб юбординг-ку...
- Шу юрак блан қанақа қилиб урушиб юрибсан? — деди Коробко.
- Қўй, гапни чўзма, лейтенантни қаердан топаман? — деди Сафар шошиб.
- Аввали шуки, лейтенант эмас, капитан Осьмухин дегин, — деди Степан сўз қотиб.
- Иккинчидан, рота командири эмас, батальон командири Осьмухин.
- Туринг, бўлмаса, бирга борайлик, табрик қилайлик... — деб Сафар ўрнидан турди.
- Ҳозир унинг олдига киргизишармикин? — деди Степан Коробкога савол назари блан қараб.
- Унга учрашиш шунчалик қийинми? — деди Сафар таажжубланиб.
- Госпитальларнинг тартиб-қондасини билмайсанми? — деди Коробко. Сафарнинг чеҳраси яна ўзгарди ва таажжуб блан қараб қолди.
- Сизнинг сўзларингизга ҳеч тушуниб бўлмайди.
- Тушуниш қийин эмас, — деди Коробко, — гап шуки, комбатимиз келиб-келиб бундан олти-етти кун бурун ярадор бўлиб, ҳозир, Волганинг чап қирғоғидаги госпитальда ётипти.
- Нима, аҳволи оғирми? — деди Сафар кайфи учиб.
- Унчалик оғир эмас, ҳозир хила дуруст... Биз кеча ярадорларни олиб борганимизда қўриб чиққан эдик, — деди Степан.
- Сиз борманг, қаерда эканини айтинг, ўзим бориб кўраман, — деди Сафар.
- Айтишнинг ҳожати йўқ, — деди Коробко ва музлаб қолган Волганинг у томонидаги чакалакзорни ияги блан кўрсатди, — ҳу ўша бутазорнинг ичида.
- Хўп мен кетдим бўлмаса, — деди Сафар ва қўзғолди.
- Шошма, эҳтимол бирга борармиз, ҳозир бориб командирдан сўрайман, — деди Коробко ва ўридан туриб командирнинг олдига бормоқчи бўлган эди, Сафар уни тўхтатди ва Осьмухиннинг қизи уларнинг санитария қисмида эканлигини айтиб:

— Бу хабарни унга қандай қилиб еткизсак экан?— деди

— Шу дардингни илгарироқ айтмайсанми?— деди Коробко ва унга маслаҳат берди,— биратўла қизни ҳам олиб бориб кўрсатсак яхши бўлар эди. Биласанми, бу нарса унга госпитальнинг минг давосидан ҳам яхшироқ та'сир қилади...

— Хўп, ундок бўлса мен югуриб бориб олиб келаман, сизлар ҳам командирларингдан жавоб олиб туринглар,— деди Сафар ва Осьмухиннинг қизини олиб келгани ўз қисмига қараб кетди.

* * *

Волганинг чап қирғогидаги чакалакзорга жойлашган дала госпитальнинг брезент чодирлари олдига госпитальнинг деярлик ҳамма ходимлари тўпланиб, отасини бетоқатлик блан қидираётган қизга меҳр-муҳаббат блан қараб ўтиришар, қизчанинг худди катта болалардай гапиришига завқ блан қулоқ солишар эди. Ерзовка қишлоғидан келтирилган кунларига қараганда қизнинг рангрўйи хила ўзгарган эди. Унинг лаб ва юзларига қон югурган, илгари сўник кўзлари ҳозир ўйнаб турар эди. Сафар дивизиясининг санитария ҳамширалари аллақачон унга қаердандир кўйлак ва тўн топиб қийгизган, эски шинельдан пийма такиб берган эдилар. Унинг кулранг жун рўмоли остидан чиқиб турган сариқ сочлари февраль қуёшида олтиндай ялтирарди. Шимолдан эсаётган шаббода унинг тўн устидан боғлаб қўйилган қизил галстугини ҳилпиратар эди.

Госпиталь бошлиғининг ижозатидан кейин санитар қизлардан бири Осьмухиннинг олдига аввал қизни олиб киришни таклиф қилди қани, ота-бола бир-бирини танийдами, йўқми? Бу таклифга бошқалар ҳам қўшилди ва Санитар қиз болани кўтариб кириб кетди. Сафар блан Коробко ҳам унинг кетидан юришди, булар бир брезент чодирнинг эшиги олдига етганда бояги қиз Сафар ва унинг шерикларига қараб:

— Сизлар шу ерда бир оз туратуриглар,— деди-да, ўзи тўрт томони ярим метрча ерга кўмилиб, ўртасидан труба чиқиб турган чодирга кириб кетди.

Чодирнинг ичида икки томонга учтадан қўйилган олти кроватъда қўллари, оёқлари, кўкраклари, бўйинлари, бошлари бинт блан ўралган одамлар ётишар эди. Буларнинг ба'зилари бир-бирлари блан гаплашиб, ба'зилари китоб, газета ўқиб ётадилар. Турдаги кроватъда бош ва буйни бинт блан ўралган бир киши чалқанча ётиб журнал ўқимоқда. Бу — капитан Осьмухин эди.

Санитар қиз болани ерга қўйдию ундан:

— Даданг қайси?— деб сўради.

Ҳамма ярадорлар бошларини кўтариб болага томон қарашди. Қизча ҳам уларни бир-бир кўздан кечирди.

Қизча яқинроқ бориб журнал ўқиб ётган кишига қараган эди, у одам ирғиб ўрнидан турдию ҳаяжон ичида баланд овоз блан:

— Ниночка!.. Қизгинам!.. Олтиним!..— деб қичқирди.

— Дада!— деганича қизча ҳам унга томон югурди ва ўзининг унинг қучоғига ташлади.

Осьмухин, кўзи тўла ёш, уни ўпар, бағрига босар, юзини юзига ишқар эди. Бу ногаҳони учрашувдан палатадаги бошқа ярадорлар ҳам ҳаяжонга тушиб, ота-боладан кўзларини олишмас эди. Санитар қиз бўлса тўхтовсиз кўз ёши тўкади. Бир неча минут давом этган ўпишув ва қучоқлашувдан кейин, Осьмухин қизидан:

— Бу ерга қанақа қилиб келиб қолдинг?— деб сўради.

— Сафар амаким олиб келдилар,— деб жавоб берди Нина.

— Сафар амакинг?— дедди Осьмухин ҳайрон бўлиб.

— Ҳа, Сафар амаким.

— Қани у?

— У кишипи мана бу опам киргани қўймадилар,— деди Нина отасига шикоятимиз юпқа лабларини чўччайтириб.

— Сафар шу ердами?— деб сўради Осьмухин санитар қиздан.

Санитар қиз қизчанинг отасига шикоят қилганига завқи келиб Сафарнинг нима учун ташқарида қолганлигини айтди, сўнгра чодирнинг эшиги олдига бориб уларни ҳам ичкарига таклиф қилди.

Осьмухин қизини қандоқ қарши олган бўлса Сафарни ҳам шундоқ меҳру муҳаббат блан қарши олди, уни қайта-қайта ўпди, қучоқлади, сўнгра икки қўлидан ушлаб туриб чин кўнгилдан ташаккур изҳор этти.

— Раҳмат, Сафар!.. Раҳмат, азиз биродарим!.. Раҳмат!.. Бу шундоқ бўлишига мен ишонар эдим... Яна бир марта раҳмат!..

— Арзимаиди, ўртоқ капитан... Арзимаиди...— деди Сафар ҳам ҳаяжонини босолмасдан,— ҳа, айтгандай, кечирасиз... Сизни янги унвон ва янги вазифа блан табриклайман.

— Раҳмат!— деди Осьмухин ва унинг кўзи Сафарнинг кўкрагига тушдию, халатининг ёқасини бир томонга тортиб, у ҳам Сафарни хушҳоллик блан табрик қилди:

— Бу орденлар, сержантлик унвони сенга ҳам қутлуқ бўлсин, азизим!

Сафар ҳам миннатдорлик изҳор қилди, сўнгра, Осьмухиннинг сўровига кўра, ўзининг бошдан кечирганларини сўзлаб берди. Осьмухин унга қайта-қайта миннатдорчилик изҳор қилди. Сўнгра қизига юзланди.

— Сен аллақачон пионер ҳам бўлибсан-ку?

— Ҳа, бу галстукни Сафар амаким бердилар,— деб жавоб берди қизча.

— Ҳа, Нина энди қишлоғимиздаги мактабнинг пионерлар отрядига а'зо,— деди Сафар ва бу галстукни қаердан олганлигини айтиб берди. Бу, Жўйбор қишлоғи мактабининг пионерлари Сафарни аскарликка узатганларида хотира учун бўйнига боғлаган галстук эди.

Сафар блан Осьмухин сўзлашаётган вақтда Нина отасидан:

— Онам қани?— деб сўради.

— Онангми?— деди Осьмухин. Унинг чеҳрасини андўҳпардаси қоплади. У, ўпкаси тўлиб, тупугини „қилт“ этиб ютди-да, бир оз жим қолди. Нинанинг онаси Осьмухин Сталинградга кел-

масдан бурун Сталинград трактор заводида ишлаб турган чоғида немисларнинг ҳаво ҳужумидан ҳалок бўлган эди.

— Онам мени соғиниб йиғлагандирлар? — деди Нина яна.

— Йўқ, онанг қаҳрамон... йиғламайди... — деди Осьмухин па-ришон бир ҳолда.

— Бўлмаса сен қаҳрамон эмас экансан-да, — деди Нина.

— Нега?

— Бўлмаса нега мени кўриб йиғладинг?

Осьмухинни ноқулай ҳолатда қолдирган қизнинг бу сўзига ҳамма завқ қилиб кулиб юборди.

— Рост айтасан, қизим... Мен ҳам энди йиғламайман...

Ташқаридан кимдир киргани ижозат сўраб, буларнинг сўзини бўлди.

Санитар қиз югуриб ташқарига чиқдию бир пастдан кейин қайтиб Сафарга:

— Сизни алоқачингиз қидириб келипти, — деди.

— Қани?

— Ташқарида.

— Майли, кирсин, Люба, — деди Осьмухин.

Чодирга Ермак кирди ва ҳаммага кўз югуртдию Сафар блан Коробкодан бошқа ҳарбий кийим кийган одам йўқлигини кўриб Сафарга мурожаат қилди:

— Ўртоқ старший сержант, — деди Ермак ва тутилиб қолиб, — кечирасиз, ўртоқ младший лейтенант, мурожаат қилишга ижозат беринг, — деди.

Сафар Ермакнинг кимга гапираётганини билмай аланглаб қолди.

— Кимга гапираётисан? — деди Сафар.

— Сизга, ўртоқ младший лейтенант, — деди Ермак ҳамон честь бериб туриб.

— Мастмисан, ҳуш'ёрмисан, — деди Сафар.

— Ҳуш'ёрман, ўртоқ младший лейтенант, — буйруқ солдат учун қонун. Ижозат беринг, аввало сизни янги унвон блан табрик қилай, — деди Ермак ва унга яқинроқ борди.

Бу хабарни эшитиб ҳамма Сафарни самимий равишда табрик қилди. Шундан кейин Ермак Сафарнинг қўлига унинг ўз юртидан келган хатни бердию батальон командирининг буйруғига мувофиқ бўлинмага бориши керак эканлигини айтди.

У сўзлар экан. Сафар, Осьмухиннинг хоҳишига кўра Зебидан келган хатни очиб кўз югуртирди, броқ хатнинг ярмига борганида ранги ўзгарди, қўллари қалтиради, ёрилган қалин лаблари учабошлади.

— Нима бўлди?.. Бирон гап бўптими? — деди Осьмухин тўсатдан кўзгалиб.

— Онам... — деди Сафар аранг. — қазо қилиптилар.

— А, онанг? Қачон, нима бўлиб?

— Шамоллаган эканлар.

Осьмухин Сафарни қўлидан ушлаб ёнига ўтқизди ва бир пас тасалли берганидан кейин ўзи ҳам ма'юс бўлиб деди:

— Бечора қампир... У ҳам шу касофат урушнинг қурбони бўлди... Мамлакатнинг ичкарасидаги одамлар ҳам биздан кам азоб чеккани йўқ... Етишмовчилик... Иссиқ-совуққа қарамасдан кечасию кундузи фронт ғамида қаттиқ меҳнат қилиш осон эмас... Биродарим Сафар, қўй, мунча хафа бўлма.. Энди бизнинг бўй-нимиздаги бурч шуки, онанинг хотирасини дилимизга жо қилиб, унинг учун ҳам халқимизнинг бошига мунча бадбахтликлар келтирган душмандан қаттиқроқ қасос олайлик... Шундай қасос оламизки...

Сафар капитан Осьмухиннинг сўзларига бошини қўйи солиб ма'юслик блан қулоқ солар эди. Бу сўзлар блан бирга Зебидан келган хатнинг охириги сатрлари ҳам сафарнинг тўсатдан мажрўҳ бўлган қалбига даво бағишлар эди. Зеби хатини шу сартлар блан тугатдан эди:

„Сиз, азизим, хотиржам бўлингки, бу ерда онангизнинг чироғи ҳечқачон ўчмайди, уни дўст ва вафодорингиз Зеби яна ҳам равшанроқ ёндиради...“

Тожиқчадан

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР таржимаси.

ҚОРА СЕЙТАЛЕЕВ

МЕҲНАТ ШАҲНИГА

I

— Янги уйинг, Юсуф оға, хўб шинам!
Сен бу элда, билишимча, бекўст-кам.
Боғингда сув шилдир-шилдир оқади,
Саман отинг кўрганларга ёқади.
Сенга омад келган бўлса эҳтимол,
Ё ҳунарни ишлатасан бемалол?
Ёки бойлик йўлларидан бирини —
Топдингми, айт, бобо, бунинг сирини?

Шодликларга тўлиб-тошган шер юрак,
Гўзалликда ўхшаши йўқ келинчак
Рўмол учи блан ёпиб лабини,
Чолга қараб, тамомлади гапини.
— Жон болам! — дер ота-юртнинг донгдори, —
Қўлимдадир бойлигимнинг асрори.
Меҳнат блан бахт келади чароғон,
Меҳнат қилсанг, ҳаёт яна фаровон.

II

Мурғак қалбга сингди яхши маслаҳат,
Кечалари уйқу билмас, бетоқат.
Тонготарнинг илк нурлари тушган чоқ,
Икки кўзи жавдирайди ярқироқ.
Далададир қуёш блан баробар,
Осмон олис, ер каттиқ деб, ким айтар?
Йўқ! Харсангдан қаттиқ унинг ҳар сўзи,
Кундан-кунга улғаймоқда қиз ўзи,
Азиз ерга она каби меҳрибон,

Болалардай илк боҳорга нигорон,
Юлдуз порлар кўкрагида — уфқда,
Шуҳрати бор халқ куйлаган қўшиқда,
Меҳнат блан қўлга кирди шараф-шон,
Меҳнат қилсанг, ҳаёт яна чароғон.

Энди унинг янги, шинам уйи бор,
Боғи салқин, дов-дарахт кўп мезазор.
Ўлка буйлаб донги кетган, бадавлат,
Меҳнат унга бахш этгандир фароғат.
Келинчакнинг қўлида кулган толи'
Келажакнинг олтин ҳусни мисоли.
Меҳнат блан кунлар ўтар беармон,
Меҳнат қилсанг, ҳаёт яна фаровон.

Туркманчадан
РАМЗ таржимаси.

БУЮҚ СТАЛИНГА РАҲМАТ

Т. САЙТМАМУТОВ



Шу'лаланган куним, юрагим Ватан,
Оқ сутингни эмиб камолга етдик.
Эришган ғалабанг қуёшдай равшан,
Ўқиб, билим олдик, давонлар ўтдик.

Еру-сувлик бўлдик, шодмиз мангуга,
Ўйимизга тўлди давлат-молимиз.
Ҳар одимни отдик зафар-енгуга,
Оламга тарқалди шуҳрат-шонимиз.

Колхозлашган Аму, Оролнинг бўйи,
Бўстонлар яралди, ҳаёт жуда соз.
Кундан-кун юксалди элнинг онг-ўйи,
Баҳордай яшнади юртим қишу-ёз.

Нонимиз бутундир, жонимиз омон,
Маҳкам белимизнинг кучи, дармони,
Ўрнатдик бахтли ва фаровон замон,
Кўнглида қолмади халқим армони!

Ўз эрки ўзида, озод бахтиёр,
Ўсишда душманни қолдирдик ҳайрон.
Ўн тўрт кунлик ойдай тўлиб, беғубор,
Чаманлар, боғларда кезамиз шодон.

Меҳрибон доҳимиз улуғ Сталин,
Бахт берди, куч берди юрамиз олға.
Энди жаҳон танир Қорақалпоқ халқин,
Коммуна байроғин тутганмиз қўлга.

Дилларда қайғу йўқ, ҳарнарсга тайёр,
Сталинча Қонун — бизга шараф шон.

Бу бахт, зафарларга жонимиз нисор,
Ватан бахти учун ким аяйди жон!

Тер тўксанг, қадрини топар меҳнатинг,
Достон бўлар қардош халқлар тилида.
Бахтингга нур берар ғайрат, ҳимматинг,
Одам қадрлидир совет элида.

Ватан, фарзандларинг ботир ва қувноқ,
Зафардан-зафарга ташлайди қадам.
Халқимиз ижодда мавж урган булоқ,
Яратар, ўстирар ва яшар хуррам!

Буюк рус оғамиз доим ёр бўлди,
Шонли Москвамиз бизга сочди нур.
Улуғ партиямиз мададкор бўлди,
Сталинча дўстлик — бизнинг куч, гурур.

Юраклардан сенга меҳр, садоқат,
Озод Ватан, яна юксал, жонажон.
Ленин — Сталинга мингларча раҳмат,
Бизларга бахш этди бахтиёр даврон!

ҚАРМИС ДЎСАНОВ

ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

Қандай гўзал ҳилпирайди
Тўлқинланиб Қизил Байроқ.
Олтинланиб ярқирайди
Байроқдаги болға-ўроқ.

Тўлқинланар.

Ёзги тонгдай —
Яллиғланиб юксалади.
У — енгилмас, голиб байроқ,
Нақ қуёшдай нур сочади.

Унинг гўзал тўлқинлари
Борган сари кирар кучга.
Унинг ёруғ шу'ласида
Одимлаймиз юксалишга!

Алвон-алвон тўлқинидан
Эшитилар зафар марши.
Қудратимиз тимсолидир
Юксакликда ҳилшираши.

Ҳар тўлқинда тоғдай ютуқ,
Минг ғалаба нишони бор.
Буни маҳкам тутган халқлар
Эркин, бахтли, ғолиб, донгдор.

Нурларидан ер юзига
Бахту роҳат сочилади.
У дўстларга ойдан, кундан,
Равшан, кенг йўл очилади.

У юксалса — дун'ёдаги
Меҳнат аҳли қувонади.
Кўзига нур, қалбига руҳ,
Ҳеч енгилмас куч олади.

У юксалса — кундан-кунга —
Сулув бўлиб отар ҳар тонг.
Меҳнат, ижод ва жангларда
Ғалабадан янграйди бонг.

У юксалса — тун ёришиб,
Уол-Стрит дир титрайди.
Одамхўрлар итдай ҳуриб,
Ўз этини ўзи ейди.

Қонхўр душман хураверсин,
Инсон энди бермас ҳақин.
Улар сўнги душманлардир,
Унинг гўри жуда яқин.

Балқи, юксал Қизил Байроқ,
Тўлқинларинг урсин долға.
Улуғ Сталин бизни бошлаб
Элтмоқдадир доим олға!

*Қорақалпоқдан
М. БОБОЕВ таржимаси.*

С. АБДУКАХҲОР

РЕСПУБЛИКА ЮРАГИ

Очерк

Тошкент тонготарин ажиб файзи бор,
Бунда ўн-ўн бешта гудок ҳар шаҳар
Олам қулоғига ўзбек халқининг
Пўлат қудратидан беради хабар.

Парклардан чиққан биринчи трамвайлар шаҳар кўчаларида пайдо бўлган илк йўловчиларни — меҳнат қучоғига олиб кетмоқда. Коммунизм чироғлари — Ильич чироғлари ёритган кенг, тўғри, сердарахт асфальт кўчаларда машиналар қатнови бошланди. Революция скверигади радио карнайида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Давлат Гимни жаранглайди. Шаҳар уйқудан уйғонмоқда...

Тошкентда ҳечқачон ҳаёт бир дақиқа бўлса ҳам тўхтаб қолмайди! Туни бўйи гигант завод ва фабрикаларнинг, корхона ва комбинатларнинг улкан ойналарида чироғ ўчмайди. Чунки Тошкент газлама тўқимоқда, машиналар ишлаб чиқармоқда, баракали катта дастурхон учун нон ёпмоқда, газеталарнинг янги сонларини босиб чиқармоқда, ёритучи, иситучи, қувват беручи электр энергияси ишламоқда. Ўзбек бастакори ҳаётбахш кантантасини тугатмоқда. Шоирга олам-олам илҳом бахш этган Тошкент тонготари оппоқ қоғоз устига ажойиб мисра' бўлиб оқмоқда:

Шудир шаҳарларнинг кўрки, обрўйи
Улуғ ер куррасин шарқий қисмида.
Муҳташам кўринар ҳукумат уйи
Пойтахт аталур Тошкент исмида.

Худди шу паллада пойтахт дарвозаларида ҳаёт яна ҳам тўла қон блан жўш урмоқда. Москвадан келаётган поезд кичик бир станцияда фақат икки минут тўхтаб, яна жадал йўлга тушди. Тонг чоғи бўлишига қарамай, ҳамма уйғоқ, поезд Тошкентга яқинлашмоқда. Йўловчилар ўртасида бирнеча кундан бери давом этаётган „Тошкентга яна қанча йўл бор?“ деган мавзудаги баҳслар ҳам тугади. Вагонлардаги тошкентлилар ва шаҳарга биринчи марта келаётган йўловчилар поезднинг перронга келиб

тўхташгани ҳаяжон ва сабрсизлик блан кутадилар. Бундай пассажир поездлар Тошкентга деярлик ҳар куни Ашхободдан, Сталинободдан, Олмаотадан, Фрунзедан, Красноводскдан келиб кирадилар. Республика юрагига бепоён мамлакатимизнинг ҳар томонидан қон томири каби темир йўллар келиб туташади.

Товар станциясида бўлса Тошкент корхоналари учун Ўролдан келтирилган техника жиҳозлари, Сибирьнинг ёғоч ва тахталари, Сталинград тракторлари, Горький, Москванинг автомашиналари... туширилмоқда. Мана катта „пульман“ вагонидан Москванинг „Фрезер“ заводида чиқарилган станоклар авайлаб ерга олинаётир. Бу станокларда пахта теручи машиналарнинг қисмлари ишланади. Ҳу, анави 13-нчи линияда Оҳангарон кўмири қабул қилинмоқда.

Қизғич, нимкўк, сарғич чироқлари юлдуздай порлаган аэроплан Тошкент аэропортига кўнди. У сеvimли Москвадан Ўзбекистонга меҳмонлар олиб келди. Мана қуёшнинг тўнғич нурлари шаҳар устидан оҳиста учиб ўтган иккинчи аэропланнынг пулат қанотларига инди. Буниси Қорқалпоғистон ва Хоразм воҳасидан пойтахтга бир гуруҳ колхозчи, хўжалик ходимлари, корхона ва муассасаларнинг вакиллари олиб келди.

Бу ердан юзлаб мутахассислар, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлигининг Фарғона водиси, узоқ Сурхондар'ё области, Хоразм воҳасига тайинланган агрономлари, йўловчи-гражданлар жўнаб кетадилар.

Совет Ватанимизнинг қалби — Москва, каҳрамон Ленин шаҳари, қорли Ёқутистон ва Узоқ Шарққа жануб боғларининг рангоранг нози-не'матлари — узум, анжир, анор ортилган аэропланлар ердан кўтарилади. Пулат йўллардан республиканинг барча томонига — область, районларга, колхоз қишлоқларига қишлоқ хўжалик машина ва асбоб-ускуналари, китоб-дафтар, дори-дармон ҳамда кўп хил бошқа буюмлар ортилган составлар жўнайди.

Мана бу ерда, меҳнаткашлар саломатлигининг кўриқчиси — пойтахт шифохонасида ҳам тўнлари чироғ ёниқ. Профессорлар врачлар, тиббий ҳамширалар бемор кровати ёнида меҳнат ваҳтасида туриштипти. Нариги хонадан чақалоқ овози эшитилди. Бу — Адолатхоланинг бугун туққан ўнинчи фарзанди — Тошкентнинг янги граждани...

Шаҳар кўчаларида эрталабки салкин, серзавқ дамда ўқучилар мактабларга ошиқадилар Илм-ма'рифат ўчоғи, олий ўқув юрти эшиклариди бўлажак олимлар, инженерлар, докторлар пайдо бўлабошлайди. Шаҳарнинг энг ҳурматли кишилари — ишчилар, олимлар, хизматчилар ўз хизмат ўринларига ошиқмоқдалар...

Тошкент ўзининг забардаст, салмоқли меҳнат кунини бошлади.

Қуёшли Ўзбекистоннинг пойтахти — Тошкент йирик саноат шаҳридир. Ҳозирги Тошкент майда рўзғор буюмларидан тортиб, энг мураккаб ва йирик машина ҳамда станокларгача ясайди. Тошкент мамлакатга кўплаб қишлоқ хўжалик ва тўқимачилик машиналари, экскаваторлар, электр кабели, газлама, оёқ кийими,

электр лампалари, шахта ускуналари бермоқда. Буларда „Тошкентда ясалган“ деган марка бор!

...Пойтахт ўзининг саноат корхоналаридаги меҳнат илғорлари бешйиллик қаҳрамонлари билан фахрланади. Тошкентнинг энг гўзал ойнадай текис ва беғубор ҳусндор ва серқатнов жойи бўлган Карл Маркс кўчасидаги шаҳар „Ҳурмат Тахта“си э‘тиборингизни ўзига тортади. Ҳозир мрамаридан ясалган бу шараф китобида пойтахт корхоналаридаги илғор новатор ишчиларнинг номлари олтин суви билан ёзилган. Пойтахтчиларнинг ҳаммаси Тошкент темириўл бўлимида ишловчи Ф. Дўсматов, Сталин номли тўқимачилик комбинатининг илғор ишчиларидан Т. Ёрмуҳамедова, М. С. Шербакова, „Қизил тонг“ фабрикасининг стахановчиларидан М. Хўжаева, З. Назарова электрокабель заводидаги А. П. Орлов, А. С. Филатов каби донгдорларнинг номларини ҳурмат тахтасида кўриб фахрландилар.

Шуҳрати бутун республикага ёйилган ёш ишчи Б. Вайсфельдни ким билмайди дейсиз? Бу камтар, меҳнатсевар қиз янги бешйиллик ичида 13 йиллик нормани бажариб қўйди! Бу „13“ рақами замирида халққа бениҳоя садоқат, фидокорлик, совет ёшларига хос олийжаноб ватанпарварлик фазилатлари мужассамдир!

Шу фабриканинг стахановчиси У. Раҳматуллаев Москвада илғор ишчилардан ўрнатқан олиб хомаш’ёни тежаб сарфлаш ва а’ло сифатли маҳсулот ишлабчиқаруви бригадани номини олиш учун қўрашнинг ташаббускори бўлди. Унинг олижаноб ташаббуси бутун республикага ёйилди. Биргина шу фабриканинг ўзида 62 бригада ва 891 киши Раҳматуллаев усули билан ишламоқда. Фабрика коллективининг сўнгги 10 ой ичида 2,4 миллион сўм маблағ тежаганининг бовси ҳам шу!

Пойтахтнинг кўркем хиёбонларидан ўтиб келган трамвай ёки автобус сизни „Социалистик шаҳарча“га келтириб қўяди. Худди мана шу ерда бундан росо 20 йил муқаддам Тўқимачилик комбинатининг бўлғуси муҳташам биносига биринчи ғишт қўйилган эди. Ҳозир пойтахтнинг бу қисмида гўзал социалистик шаҳарча пайдо бўлди. Шу шаҳарчада Вера Кривоносова деган қиз туради. В-ра оддий совет қизи, у Улуғ Ватан уруши йилларида ФЭТ мактабини битириб, комбинатга кирди. Ўз ихтисосини ошириш, ишлабчиқариш маданиятини тўла эгаллаш учун фидокорона меҳнат қилди. Унинг бевосита ижодий ташаббуси билан машиналарни ҳар икки томондан юриб кузатишнинг янги, вақтни тежайдиган маршрути қўллана бошланди. Бу ҳарбир тўқуғича нормадаги 600 ўрнига 800 урчуқ ишлаш имкониятини берди.

Вера узилган икки улаш вақтини 4,2 секунддан 2,9 секундга камайтирди. Машиналарнинг ишлаш тезлигини шу йўл билан ошириб, ҳар куни пландан ташқари 20 килограммдан ортиқроқ ип ишлаб бера бошлади. Вера Кривоносова ишлаб бераётган маҳсулотнинг 99,9 проценти а’ло нав’га қабул қилинмоқда. Комбинатда Эмма Андреева бошлқ бригадани катта ижодий муваффақиятларга эришди. Бригада бешйиллик тошшириқни муддатидан

олдин адо этиб, тайёр маҳсулонинг 98 процентини а'ло нав'га топширди. Бригада бошлиғи Андреевнинг ўзи бешйиллик плани 3 йилу 4 ойда бажарди. Ҳозир у 60 станокда хизмат қилаётир.

Сталин номли тўқимачилик комбинатининг гўзал ва чидамли газламалари меҳнаткашларни беҳад қувонтирмоқда. Лампа заводининг маҳсулоти Сибирь, Ўрол ва қардош республикаларнинг шаҳар-қишлоқларида исте'мол қилинади. Шу ерда ишланадиган пахта теручи машиналар олти республиканинг далаларида пахта термоқда. Бизнинг кабелимиз гигант Днепрогэсда фойдаланилди. Тошкентда ясалган машиналар Донбасс шахталарини қайта тиклашда катта кўмак берди. Улуғ Октябрь Социалистик революциясига қадар саноат маҳсулоти деярлик ташқарига олиб чиқилмаган Тошкент корхоналарининг ялғи маҳсулоти революцияга қадар бўлган даврдан бирнеча ўн марта ошиб кетди.

Гўзал Тошкент шақлан миллий, мазмунан социалистик маданиятнинг маркази бўлиб қолди. Улуғ Октябрь революциясига қадар Тошкентда жам'и бўлиб бир синфли ўқув юрти ва эски диний мактабларни ҳам қўшганда атиги 15 ўқув юрти бор эди. Ҳозир эса пойтахтдаги 16 та олий ўқув юртида, 35 техникумда, 123 мактабда юз минглаб ўқучи ва студентлар илм олмоқдалар. Марксизм-ленинизмнинг голиб идеялари хазиналаридан баҳраманд бўлмоқдалар. Бу илм ўчоғидан чиққан ёш совет мутахассислари ома-Ватанимизнинг шон-шухрати, янада гуллаб-яшнаши ва равнақи учун фидокорона меҳнатга жон фидо қилганлар. Совет ҳокимияти йилларида Тошкентда ўқиб, камолга етган минглаб ўзбек хотин-қизлари блан халқимиз фахрланади.

Пойтахт сталинча бешйилликлар ичида яна ҳам гўзал ва улуғвор тусга кирди. Сиз унинг кўчаларига бир назар ташланг. Буюк Октябрь туфайли ўз қиёфасини таниб бўлмас даражада ўзгартган республикаимиз пойтахти — социалистик янги Тошкент бугун нақадар гўзал ва обод! Шаҳарнинг ифтихори бўлган Навоий кўчаси кун сайин безанмоқда. Бу кўчада кечагина беш қаватли бинога охириги гишт қўйилди. Бундай серҳашам бинолар Ленин, Карл Маркс, Сталин, Шота Руставели кўчаларида қад кўтармоқда.

Тошкентнинг булоқдай жўш урган ери —
Ленин ва Сталин номли кўчалар
Бу ерда кундузи Москва бўлса,
Худда Ленинград ойдн кечалар —

деб кўйлайди шоиримиз. Пойтахтда баҳаво, шинам ва ойнадек силлиқ асфальт блан ўралган кенг Театр майдони барпо бўлди. Бу ердаги манзара беручи дарахтлар, жозибалор гулзорлар кишининг ҳавасини келтиради. Бундаги муҳт-шам янги театр биноси — шаҳримизнинг кўрки, ўзбек халқининг қудрати, социалистик сан'атимизнинг кўркем қасри, обидасидир...

Қуёшли республикамизда баҳор нафаси кезади. Қиши блан ёққан қор ва ёмғирнинг нами ҳали ердан кўтарилмаган. Дарахтлар куртак ёзмоққа муштоқ. Баракали колхоз ерлари ҳамирдек кўпчиб ётибди. Худди шундай кунларнинг бирида Ўзбекистоннинг колхоз далаларидан пахта усталари — орденли пахтакорлар, кўкрагида „Ўроқ ва болға“ олтин медали порлаб турган Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Тошкентга — пахтакорларнинг бешинчи қурултойига келдилар.

Улар пойтахтда Алишер Навоий номли ўзбек давлат опера ва балет театрининг кенг ҳашаматли залига тўпландилар. Катта давлат вазифаларини ҳал қилучи бундай тарихий йиғилишлар, барча меҳнат ва ғалаба байрамларимизнинг тантанали мажлислари шу бивода ўтади...

Бу серҳашам бинонинг қурилиши, (1940 йил 1 сентябрьда қурилабошлаган) унинг ғўзаллиги ва жозибadorлиги, мураккаб архитектура нақшлари ва нафис безаклари рус ва ўзбек усталарининг ёрқин ижодий ҳамкорлигини намойиш қилди. Бу муҳташам сан'ат қасри лойиҳасининг автори—Москвадаги Қозон вокзали, гигант „Москва“ меҳмонхонаси, Тбилисидаги машҳур Маркс—Энгельс—Ленин институти биноси лойиҳасини тузиб берган академик А. Н. Шусевдир. Ўтмишда „пиён-бозор“ деб аталган ташландиқ жойда қад кўтарган бу бино блан кўчалар ўртасидаги кенг гулзор, соя беручи жуда кўплаб дарахтлар, яшил пойандоз каби майсазор майдон ҳуснига-ҳусн қўшади. Бу ерга яна 250 ханали янги меҳмонхона биноси қуриш мўлжалланган.

Ўзбек халқ ижодиятининг ва сан'атининг йирик намоёндалари тажрибакор халқ усталари бинонинг безак ишларини бажардилар. Булар ўзбек нақши ва ўймакорлигининг нодир усталаридир. Сиз театرنинг Бухоро залига кирганингизда девор ва шиплардаги ойналар устига ишланган нақшларни оддий сўз блан ифодалаш мушкул. Залнинг безак ишларини Ўзбекистон ССР Фаоллар академиясининг фахрий а'зоси Уста Ширин Муродов бажарган. Ҳозгон мarmари блан безатилган Самарқанд залини Уста Қули Жалилов безатган. Термиз, Хева, Фарғона заллари бир-биридан ғўзал ва жозибador...

Тошкент залидаги ёғочга ишланган ўймакорлик нақшларининг ҳар бирига Ўзбекистон ССР халқ рассоми Тошпўлат Асланқулов кўп йиллик тажриба ва ҳалол пешона терини сингдирган.

Театрнинг марказий ёритиш люстраси (қандил) хрустальдан ясалган 132 ёритиш вуктасига эга. Унинг устки яруси 4,5 метр, бўйи 3 метр бўлиб, 11 киловатт электр қуввати исте'мол қилади.

Театр биноси учун академик А. В. Шусев, Уста Ширин Муродов, рассом Т. Асланқулов, Уста Қули Жалилов, А. Болтаев, Ч. Аҳмаров, Б. Жўраев ва Ж. Жўраев ўртоқларга Сталин мукофоти берилди.

Ўзбек тамошабинлари бу бино рус классик операсининг ажойиб намуналари—„Евгений Онегин“, „Пиковая Дама“ опералари-

ни, „Тоҳир ва Зухра“, „Бўрон“, „Гулсара“ каби ўзбек миллий операларини завқ блан тинглайдилар.

Ҳозир пойтахтда 7 театр, ўнлаб кино-театр, кўплаб кутубхоналар меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатмоқда. Республиканинг илмлар штаби—Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва унинг 40 га яқин илмий-текшириш институтлари ва лабораториялари халқ хизматида.

Тошкент—илғор совет пахтачилик илмининг дун'ёда энг йирик марказига айланди. Совет пахталарининг С—460, 35—1, 103—фянги нав'ларини топганлари учун тошкентли олимлар С. С. Канаш, А. И. Автономов ва Л. В. Румшевич Сталин мукофотига сазовор бўлдилар.

Совет пахта нав'лари толасининг узунлиги ва нафислиги блан оламга машҳур. Ба'зи агрономлар Ўзбекистонда ингичка толали пахталарни ўстириб бўлмайди, бу нав'нинг ўсиб ривожланиши учун иссиқлик етмайди деб да'во қилган эдилар. Бу да'вони пучга чиқарган совет олимларидан бири тошкентли А. И. Автономовдир.

1933 йилда Ўзбекистонда 35—1, 1934 йилда Туркменистонда 2—6—3 ва 1936 йилда Тожикистонда 23 нав'ли ингичка толали совет пахталари пайдо бўлди. Лекин 1938 йилда бу нав' пахталар фузариоз вилът касали блан оғриб, ҳосили камайди, толасининг сифати ёмонлашди. Совет селекциячилари ингичка толали совет пахталарининг ана шу касалга чидамли янги нав'ларини топиш устида ишлаб, порлоқ натижаларга эришдилар. Бу янги нав'ларининг автори—исте'додли олим, талантли селекциячи Анатолий Иванович Автономов эди.

Янги Тошкент кишилари ана шундай ижодий меҳнат блан шон-шараф топмоқдалар.

Бу шаҳарда академик ёзучилар М. Ойбек ва Ғафур Ғулум ўзларининг энг яхши асарларини яратдиларки, бу асарлар кенг ўқучилар оммасига манзур бўлди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти Т. Саримсоқов медицина фанлари доктори профессор Зулфия Умидова. СССР халқ артисти Сталин мукофотининг лауреати Ҳалима Носирова, Аброр Ҳидоятлов, СССР Олий Советининг депутаты, Сталин мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР халқ артисти Сора Эшонтўраева шу ерда илм олди, ўсиб улғайди ва камолга етди.

...Ватанда янграса Ҳалима саси
Гулзорда булбулнинг келар ҳаваси
Сора Офелия дардини баён —
Қилганда қолади Шекспир ҳайрон
Тамара саҳнада қушдай учади,
Гўё гўзал товус ўйнаб кучади...*

Шонли Ленин—Сталин партиясининг миллий сиёсати туфайли, ўзбек халқи ўз она тилида ўқиш ва ёзиш ҳуқуқига эга бўлди. Тошкентдаги Ўзбекистон Давлат нашириёти биргина Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек тилида 44 миллион нусхада китоб

босиб чиқарди. Ўзбекистондаги барча олий ўқув юртлари ва мактаблар учун дарсликлар ҳам шу ерда нашр этилади. Ўзбекистон Давлат нашриёти ўзбек тилида марксизм-ленинизм классикларининг 12 номдаги асарларини, 21 номда оммавий-сиёсий, 56 номда қишлоқ хўжалиги, 38 номда илмий-техника ва маданият мавзуларида ёзилган китобларни босиб чиқарди. Шунингдек ҳар йили бирнеча унлаб номда бадий асарлар, рус ва жаҳон адабиёти классикларининг китоблари кенг ўқучилар оммасига тақдим этилади. Буерда 1925—1949 йиллар мобайнида 24 минг 374 номда китоблар нашр этилди.

Шаҳар марказидаги Алишер Навоий номли ҳалқ кутубхонасининг кенг ўқув заллари ҳаммавақт китобхонлар блан тўла. „Марксизм-ленинизм асослари кабинети...“ Хонадаги қатор-қатор, ой-наволик шкафлардаги қалин китоблар эʼтиборингизни тортади. Китобхонлар миллионлаб кишиларни каттакон ҳаёт йўлига бошлаб чиққан доҳи Ленин ва Сталиннинг томларини эҳтиром ва ҳаяжон блан қўлга оладилар.

Бадий адабиёт ўқиш залида бир студент қиз блан учрашдик. У, ўқиб ўлтирган китобини бизга узатди ва қуйидаги сатрларни кўрсатди: „Агарда сиз черковлари мана шунча, ўқув юртлари йўқ, кутубхоналари йўқ, қамоқхонаси битта бўлган шаҳарга тушиб қолсангиз, ҳеч адашмай ўзинигизни Тошкент шаҳрининг қоқ ўртасида турибман деяберинг...“ Бу улуғ рус сатириги Салтиков Шедриннинг сатрлари...

Биз бу сатрларни ўқир эканмиз, тошкентли студент қизнинг юзида чинакам бахт кулгуси, ғурур ва шодлик барқ урганини сезиб турдик. Унга китобдаги Тошкент таниш эмас. Чиндан ҳам, эски Тошкент ва унинг ўтмишини энди биз ана шундай китоблардангина ўқиб билаоламиз. Севикли Совет ҳукумати, шонли Ленин—Сталин партияси, улуғ доҳимиз Сталин раҳбарлиги ва ғамхўрлиги блан биз Тошкент қиёфасини таниб бўлмас ва ўтмишга сра таққослаб бўлмас даражада ўзгартиб юбордик.

Тошкент бағридаги тарихий биноларга ўрнатилган мемориал мармар лавҳалар, Ўрта Осиёда революция бешиги бўлган пойтахтимизнинг шонли революцион йилларидан бугунги ва келажак авлодларга дарак беради. Пойтахтимизда доҳиларимиз Ленин ва Сталиннинг содиқ сафдошлари ва шогирдлари — М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Л. М. Каганович халқимизнинг озодлик учун курашига раҳбарлик қилганлар.

Халқимиз 50 йиллик тўйини ўтказишга тайёрланаётган Л. М. Каганович номли паровоз-ремонт заводи Тошкентнинг фахридир. Чунки:

„Каганович аталган „Қизил Шарқ“имиз
Тошкент пролетарин она бешиги.
Бетинчи йилдаёқ ўзбек халқининг
Ичкилоб йўлига кирган эшиги“.

Шаҳар халқи бахтиёр ва фаровон ҳаёт кечирмоқда. Эски шаҳар блан янги шаҳар ўртасидаги фарқ аллақачон битган. Тош-

кент мамлакатимизнинг обод ва яшнаган шаҳарларидан бирига айланмоқда. Ажойиб хиёбонлар, гўзал кўчалар, кўллар, соҳиллар, шинам майдонлар—шаҳарнинг ҳуснига-ҳусни қўшди. Ҳозир пойтахтда 700 минг квадрат метрдан ортиқ кўча ва тротуарларга асфальт ётқизилган. Бу йўлларда троллейбус, енгил такси машиналари, трамвайлар қатнамоқда.

Республикаимиз юраги—Тошкентнинг истиқболи янада порлоқ ва нурли. Тошкент—қуёш ва баҳор шаҳри, у—пахтачилик, ипакчилик, боғчачилик юрти. Совет Социалистик республикаимизнинг 25 йиллиги кунларида Тошкентнинг чорак аср ичида эришган оламшумул ютуқларида—кечаги курашимиз, бугунги ғалабаларимизнинг мевалари, порлоқ келажакнинг нурли йўллари кўри-ниб турибди.

Яқин йиллар ичида гўзал пойтахтимизнинг ҳусни яна янги қурилишлар билан бойийди. Республика сан'ат музейи, Ленин орденли Ҳамза номидаги Ўзбек академик драм театри, физкультура институти бинолари қурилади. Ҳукумат Уйи қад кўтаради. Автомобиль йиғиш заводи қурилиб, ишга туширилади. Республика миқ'ёсидаги катта стадион пойтахт спортчиларига хизмат қилажак. Режа ва планларимиз мўл, улар ҳаётий ва реалдир.

...Тошкент ижодий меҳнат пафоси билан нафас олмоқда! Совет Социалистик Ўзбекистонининг пўлат юраги Шарқдаги социализм маш'али—Тошкентнинг истиқболи порлоқ!

М. БОБОЕВ

НУР ШАҲРИ

Очерк

Сафар ГЭСга кириладиган айланма зиналардан тушиб бораётганида Бекобод ёқдан бирин-кетин янграган гудокларнинг овозини эшитди. У, қўлидаги соатига қаради. Соат 7 ярим. Тонг оқарганига қарамасдан, ГЭСнинг йўғон-йўғон турбиналари жойлашган чуқурлик ҳали ғира-шира эди. Пастда, кўприк устларида, тўғон атрофларида ва қоровул буткалари олдида электр чироқлари чарақлаб ёниб турибди. Қурилиш материаллари — ёғочлар, қумлар устида қиров ялтирайди.

ГЭС бивосига кириши блан Сафарнинг димоғига бир таниш ис урилди. Билинар-билинемас бу ис Сафарга, бир ҳафтача бу ерга келмагани учунми, бугун яна кучлироқ сезилди. Бу ис негадир унга жуда ёқади, танини яйратиб, томирларидаги қонини қаттиқроқ ҳаракатга келтиргандек бўлади. У йўлакдаги катта ойна олдида костюмини тузатгач, мрамар зиналардан юқорига кўтарилди ва тез юрганича машина залига кириб борди. Регулятор ёнидаги кичкина столда навбатчи инженер Одилов ўтирар эди.

— Салом, ўртоқ Одилов!

— Салом, салом! Келдингизми, ўртоқ Жиянов?—деди кулиб инженер ва Сафарнинг қўлини олиб қаттиқ силтади

Ўртадаги машиналардан бирининг олдида турган машинист Холмат ҳам Сафарни кўриши блан югуриб келди.

Буларнинг кўришганини четдан кўрган одам бу икки ўртоқнинг бир-бири блан кўришмаганига бир неча йил бўлган бўлса керак, деб ўйлаши мумкин эди. Ваҳоланки уларнинг бир-бирини кўрмаганига бир ҳафтагина бўлган эди. Булар Фарҳод ГЭС қурилишига бирга келган, ГЭСни бирга қурган ва бунда ҳунар ўрганиб, ГЭС машинисти бўлиб қолишган. Сафар бир ҳафта жавоб олиб, ўз қишлоғига—Асакага кетган эди.

Сафар дўстининг авзойига меҳрибонлик блан назар солди. Унинг кўзига Холмат анча чарчагандай кўринди.

— Жуда чарчабсан-а, ўртоқ?—деди Холматнинг елкасига қоқиб Сафар.

— Йўқ, чарчаганим йўқ,—деди ўзини дадил тутиб Холмат,—ўтган кеча имтиҳонга тайёрланаман деб узоқ ўлтириб қолибман. Уша куни комсомол йиғилишидан кечроқ қайтган эдим. Бир вақт қарасам соат 5 бўлибди. Ётсам уйқим келмади. Тонгга яқин кўзим илинган экан, уйғотишди. Туриб келавердим.

Сафар дўстининг бу сўзларини эшитди эмас, ҳис этди. Бир касбдаги кишилар ўз ишларининг завқини, роҳатини ва қийинликларини, бошқалардан кўра ўзлари чуқурроқ тушинадилар. Бир сўз блан дунёча ма'но уқадилар. Сафар ҳам, бундай уйқусиз кечаларнинг жуда кўпини ўтказган. Айниқса бундан олтинетти ой илгари, баҳорда, старший машинист унвонини олиш учун имтиҳонга тайёрланган кезларида ўзи ҳам ҳафталар тўйиб ухламаган эди. Ўзбекистонда энг улуг иншоотлардан бири ҳисобланган ва Иттифоқимизда ма'лум ва машҳур бўлган бу ажойиб Фарҳод гидроэлектростанциясининг старший машинисти бўлиш порлоқ бахт бўлиб кўринган эди. У бунга эришди. Ўз ҳунарини ниҳоят севганидан, у жуда берилиб ишлайди. Бундаги ҳарбир мураккаб машина ва уларнинг катта-кичик деталлари унга жуда ёқимли кўринар, улардан тинмай чиқиб турган овоз музиканинг роҳатбахш оҳангидай туйилар эди. Сафар ўз ўртоғини ҳам ана шундай деб билар эди. Шунинг учун у Холматни ортиқча сўроққа тутмай, секингина деди:

— Бориб энди дам ол. Ҳечқандай авария бўлгани йўқми? Ҳамма нарса жойидами?

— Менинг сменамда авария бўлиши мумкин эмас. Ҳаммаси жойида!—деди жиддий қиёфада Холмат.

Навбатчи инженер Одилов соатига қараб ўрнидан турди ва автомат ручкасини кўкрак чўнтагига тиқиб, Сафарга деди:

— Ўртоқ Жиянов, зални қабул қилиб олинг, соат 10 минути кам саккиз.

— Ҳўп бўлади,—деди Сафар.

— Риданов келса—деди кетатуриб Одилов,—мен Калановнинг кабинетида бўламан.

Сафар ГЭСни қабул қилиб олишга киришди...

Машиналар зали. Ниҳоят даражада катта ва кенг. Бу бошидан у бошигача тартиб блан ўрнатилган катта ва кичик машиналарга тўла муҳташам бино. Шифтининг баландлигига қарасангиз дўппингиз тушади. Залдаги машиналарнинг юқори қисмигина кўринади. Сафар ўзининг чаққон юриши блан ҳарбир машинанинг ёнида бир нафас туриб, иккинчисига ўтар эди. Машиналарнинг ба'зилари тўрт томонидан пўлат девор блан ўралган. Сафар нариги бошдаги бир машинанинг эшигини очди, бир паст қараб тургач, яна ёпиб зинадан бинонинг пастки қаватларига тушиб, кўздан қўқолди.

Холмат келиб столга ўтирди. Унинг кўзи гувиллаб юриб турган машиналарда. Уларнинг усти ёпиқ бўлса ҳам, лекин ичидаги ҳарбир винтнинг қандай ишлаётганини у кўриб тургандай эди.

Аммо унинг бошида имтиҳон сўроқлари ва порлоқ орзулар. „Ўзбекистон 25 йиллиги олдидан старший машинист унвонини олсам, қандай яхши бўлар эди?..“

Регулятор олдидан Сафар пайдо бўлди. У, пастки қаватлардаги машиналарни ҳам текшириб чиққан эди.

— Ҳаммасини қабул қилиб олдим. Бор энди дамингни ол, ўр тоқжон. Холмат Сафар блан хайрлашиб ГЭСдан чиқиб кетди.

Сафарни бир кўрган киши сра эсдан чиқармайди. Энди 22 ёшга кирган ўрта бўйли, қорачадан келган бу йигитнинг ўзига ярашган чиройли қиёфаси бор. Қора қошлари, катта-катта кўзлари ва бароқ сочларига кишининг узоқ қараб тургиси келади. У, жуда чаққон, серғайрат, бир нафас тиним билмайдиган, зехни тез йигит. У, машиналар тўла кенг зални завқ блан кўздан кечирмоқда! Сафар бунда ўзини жуда бахтиёр ҳис этади. Шундай улугвор ГЭСнинг старший машинисти бўлиш унинг учун катта бахт. Улуғ доҳи Сталиннинг топшириғи блан қурилган ва Ўзбекистоннинг шон-шарафи бўлган катта иншоот! Ўзининг қурилиш тарихи, минг-минг одамларнинг меҳнати ва ажойиб совет техникасининг қучи блан бино қилинган бу иншоот республикада кейинги йилларда яратилган қурилишларнинг энг улугидир. Халқ, партия ва ҳукумат унга ишониб шу шарафли вазифани топширган. Шунинг учун ҳам у, мураккаб ва хилма-хил машиналарнинг бутун детальларини, сон-саноқсиз винтларини зехн блан ўрганди. Мана энди шу ерда туриб, Ўзбекистоннинг саноат шаҳарларига, республика пойтахти Тошкентга, ҳатто қардош Тожикистон шаҳарларига электр қуввати бермоқда. Мана ҳозир, шу минутнинг ўзида, узоқдаги ўнлаб фабрика ва заводларнинг минглаб станоклари гуриллаб ишлаб турибди. Йўғон симлардан оқаётган нур—ўнлаб шаҳар, қишлоқларга ёруғлик ва файз бериб, миллион-миллион хоналарни обод ва иссиқ қилмоқда. Мана шуларни уйлаган сари Сафар ўз ҳунари блан фахрланар ва жуда хурсанд бўлиб кетарди. Шундай ҳолларда унинг юрагида зўр муҳаббат ҳисси қайнайди. Бу муҳаббат унга шу олийжаноб ҳунарни ўргатган бир кишининг оталик ва устозлик меҳри эди. Сафар ўша содда ва камтарин кишидан ўзининг самимий миннатдор эканини чуқур ҳис этади. Бу киши унинг сеvimли устози, ГЭС машина цехининг начальниги Андрей Матвеевич Риданов.

Шу пайтда регулятордан чиқабошлаган ғайри-табиий овоз Сафарнинг хаёлини бўлди. У ирғиб ўрнидан турди. Унинг димоғига машинадан чиққан ёт бир ис келиб урилди. Югуриб бориб, регуляторнинг эшигини очди. Шошилиб, бир кичкина винтни буради-да, нариги чеккадаги машинага югуриб кетди. Яна қайтиб регуляторнинг эшигини очди.

— Машинанинг бир ери бузулганга ўхшайди!.. Сафар ялт этиб орқасига қаради. Стол ёнида Риданов турар эди. Бу ғайри-табиий ис тажрибакор устанинг ҳам димоғига залга кириши бланок урилган эди.

— Салом, Андрей Матвеевич. Ҳа, мана бу.. винт сал бўшаб кетибди. Риданов Сафарнинг орқасидан келиб, унинг қўл ҳара-

катларини кузатди. У бир қарашлаёқ машинанинг қаери лат еганини дарров пайқаб олган эди. Бир паст ўтгач, ҳалиги ёт ис йўқолиб, машинадан бир хилда, бир вазила майин овоз чиқабошлади. Сафар регуляторнинг эшигини ёпиб устози блан қўл олиб сўрашди. Риданов бу ёш шогирдининг уқувига қойил бўлса-да, аммо кўпроқ тавбиҳ бериб туришни фойдали билар эди.

— Қишлоқда беш-олти кун юриб, машинанинг овози қулоғинга бегона бўлиб қолганга ўхшайди?

— Йўқ, Андрей Матвеевич, вақтида пайқаганман...

— Вақтида пайқаганинг шуми? Винт учиб кетишига сал қолибди. Сафар бошқа гап қайтармади. Қўлида тутиб турган мойли латта блан бармоқларини артди. Риданов машиналарни бир-бир айланиб чиқди-да, битта-битта қадам ташлаб монтажчиларнинг ёнига кетди.

Баланддаги ойнаклардан зал деворига қуёш шу'ласи тушди. Машина залида энди одам кўпайиб қолган эди. Монтажчилар энг чеккадаги машинани қайтадан монтаж қилмоқда. Электромонтёрлар, ўртадаги машина парраги ўрнида, ҳовзага ўхшаб қолган катта доира атрофида тизилишиб туришган эди.

Сафар девор тагидаги кичкина бир машинанинг олдига бориб тўхтади. Қатор тугмалар тагида турли ёзувлар, рақамлар бор эди. Сафар турбиналардан тушаётган сув миқдорини айтиб беручи кўрсаткичга қаради. Машина сувнинг тўғри оқаётганини, я'ни дар'едан фақат керак бўлган миқдорда сув тушаётганини кўрсатди.

— Сафар ака!— Сафар ялт этиб орқасига қаради. Қўлида бир ўрам сым кўтарган монтёр бола турар эди.—Кеча сизни бир хотин сўраб келган эди, кўрдингизми?

— Қандай хотин?

— Москвадан келган эмиш.

* * *

Фарҳод ГЭС бошлиғининг кабинети. Икки томонга катта-кичик юмшоқ диванлар қўйилган. Қаршида уй деворининг нақ ярмини тўсиб турган катта шкаф. Стул ва диванларга оппоқ жилт кийгизилган. ГЭС бошлиғи Камол Бекаевнинг столи олдидаги доира столда ўлтирган жувон, блокнотига шошилиб алланарсалар ёзмоқда. Кабинет жимжит. Қабулхонада тинмай машинка тикирлайди.

Бекаев телефон трубкасини олди:

— Сафар Жияновнинг квартирини тўғриланг!.. Ким бу? Жияновми? Салом салом, яхшимисиз?.. Хизмат дейсизми, хизмат шуки, Москвадан бир меҳмон келган эди. Шу киши сиз блан суҳбатлашмоқчи... Ҳа, ҳа, шунақа. Ҳозир мен уни уйингизга юбораман... Тўғри, шундай бўлсин. Хўп!..

Бекаев телефон трубкасини ўрнига қўйди-да, ундан қўлини олмай меҳмонга мурожаат қилди:

— Сафар Жиянов уйда экан. Аввал шуникага бориб келасизми?

— Майли, бўлмаса мен ҳозир Жияновникага борай,— деди блокнотини ёпиб ўрнидан турган жувон ва юмшоқ кулиб яна сўзида давом этди,— шаҳрингиз тарихи ҳақидаги суҳбатни шу ерда тўхтатиб турамиз, ўртоқ Бекаев. Кейин менга муфассал тапириб берасиз-а.

— Хўп, хўп, сиз бориб Жиянов блан ишингизни битказинг, биз кейин гаплашаверамиз,— деди Бекаев ва яна кулиб қўшиб қўйди,— шунгача хариталарда кўрсатилмаган, энди эса ҳамманинг диққатини тортган бу шаҳримизнинг тарихи ва келажаги ҳақидаги гап барибир бир кунда тугамайди.

Ҳаво очиқ. Шамол эсар эди. Поездан тушган куни уни анча эсанкиратиб қўйган шамол бу ерда унга кучсизроқ кўринди. Ҳақиқатан ҳам, Ширинсойни асрлар бўйи қуюн қилиб кўкка чирмаштирган, Фарҳод тоғининг харсанг тошларини Сирдарёга улоқтириб ўйнаган ва ба'зан ўз кучини кўрсатиш учун паровозларни ҳам изида тўхтатиб қўйиб, бутун осмонга доврўқ солиб, увулловчи телба шамол бу гўзал шаҳарчага келганда шаҳтидан тушар; ё кўчалардан гувуллаб чопар, ё оппоқ уйларга ўзини уриб, ерга қулагандай жим бўлар эди.

Меҳмон кўчанинг ўнг томонидаги асфальт тратуардан бормоқда. Катта кўча. Икки ёқда қатор уйлар. У чорсуга етганда қаёққа қараб бурилишини билмай тўхтаб қолди. Қаршисида катта бино турар эди. Эшикдан шошилиб чиқиб келаётган оқ фартуқли қизчадан сўради:

— Сафар Жияновнинг уйи шу ўртадами?

— Йўқ, бу касалхона.— деди қиз ва хотинни чорсунинг ўртасига олиб бориб, қўли блан кўрсатди,— ҳу нариги кўчага кирсангиз, энг чеккадаги уй Жияновники. Жувон раҳмат айтиб, кўрсатилган томонга қараб юрди. Бу кўча ҳалигига қараганда кичикроқ эди. Хотин энг чекадаги уйга тез етиб борди ва зинадан кўтарилгач, эшикдаги электр тугмасини босди.

Сафар, Бекаевнинг сўзига мувофиқ, меҳмонни кутиб турган эди. У ҳар кунги одати бўйича, ишдан қайтгач, бир-икки соат ухлаган, ҳали телефон жиринглаганда эса, „ВКП(б) тарихи қисқа курси“дан конспект тузмоқда эди. Электр қўнғироқ жиринглаши блан бориб эшикни очди.

— Салом! Сафар Жиянов шу ерда турадимиз?— сўради жувон.

— Ҳа, мен. Қани, марҳамат!

Хотин ичкарига кирди ва Сафарга қўл чўзди.

— Мария Смирнова.

— Жуда соз!— деди хотиннинг чиройли юзларига ботиниб қарайолмаган Сафар ва уни ичкариги уйга бошлади. Мария Смирнова учинчи уйга кирганда ўзининг катта блокнотини стол устига қўйиб, ўтирди. Уйни назаридан кечирди. Чўзинчоқ хона. Уйнинг икки ёғида иккита пружинали кровать. Никельлари ялтираб турибди. Ҳар иккала кроватьнинг тепасида, деворларга кичик-кичик сўзана қоқилган. Сўзаналарнинг бирида кичик бир

елкан сузиб бораётган денгизнинг тасвири бор. Иккинчисида эса баҳор манзараси, иккита қиз гул териб юрипти... Ойнак ёнидаги шкафда ҳархил китоблар.

— Сизни безовта қилганим учун кечирасиз. Мен Москвадан келдим. Бу ерда сизнинг ҳақингизда кўп нарса эшитдим, — деди меҳмон Сафарга тикилиб. — Сизнинг тўғрингизда „Огонёк“ журналига очерк ёзмоқчиман.

— Гапираберишади, — деди хотиннинг сўзини бўлиб Сафар, — мен ҳали унчалик катта иш қилганим йўқ. Брок Фарҳод ГЭС ҳақида ёзсангиз албатта арзийди. Бу жуда улуғ қурилиш бўлди.

— Шу улуғ қурилишни сизга ўхшаган кишилар қурган-да.

— Тўғри, мен ҳам шуларнинг қаторида қурилишга иштирок қилдим. Ўшаларни махтасангиз мени ҳам махтаган бўласиз.

— Сиз ҳам шу мингларнинг бирисиз. Мен ГЭС ҳақида етарли маълумот олдим. Энди истар эдимки, сиз ўз тўғрингизда, ГЭС қурилишига келган кунингиздан бошлаб то шу кунга қадар, яъни ГЭСга старший машинист бўлганга қадар қилган ишларингизни муфассал гапириб берсангиз.

Сафар мана шу тўрт-беш йил ичида бу хил одамларнинг кўпи билан суҳбатда бўлди. Ёзучилар, мухбирлар кўп келиб турадилар. Ҳаммасининг сўроқлари бир-бирига ўхшайди. Сафар буларга ўзининг жангавор ҳаётини қайта-қайта гапираберганидан ўзининг қилган ишлари ва кўрган эшитганлари эртатка ўхшаб ёд бўлиб қолган эди. Бу ёзучи ва мухбирларнинг баъзилари газеталарда у ҳақида бир-икки марта ёзиб чиқишди ҳам.

— Сиз ГЭС қурилишига қайси йили келгансиз?

— Бошида келганман, 1943 йилда, — деди Сафар.

— Ҳўш, давом этаберинг, қаердан келдингиз, ишни энг аввал нимадан бошладингиз.

— Ҳўп бўлмаса, бошдан айтиб берақолай, — деди Сафар биров ўйлангач, — аммо гапга унча уста эмасман. Ўзингиз тўғриб ёзарсиз. Ёзучи завқ қилиб кулди.

Сафар чойни меҳмоннинг олдига суриб қўйиб секин ҳикоясини бошлади.

* * *

— Мен 1942 йилда Асака район Файзиобод қишлоғидаги Сталин-номли колхозда тўлиқсиз ўрта мактабни битирдим. Улуғ Ватан урушининг энг қизғин йиллари эди. Қишлоқ йигитларининг деярлик ҳаммаси фронтга кетган, колхозда фақат хотин-қизлар, кексалар ва бизга ўхшаган ўспиринлар қолган эди.

1943 йил январь ойларида Авижон областидан жўнаган икки минг колхозчи билан Фарҳод қурилишига келдим.

Бизлар биринчи бўлиб келганмиз. Фарҳод тоғи этагига биз келиб тушганда, бу ерларда ҳеч нарса йўқ эди. Мен „Фарҳод ва Шярин“ афсонасини эшитган бўлсам ҳам, лекин бу ерларни ҳеч кўрмаган эдим. Ўша йили айнақса қиш қаттиқ келди. Ҳаммаёқ оппоқ қор. Ҳаво совуқ. Унинг устига, шундай қаттиқ ша-

мол эсар эдики, бўш келсангиз учириб кетарди. Шу куниёқ ертўлалар қазишга киришдик. Кундан кун одам кўпаяборди. Намангандан, Фарғонадан, Қўқондан, Самарқанддан, Бухоро ва Қашқадар'ёдан — Ўзбекистоннинг ҳаммаёғидан одам келар эди. Сирдар'ёни бўғиб, катта гидроэлектростанция қуриш керак! Буни кўп киши у вақтда тасаввур қилолмас, ба'зи кишилар ишонмас ҳам эди. 1943 йил 10 февральда 70 минг қуручининг иштироки билан катта митинг бўлди. Митингда қурилиш бошлиғи катта нутқ сўзлади. Унинг сўзлари қарсақлар билан қарши олинди. Гуё халқнинг асрлар бўйи юрагила сақлаб келган улуғ орзуси шу оннинг ўзида бирдан рўёбга чиқаётгандай эди. Қарсақ ва „ура!“ овозлари Фарҳод тоғидан беш-ўн баробар баландга кўтарилиб, осов Сирнинг шов-шувини босиб кетди. Ҳамма ғайратга тўлиб тошди: Халқлар доҳиси улуғ Сталин Сирдар'ёда катта электростанция қуришга буйруқ берибди. Бу — ўзбек халқининг асрлар бўйи сув ҳақидаги, чўлларни боғу бўстон қилиш ҳақидаги армонларини рўёбга чиқаришда, коммунистлар партиясининг, совет ҳукуматининг ва халқлар отаси жонажон Сталиннинг яна бир мартаба кўрсатган катта ғамхўрлиги эди.

Вазифа ҳаммага равшан бўлди: Сирдар'ё Фарҳод тоғи этадан боғланади. Янги кенг из қазилиб, нарироқда ГЭС қурилади. Мирзачўл ва Самарқанд атрофида чўлларга сув чиқариладиган катта канал қазилади. Индустриялашиб бораётган республиканинг катта-катта завод-фабрикаларига электр қуввати берилади. Минглаб гектар пахта майдони, боғлар, мевазорлар вужудга келади.

— Мен шунда шахсан ўзим, — дея ҳаяжон билан сўзида давом этди Сафар, — Совет ҳукуматининг битмас-туғалмас қудратини, енгилмас кучга эга эканлигини ва буюк доҳи Сталиннинг узоқни кўрабилишини яна бир бор аниқ сездим. Чунки ўша вақтда фашистлар мамлакатимизнинг кўп жойларига бостириб кирган, кўп шаҳар ва қишлоқларни ёндирган, шонли Армиямиз Сталинград ёнида эндигина ҳужумга ўтган пайт эди. Ўртоқ Сталин, Сталинград frontiда ҳужумга ўтиш ҳақидаги буйруқ билан Ўзбекистонда Фарҳод ГЭС қуриш ҳақидаги буйруққа бир вақтда қўл қўйган, дейишади. Биз қаттиқ ишонган эдикки, душманимиз шак-шубҳасиз енгамиз. Социалистик давлатимиз ғалаба қозонади. Совет халқи коммунизм жамиятини қуриши муқаррар. Шунинг учун халқ ишонч билан қаттиқ жанг қилади ва қурилишни давом этдирди. Қаҳратон қишнинг совуғини енгилди, тоғни ағдариб, азим дар'ёни бўғишга асрлар бўйи ҳечким бел боғлай олмагач эди. Ўзбек халқини қанча-қанча улуғ ишларни бажаришга ва бахт-саодатга етаклаган улуғ Сталиннинг номи бу гал ҳам унга фидокорона меҳнат қилишга илҳом берди, олға қадам босишга байроқ бўлди.

Сафар завқ билан гапирар эди. Мария Смирнова ҳам унинг гапини бор диққати билан эшитмоқда. Сафар попиросни тутатиб, меҳмоннинг ярим бўлиб қолган стаканига чой тўлатди-да, яна сўзини давом этдирди:

— 10 февральдан бошлаб, ҳамма участкаларда қизгин иш бошланиб кетди. Одам шундай кўп эдики, Сирдарёнинг унқиргоғида, Фарҳод тоғи чўққиларида, чап соҳилда, деривация каналида, ГЭС котлованида, Ширинсойда халқ ғайрат блан ишлар эди. Ҳеч қаерда, ҳеч қачон халқ бунчалик кўп ва бунчалик муҳаббат блан ишламаган бўлса керак. Йигитлар, қизлар, жувонлар, кексалар, ўспиринлар—ҳамма тер тўкиб меҳнат қилар эди. Яккама-якка, звенолар, бригадалар, районлар ва областлар ўртасида социалистик мусобақа қизиб кетди. Бир гуруҳ одам ер қазимоқда, бир гуруҳ одам тупроқ ташимоқда, бир гуруҳи тош кесмоқда, бир гуруҳи бетон қуймоқда. Машина ва моторларнинг гувуллаши, тоғни ағдараётган бурилшикларнинг портлатган овозлари, кетмон ва белларнинг жаранглаши, ашула, музыка ва қийқириқлар еру-кўкни қоплаган эди. Мен ўшанда ер қазучи комсомол ёшлар бригадасининг бошлиғи эдим. Бизнинг бригададаги кишилар кунлик нормаларини 200 дан 800 процентгача бажардилар.

— Сиз ўзингиз неча процент бажарар эдингиз?

— Мен ҳам бригадир, ҳам агитатор бўлганим учун кунлик нормамни ҳар кун минг процентгача етказиб бажарганман.

— Минг процент?

— Ҳа, минг процент. Минг процент нима, икки минг процент бажарган йигитлар ҳам бўлган.

— Смирнова Сафарнинг пишиқ ва миқти гавдасига сертук қўларининг бўртиб чиққан томирларига тикилиб қолган эди, унинг кўзи олдида қуёшда қорайган, мускуллари арқондай ўрилиб кетган, катта жетмон блан пастдан юқорига шалаббо терга ботиб тинмай тупроқ иргитаётган йигит турар эди.

Сафар Фарҳод ГЭСнинг старший машинисти деган даража олгунча қилган ишларини қисқа қилиб гапириб ўтди. Шундай бўлган экан:

Улуғ иншоот ҳалқ кучи ва савет техникасининг қудратини талаб қилган. Бу зўр техникани ишга солиш учун электр қуввати керак. Шунинг учун энг аввал бош тўғон ёнида, чап соҳилда, кичик ГЭС қурилган. Бетон қуядиган маторлар, ер қазийдиган экскаваторлар, неча тонналаб юк кўтарадиган „полвон“ машиналар ана шу кичик ГЭСдан электр қуввати олиб ишлаган.

Бир кун қурилиш партия ташилотининг секретар Сафарни чақириб, унга шундай депти:

— Қурилишда яхши ишляябсан, энди машинист бўлиб қолмайсанми? Яхши ҳунар, ўргангин.

Сафар колхознинг кичкина ГЭСида ишловчи машинистнинг ишига ниҳоят қизиқиб қолган бўлса-да, лекин бу ишни жуда қийин кўрган. Бундай катта ГЭСда машинист бўлишни тасаввур ҳам қилолмаган. Шунинг учун ҳам секретарьнинг саволига қатъий жавоб бераолмаган.

Секретарь гапга жуда уста экан, ҳарёқлардан мисоллар келтириб охири Сафарни унатибди. Шу учрашувнинг эртаси-ёқ Сафар

бирнеча ёшлар блан кичик ГЭСни монтаж қилаётган Шербаков, Риданов, Риков, Мурфин каби усталар кўлида ишлайбошлайди. Бундаги мураккаб техникани кўриб, у ҳеч ўргана олмайман деб ўйлаган. Лекин унинг устаси Риланов жуда яқиндан ёрдам берган. Машина частьларини бир катта дафтарга ёздириб ёдлатибди. Рус тилини ўргатибди. Йигит уч ой ўтгач, кичик ГЭСда машинист ёрдамчиси бўлибди. Катта ГЭС битай деганда буларни Чирчиқ ГЭС, Комсомол ГЭС, Товоқсой ГЭС га уч-тўрт ой тажрибага олиб боришибди. Тажрибадан қайтгач, 1947 йилда Сафар комиссияга „а'ло“ имтиҳон бериб, „Гидротурбина машинисти“ деган даража олибди. Шу йилнинг охирида ўз усталари блан катта ГЭСнинг монтажига иштирок қилибди. Шундан сўнг ҳамма машинанинг миридан-сиригача ўрганибди. Сафар ҳозир старший машинист!

— Бу қурилишда уч воқиа сра эсимдан чиқмайди, — дея сўзини давом этирди Сафар, — бири — наманганли Эргаш полвон вақнаси. Уни Ўзбекистонда танимаган одам бўлмаса керак. У катта Фарғона каналда ном чиқарган полвон. Ўзи ҳам узун бўйли, гавдали, жуда келишган йигит. Шундай ишладикки, унга ҳамма қойил қолди. Кетмонининг оғирлиги олти килограмм, ҳар урганда 10—12 килограмм тупроқни кўпариб олар эди. Унинг чиқарган тупроғини бир инженер ҳисоблаган экан. Бир мовсумда чиқарган тупроғига 110 вагондан иборат катта поезд сотави тўлар экан. Иккинчиси бурилшик Фулом Орзиқулов деган йигит.

— Бурилшик? — шошилиб сўради Мария Смирнова блокнотига ёзатуриб.

— Ҳа, бурилшик — тоғ портлатучи. Халқ бу йигитга Фарҳод деб ном қўйган. Унинг иши мураккаб ва жуда қийин эди. Бир ўзи ҳар портлатганда шундай қояларни ағдарар эдики, бу иш 10 та афсонавий Фарҳоднинг ҳам кўлидан келмас. Унинг бир кун ағдарган тошини тўрт поездга неча юз киши юклар эди. Шу қурилишда донги чиққан Дўнан Дўсматов, гишт теручи Қўзибой Охунов, бетончи Ҳофиз Ваҳобов ва Момоқиз Жўраева, экскаваторчи Анорбой Холиқов, экскаватор машинисти Иван Афанасьевич Грибов, механик Алексей Фёдорович Бирюков, слесарь Абдурахмон Алибоев, электросваршик Умар Султонов ва бошқа бир неча юз номдор қаҳромонларнинг қилган ишларини гапириб тамомлаб бўмайди. Ҳар бирининг ўзи бир китоб.

— Қурилишда бўлган хотин-қизлар ҳақида ҳечнарсга демаяпсиз-а? — кулги аралаш савол қилди Мария Смирнова, — уларнинг ишида қизиқ воқиа учратмаганга ўхшайсиз.

— Йўқ, ундай эмас, — деди ўнғайсизланиб Сафар, — қурилишдаги кишиларнинг ярми хотин-қизлар эди дейиш мумкин. Улар ҳам эркаклардан қолишмай ишлашди. Бир қизиқ ҳодиса ҳозир эсимга тушди, — деди кулиб Сафар, — тоғдан тош ташиб, дар'ёни бўғар эдик, йигитларнинг кучи блан гапи ўшанда синалган-да. Бир кун ўн пудлик тошни елкамга қўйиб келаётсам, орқадан бир жувон бир нарса деди-ю, менам олдинга ўтиб олди. „Ҳа, бу сиз терадиган бир этак пахта эмас, буни тош дейдилар“ дедим. Жувон индамади. Йулида давом этди. Бир-икки қадам нарига борганда

қарасам, ҳалиги жувон ундан ҳам катта харсангни елкасига қўйиб кетаётган экан. Мен фонтан кўприкка етганда у тошни ташлаб қайтиб келар эди. Ҳалиги гапим та'сир қилган экан шекилли, менга қараб шундай деди:

— Биз бу елкамизда пахтанинг бир этагини эмас, юз центнерини кўтарганмиз, опаси. Жуда чарчаб қолибсиз. Буёғига менинг елкамга қўйиб юборақолинг, деди. Мен ҳам албатта индамадим. Кейин билсам, у ҳар кўтарганда ўн тўрт пудлик, я'ни 244 килограмм келадиган тошларни кўтариб, дар'ёга босаётган экан. Қашқадар'ёли юз центнерчи пахтакор Қирмизхон деган бу жувоннинг та'рифи бутун қурилишга ёйилиб кетди. Хотин-қизларнинг ҳаммаси ҳам ана шундай ишлаган. Социалистик мусобақада байроқни йигитлардан олиб қўйган аёллар бригадаси жуда кўп бўлган.

Смирнова маза қилиб кулди. Тилга олинган ҳар кишининг хизмати ҳақиқатан ҳам бир китоб бўлишига иқрор бўлди. У Сафарни гапдан тўхтатиб, бу ҳодисани ўз блок-нотига тўла ёзди.

— Учинчи воқиа ҳам қизиқ. — деди Сафар ва ўрнидан туриб электрни ёқди. Стол лампасини ўртага келтириб қўйди. Уй ичи ёриб кетди. — Лекин бу воқиа анча узоқ. Бу Сирдар'ёни боғлаган сепоячиларнинг иши...

— Сепоячилар? Қисқагина бўлса ҳам айтиб беришингиз мумкинми?

— Қисқа қилиб айтиб беришим мумкин. Деривация канали қурилиб, ГЭС биниси ҳам битиб қолди. Бундан кейинги асосий масала дар'ёни боғлаш, сувни 20 метрча баланд кўтариб янги изга ағдариш эди. Тез оқар асов Сирни боғлаш жуда қийин бўлди. Қурилиш бошлиғи Саркисов ва инженер Бабун бизга шундай деди: Дар'ёни боғламасақ, сувни янги изга ағдармасак, меҳнат бекоргақ етади. ГЭС ҳақида ўйлаш ҳам мумкин эмас. Лекин дар'ёнинг кучини ҳам, ўз қудратимизни ҳам ҳисобга олганмиз. Дар'ёни албатта боғлаймиз. Ана шунда халқ сепоячилари иш берди. Сепоя деганимиз—12—14 метр келадиган йўғон ёғочлардан 3—4 тасининг боши маҳкам боғланади. Яна учтаси пастроқдан кўндаланг қилиб, сепояларнинг у оёғидан бу оёғига боғланади. Буни сепоянинг балдоғи дейилади. Тажрибакор эллик сепоячи дар'ёнинг икки ёғидан сепояларни бирин-кетин туширишди. Ҳаво жуда совуқ эди. Фарҳод чўққисидан гувиллаб келаётган шамол ва ҳечнарсани писанд қилмай, шовуллаб оқаётган дар'ё сепоячилардан жуда катта қаҳрамонлик, эпчиллик талаб қилар эди. Наманганли сепоячи Нишонов, Адижонли Ҳамдамовлар бошчилигидаги—Жалилов, Тўйчиев, Камолов, Алиев, Содиқов, Абдуллаев ва бошқа шунга ўхшаган сепоячилар қишнинг қирчиллаган совуғида сувга тушиб сепоя қўйишди. Биринчи куни учинчи сепояни қўяётиб Миртожи Содиқов деган сепоячи чол дар'ёга тушиб кетди. Қирғоқда турган мивгглаб одам қийқириб юборди. Чол сувга тушганича йўқолиб кетди. Мен ечиниб, дар'ёга ўзимни ташламоқчи бўлган эдим, сепоячилардан бири мени ушлаб қолди:

— Ҳай-ҳай, ақлингни едингми? Чол чиқади. У тегирмон тарновига тушиб кетса ҳам соғ чиқади. Сен дар'ёнинг тағида йўқо-

либ кетасан, — деди. Ҳақиқатдан ҳам анча вақтдан кейин 100 метрча нарида чол сувнинг юзига чиқди. Ҳамма қарсак чалиб юборди, У, урқач тўлқинларни қулочкашлаб муштлагандай сузиб қирғоққа чиқди. Сирдар'ё ана шундай қийинчилик блан боғланган. Сепоялар қўйилгандан кейин шох, тупроқ ва тош ташланди. Дар'ё хип бўғилиб, сув 20 метрча баландга кўтарилди. Дар'ё эски изида бўғилган қуни бош тўғонда катта сайл бўлди. Сирдар'ё ГЭС каналига — деривация каналига ағдарилди.

* * *

Инженер Бекаев иккинчи қуни ўз ва'дасига мувофиқ меҳмонни бутун шаҳар бўйлаб тамоша қилдирди. Шаҳардан уч-тўрт километр атрофларгача айлантириб кўрсатди. Шаҳарнинг кун чиқиш томонидаги кўчатлар экилган жойни кўрганда меҳмоннинг кўзлари олдида янги бир олам пайдо бўлди. Қуюқ дарахтзор худди ўрмонни эслатар эди. Кечаги қақроқ чўлда боғлар гулламоқда.

— Бу йил яна ярим миллион кўчат утқаздик, — деди Бекаев дарахтларни кўрсатиб.

Кўчатлар япроқларини тўкаётганлиги учун буларнинг қандай дарахтлар эканини билиш қийин эди.

— Ўртоқ Бекаев, — деди Смирнова, — бу ерга қандай кўчатлар ўтқазгансиз.

— Ҳар хил. Мана бу томони, — деди Бекаев ўрмоннинг ўнг қанотини кўрсатиб, — акация. Ўрталikka тол ва терак, нариги томон нуқил ўрик. Ленинобод ўригидан. Бу ўрмон келажакла жуда катта вазифаларни бажаради, — деди Бекаев. — Энг муҳимларидан бири шуки, уч-тўрт йилдан сўнг бу ёввойи шамолни тўсади, иккинчи меваларидан энг яхшилариини шаҳардаги хонадонларга ва боғларга кўчирамиз.

— Буларнинг кўпи мевали дарахтми?

— Кўпи мевали. Ҳув анави кўм-кўк бўлиб турган жой 15 гектарли боғ. Уни шу йил баҳорда ўтқазганмиз. Яримдан кўпи ток блан олма.

Улар бу ердан тўғри деривация канали бўйига чиқдилар. Азим Сир пишқириб оқмоқда. Пастда ГЭС гувиллайди. Ўз сийнасида қуёш нурларини ялтиратиб, бешикдай-бешикдай тўлқинлар бир-бирини қувалашади. Асов дар'ё бу янги изда анча ёввош кўринади. Ўз бўйида кучли қўл, совет ҳалқининг голиб қўли борлигини сезади шекилли, бетон дарвозаларга таслимона манглайини суртиб, ГЭСнинг катта-катта турбиналар халқумига қараб йўл олади. Чап томондан бир миқдор сув, ортиқча бўлса керак, кенг анҳордай келадиган катта бетон тарновдан шундай шиддат блан пастга отилмоқдаки, ундан Сирнинг қанчалик кучли эканини аниқ кўриш мумкин эди. Сув тарновдан тушар экан, майда-майда зарраларга бўлиниб, чангиб кетади. Шаршара устидаги сув қатралари худди ёғаётган қорга ўхшайди. ГЭС тўғонида сув бир-неча дарвозаларга бўлиниб кетади. Бу дарвозаларни очиб-ёпадиган баланд машина гувиллаб юриб турибди. „Т“ ҳарфига ўхшаш

балад матталарда салқи-салқи ҳар томонга тортилган йўғон-йўғон симлар узоқ уфқларга бориб етгандай кўринади. Металл заводи томонга „П“ ҳарфига ўхшаган янги матталар ўрнатилмоқда.

— Бу — яна янги пахтазорлар, боғлар демак-а? — деди тасдиқлаб Смирнова.

— Албатта. Фарҳод ГЭСдан биринчи мақсад — республика саноатига электр қуввати бериш бўлса, иккинчи мақсад — асрлар буйи фойдасиз ётган саҳроларни мана бундай обод қилишдир.

Қуёш қизариб ботаётганда улар шаҳарга қайгишди. Кўчаларда, уйларда, эшикларнинг тепасида — ҳаммаёқда Ильич чиролари порлайди. Ерга игна тушса кўринади. Шаҳарда ҳаёт қайнамоқда, магазинларда кечки савдо қизиган пайти. Бу ер катта говжум шаҳарлардан ҳеч қолишмайди. Чойханада лиқ одам. Бунда кеча оддий колхозчи бўлган, бугун эса шундай улуғ иншоотни ва бундай гўзал шаҳарни бино қилган ва бу ерда ўзига умрли ҳунар ортдириб олган янги кишилар, шу шаҳар аҳолисининг бир қисми кечки истироҳатда. Чойханада ва шаҳарнинг қайси бир ёрида ўрнатилган катта радио карнайларидан ялла эшитилади.

Смирнова катта кўчанинг асфальт тратуаридан борар экан, атрофга тўймай қарар эди. Уйларнинг ҳаммаси бир хилда ва жуда ҳам чиройли қўндирилган. Ойна ва эшикларнинг шаклларида ҳам ўзига хос янгилик бор. Ҳовлиларнинг ба'зилари темир ва ёғоч чамбараклар, ба'зилари майда дарахтлар блан ўраб олинган. Текис ва кең кўчаларнинг иккиёғидаги ариқ бўйларида ўтқазилган дарахт шохларидан шитирлаб олтин япроқлар тўкилмоқда. Ба'зи кўчаларда янги-янги уйлар, кварталлар қўшилмоқда.

Булар шаҳарчанинг марказида, серқатнов чорсуда бир нафас тўхташди. Кўчанинг ўнг томонида бир-бирига ўхшаган катта иккита бино бор эди. Булар шаҳардаги катта бинолардан. Бир қарашдаёқ буларнинг бири қишлоқ, иккинчиси ёзлик кино-театр эканини билиш мумкин эди. Бу бинолар олдида катта тахтада „Сталинград жанги“ фильмининг афишаси ёпиштирилган эди.

— Шаҳар ҳам ГЭС блан баробар қурилганми, ўртоқ Бекаев? — сўради Смирнова.

— Ҳа, — деди Бекаев, — шаҳарнинг проект плани ҳам ГЭС блан бирга тузилган ва қурилиш ишлари ҳам бирга олиб борилган дейиш мумкин. Бу шаҳарни ўрни ва ГЭС атрофлари, ҳаммаёқ кипқизил дашт эди. Шаҳарнинг қуриладиган жойи тўғрисида ҳам турли фикрлар бўлган, — сўзида давом этди Бекаев, — бу жойни ўртоқ Усмон Юсупов танлаган. Мана шу шаҳаримизнинг ўрни Мирзачўлнинг бир чеккаси. Буёқ кетганича Мирзачўл. „Шу ердан Мирзачўлга сув ва нур оқсин“ деди ўртоқ Юсупов. Мана бугун ҳақиқатан ҳам Мирзачўлга шу ердан сув ва нур оқмоқда.

Булар шаҳар кутубхонасига етганда, қаршидан фириллаб келаётган пистоқи рангли машина катта кўчанинг бериги чеккасига келиб тўхтади. Бу Бекаевнинг машинаси эди. Машина ичидан чиққан шофер Бекаевнинг яқинига келиб деди:

— Сизни шошилиш равишда қурилиш бошқармасига чақира-
яптилар.

Бекаев шу ерда меҳмон блан новлож хайрлашар экан деди:

— Шаҳримизнинг бошқа ёқларини эртага айланамиз. Уёқда
электр ҳаммом, катта клуб, мактаб, касалхона, туғуриқхона ва
бошқа-бошқа янгиликлар бор...

Меҳмон Ўзининг таассуротидан жуда хурсанд ва Фарҳод ГЭСга
келганидан бениҳоят мамнун эди. Унинг кўз олдида бу улуг қури-
лиш бутун салобати блан гавдаланади. У, гуруллаб ўсиб бораёт-
ган Ўзбекистоннинг гўзал водиларини кўз олдига келтирди. Бир-
бирига тутшиб, кенгайиб бораётган боғлар, гулзорлар, қишлоқ
ва шаҳарлар бирин-кетин унинг кўз ўнгидан ўтабошлади. У, Мая-
ковскийнинг машҳур сатрларини такрорлади:

Совет юрти
 барқарор экан,
Шу одамлар
 бизда
 бор экан,
Мен аминман
 шаҳар
 бўлади,
Мен аминман
 боғлар
 гуллайди!

1949 йил, Бекобод.

ҲАКИМ НАЗИР

ИПАК ШАҲРИНИНГ ГУДОГИ

Очерк

I

Кенг водида баланд қад кўтарган салобатли комбинат корпуслари тун бўйи электр чироғлари нурига чўмиб ётади. Бу ернинг эртаси ярим кечаданоқ бошланади. Унларча гектар ерга ястанган ишчилар шаҳарчасининг туни кундузи каби жонли ва сергак. Комбинат атрофидаги қаторлашиб кетган икки қабатли гиштин бинолар, сербар кўчалар ва хиёбонларда одамлар шарпаси минут сайин қуюқлашиб, олағовур кучая боради. Катта ва кичик автобуслар кетма-кет сигнал чалиб комбинатнинг темир панжарали дарвозаси олдидан ўтмоқдалар. Улар шаҳарчадан олисда, Марғилоннинг чекка ерларида туручи ишчиларни биринчи сменага етказиб келиш учун шошилмоқдалар.

Ана, биринчи гудокнинг шиддатли овози янграб кетди. У, гўё азамат паравознинг ҳайқириғидай шаҳарни қамраб, яшин тезлигида водига таралди. Бу кучли тонг садоси марғилонлиларга кейинги вақтларда жуда ўрганиш бўлиб қолди. Яқин ўтмишда тор кулбалар, нимқоронгу хужраларда бўз тўқиш ва чарҳ йиғириш блан диққи-нафас кун кечирган косиб хонадонларини эндиликда комбинат гудоги барвақт уйғатиб, ўзининг кенг қучоғига чорлайдиган бўлди. Одамлар кундалик одатича, илдам-илдам одим ташлаб шу тарафга оқабошлайди. Гудок шаҳарча устида салқин ҳавони зириллатиб иккинчи топқир ҳайқириқ солганда, одамлар оқими кучайиб, комбинат дарвозаси ва ҳовлилари гавжум бўлиб кетади.

Ипак юртининг улкан корхонасида меҳнат тонги отади.

Сўнги гудок янграши блан барча цехларда қувватли моторлар баббаробар ҳаракатга келади. Юзларча эркак ва аёллар жомакорларини кийиб, билакларини шимариб, дастгоҳларни юргизадилар.

Мана, пиллакашлик цехи. Бундаги саноқсиз дастгоҳларни айлантираётган машинанинг гулдириси, пиллани буглаб пишираётган қозонлардаги қайноқ сувнинг биқир-биқир, пилла тортаётган турна қатор сариқ мис гажакларнинг чириллаши, узун яшиклар ичидаги металл калаваларнинг муттасил пириллаши, одамларнинг тинимсиз ҳаракати — буларнинг бари бирга кўшилиб, бир мақомда мусиқий товушга айланади. Чиндан ҳам мусиқий! Даф'атан бу цехга кириб қолсангиз, дастлаб қулоғингизга дағалроқ туйилган гулдирослар, сал вақт ўтмай ички бир вазн касб этадию, музика оҳангидай ёқимли та'сир эта бошлайди. Дарвоқи', сиз пилладан ипак ҳосил қилаётган хотин-қизларнинг ҳаракатига разм солинг: ипакдай нозик ва мулоим! Улар бу қийин ҳам мураккаб ишни машина ёрдамида бажараётган бўлсаларда, ўзлари машина сур'атидан асло кетда қолмайдилар. Зотан бу машиналар сур'ати минутлар блангина эмас, секундлар блан ўлчанади. Машина эпчил, абжир, билимдон одамларни ёқтиради. У, ана шундай одамларнинг ихтиёрига буткул бўйсунучи беминнат дастёрга айланган. Яқинда ҳунар мактабидан чиқиб, пиллакашликка шогирд тушган ўсмир Раимжон, узилган ипларни уловчи Зарифа, энг моҳир пиллакаш Ҳидоятхонопа ва бошқаларнинг қўл ҳаракатлари шу қадар мослашибдики, бир-бирига гал бермайди.

Айниқса қизил байроқли стахановчилар сериясидаги пиллакашларнинг иши одамнинг диққатини ўзига тартади. Текис сафланиб кетган ўнта қатта қозон устида ўнта моҳир пиллакашнинг қўли баробар ҳаракатда. Ана, сериянинг ўртасидаги дастгоҳда содда, бугдойранг ва меҳрибон юзли ўрта ёш аёл ишга берилиб кетибди. У, қора соч ўримларини чамбар қилиб ҳаворанг дурраси остига танғиб олган, кўзини пилла қозонидан узмайди. Пилла учларини югиб турган мис гажаклар остида нозик бармоқлар тез ўйнаса ҳам, лекин шошилмайди ва адашмайди. Бу пианино тугмаларини навбати блан босиб турган сан'аткорнинг бир мақомдаги ҳаракатини эсга туширади.

Серия инструктори Султонов пилла қозонларини бошдан оёқ кузатиб чиқиб, шу аёл олдида хийла вақт тўхтаб қолади. Дастгоҳнинг топ-тозалиги, пиллаларнинг қозонга ме'ёрида тушиб бориши, мотальчининг чаққон ва эркин ҳаракати инструкторни завқлантирган эди.

— Бугунги мўлжалингиз қанча Ибодатхон?— деб сўради у.

— Кечагига беш процент кўшмоқчиман.

— Демак, 120 денг. Сорти-чи?

— Аваллари,— деди Ибодатхон,— учинчи сортни йўқотиш устида ишлаган эдик. Бугундан бошлаб иккинчи сортни йўқотишни мўлжаллаб турибман. Буни қилиш мумкин. Ўзимизга боғлиқ.

— Шогирдингиз-чи?— Инструктор Ибодатхоннинг ўнг томонидаги қизга ишора қилди.

— Маҳбубахонми? Нега шогирд дейсиз. Шогирдликдан аллақачон ўтган. Энди ўзи шогирд ўргатса бўладиган. Ҳозир мендан қолишадиган жойи йўқ. Кечадан бошлаб мен блан мусобақага киришди.

— Тагин устадан шогирд ўзиб кетса-я?

— Ажаб эмас. Ўзса ҳаммамизнинг обрўймиз.

— Тўғри айтасиз, бутун сериямизнинг обрўйи. Энди паст сифатли маҳсулот беришга ҳеч ҳаққимиз йўқ. Январда ўзимизни синаб кўрдик-ку, агар ҳамма барабар жон куйдирса, нуқул биринчи сорт бериш қўлимиздан келаркан.

Дарҳақиқат бутун коллектив шу фикр, шу ҳисни кечирмоқда эди. Улар азамат бешйилликнинг тўртинчи йилини янги шиор блан бошладилар. Бу шиорни дастлаб Иттифоққа машҳур бўлган москвали тўқучи Александр Чутких ўртага ташлади: „Ҳарбир корхонада а’ло сифатли маҳсулот беручи бригадалар тузилсин“ деб тақлиф этди у.

Гуё ҳамма шу чақириқ овозини кутиб тургандай, унга дарҳол жўр бўлди. Радио бу хабарни Марғилон комбинатига етказганда, юзларча ишчилар ўша заҳоти буни илиб олдилар.

— Биз Александр Чутких тақлифига жон-дилдан қўшиламыз! Ипакчилар ҳам ўз маҳсулотларини а’ло сифатли қилиб бераоладилар. Халқимизнинг ўсган талаби, нозик дидига мос буюм чиқаришдан ҳам шарафли бурч борми?

Ибодатхон бошлиқ пешқалам пиллакашлар, Шарофат Қодирова сафидаги шоҳи тўқучи чеварлар бу чақириққа қўшилиб, бир ёқадан бош чиқардилар.

Мана бугун инструктор Султонов дастгоҳларни айланар экан, одамларда ўзгача тараддуд, одатдагидан бошқачароқ жонланиш сезди. Ибодатхон шулар орасида алоҳида ажралиб турарди. Ажралиб туришгина эмас, гуё оркестр дирижёри каби ўзининг ҳарбир хатти-ҳаракати блан атрофдаги шерикларини ҳам бошқаргандай, уларга мадад бергандай эди. Бу жувоннинг сўзи блан иши бир экани кўпдан ма’лум. Аммо сўнгги кунларда: браксиз ишлансин, сифат заррача бузилмасин, ипак нуқул соз чиқсин — деб қўйилган талаб ва олинган мажбурият ҳар вақтдагидан вазминроқ эди. Бу, кишиларнинг кучи, зеҳни, бардоши, ҳимматига катта синов эди. Ибодатхон ва дугоналари ана шу синовдан ҳам ўтишга қодир эканликларини кўрсатиб, ҳамманинг э’тиборини яна кўпроқ тортган эдилар.

Инструктор нари ўтиб сериянинг бошида ишлаётган Тўхта-хоннинг ишини кузата бошлайди. Унинг ишани кўрибоқ инструкторнинг фе’ли айнаб кетди. Тўхтахоннинг дастгоҳида пиллалар тартибсиз сочилган бўлиб, тоза пилла блан ифлослари аралашган, сарноқ блан лослар чувалашиб ётарди.

Тўхтахон шошиб қолиб, гоҳ ип учларини йўқотиб кўяр, айрим тажақлар остида пилланинг сийраклашиб қолганини пайқамас, пайқаса ҳам ҳаммасига баробар пилла ташлаб улгиролмас эди.

— Бу қанақа бесарамжонлик?— деди инструктор пешонасини тириштириб, — Ишнинг тартиби тагин бузилиб кетибди-ку.

Инструктор аввал пилла буғловчининг қозончаларини тозалади, кейин мотальчининг ёнига ўтиб, катта қозонни тартибга келтирабошлади.

— Шошган ўрдак ҳам боши, ҳам думи блан шўнғир экан,— деди инструктор унга тегизиб ва дастгоҳларнинг гулдир-гулдирини ичида овозини баландлатиб, давом этди:— Ибодатхондан ўргансангиз бўлмайdimи? Ҳозир кўриб ҳавасим келди. Агар рухсат беришса, мен яна дастгоҳга ўтардим, ҳа жон деб ўтардим. Ана, дастгоҳига бир қаранг, келинларнинг уйдаи сарамжон — саришта. Плани ҳам ортиқ, сифати ҳам жойида. Битта пилла тугул, бир қатим ипакни ҳам беҳуда кеткизмайди. Бу ҳаммаси нимадан? Дастгоҳни яхши тутиш, энг муҳими — ихлос қўйиб ишлашдан.

— Тўғри,— деди Тўхтаҳон тан бериб ва қўшиб қўяди:— Ибодатхоннинг тажрибаси ортақ. Ишлаганига 15 йилча бўлди...

— Ундай десангиз, сизнинг келганингизга ҳам талай вақт бўлиб қолди-ку, ахир. Менимча гап олдин-кейин келишда эмас, одамнинг ўзида. Уёғини суриштирсангиз, Ибодатхон келган кунининг эртасиданоқ йўлини топиб кетган. У биринчи стахановчиларимиздан.

II

Тўхтаҳон инструкторга бошқа сўз қайтармай қўяқолди. Қўли пилла қозонида мис гажаклар остида югирар экан, хаёли қочиб, бундан ўн беш йилча бурунги воқиалар кўз ўнгига бир-бир келди. Ушанда ёш қиз Ибодатхоннинг қандай қилиб бу корхонага киргани ҳам бошқа аёлларни ўз қаторига тортиш учун кўрсатган ғайратини ҳечким унитолмас эди. У вақтда Марғилоннинг кўп хотин-қизлари „ичкари“да паранжи зулматида эди. Корхонанинг ўзи ҳам, энди тетапоя бўлган боладай, ёш эди. Ҳозирги пилла-кашлик, шоҳи тўқийдиган, бўёқ — пардоз берадиган ва қазна йигирадиган тўртта йирик фабриканинг ўрнида фақат пиллакашлик фабрикасининг ўзигина ишлаб турарди. Марғилонли аёллар бу корхона эшигига эндигина қадам қўябошлаган эдилар. Улар орасида довурак меҳнатсеварлар кўп эди. Шундайлардан бири — Акрамжон батракнинг қизи Ибодат бўлди. Унинг акаси Акбаржон тошлоқ ва қумлоқ даштда фабриканинг биринчи пойдевори ни қўйганлардан эди. Ибодатхон бошланғич мактабда ўқиб юраркан, ба'зи кунлари дугоналари блан бирга акасига овқат келтириб турарди. Шунда у катта бино ичидаги аломат машиналар қўйнида ишлаётган одамларга узоқдан ҳавасланиб қарар, уларнинг ҳарбир ҳаракатига зеҳн қўйиб чиқарди. Ёш қиз қалбида янги дастгоҳларга ҳавас туғилиб, бора-бора кўнгил орзусига айланди. Ўз сингисининг юрагидаги қизғин ҳавасни пайқаган Акбаржон ака бир кунни уни етаклаб келиб, цехга киритиб қўйди. Моторларнинг гулдиросига ўрганмаган қизчанинг қулоғи бир пастда битиб, гарангсиб қолди. Лекин тезда бу ўрганиш бўлиб кетди. Ҳаммадан ҳам уни бир нарса ҳайрон қолдирган эди. Кенг цех биносининг ичкарасидан хотин ҳалажнинг чуввоси эшитилмоқда эди. Аммо уларнинг томони чипта чодир блан тўсиб қўйилган эди. Ибодатхон иккиланиб турмасданоқ, дарҳол акасининг дастгоҳга ёнида ишга тушиб, унга боқиша кетди. Эркаклар бригадаси

орасида пайдо бўлиб қолган бу содда, вазмин қизнинг эпчил ҳаракатлари ҳамманинг диққатини жалб этган эди. Унинг кичкина бармоқлари нозик ипақлар орасида югириб кетаркан, ба'зан у, ҳалиги чодир томонга ҳайратли назар ташлаб қўярди. Бу ҳол унга кулгили ҳам алланечик ғайри-табiiй кўринган эди. Бу воқиа минг тўққиз юз ўттиз тўртинчи йилнинг бошларида бўлган. Ибодатхон ўша кунларни эслар экан, цехимизнинг ўртасини ҳунуқ қилиб турган чипта чодир аста-секин кўтарилиб тез орада йўқолиб ҳам кетди, дейди.

Тўғри. Катта корхонанинг жўшқин меҳнат ҳаёти кундан-кун барқ уриб ўсаркан, хотин-қизларнинг йўлини тўсучи ғовлар ўртдан кўтарила борди. Дастгоҳлар ёнидан аёллар тобора кўпроқ ўрин олабошладилар.

Ибодатхон дастлабки вақтларда ип уловчи бўлди. Бошқа ип уловчилар икки-уч дастгоҳга қараса, у, бемалол бешта дастгоҳни эплайдиган бўлиб қолди. Ба'зилар ипақчилик ишида энг осони ип улаш деб ўйлашади. Аммо пилла буғловчи, пилла тортучи, шоҳи тўкучилар каби ип уловчилар ҳам ҳархил. Кўпинча шундай бўладики, яхши эшилиб бораётган ипақ, уловчининг ношудлиги орқасида ўзининг силлиқлигини йўқотади, ёки туппа-тузук юриб турган дастгоҳ таққа тўхтаб, қимматли минутлар беҳуда кетади. Ибодатхон ўзининг ўткир фаросати, эпчиллиги, ғайрати блан ўшандай ношудларни ҳуш'ёр қилиб қўйди. Стахановчилар деб янги ном кўтарган ишчилар уни ўз бригадаларига сўраб олдилар.

Авваллари „бу қизча нимани эпларди“ деб назарга илмаган кишилар кўп ўтмай унга тан берабошладилар. Айниқса минг тўққиз юз ўттиз саккизинчи йил Ибодатхоннинг меҳнат ҳаётида янги шуҳрат келтирган йил бўлди. Фабрика цехлири яна кенгайди. Инженерлар дастгоҳларнинг бир қанчасини янгилаб, икки қозонда ишлаш тартибини киритдилар.

Унларча одамлар янги дастгоҳлар ёнига тўпланди. Ибодатхон ҳам буни қизиқиб тамоша қилабошлади. Шунда чувак юзли, чўққи соқол, баланд бўйли кекса инженер унга синовчи назар блан боқиб:

— Қизим, сен бир қозонда кунига қанча ип чиқараяпсан?— деб сўраб қолди.

— Олти юз, етти юз грамм,— деб жавоб берди Ибодатхон.

— Тузук, планни ошириб бажарар экансан,— деди инженер қаноатлангандай ва тагин синамоқчи бўлиб сўради:— Ўзингча қандай деб ўйлайсан? Шу етарликми?

Ибодатхон нима деярини билмади. „Менимча етарлик эмас“ дегиси келди-ю, атрофдаги одамлардан ўнғайсизланди.

— Менимча,— деди инженер,— етарли деб бўлмас-а! Бундан беш-олти йил бурун бу энг юқори норма ҳисобланар эди. У вақтларда агар бир пиллакаш сменада бир ярим кило пилла ишлатиб, беш юз грамм ипақ бераолса, баракалла деб елкасига қоқардилар. Уни ҳаммага кўз-кўз қилардилар. Чунки унда пиллакашлик фабрикамизнинг ўзи ҳам янги эди, одамлар ҳам ҳали хом-

роқ эдилар... Ҳозирчи? Ҳозирга келиб одамларимиз ҳам ўзгарди, дастгоҳлар ҳам... Мана энди, қизим, кўш қозонли дастгоҳни кўриб турибсан!— инженер худди ёш болани авайлагандай дастгоҳни пайпаслаб, давом этди.— Бу дастгоҳга ўтган киши энди икки баробар ортиқ куч сарф этиб, икки ҳисса зиёд ипак чиқариши керак. Бу қийин иш-а?

— Ҳа. Осон эмас.

— Тўғри. Ҳарқандай иш ҳам янгилигида қийин бўлади. Буни биз, инженерлар ҳам кўп ўйлашганмиз. Шу янгиликни ижод қилганда қизим, даставвал сизларнинг куч-ғайратингизга ишонганмиз.

Инженерлар янглишмаганлар. Йўқ, улар ҳеч янглишган эмас эдилар. Эндиликда ипак корхонаси Ибодатхон каби биларманд кучларга бойиб қолган эди.

Ибодатхонни ҳамма вақт қийин участкаларга қўйишга одатланган эдилар. Бу сафар икки қозонда ишловчи стахановчилар бригадасига ип уловчи қилиб ўтказдилар. У бирданига ўн қозонга хизмат қилиб, ҳамманинг оғзига тушиб қолди. Сўнг тезда кўш қозонга моталчи бўлиб ўтди. Бу воқиа унинг учун янги дангиллама тоқ-равоққа кўчишдан ҳам завқли бўлди. У дастгоҳ ёнига келганида ўзига тикилиб турган кўзларнинг кўплигини сезган эди. Бу кўзларнинг ба'зиси ишончсиз боқаётганидан ҳам хабардор эли. Аммо унинг дили ўйнамади, қўли қалтирамади. Одатдагидек ўзини хотиржам ва босиқ тутиб, астойдил ишга уннаб кетди. Унинг довгдор шерикларидан Хосиятхон Ўлмасова, Ильина, Қосимова, Тошматова ва бошқалар ҳам икки қозонли дастгоҳни бошқаришга киришдилар.

Биринчи кунлар кўникиш анча оғир бўлди. Ибодатхон бир-икки сафар нормани тўлатолмай, хижолат чекиб юрди. Броқ, у кўнглини асти совутмади. Ба'зан ўз сменаси тугагандан кейин ҳам дастгоҳи ёнида қолиб машқини давом этдирарди. Шунда цех бошлиғи ва мастерлари унга:

— Бориб дам олинг, толиқиб қоласиз. Эртага барвақтроқ келарсиз,— десалар, у:

— Эртанинг йўли бошқа. Бугунги ишимнинг мазаси бўлмади. Яна бироз ишлай, ҳарна ўрганганим!— деб туриб оларди.

Тезда иш юришиб кетди. Энди кунига смена олдидан инструктор кечаги ишнинг натижасини э'лон қилганда, бригада рўйхатининг бошида унинг номи чиқадиган бўлди. Кундалик унум проценти пиллапоя бўлиб кўтарилиб бораётгани аввал серияда, кейин сменада, ундан сўнг эса бутун фабрикада ма'лум бўлиб қолди. Уша кезде Ибодатхоннинг иш сур'атига ҳайрон қолиб: „У тороз босадиган қилиш учун пиллани нормадан ортиқ сарф қилаётгандир“ деб шубҳаланганлар ҳам бўлди. Бу гап қулоғига етиб қолганда Ибодатхон аввал парвосиз кулди, кейин қаттиқ аччиқланди.

У бу ҳақда цех бошлиғига ҳам айтди.

— Башарти,— деди у,— шундай шубҳа бўлса, чиқарган ипакларимни ҳамманинг олдида текшириб кўринглар. Ахир, ҳозир сифатни бузадиган вақтми?! Биздан қанақа мато талаб қилинаётганини билмаган одам стахановчи бўлаоладими!

Цех бошлиғи кулиб, уни юпатиб қўйди. Чунки, у — фақат угина эмас — бугун корхонанинг катта оиласи Ибодатхонни шу йиллар ичида хўб синаб билиб олган ва шу оиланинг содиқ, азиз фарзанди қаторига қўйган эди. Бу абжир, фидокор аёлнинг ўз касби, ўз корхонасига меҳри ҳарбир сўзидан ва ҳаракатидан аён. Унинг кўнгли оқ, виждони пок бўлиши блан бирга, Тўхта-хонга ўхшаб пала-партиш иш қилучиларга қаҳр блан қарашини каттадан-кичик билар эди. Шундай бўлгач, наинки у, бузуқ сифатли маҳсулот бериб, жонажон корхонасининг ша'нига доғ туширсин!

Ойлар, йиллар ўтаркан, Ибодатхоннинг бу яхши хислатлари тобора аниқроқ, яққолроқ кўринди...

III

Тонг палласида одамларни меҳнат қучоғига чорлаган гудок, кундуз соат тўртга келиб комбинат тепасида яна ҳайқиреқ солди.

Саккиз соат муттасил цехга жон бериб турган моторлар гувоси аста тинди. Саратоннинг иссиғи ва пилла қозонларидаги қайноқ сув ҳароратидан терга ботган мотальчилар дастгоҳларни йиғиштириб, қозонларни тозалай бошладилар.

Ибодатхон Акрамова негадир жуда шошилмоқда эди. У фартуғини еча солиб, шогирд қизга қозонларни яхшилаб артишни буюрди-ю, тезликда ўзи цех партия ташкилоти кабинетига кириб борди. Стол ёнига ўтирди-да, чўнтагидан бир парча сарғиш қоғоз олиб, унга кўз югиртириб чиқди. Қоғозда кечки сменада ишловчилардан бирнечасининг номи ёзиғлиқ эди.

Ҳали овқат танаффуси вақтида цех партбюросининг фавқуллода ўтириши бўлган эди. Цех бошлиғи Рустам Бобобеков кечаги ишнинг якунини тўрт оғиз сўз блан ифодалаб, топшириқнинг бажарилмай қолганини айтди. Бунга сабаб икки сериянинг ёмон ишлаши бўлган. Бундай хунук воқиа сўнгги кунлар ичида иккинчи даф'а такрорланиши эди. Ипакнинг сифатини соат сайин мезон ўлчови, дурбинлар, яна аллақанақа асбоблар воситаси блан текшириб туручи лаборатория ходимлари бугун эрталабданоқ шов-шув кўтаришди. Цехда дув-дув гап кетди. Комбинат партия ташкилотининг секретари Лидия Михайловна ҳам ўпирилишнинг сабабини аниқлаш учун бугун кўпроқ цехда айланиб қолди.

— Бу икки серияда, — деди ҳаяжонга тушган цех бошлиғи, — кунлик план тўлмаслик устига, беш-олти калава ипакнинг нав'и ҳам паст чиққан. Бу кимларнинг калаваси экани менга ма'лум.

У қўлидаги сарғиш қоғозга ёзилган номларни бирма-бир ўқиб берди. Шу блан бирга, бепарволик кўрсатган инструкторларга қайта-қайта танбиҳ берилганини ҳам айтди.

Аммо фабриканинг пешқадам цехларидан ҳисобланиб келган бир цехда усти-устига ўпирилиш юз бериши коммунистларнинг диққатини ўзига тортган эди.

— Бу рўйхатдагиларни ҳаммамиз биламиз, — деди партбюро секретари София Возианова, — илгари булар планларини жуда

оширолмаганда ҳам, тўлатиб турардилар. Маҳсулотларининг сифати ҳам чакки эмасди. Ҳозирга келиб бирдан пастга тушиб қолиши таажжуб. Менинча, уларни чақириб, алоҳида гаплашиш керак.

Бюро а'золарига бу таклиф ма'қул тушди. Ҳаммалари: „Сиз нима дейсиз?“ дегандай Ибодатхонга тикилишди.

— Тўғри,— деди Ибодатхон,— бунинг сабабини аниқламасак бўлмайди. Бу ишни менга топширинглар. Уларнинг тили менга ма'лум.

... Мана Ибодатхон ўз олдига кетма-кет кириб келган бешта хотинни очиқ чехра блан қарши олиб стулларга ўтқазди. Хотинлар ҳайрон эдилар. Ибодатхон улар блан одатдагича самимий ҳол аҳвол сўрашгандан кейин, жилмайиб туриб:

— Опалар,— деди,— бир оз уятли иш қилиб қўйибмиз-ку!

Хотинлар бир-бирларига аланглаб олишди. Ибодатхон ҳали цех бошлиғидан олган сариғ қоғозга тикилиб, ҳар қайси хотиннинг кейинги икки кунлик иш натижасини айтиб берган эди, уларнинг хижолати яна ошди.

— Нега шундай бўлганига ҳамма ажабланиб қолди,— деди у,— сизлар блан ҳолироқ гаплашай деб чақиртирган эдим. Мендан яширмассиз-а? Қани, ўзи нима гап? Балки қўлингизга ёмон пилла беришгандир, ёки дастгоҳингиз ишдан чиқиб қолдимиз? Агар шундай бўлса, айтинг, чорасига киришайлик.

Хотинларнинг ранги ўзгариб, нима дейишини билмай, бир-бирларига термулишарди. Қаршида ўтирган содда жувон — Зубайдахола унинг ҳамон жилмайиб турган меҳрибон кўзларига боқди:

— Тўғрисини айтайми, синглим?— деди ўкиниб.— Пилламиз ҳам дуруст, дастгоҳимиз ҳам эгарланган отдай. Ҳамма айб ўзимизда...

— Ўзларингиз биласизки,— деди у уқдириб,— биз комбинатнинг ишонган боғи, суянган тоғимиз. Ишчиларимизнинг ярмидан кўпи хотин-қизлар. Агар ҳарбир сериядан бир-иккимиз шунақа оқсасак, унда нима бўлади?

Ибодатхон ўзи ҳақида гапирмаса ҳам, Ҳидоятхон Абдураимова, Мунисхон Тешабоева, Қодирова, Ўлмасова каби цехнинг номдор кишиларини мисол келтирди.

— Буларнинг қандай ишлаётганини биларсиз-а? Ҳар қайси шу икки ярим йил ичида тўрт ярим-беш йиллик нормани бажариб қўйди. Хўш, булардан сизнинг нимангиз кам?

Мана Ҳидоятхонопа. Нега уня каттадан-кичик ҳурмат қилади, нега у ҳамманинг оғзидан тушмайди? Ўзи фабрикага бизлардан анча кейин келган. Ёши ҳам биздан анча катта. Келган йилёқ биринчилар қаторига ўтиб олган. Планини юздан оширмаган ойи йўқ. Уруш вақтида не-не қўйинчиликлар кўрмадик. Фронтга кетган эркакларнинг иши бизга қолди. Ўшанда ҳам Ҳидоятхонопа, ба'зибир хотинларга ўхшаб нолиб ўтирмасдан, бутун кучини ишга берди, нормасига норма қўшди. Барака толқурнинг чиқарган шипагига ҳавасингиз келади. Унинг бирор минут дастгоҳини

буш қолдиргани, ёки бирор марта иш сифатини бузганини ҳеч қайсингиз кўрганмисиз?

Ибодатхон сафдоши Ҳидоятхон опа ҳақида шу қадар завқланиб гапирдики, суҳбатдошлари унинг сўзига маҳлиё бўлиб қолдилар. Ибодатхон бошқаларни мисол келтираётган бўлсада, ҳарбир сўзидан ўзининг хислатлари бўртиб турарди. Гап орасида у, Москва хотирасини эсга олди. Олий Совет Сессияси вақтида пойтахтдаги бир машҳур тўқучи — депутат блан учрашган экан. Ушанда пойтахт тўқучиси Ибодатхондан марғиронли ипакчи хотин-қизларнинг ишларини суриштирган.

— Мен унга сизларни мақтаган эдим. Биздагиларнинг ғайрати яхши, янги техникани пухта эгаллаб корхонамизнинг донгини кўтараяптилар, деган эдим... — Ибодатхон афсусланган оҳангда сўзини давом этдирди. — Мана энди аҳвол... Сизлардан умид шумиди!? Эндиги сафар Москвага борганимизда нима деймиз?

Хотинлар қаттиқ изза бўлиб, унинг бетига қараёлмай қолдилар. Ҳозир улар блан оддий сафдошлари, ҳамдастгоҳларигина эмас, фабрика раҳбарларидан бири сўзлашмоқда эди. Мана икки йилча бўлдики, унинг кўкрагини Игтifoқимиз Олий Совети депутатининг значоги безаб турибди. Сўнгги вақтда бунинг ёнига „Тўқимачилик саноат а'лочиси“ значоги қўшилди. У энди давлат арбоби! Уни бу олий поғонага ҳалол ва фидокор меҳнати, ўз дастгоҳи, ўз корхонасига, жонажон партиямизга, улуғ давлатимизга ва ғамхўр устоз Сталинга бўлган чексиз муҳаббати кўтарди. Шу сабабдан унинг сўзлари ишдошларининг қалбини маш'алдай ёритиб юборди.

Кўп ўтмай, қулоқларга таниш бўлган гудокнинг ҳайқирғи ишчиларни кечки сменага чақирди...

IV

Ибодатхон тўғрисида гап кетганда, уни биладиган одамлар вазмин ва ғамхўр бир ишчи аёлни шу блан бирга тиришқоқ ва меҳнатсевар кишини кўз олдиларига келтирадилар. Унинг бу хусусиятлари дастгоҳ ёнида ҳам, кишилар блан муомалада ва биллада ҳам яққол сезилиб туради.

Айниқса депутатликка кўтарилгандан буён унинг кундалик ҳаёти янада жонлироқ ва мазмунлироқ бўлиб қолди. Энди у фақат ўз плани ва ўз дастгоҳи тўғрисида эмас, сафдошлари, дўстлари, бутун коллективи тўғрисида уйлаши, кўпчиликнинг ғамини ейиши керак эди. Омма блан алоқа тутадиган, одамларга маслаҳат кўрсатадиган киши эмас, ўзи ҳам барча нарсадан хабардор бўлиб туриши, улуғ мамлакат блан ҳамнафас бўлиши шарт. Ибодатхон буни яхши тушинди.

Шу сабабли уни сменадан бўшаган пайтларида ҳам бирон машғулотдан ҳоли кўрмайсиз. Гоҳо уйининг тўридаги жавонда турган китобларини варақлаётган, гоҳо приёмник муруватини бир тўлқиндан иккинчи тўлқинга тўғрилайётган, гоҳо сайловчилардан келган хатларни ўқиб турган, ёки телефонда бирон таниш ё нотаниш кишининг сўзини тинглаётган ҳолда учратасиз.

Қиш чилласи. Ташқарида қор бўраламоқда. Бугунги кун Ибодатхон учун одатдагидан кўра тивч, осойишта бошланди. У, уйда кенжатоғи Алишерни (Навоий юбилейи вақтларида туғилгани учун уни улуғ шоирнинг ҳурматли номи блан атаганлар) тиззасида эркалатгани ҳолда газеталарни кўздан кечириб ўтирарди. Шу вақт телефон жиринглаб қолди. У трубкани қулоғига олди.

— Алло! Ўртоқ директор? Салом... Хўп. Ҳозир ўзим ҳам бор-моқчи бўлиб турган эдим.

Ибодатхон директор кабинетига кириб борганда, у ерда комбинат раҳбарларидан бир нечаси қизғин суҳбатлашиб ўтиришган эди. Гап, йиллик ишлабчиқариш планининг муддатидан олдин бажарилгани муносабати блан янги йил арафасида тантанали кеча ўтказиш ва илғор ишчиларни мукофотлаш устида боради. Директор рўйхатни ўқиб, „қўшиласизларми?“ дегандай буларга мурожаат қилди.

— Жула тўғри танланган, — деди Ибодатхон. — Булар корхонамизнинг устулари, ҳақиқий стахановчилар. Ҳозир ҳарбири беш-йилликни ошириб бажарди.

Суҳбат охирида бошқа масаладан гап очди. Буни у неча кундан бери кўнглига туғиб юрган эди.

— Ясли устида шикоятлар бор, ўртоқ директор, — деди у жиддий ҳолда. — У ерда шароитнинг мазаси йўқ. Ба'зи оналар бундан норози.

Ибодатхон бу ҳақда оналардан тушган шикоятларни батафсил айтиб берди. Ясли гоҳо тузук иситилмайди, буving устига тор, кроватлар етишмайди, илгари 30—40 лаб хотинлар бу ерга боласини тарбияга берган бўлса, ҳозир улар камайиб қолган. Бу ҳол оналарнинг цехдаги ишида қийинчиликлар туғдирган. Айрим хотинлар овқат танаффуси вақтида баҳузур дам олиш ўрнига бола эмизиш учун уйга югиради, гоҳо ишга кечикади. „Ясли серияси“ деб аталган сериянинг кейинги кунларда топшириқни бажармаётганига сабаб шу.

— Кунни кеча партком блан иккимиз яслини кўриб чиқдик. Ҳақиқатан қаноатлантормайди. Тездан чора кўрмаса бўлмайди.

— Шундайми? — деди директор, — тўғридан-тўғри парвосизлик қилибмиз-ку. Комбинатнинг кундалик ишлабчиқариш масалаларига берилиб кетиб, бундай муҳим жойни кўздан қочирибмиз. Бугуноқ яслининг кам-кўстини тузатдирамиз. Хотинларга айтинг, эртадан болаларини бемалол келтираверсинлар.

— Раҳмат, — деди Ибодатхон хурсанд бўлиб ва ўрнидан кўзгалди.

Хайрлашаётган ерида уни директор тўхтатиб:

— Янги шогирдлар топибсизми? — деб сўраб қолди.

— Ҳа, — дейди Ибодатхон. — Икки опа-сингил. Кўрсангиз Фотима-Зухра десиз. Ҳунарга хўп берилган қизлар экан. Ишга ихлоси баланд. Булардан умидим катта. Тез кувда мустақил мотальчи бўлиб чиқишларига кузим етади.

— Бу қизларни қаердан топдингиз? — директор қизиқсиниб қолди.

— Буларни мен топганим йўқ. Улар мени топишди, — деди Ибодатхон кулиб.

Воқиа бундай бўлган экан: Ибодатхон шаҳар советининг мажлисига борганида, танаффус чоғида уни бир нотаниш кампир йўқлаб келган. У Ибодатхонни анчадан бери кўрмоқчи бўлиб юрганини айтади ва шу дамдаёқ она-боладай ўзини яқин олиб, уй аҳволларининг гапириб беради.

— Бисотимда икки қизим бор. Озода блан Шоҳзода. Иккиси ҳам чевар — лочин. Қизларим бир яхши ҳунарни эгалласаю, сизлардай эл-юртга фойда етказадиган бўлса деган тилагим бор. Шуларни сизга топширмоқчиман. Маслаҳат сўраб келдим.

Ўзининг 15 йиллик меҳнат ҳаётида неча ўнлаб шогирдлар етиштирган Ибодатхон ёшларга ҳунар ўргатишни фахрли вазифа деб биларди. У, кампирнинг сўровини бажони-дил қабул этади ва эртасиёқ қизларни комбинатга киритиб, ўз ёнига шогирд қилиб олади. Шундан бошлаб кампир босар-турарини билмай, Ибодатхонникига қатнаб қолади. Ҳар келганида қизларнинг ишларини суриштириб, устознинг ҳақиға дуо қила-қила кетади. Тунов кун бўлса, устозга ихлосини изҳор қилиш учунми, ё қизларнинг чеварлигидан нишона дебми, Алишернинг бошига булбул нусха уроқи дўппи кийгизиб кетибди.

Бу ҳикоядан директор завқланиб кетиб:

— Балли! Ибодатхон! — деди — Шогирдларни кўпайтираверинг. Ёшларнинг қатори тобора кенгайсин. Сиз блан бизлар корхонамизни яратиб, вояга етказиб, улкан ипакчилик ўчоғига айлантириш йўлида тер тўкиб келаётирмиз. Йил сайин сафимизга қўшилаётган ёшлар комбинатимиз ютуғига барака қўшиб, Иттифоқ миқ’ёсида унинг салмоғини явада кўтаришлари шубҳасиз. Зимамизда бешйилликнинг катта-катта юмушлари турибди. Булар дегарлик ёшларнинг кучи, уюшқоқлиги, ватанпарварлигига боғлиқ. Ана шу ёш ишчилар авлодининг туганмас ғайрати янги йилдаги галабаларимизга ҳам гаров бўлаолади.

— Тўғри, — деди Ибодатхон. — Кадрларни тарбиялаш ҳозир айниқса муҳим вазифа бўлиб қолди.

Ибодатхон директор ҳузуридан чиққач, кенг хиёбон оралаб қайтар экан, хаёлида сов-саноқсиз янги дастгоҳлар, янги шогирдлар ва ниҳоят қуёш нурида товланган ипак толалари жонланар эди.

ШАРОФ РАШИДОВ

ЎЗБЕК СОВЕТ АДАБИЁТИ 25 ЙИЛ ИЧИДА

Улуғ айём кунлари босиб ўтилган кураш йўлларига назар солиш, қилинган ишларга яқун яшаш ва қилинажак ишларга план белгилаш совет кишиларига ан'ана бўлиб келган.

Ўзбек совет адабиёти ҳам катта юксалиш йўлини босиб ўтди. Унинг тараққиёт йўлини текширган, шонли тарихини ёзган олим энг олдин Ленин—Сталин партияси миллий сиёсатининг тантамасини, ўзбек совет ёзувчилари учун улуғ рус адабиёти буюк университети бўлганини зўр ифтихор билан қайд қилади.

Совет ҳокимияти Ватанимиз халқларига, шу жумладан бахтиёр ўзбек халқига ҳам, илм олиш ҳуқуқини берди, совет кишиларининг моддий ва ма'навий фаровонлиги учун ҳамма имкониятларни яратиб берди. Ленин—Сталин партияси, совет ҳукумати революция ғалаба қилган биринчи кунларданоқ халқимиз турмушини тубдан яхшилаш, унинг моддий ва ма'навий фаровонлигини оширишга алоқадор бўлган ҳамма масалаларни ҳал қилиб бердилар. Бу эса янги давр қуручилари бўлган совет кишиларининг юксалишида, жамоат меҳнатига социалистик муносабатда бўлишида, сиёсий онгининг ўсишида, ақлий камолотга эришуви ва мамлакат қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборган улуғ ишларни амалга оширишида ҳал қилучи омил бўлди. Ленин—Сталин миллий сиёсатининг порлоқ тантанаси натижасида она-Ватанимизнинг буюк қардошлик оиласига бирлашган халқларнинг шаклан миллий, мазмунан социалистик адабиёти ва сан'ати вужудга келди, ўсди, вояга етди. Большевиклар партиясининг раҳбарлиги ва ғамхўрлиги туфайли халқдан чиққан, она-Ватанга содиқ бўлган ёзувчилар армияси етишиб чиқди. Бу ёзувчилар ўз асарларида совет воқи'лигини, ижодкор халқимизнинг янги фазилатларини, совет тузумининг афзаллигини, замонимизнинг ақл-идроқи, виждони бўлган Ленин—Сталин партиясини, социализмни муносиб тасвир этдилар. Совет адабиёти ўзининг чуқур мазмунини, бадиий кучи, сиёсий ўткирлиги, юксак гоёвийлиги ва ҳаққонийлиги билан жаҳонда энг илғор адабиёт бўлиб қолди.

Ўзбекистон Совет ҳокимияти йилларида таниб бўлмаслик даражада ўзгариб кетди. Энди у саноати тараққий этган, энг янги механизация ва илғор агротехника блан қуролланган қишлоқ хўжалиги ўсган, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданияти юксалган республикага айланди. Ўзбек халқи Ленин — Сталин партияси ва Совет ҳукуматининг ёрдами, улуғ оғамиз рус халқининг қардошларча ёрдами орқасида қисқа муддат ичйда асрларга тенг тараққиёт йўлини босиб ўтди. Энди у, шонли истиқболнинг янги ва ёруғ йўлидан комил ишонч блан коммунизм сари бормоқда. Республика экономикасидаги бу ўзгаришлар ўзбек совет адабиётига мазмун бўлди, унинг тараққиётига кенг йўл очиб берди, ёзучиларимизнинг ижодий камолатига катта таъсир кўрсатди.

Ўзбек совет адабиёти қаттиқ синфий кураш оловларида туғилди, ўсди ва мустақкамланди. Империализмнинг малайлари бўлган буржуа миллатчилари ўзбек совет адабиётининг ўсишига тўсиқ бўлишга уриндилар. Очиқ жангларда тор-мор келтирилган буржуа миллатчилари мафкура фронтига, шу жумладан ўзбек совет адабиётига суқилиб кириб, совет мавзуларининг адабиётимизга кириб келишига тиш-тирноқлари блан қаршилиқ кўрсатган эдилар. Миллатчи хонлар ўзбек совет адабиётининг ривожланишини тўхтатиш учун уриндилар. Улар ўзбек халқининг бой адабий меросини марксизм-ленинизм назарияси асосида ишлаб чиқишга ва ундан тўғри фойдаланишга тўсқинлик қилдилар. Улар биринчи ўзбек совет шоири, драматурги, прозаиги, композитори Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийни ваҳшийларча ўлдирдилар. Партиямиз буржуа миллатчилари ва уларнинг қолдиқларини тағ-томири блан қуритди. Мафкура соҳасига ўрнашиб олган бу душманларнинг фош этилиши ва буткул тор-мор келтирилиши натижасида ўзбек совет адабиёти яна ўсиш, юксалишнинг порлоқ йўлига чиқиб олди. Партиямиз раҳбарлиги остида адабиётимизга яна янги ёш, соф талантлар кириб келдилар. Улар чуқур партиявийлик руҳида ўсиб, камолатга этган ижодлари блан ўзбек адабиёти хазинасини бойитишда муносиб ҳисса қўшдилар. Ўзбек совет адабиётининг софлиги, тўхтовсиз тараққиёти учун кураш олиб борган ватанпарварлардан бири, шубҳасиз, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдир.

Ҳамза Ҳакимзода ажойиб талант, ўткир фаросат, чуқур билим эгаси эди. У, ёзучилиқ ишларига 15 ёшларида — 1905 йилларда киришди. Ҳамза ўз эсдаликларида 1905 — 1914 йиллар мабайвида 214 та ше'р ёзганини, 1905 йилда эса 4 та ше'р ёзганини айтади. Унинг яқинда топилган тўпламига бу ше'рлардан 197 таси киритилгандир. Ёш Ҳамза ўз ижодининг бошланғич йилларидаёқ Эргаш Жуманбулбул, Пўлкан Жомурод ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир Назаров каби халқ шоирларининг меҳнаткаш халқнинг оғир ҳаётини ва унинг зулмга қарши курашини, умидорзуларини тасвир этган асарларини меҳнаткашлар оғзидан эшитиб ўрганди. ўзбек адабиётининг улуғ намоянадалари, демократ шоирлари Муқимий ва Фурқатларнинг асарларини ўқиди: рус адабиётининг улуғ демократик ғояларини чуқур ўрганди. Шун-

дай қилиб, у ўзининг бутун йжодини халқнинг бахт-саодати йўлига бағишлади.

Ҳамза ўзининг оташин асарларида халқни курашга чақирди, унинг озодликка бўлган интилишини ифодалади; хонлар, беклар эксплуататорлар синфининг ёвузлигини нафратлади. Ҳамза революциядан кейин халқни Октябрь галабаларини мустаҳкамлашга, партия томонидан қўйилган вазифаларни шараф билан бажаришга да'ват этди ва бу ҳақда хитобномалар, жанговар ашулалар, мардлик ва қаҳрамонлик руҳи билан суғорилган жўшқин шеърлар ёзди. У, ўз труппаси билан Закаспий фронти жангчиларига, Туркфронт жангчиларига маданий хизмат қилди; халқ қўшиқларини тўплади, ўзи бирнеча пьеса ва музика асари ёзди. Ҳамза адабиёт ва сан'атнинг ёш кадрларини тарбиялашда партияга ёрдам бериб, партиянинг кўрсатмаларини жон-дил билан бажарди. Ҳамза ўзининг пьесаларини янги мавзу'ларда ёзди, ўз қаҳрамонларини оддий меҳнаткаш кишилардан танлади. У, ўзбек совет драматургиясининг асосчиси бўлди.

Ҳамза рус адабиётини чуқур ўрганиши ва ундан зўр муҳаббат билан баҳраманд бўлиши натижасида ўзбек совет адабиётига рус шеърининг формасининг кириб келишида, проза жанрининг яратилиши ва ўсишида, ўзбек совет драматургиянинг яратилиши ва ўсишида катта хизмат қилди. Большевиклар партияси тарбиялаб вояга етказган Ҳамза ўзбек совет адабиёти тарихида муносиб ўрин ишғол қилди.

Бадий адабиёт партиямиз қўлида қудратли мафкуравий қуролдир. Шунинг учун ҳам партиямизнинг Марказий Комитети ва шахсан доҳимиз ўртоқ Сталин бадий адабиётимизнинг сиёсий ўткир, бадий пишиқ, ғоявий юксак бўлиши ҳақида ҳаммавақт ғамхўрлик қилиб келмоқда. Ўртоқ Сталин совет ёзучиларини „киши руҳининг инженерлари“ деб атади ва бадий адабиётнинг совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялашдаги муҳим ролини равшан кўрсатиб берди. Совет адабиётининг асосий қаҳрамони дун'ёни қайта қуручи, большевикча темир ирода эгаси, энг олий инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган янги коммунистик жамият қуришдек буюк ишни шараф билан бажараётган совет кишисидир.

Ватанимиз ҳаётида юз берган буюк воқиялар, саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданиятимизнинг тўхтовсиз ўсиб бораётганлиги адабиётимиз учун мавзу' манбаи, ёзучиларимиз учун илҳом булоғидир.

* * *

Ўзбек классик адабиётининг минг йиллик тарихи бор. Бу адабиётнинг намоёндалари томонидан яратилган нодир асарлар классик адабиётимиз хазинасида дурри-гавҳар бўлиб сақланади. Бу асарларнинг қиммати бизнинг замонамизда яна ошиб кетди. Асарлар тарихини ўз нури билан ёритган бу нодир асарларда кишиликнинг орзу-истаклари, тилак-армонлари ва буюк интилишлари

зўр усталик блан тасвир ётилгандир. Ўзбек классик адабиётининг ифтихори бўлган Алишер Навоийнинг асарлари улуғ рус халқининг тилида, ҳамма қардош халқлар тилида кўп нусхада нашр ётилгандир. Алишер Навоий жаҳон маданияти тарихига олий сан'атор, оқил олим, улуғ инсонпарвар сифатида шахснинг озодлиги, муҳаббатнинг тантанаси учун курашучи буюк ижодкор сифатида кирди. Шунинг учун ҳам унинг яқинда бўлиб ўтган юбилеи фақат ўзбек халқининг байрамигина бўлиб қолмай, балки бутун совет маданиятининг байрамига айланди.

Лутфий, Атойи, Бобир, Гулханий, Муқимий ва Фурқатларнинг ҳечқачон қимматини йўқотмайдиган ажойиб асарлари ҳам ўзбек адабиёти хазинасининг олтин фондидир. Зўр талант эгаси бўлган бу шоирларнинг ажойиб асарлари фақат совет давридагина ўзининг қадр-қимматини топди. Биз ўзимизнинг бу қимматбаҳо хазинамизни кўз қорачиғидай сақлаймиз, буларни фахр блан ўрганамиз, ундан баҳраманд бўламиз, ундан энг яхши ан'аналарни ривожлантирамиз.

* * *

Адабиётимиз хазинасини бойитган яна бир манба' халқ оғзаки адабиётидир. Революциядан бурун ҳам халқнинг демократик руҳдаги оғзаки адабиёти мавжуд бўлиб, ҳарқандай зулм, та'қибларга қарамай, юксалиб борди. Халқимизнинг энг яхши ўғиллари, юксак талант эгалари бўлган Эргаш Жуманбулбул, Пўлкан Жомурод ўғли. Фозил Йўлдош ўғли, Исломо шоир Назаров қабилар меҳнаткаш халқнинг оғир ҳаётини, золимларга қарши курашини, уларнинг умид-орзуларини кўйга солиб, зўр ҳаққонийлик блан тасвир ётганлар. „Равшанхон“, „Гўр ўғли“, „Алпомиш“ каби эпослар ўзбек халқининг шоир ва бахшилари томонидан узоқ йиллар мобайнида яратилган ва буларнинг ҳаммаси совет маданиятимизнинг мулки бўлиб қолгандир.

Ленин — Сталин миллий сийёсатининг тантанаси натижасида, партиямиз ва улуғ Сталиннинг доимий оталарча ғамхўрлиги соясида ўзбек адабиётининг янги армияси етишиб чиқди. Проза, поэзия, драматургиянинг янги, қобилиятли ва истиқболи порлоқ бўлган усталари ўсиб, камолга етди. Бу талантлар халқ ичидан чиққан ва халқ блан чамбарчас боғланган кишилардир. Ўзбек совет ёзучилари совет воқи'лиги мавзу'ларида бирмунча бадий асарлар-яратиб, ўзбек адабиётини Совет Иттифоқидаги миллий адабиётларнинг энг илғорларидан бирига айлантирдилар. Гафур Гулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Яшин, М. Шевердин, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, С. Сомова, Собир Абдулла, Липко, Зулфия, Туроб Тула, Асқад Мухтор, Темур Фаттоҳ, Н. Сафаров, Рамз Бобожон, Ҳамид Гулом, Мирмуҳсин, Саид Назар, Удалов каби ёзучиларимиз ўзларининг ғоявий юксак ва бадий пишиқ асарлари блан халқимизнинг ҳурмат ва муҳаббатига сазовор бўлдилар.

Ўз ижодини кичик ҳикоялар, очерклар ёзишдан бошлаган Ғафур Ғулум энди зўр воқи'ликни муносиб акс этдирган ва Сталин мукофотига сазовор бўлган ажойиб ше'рлар яратди. Ўз ижодини кичик ше'рлар ёзишдан бошлаган Ойбек энди катта ва мураккаб тарихий воқиаларни ажойиб ҳаққонийлик ва усталик блан кенг ҳажмда акс этдиручи романлар ёзди ҳамда Сталин мукофоти олиш бахтига муяссар бўлди. Ўзбек халқининг сеvimли шоири марҳум Ғамид Олимжоннинг оригинал овози ҳозир ҳам жаранглаб эшитилмоқда.

Академик Ғафур Ғулум кўп миллатли Ватанимиз халқлари оиласида отоқли шоирлардан бири ҳисобланади. У бадий адабиётдаги ҳамма жанрларда асарлар ёзган. У прозада, поэзияда ва бадий публицистикада намуна бўладиган кўпгина асарлар яратиб, ўзбек совет поэзиясида „янги олам“ очган шоирдир. У ше'р, ҳикоя, очерк, публицистик мақолалар, фельетон, поэма, повестьлар ёзиб, зўр исте'долли ижодкор эканлигини кўрсатди.

Ғафур Ғулум 1924 йилдан бошлаб ёзган турли жанрлардаги асарларида ҳаётнинг ҳамма томонларини ажойиб усталик блан, рангбаранг ва гўзал тил блан реалистик тасвир этади. Унинг моҳирлиги социалистик қурилушнинг кичик ва олдий воқиаларини ҳам зўр юксакликка кўтара олиши ва кенг оммалаштира билишидир. Бу соҳада унинг „Динамо“, „Тирик қўшиқлар“, ҳикоялар тўпламлари, „Нетай“, „Ёдгор“ повестлари, „Кўкан батрак“ поэмаси, Хитой ҳақидаги новеллалари, Улуғ Ватан уруши даврида ва урушдан сўнг яратган ўнлаб ўлмас асарлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шоир Ғафур Ғулумнинг бу даврда ёзган асарлари ичида „Мен яхудийман“, „Сен етим эмассан“, „Вақт“, „Ассалом“, „Сўз“, „Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак“ ва айниқса Иосиф Сталин ҳақидаги одаси ва жуда кўп асарлари ўзбек поэзиясининг катта ютуғидир.

Академик М. Ойбек йирик шоир ва прозаикдир. Унинг жуда кўп ше'рлари ва поэмалари поэзиямизда катта ўрин тутади. „Уч“, „Бахтигул ва Соғиндик“, „Темирчи Жўра“ каби поэмалари зўр эҳтирос блан ёзилган бўлиб, уларда воқи'лигимизнинг актуал масалалари усталик блан тасвир этилган. У, 1948 йилда „Қизлар“ деган поэмасини нашр қилди, 1949 йилда эса „Ғамза“ поэмасини ёзиб, биринчи ўзбек шоири, драматурги ва композиторининг образини яратди. Ойбек прозада катта асарлар ёзиш блан бирга, поэзияда ҳам самарали ижод қилмоқда. Ойбек проза жанрига анча кейин кириб келган бўлса ҳам, бу соҳада катта сан'аткор сифатида танилди. Унинг „Қутлуғ қон“, „Навой“, „Олтин водидан шабодалар“ номли романлари ўзбек прозасининг катта ютуғи бўлиши блан бирга, кўп миллатли СССР халқлари адабиёти хазинасини ҳам бойитди. Унинг Сталин мукофотига сазовор бўлган „Навой“ романида халқнинг феодал зулмидан азоб-уқубат чеккани, сарой аҳлининг ҳийла ва найранглар блан тўла ҳаёти ҳамда феодал тузумнинг ҳамма қарама-қаршиликлари зўр маҳорат ва ҳаққоният блан тасвир этилгандир. Бу

романда Навоий замонидаги жамиятнинг ҳамма табақалари, меҳнаткаш халқ ва бутун эл-юртнинг Навоийга бўлган меҳр-муҳаббати ва классик шоиримизнинг зўр қобилияти, ижодий маҳорати, юксак инсоний фазилатлари реалистик акс этдирилгандир.

Шоир Ҳамид Олимжон — ўзбек поэзиясининг энг талантли сиёсий лирикларидан бири. У кураш ва қурилиш нафосини гўзал бадий бўёқларда, нозик тасвирларда жўшқин тараннум этди. Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг корреспондент-а'зоси бўлган Ҳамид Олимжон ўз ижоди устида тинмай ишлади. Янги ше'рий формалар ва оригинал фикрлар, давримизни гўзал тасвирлайдиган кучли ва ўткир ифодалар излади. Халқ ичидан чиққан ва ҳамиша ўз халқига содиқ бўлган шоир халқнинг битмас-туганмас ижодидан самарали фойдаланди. У халқ ижодининг энг сермазмун боғларига қунт ва жасорат блан кириб борди, халқ ижодининг демократик ва гўзал поэтик хусусиятларидан ўрганди. Ҳамид Олимжон рус адабиётининг битмас-туганмас чашмаларидан баракали баҳраманд бўлди, унинг энг яхши намуваларидан бирмунчасини ўзбек тилига таржима қилди. Буларнинг ҳаммаси Ҳамид Олимжоннинг фикрий муҳокамасини кенгайтди, унинг лирикасига янги оҳанг, сиёсий ўткирлик, бадий гўзаллик, ғоявий юксаклик бағишлади. Ҳамид янги дун'ё кишининг бахт-соадатини, шодлик ва севинчини, мардлик ва қаҳрамонлигини, интилишини ва фидокорлигини юксак ше'рий формаларда, ўйноқи оҳангларда, фусункор тасвирларда акс этдирди.

Ҳамиднинг биринчи ше'рлар китоби „Кўклам“ 1929 йилда, иккинчи тўплами „Олов сочлар“ 1931 йилда босилди. У ўзининг бу асарларига кирган ше'рлари блан кураш ва қурилишимизнинг олдинги участкаларида туриб, халқни фидокорона меҳнатга ва ғалабага руҳлантирди. Ҳамид Олимжон тобора ижодий камолатга эриша борди. У чуқур социал моҳиятга эга бўлган актуал масалаларни акс этдиручи, Ленин — Сталин партиясининг қақриқларини пропаганда қилучи сиёсий лирика яратди. Шу блан бирга, „Ойгул ва бахтиёр“, „Семурғ“, „Зайнаб ва Омон“ каби поэмаларни зўр эҳтирос блан ёзиб, уларда халқ тилидаги содалик ва равонлик блан фикр ва мазмун чуқурлигини узвий боғлай олди.

Ҳамид Олимжоннинг „Башар қуёшига“, „Сосо“, „Россия“, „1924 йилнинг 21 январида Самарқанд“, „Роксананинг кўз ёшлари“, „Горький“ ше'рлари ўзбек поэзиясидаги сиёсий лириканинг гўзал намуналари бўлиб, ўзбек адабиёти тарихида порлоқ нур сочиб туручи дурдоналардир.

Шоир Уйғун ўзбек совет адабиёти тарихида ўзининг ажойиб лирик ше'рлари блан алоҳида ўрин тутди. У адабиётимизнинг энг уста лирикларидан бири бўлиб, табиат кўринишларини, турмуш воқиаларини, кишиларимизнинг олийжаноб фазилатларини, халқимизнинг социалистик жамият қуриш йўлидаги курашини лирик оҳангларда акс этдириб келади. Унинг жуда кўп лирик ше'рлари ўзининг ўйноқилиги, жўшқинлиги ва равонлиги блан кишининг юрак пардаларига бориб тегади.

Ўзбек совет поэзияси хазиначиси бойитишда жуда катта меҳнат қилган шоир Уйғун драматургиямизни бойитишда ҳам муносиб ҳисса қўшди. У кейинги вақтларда „Ҳаёт қўшиғи“, „Навбахор“, „Олтинкул“ ва „Гулистон“ деган пьесаларни яратди. Унинг „Навбахор“ пьесаси адабиётимизнинг катта ютуғи ва драматургиямизнинг ўсиб келаётганлигини кўрсатучи асардир. Бу пьесада янгиликнинг эскилик устидан ғалабаси, колхоз хўжалиги тараққиёт йўли, колхозчи деҳқонларнинг фидокорлиги, она-Ватанимиз ва большевиклар партиясига зўр садоқати тасвир этилгандир.

Ўзучи Швердин Ўзбекистондаги рус ўзучиларнинг энг кўзга кўринган вақчилидир. Михаил Швердин кейинги йилларда кўпгина ҳикоялар билан бирга, „Санжар ботир“ деган роман ёзди. У ҳозир Ўзбекистон ҳаётидан катта роман ёзиб тамомлади.

Шоир Шайхзоданинг ижодига ўткир сиёсий лирика ва пафос билан тўла граждандар поэзияси характерлидир. Унинг шеърларидаги сиёсий ўткирлик мамлакатимиз қиёфасини ўзгартириб юборган улғу ишлар билан чамбарчас боғланган. Шайхзода шеърларининг энг яхши бадийи ва сиёсий фазилати — унинг чуқур партиявийлигидир. Шоирнинг жуда кўп шеърларида давримизнинг улғу идеялари, халқимизнинг буюк вазифалари бадийи оҳангларда кўтаринки руҳда тасвир қилинади. Бу шеърлар тўла маънода жанговор шоир бўлиб жаранглайди.

Шайхзода шеърларининг яна бир фазилати — унинг партия ва ҳукумат томонидан халқ олдида қўйилган вазифаларга шоирона бир садо билан жавоб беришлигидадир. Унинг кейинги йилларда ёзган шеърлари, мақолалари тематикасини кўздан кечирсак, курашимизнинг актуал масалалари шоирнинг диққат марказида турганини кўрамиз. Шоир Шайхзода адабиётимизга 1931 йилда ўзининг турли-туман шеърлари билан кириб келган. Унинг „Республика“, „Учинчи китоб“, „Янги девон“ ва Улғу Ватан уруши даврида ҳамда урушдан сўнгги вақтларда чиққан китоблари халқ ўртасида машҳурдир.

Халқимиз ўзучи Абдулла Қаҳҳорни кичик ҳикоялар устаси сифатида танийди. Абдулла Қаҳҳорнинг таланти ана шу жанрда камолатга етди. У ўз асарларининг қахрамони қилиб совет қишлоғидаги кишиларни, оддий колхозчиларни, зиёлиларни танлайди ва шу кишилар образи орқали халқимизнинг янгилиши ва фазилатини ажойиб усталик билан акс этдиради. Абдулла Қаҳҳорнинг жуда кўп ҳикоялари шу қадар усталик билан ёзилганки, улар киши қалбига поэзия оҳанглиридек бўлиб киради.

Адабиётимизда бу отоқли ўзучилар билан бирга ўсиб, улғайиб келаётган бирмунча ўзучи ва шоирларимиз ҳам борки, улар ўз асарлари билан адабиётимизни бойитишда, халқимизни коммунистик руҳда тарбиялашда катта хизмат қилмоқдалар. Шоир Собир Абдулла халқимизнинг ҳаётини акс этдиручи ажойиб ашуллари ва „Тоҳир Зуҳра“, „Алпомиш“ пьесалари билан, драматург Н. Сафаров „Уйғониш“, „Шарқ тонғида“ пьесаси билан, драматург Туйғун „Муҳаббат“ ва „Гулнор“ пьесалари билан, шоира Зулфия совет воқеалигидан олиб ёзилган шеърлари билан, Светлана

Сомова ўткир шеърлари ва кўпгина таржималари блан, Александр Удалов юксак гоёли повестьлари блан адабиётимизнинг ўсишига катта ҳисса қўшмоқдалар. Шунингдек, Рамз Бобожон, Ҳамид Гулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Саид Аҳмад, Қуддус Муҳаммадий, Саид Назар ўртоқларнинг кейинги йилларда чиққан китоблари уларнинг ўсиб, ижодий камолатга етаётганликларини кўрсатади.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, ўзбек совет адабиёти дунёда энг илғор бўлган рус адабиётининг ҳаётбахш таъсирига ўсиб, ривожланди. Ўзбек ёзучилари Пушкин, Лермонтов, Крилов, Некрасов, Белинский, Чернишевский, Добролюбов, Герцен, Тургенев, Толстой, Короленко, Островский, Чехов, Горький, Маяковскийларни етиштирган буюк халқнинг илғор адабиётидан юксак гоёвийликни, революцион пафосни, кучли реализмни, публицистик устунликни, бадиий-сиёсий муҳокаманинг кенглигини ўргандилар. Бу адабиёт хазинасидаги қимматли асарларнинг кўпгина қисми ўзбек тилига таржима қилинди.

Рус совет адабиётининг ютуғи бўлган кўпгина асарлар А. Толстой, М. Шолохов, А. Фадеев, Н. Тихонов, К. Симонов ва бошқа ёзучиларнинг асарлари кўплаб таржима қилинмоқда ва бу асарлар халқимиз томонидан севиб ўқилмоқда.

Ёзучиларимиз қардош халқлар адабиётидан кўпгина асарлари — Шота Руставели, Тарас Шевченко, Низомий, Садриддин Айний ва бошқа ёзучиларнинг бирнеча асарларини таржима қилиб, ўқучиларга тақдим этдилар. Ўзбек совет ёзучилари жаҳон классик адабиёти, айниқса илғор рус адабиётининг ютуғи бўлган асарларни ўқиш, уларни қунт блан ўрганиш ва ўзбек тилига таржима қилиш натижасида катта ижодий маҳорат ордирдилар.

Кейинги тўрт-беш йил ичида Алишер Навоийнинг 5 томли сайланма асарлар тўплами, Муқимий ва Фурқат асарлари, шунингдек ўзбек совет адабиётининг ифтихори бўлган Ҳамза Ҳакимзоданининг асарлар тўплами нашр этилди. Кейинги 25 йил ичида халқ оғзаки адабиётининг намунаси бўлган жуда кўп дostonлар ёзиб олинди ва нашр қилинди.

Ўзбек совет адабиёти Улуғ Ватан уруши йилларида янада жанговар бўлди. Гитлер галалари мамлакатимизга босиб кирган вақтда, Ватанимизнинг бутун халқлари блан бирга, ўзбек халқи ҳам, она-юртимизнинг мудофаасига отланди. Ўзбек ёзучилари ҳам, мамлакатимиздаги минглаб ёзучилар қаторида, совет халқига қалам ва қурол блан ёрдам бердилар. Улар ўзбек йигитларига Улуғ Ватанимиз номидан мурожаат қилдилар; уларни мардликка, қаҳрамонликка, она-тупроғимизнинг ҳарбир қаричини мардона ҳимоя қилишга руҳлантирдилар. Бу йилларда ўзбек адабиётида яратилган асарларнинг асосий мазмуни ўзбек халқининг улуғ оғамиз рус халқи блан биродарлигини, она-Ватанимизга бўлган муҳаббатини, халқларнинг сталинча дўстлигини ифода қилишдан иборат бўлди.

Шоир Ҳамид Олимжон уруш бошланган кунларда Ватанимизнинг юраги бўлган Москвада эди. У урушнинг биринчи кунла-

ридаёқ ажойиб ше'рлар ёзиб, фашизмнинг ўлимга маҳкум эканлиги, ғалаба бизники бўлажаги ҳақида ёзди. 1941 йил 24 июнда ёзган „Ғалаба қўшиғи“ ше'рида Ҳамид Олимжон „Тарихнинг ҳукмидир бу! Бизникидир чин зафар“, деб қат'ий та'кидлади. У халқ ўртасида оташин нутқлар сўзлади, газеталарга ўткир публицистик мақолалар ёзди, кучли, сиёсий жанговар лирика яратди. Драматургия соҳасида салмоқли асар „Муқанна“ни ёзди. Ҳамид Олимжоннинг уруш йилларида нашр этилган „Она на ўғил“ (1942 йил), „Қўлингга қурол ол“ (1942 йил), „Ишонч“ (1943 йил) тўпламларига кирган ше'рлари, унинг „Жангчи Турсун“, „Роксананинг кўз ёшлари“ деган балладалари, шубҳасиз, адабиётимизнинг зўр ютуғи бўлди.

Сталин мукофоти лауреати Фафур Ғулом ўз асарларида совет жангчисининг жанговар фазилатларини тараннум этди. Унинг „Кузатиш“, „Чегарачилар марши“, „Мен яҳудийман“, „Сен етим эмассан“ каби ше'рлари шоирнинг ижодида катта бурилиш бўлди. Бу йилларда Амин Умарий ҳарбий лириканинг ажойиб намуналарини яратди. Уйғун эса „Зафар тароналари“, „Ғазаб ва муҳаббат“ тўпламларини нашр қилди. Шунингдек, Иззат Султоннинг бу вақтда ёзилган „Бургутнинг парвози“ пьесаси адабиётимизнинг энг сеvimли мавзуи — халқлар дўстлигини акс эттирди. Бу асарда ўзбек халқининг большевиклар партияси раҳбарлигида ва оғамиз рус халқининг биродарларча ёрдамида бахтиёр ҳаёт учун жанг қилгани кўрсатилгандир. Темур Фаттоҳ, Ҳасан Пўлат, Ҳамид Ғулом, Зафар Диёр, Шукур Са'дулла, Туроб Тўла, Саид Назар, Ра'но Узоқова, Светлана Сомова, Владимир Липко, Мирмуҳсин, Рамз Бобожон ва бошқа шоирларимиз Ватан уруши ҳақида, жангчиларимизнинг мардлиги ва қаҳрамонлиги ҳақида, жамиятимизнинг руҳлантиручи кучи бўлган халқлар дўстлиги, ватанпарварлик, халқларнинг ма'навий-сиёсий бирлиги тўғрисида муҳим асарлар яратдилар.

Халқ шоирлари Фозил Йўлдош, Ислом Шоир, Қурбон оталарнинг асарлари ҳам поэзиямизда алоҳида ўрин эгаллади. Улуғ Ватан уруши кунларида Ислом шоир фидокорона ижодий меҳнат қилди. У урушнинг биринчи кунларидан бошлаб ҳарбий темаларда ше'рлар ёзди. 70 ёшдан ошган бу кекса шоир ўзининг „Жангнома“, „Қаҳрамоннома“ Улуғ Сталин ва Москва ҳақидаги ше'рларида совет жангчиларининг шарафини улуғлади. У фашист газандаларга қарши халқ нафратини куйлади ва халқни ғалабага руҳлантирди.

Улуғ Ватан уруши йилларида республикамизга Алексей Толстой, Николай Тихонов, Якуб Колас, Всеволод Иванов, Николай Погодин, Корней Зелинский ва бошқа кўп рус ёзучилари келдилар. Улар ўзбек совет адабиётининг ўсишига самарали, ижодий ёрдам кўрсатдилар. Ҳозир ижод қилаётган ҳарбир ўзбек ёзучиси отоқли рус ёзучиларнинг бу катта ёрдамини ҳечқачон унутмайди ва доим қадрлайди. Мана шу ижодий ҳамкорлик натижасида, Алишер Навоийнинг „Хамса“сига кирган дostonлар, унинг лирик ғазаллари, шунингдек, Бобир, Машраб, Муқимий,

Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжоннинг шеърлари, Ойбекнинг романлари, Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоялари рус тилига таржима қилинди ва Москвада нашр этилди. Ўзбек тилидаги кўпгина асарларнинг таржимасида рус совет адабиётининг отоқли таржимонларидан Державин, Липкин, Пеньковский, Городецкий, Ушаков ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар.

Уруш йилларида фронтда бўлган 30 дан ортиқ ёзучимиз қўлларига қурол олиб, Ватанни мудофаа қилиш билан бирга, бирмунча бадий асарлар ёздилар. Султон Жўра, Назир Сафаров, Зиннат Фатҳуллин, Адҳам Раҳмат, Иброҳим Раҳим, Назармат ва бошқа ёзучилар шу йилларда самарали ижод қилдилар.

Ёзучи Абдулла Қаҳҳор Совет Иттифоқининг Қаҳрамони Аҳмаджон Шукуров тўғрисида повесть ёзди. Ёзучи Ойбек „Қуёш қораймас“ деган романи устида ишлади. Шоир Шайхзода ўзбек халқининг оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев ҳақида дoston ёзди. Ёзучи Ойдин ҳам уруш йилларида ижодий активлик кўрсатди. У ўзбек жангчилари ҳақида, хотин-қизларимизнинг фронт орқасида қилаётган қаҳрамонона меҳнати ҳақида ҳикоялар ёзди.

Ўзбек адабиётининг Ватан уруши кунларида Москвада бўлиб ўтган декадаси адабий ҳаётимизда катта воқиадир. Бу декадада ўзбек адабиётида яратилган кўпгина асарлар кенг муҳокама қилинди; уларнинг ютуқ ва камчиликлари кўрсатилди. Рус совет адабиётининг отоқли вакиллари ўзбек ёзучиларига йўл-йўриқ кўрсатиб маслаҳатлар бердилар. Бу декада халқлар дўстлиги ва Ленин—Сталин миллий сиёсатининг тантанаси белгиси остида ўтиб, ўзбек совет адабиётининг ривожланишида катта роль ўйнади.

ВКП(б) Марказий Комитетининг адабиёт ва сан'ат ҳақида чиқарган қарорлари совет адабиёти ва совет ёзучилари учун янада юксалиш йўлини кўрсатиб берди. Партиямиз Марказий Комитетининг „Звезда“ ва „Ленинград“ журналлари ҳақидаги ва мафкура соҳасидаги кўпгина қарорлари совет адабиётидаги бирмунча жиддий камчиликларни кўрсатиш билан, унинг олдига ва бутун ёзучилар жамоатчилиги олдига юксак талаблар қўйди. Адабиётимизнинг кейинги йиллар ичида қўлга киритган барча ютуқлари партиямиз Марказий Комитети кўрган тадбирларнинг порлоқ самарасидир. ВКП(б) Марказий Комитетининг мафкура соҳасидаги қарорларидан сўнг, ўзбек совет адабиётида ҳам катта бурилиш бўлди. Ҳозирги замон мавзуида кўпгина асарлар яратилди. Ўзбекистон ёзучилари совет воқи'лигини чуқур ўрганиш, ҳозирги даврнинг актуал масалаларини муносиб тасвирлаш, бадий ва ғоявий жиҳатдан юксак асарлар яратиш йўлида бирмунча иш қилдилар. Илгари тарихий мавзуларда асарлар яратишга ортиқча берилиб кетган айрим ёзучилар бу қарордан сўнг совет воқи'лигидан асарлар ёзабошладилар. Мирмуҳсиннинг „Уста Ғиёс“, „Яшил қишлоқ“, Асқад Мухторнинг „Пўлат қуючи“, Ойбекнинг „Қизлар“ поэмалари, Парда Турсуннинг „Ҳақ йўл“ повести, Уйғуннинг „Ҳаёт қўшиғи“, „Навбахор“, Туйғуннинг „Муҳаббат“ пьесалари Ғафур Ғулом, Туроб Тўла, Рамз Бобожон, С. Со-

мованинг ше'рлари, Абдулла Қаҳҳор ва Саид Аҳмаднинг ҳикоялари адабиётимизда ҳозирги замон мавзуларида кўпгина асарлар яратилганлигига далилдир. Бу асарларнинг энг яхши фазилати шундан иборатки, уларда совет воқи'лигини ярагаётган, коммунизм жамиятини қураётган халқимизнинг энг яхши хислатлари юксак интилиши усталик билан акс этдирилган. Бу асарларда мазмундор ҳаётимиз, совет тузумининг бошқа ҳарқандай тузумдан устунлиги, совет ватанпарварлиги, халқларимизнинг сталинча дўстлиги тўғри кўрсатилган.

1949 йилда Ўзбекистон коммунист большевиклар партияси Марказий Комитетининг Бюроси Ўзбекистон совет ёзучилари Союзининг иши ҳақида алоҳида қарор қабул қилди. Бу қарорда Ўзбекистон совет ёзучиларининг кейинги йилларда қилган ижодий ишларига яқун ясалди. Ёзучилар союзи ва айрим ёзучиларнинг ишида юз берган жиддий камчиликлар большевикча танқид қилиб кўрсатилди ва адабиётимизнинг юксалиш истиқболи учун янги тадбирлар белгилаб чиқилди. Партияимизнинг бу қарори ёзучилар союзи ишида ва ёзучиларимизнинг ижодида катта бурилиш ясади. Бу қарордан сўнг ёзучиларимиз республикамизнинг эканомикаси ва маданиятида юз берган буюк ўзгаришларни акс этдиришга бел боғладилар ва Ўзбекистоннинг 25 йиллик тўйига муносиб совғалар тайёрлаш, ўзбек совет адабиётини янада юқори босқичга кўтариш, халқимизни коммунистик руҳда тарбиялаш темаларида муносиб асарлар яратишга уюшқоқлик билан киришдилар. Натижада, бирмунча асарлар яратилди. Ойбекнинг „Олтин водидан шаббодалар“, Парда Турсуннинг „Ўқитучининг йўли“ романлари, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Ҳамид Фулом ўртоқларнинг янги повестьлари, Асқад Мухторнинг „Катта йўлда“, Шукруллонинг „Коммунизм бўсағасида“, Эгам Раҳимнинг „Бахт йўли“ поэмалари партияимиз белгилаб берган тадбирларнинг биринчи самарасидир.

Ўзбекистон республикасининг 25 йиллиги олдидан ўтказилган энг яхши пьесалар конкурси муваффақият билан якунланди. Драматург Яшиннинг генерал С. Раҳимов ҳақидаги, ёзучи Абдулла Қаҳҳорнинг „Янги ер“, Н. Алексеев ва М. Мелкумовларнинг „Президент соқчиси“ деган пьесалари конкурс жюриси томонидан мукофотланди.

Бундан ташқари, конкурс жюриси Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Сан'ат ишлари бошқармасига М. Исмоилов ва Ж. Обидовнинг „Кенг майдонлар“, Собир Абдулланинг „Москвали йағит“, Уйғуннинг „Гулистон“, Туйғуннинг „Гулнор“, Ғ. Абдулланинг „Тонг олдида“, И. Акрамовнинг „Оналар“ пьесаларини таётрларда саҳнага қўйишни тавсия қилди. Шунингдек, Шукур Са'дулла, Иброҳим Раҳим, Ж. Машрабий, Чепрунов, Тропинина, Себко, Коробов, Максимов ҳамда Петров-Иванчукнинг янги пьесалари Ўзбекистон Ёзучилар Союзининг драма секциясига топширилди. Ҳозирги замон маззуида ёзилган пьесалар учун ўтказилган конкурснинг катта муваффақият

блан тугалланиши ҳам партиямиз Марказий Комитети томонидан белгилаб берилган тadbирларнинг дастлабки самарасидир.

Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллик юбилейи муносабати блан энг яхши оммавий совет ашулалари учун э'лон қилинган конкурс ҳам муваффақиятли тугалланди. Конкурсга 250 дан ортиқ ашула тушди. Бу эса ўзбек совет шоирларининг катта ижодий ишга киришганликларини кўрсатади. Конкурсда шоир Рамз Бобожон ва композитор Борис Гиенко ўртоқларнинг Ўзбекистон пойтахти Тошкентга бағишланган „Менинг шаҳрим“ ашуласи биринчи мукофотга, шунингдек, Мильчаков, Елена Ястребова, Борис Пармузин, Туроб Тўла, Владимир Липко, Мирмуҳсин, Саида Зунунова ўртоқлар ёзган қўшиқлар ҳам мукофотга сазовор бўлди.

Энг яхши оммавий ашулалар учун ўтказилган конкурснинг муваффақиятли яқунланганлиги ҳам партиямиз Марказий Комитети белгилаб берган тadbирларнинг самарасидир.

Шунингдек, кейинги йилларда ўзбек совет адабиётида танқидчилик ҳам анча ривожланди, унинг савияси ўсди. Танқидчиларимиздан, Ҳомил Ёқубов, С. Қосимов, С. Азимов, Ҳ. Убайдуллаев, А. Олимжонов ўртоқлар анча самарали ишламоқдалар ва адабиётимиз олдида турган энг муҳим вазифаларни, ёзучиларимизнинг ижодларини анализ қиладиган бирмунча мақолалар яратдилар.

Болалар адабиётида ҳам ба'зи ўзгаришлар сезилмоқда. Ёзучиларимиз бу йил қувноқ болаларимиз учун бирмунча китоблар нашр қилдилар. Ба'зи камчиликларига қарамасдан, бу китоблар бошланғич ичимизнинг биринчи меваларидир. Эндиги вазифа—болалар адабиёти масаласини кенг муҳокама қилиб, унинг тарқиётига ёрдам берадиган бутун чора-тadbирларни белгилаш ва уларни амалга ошириш, бу ишга деярли ҳамма ёзучиларни жалб этишдан иборатдир.

Ўзбек совет ёзучилари ўзларининг босиб ўтган ижод йўлларига зўр фахр блан назар ташлайдилар, чунки ўзбек совет адабиёти 25 йил ичида шонли ва порлоқ йўлни босиб ўтди. Партиямиз раҳбарлиги остида ўзбек совет ёзучиларининг қаторлари янги ёш талантлар ҳисобига тўхтовсиз ўсиб борди. 1935 йилда Ўзбекистон Совет ёзучилар союзига а'зо бўлган 25, 1940 йилда 55, 1946 йилда 76 ёзучи бор эди, энди уларнинг сони 110 етди.

Улуғ Сталин бизга қўлга киритилган ғалабалар блан хотиржам бўлиб қолмаслик, ютуқ ва маваффиқиятларни мустаҳкамлаб, доим олға қараб ҳаракат қилиш ҳақида та'лим беради. Биз адабиётимиздаги муваффақиятлар блан қаноатланиб қолмаслигимиз, балки ўзимизнинг сиёсий билимимизни, бадий маҳоратимизни ошириш йўлида тинмай ишлашимиз, Ленин—Сталин замонасига муносиб, бадий жиҳатдан юксак, янги асарлар яратишимиз лозим.

Шуни унутмаслик керакки, бадий адабиёт мамлакатимиз меҳнаткашларининг ғоявий ҳаётида тобора каттароқ аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Миллион-миллион кишилар совет адабиётининг энг яхши асарларини ўқиб, ўзларининг муқаддас фикрлари ва

тилак-орзуларининг ифодасини бадий образлардан топаоладилар. Шунинг учун ҳам совет кишилари ўз адабиётлари блан ҳарвақт ҳақли равишда фахрланадилар, совет ёзучиларидан бадий ва ғоявий жиҳатдан юксак бўлган асарлар яратишни талаб қиладилар. Бу соҳада большевик матбуотининг отаси „Правда“ газета сининг қўйидаги кўрсатмаси ҳарбир ёзучига қўлланмадир:

„Ҳаммага маълумки, агар адабий асар яхши ниятлар блан ёзилган бўлса ҳам, бадий жиҳатдан бўш бўлса, меҳнаткашларни тарбиялаш соҳасида ўз олдига қўйган мақсадга эришолмайди. Бундай асар ўқучида ҳақли ғазаб туғдиради. Ўқучи бундай асарни ўқишдан воз кечади ва унутиб юборади, чунки бундай асар ўқучида ҳечқандай ҳиссиёт ва фикрлар уйғотмайди. Актуаль бир мавзуни танлаб олишнинг ўзигина кифоя қилмайди, ёзучи ўзининг халқ олдига бутун жавобгарлигини англаши, ҳаётни чуқур ўрганиши, ўз сан’аткорлигини ошириш устида тинмай ишлаши лозим“.

Совет ёзучиси олдида халқни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифаси туради. Ёзучиларимиз бу вазифани бажариш учун энг олдин Совет кишиларининг ҳаётини, турмушини, иш жараёнларини, интилишини, фазилатини, социалистик жамиятнинг юксалиш қонунларини, марксизм-ленинизмни чуқур ўрганишлари ва мавзуни шу асосда талқин қилишлари лозим. Улар совет ўқучисининг дидига мос келадиган, партияизмининг талабига жавоб берадиган, кўллардан тушмайдиган янги асарлар яратишлари керак.

Бутун Иттифоқимиздагидек, совет Ўзбекистонида ҳам адабиёт ва сан’ат умумхалқ иши, партия иши булиб қолди. Шунинг учун ҳам халқимиз, партияимиз адабиётимизда яратилган ҳарбир асарга зўр эътибор блан қарайди. Ўзбек совет адабиётининг 25 йил ичида катта муваффақиятларга эришганлиги большевиклар партияси раҳбарлигининг самараларидан биридир.

Ленин — Сталин партияси қўлида ўткир қурол бўлган бадий адабиёт янада ўсиб-юксалиб боражак. Совет ёзучиларимиз ўзларининг сиёсий билимларини, бадий маҳоратларини ошириб, халқ олдига мас’улиятнинг ғоят катта эканлигини тушуниб, Ленин—Сталин замонасига муносиб асарлар яратажаклар. Бунинг учун Ленин—Сталин партиясининг раҳбарлиги гаровдир.

М. МУҲАММЕДОВ

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИНИНГ САН'АТИ

Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистон Ленин—Сталин партиясининг раҳбарлиги ва улуғ рус халқининг биродарона ёрдами туфайли давлат ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришди. Улуғ Октябрь Социалистик революциясигача қолоқ, чор мустамлакаси бўлган Ўзбекистон Шарқдаги чинакам социалистик маш'алга айланди. Мазлум Шарқ мамлакатларининг меҳнаткашлари унга умид кўзлари блан қарайдилар. Ўзбекистон қудратли индустрия, колхоз ва совхозлар мамлакатига айланди. Унда олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтларининг сони кун сайин ўсмоқда, ўзбек халқининг фарзандлари — ўн минглаб инженерлар, агрономлар, ўқитучилар, фан, адабиёт ва сан'ат арбоблари социалистик Ватанимизнинг қудратига-қудрат, шуҳратига-шаҳрат қўшиш учун ҳормай-толмай илҳом блан меҳнат қилмоқдалар.

Шаклан миллий, мазмунан социалистик ўзбек совет сан'ати катта равнақ топди. Ўзбек халқи ўз сан'атининг муваффақиятлари блан, ўз маданиятининг йирик югуқлари блан қувонади, фахрланади.

Ўзбек сан'ати қадимийдир. У, кекса ўтмишга бориб туташади, у ўтмишда гуллаш ва тушкунлик даврларини кечирган. Халқ ўз ижодининг энг яхши намуналарини хотирасида сақлаб, уни тилдан-тилга авлоддан-авлодга қолдириб келди.

Феодал-қуллик тузуми ўзбек халқи сан'атининг бор бўйича ривожланишига имкон бермади.

Ўзбек сан'ати совет давридагина чинакам тараққиёт йўлига кириди, Ленин—Сталин миллий сиёсати унинг гуллаб-яшнаши учун ҳамма имкониятларни яратиб берди.

Партиямизнинг доимий назар ва э'тиборидан, совет ҳукумати-нинг оталарча ғамхўрлигидан илҳомланган, халқимизнинг муҳаббатини қозонган Ўзбекистон сан'ат ходимлари, ўзбек совет сан'ати-та асос солган Ҳамза Ҳақимзоданинг шонли ан'аналарини ривожлантириб, ўз ижодлари блан совет халқи манфаатларига хизмат

қилишга, коммунизм қуриш ишида унинг энг мас'улиятли ва ҳал қилучи участкаларида бўлишга тиришадилар.

Гражданлар уруши йилларидаёқ, Ҳамза биринчи ўзбек театр труппасини тузганидан кейин Тошкент, Фарғона, Хоразм, Самарқанд, Қўқон ва бошқа шаҳарларда анчагина театр ва музыка коллективлари ташкил қилинган эди. Бу коллективлар меҳнаткаш ўзбек халқининг талантли намояндалари учун илк мактаб бўлиб хизмат қилди. 1918 йилда Тошкентда Халқ Консерваторияси очилиб, унда ўзбек халқ чолғу асбоблари бўлими ташкил қилинди. Консерваториянинг муаллимлари орасида Шораҳим Шоумаров, Абдусоат Ваҳобов, Шобарат каби, ўзбек халқ сан'атининг кўзга кўринган арбоблари бор эди. Тез орада Бухоро ва Хевада ҳам музыка мактаблари очилди.

Бу биринчи профессионал ижодий коллективлар талантли сан'ат ходимлари таёрлайдиган давлат театрлари, концерт ташкилотлари ва бадий билим юртининг барпо қилинишига асос солдилар. Ҳозир Ўзбекистонда 29 театр ишлайди. Мамлакатимизнинг энг яхши театрлари қаторидан жой олган Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек давлат академик драма театри ва Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байлоқ одренли Давлат опера ва балет театри шулар жумласидандир. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбек давлат филармонияси, Қорақалпоғистон Давлат филармонияси ва Ўзбекистон Давлат эстрадаси республикамиз меҳнаткашларига катта бадий хизмат қилмоқда. Давлат Консерваторияси, Театр сан'ати институти, Москвадаги Ўзбек опера ва драма студияси, уч музыка, икки бадий, хореография ва театр-техникаси билим юртлири юзлаб бўлажак актёрлар, режиссёрлар, рассомлар, музикачилар, директёрлар, балетмейстерлар, хормейстерлар, театр ва музыка танқидчилари ва бошқа ихтисосдаги сан'ат ходимларини тайёрламоқда. 11 та болалар музыка мактабида, Консерватория қошидаги Кечки музыка мактабида кўплаб исте'додли болалар та'лим олмоқдалар. Иккита Халқ ижоди уйи, Сан'ат музейи, Сан'ат билимлари илмий-текшириш институти, Совет Композиторлар Союзи, Совет Рассомлар Союзи, Ўзбек театр жамияти кенг кўламда ижодий ҳамда маданий оқартув ишларини олиб бормоқда.

Ҳозир сан'атдан совет Ўзбекистонининг кенг оммаси йирик шаҳарлардагина эмас, энг узоқ қишлоқ ва районларда ҳам баҳра оладилар. Бу ерларга марказий, область ва район театрлари ҳамда концерт ташкилотларининг артистларидан тузилган бригада-лар мунтазам равишда қатнаб халққа бадий хизмат қўрсатадилар.

Совет сан'атининг ажралмас қисми бўлган ўзбек сан'атининг оммавийлиги унинг характерли сифатидир.

Ўзбек сан'атининг шаклланиши ва ўсишида унинг улур рус халқининг реалистик традициялари блан бузилмас алоқаси муҳим роль ўйнади. Ўзбек театрининг дун'ёга келиш даврида 3ш ўзбек артистлари умид кўзларини Москвага, рус сан'атининг йирик арбобларига тикдилар. Республикаимизнинг отоқли артистлари Уйғур, Аброр Ҳидоятлов, Етим Бобожонов, Музаффар Муҳамедов,

Лутфулла Назруллаев, Шариф Қаюмов, Са'ди Табибуллаев, Зам-
ра Ҳидоятова ва бошқалар 1924 йилда Вахтангов номли театр
қошида ташкил қилинган биринчи ўзбек драма студиясига ўқиш-
га бордилар. Кейинчалик бундай студиялар бир қанча рус театр-
ларида, шу жумладан Москва Бадий академик театрида ҳам
ташкил қилинди.

Москва Консерваторияси қошидаги опера студиясида Ҳалима
Носирова, Мухтор Ашрафий, Карим Зокиров, Фулом Абдурахмо-
нов, Салима Хўжаева, Сора Самандарова, Мутал Бурҳонов ва
бошқалар та'лим олдилар.

Ўзбекистонда режиссёр, рассом, педагог сифатида ишлаётган
рус мутахассислар рус сан'атининг реалистик методини эгаллашда,
миллий кадрларни тарбиялаш ва ўстиришда, рус ва жаҳон клас-
сикларини пропаганда қилишда ўзбек сан'ат ходимларига катта
ёрдам кўрсатдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясигача Ўзбекистонда
артистик, рассомлик, режиссёрлик, композиторлик ихтисоси бўл-
маганини, халқ тамошалари иштирокчиларининг қувғин қилинган-
ини, уларга паст назар блан қаралганини, хотин-қизларнинг саҳ-
нага оёқ қўйишга жур'ат қилолмаганлигини, тамошаларда ҳамма
хотин-қиз рольларини эркаклар бажарганини назарга олсак, турли
ихтисосдаги ўзбек сан'ат ходимлари ва таланти кадрларини
ўстириш нечоғлик зўр сиёсий-маданий аҳамиятига эга эканлиги
яққол кўринади.

ЎзК(б)П Марказий Комитети ва Ўзбекистон ҳукумати ўзбек
совет сан'атини ривожлантиришга, сан'ат кадрларини тарбиялаш-
га ва уларнинг марксча-ленинча сан'ат назарияси блан қурола-
нишига катта аҳамият берадилар. Махсус билим юртарининг
ташқил қилиниши, халқ орасидаги чинакам исте'дод эгаларини
аниқлаш юзасидан олиб борилаётган мунтазам иш, рус сан'ат
арбобларининг ёрдами юқори малакали ижодий кадрларнинг тез
ўсишини та'минлади.

Сталин мукофотининг лауреатлари, СССР халқ артистлари
Ҳалима Насирова ва Аброр Ҳидоятлов, Сталин мукофотининг
лауреатлари, ЎзССР халқ артистлари Сора Эшонтўраева, Ман-
нон Уйғур, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбаева, Олим Хўжа-
ев, Обид Жалилов, Мухтор Ашрафий, Лутфулла Назруллаев,
Ўзбекистон халқ артистлари Уста Олим Комилов, Карим Зоки-
ров, Соиб Хўжаев, Шукур Бурҳонов, Юсуфқизиқ Шокиржонов,
Лутфихоним Саримсоқова каби актёрларимиз, режиссёрларимиз,
музикачиларимизни Ўзбекистонгига эмас, буҳун Совет Иттифоқи
халқлари ҳам танийди. Исте'додли ёшлар ўсмоқда ва ижодий
маҳорат кўрсатмоқда. Ёш раққоса Галия Измайлова ва музикачи
Авнер Бараевнинг Будапештдаги халқаро ёшлар фестивалида
биринчи урини эгаллаши бунга гувоҳлик беради. Ёш компози-
торлар М. Бурҳонов, С. Бобоев, М. Левиев, С. Юдаков янги
музика асарлари яратиш устида муваффақият блан ишламоқда-
лар; рассомлар Лутфулла ва Са'дулла Абдулаев, Сам'и Абдул-
лаев, Абдулҳақ Абдуллаев, Ўрол Тансиқбоев, Искандар Икро-

мов, Р. Темуров, А. Розиков, Ч. Аҳмаров, Ш. Хасанова Совет Иттифоқидаги биродар халқлар блан биргаликда коммунизм қураётган ўзбек халқининг қаҳрамонона меҳнатини ўз асарларида тасвир қилмоқдалар.

Ўзбек сан'ати арбобларига Сталин мукофоти лауреати, СССР халқ артисти ва ЎзССР халқ артисти деган фахрий унвонлар берилиши, уларнинг орденлар ҳамда медальлар блан мукофотланиши миллий сан'атимизнинг муваффақиятидир. Ўзбек сана'ати Совет Иттифоқи халқлари умумий социалистик маданиятининг ажралмас бир бўлагидир.

Ўзбек миллий драматургиясининг ривожини ўзбек театр сан'атининг ўсишида муҳим роль ўйнади. Ўзбек совет драматургиясига Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асос солди. Ҳамза ўз ижодини, ўзбек саҳнасига кириб олган буржуа миллатчиларнинг „асарлар“ига кескин қарши қўйиб, ўз асарлари блан ижтимоий адолат учун курашга кўтарилаётган ишчи, меҳнаткаш образини биринчи марта саҳнага олиб чиқди.

Ўзбек совет ёзучилари Ҳамзанинг энг яхши ан'наларини давом этдириб, кўпгина драматик асарлар яратдилар. Бу асарлар ўзбек совет адабиёти олтин фондидан жой олди. Ҳамзанинг „Бой ила хизматчи“, „Майсаранинг иши“, Яшиннинг „Тор-мор“, „Номус ва муҳаббат“, „Офтобхон“, „Нурхон“, Яшин ва Амин Умарийнинг „Ҳамза“, Ҳамид Олимжоннинг „Муқанна“, Иззат Султоннинг „Бургутнинг парвози“, Иззат Султон ва Уйғуннинг „Навоий“, Туйғуннинг „Муҳаббат“, Уйғуннинг „Ҳаёт қўшиғи“, „Навбахор“, Яшин ва Муҳамедовнинг „Гулсара“ пьесалари шулар жумласига киради. Бу пьесаларнинг кўпчилиги ҳозирги замон совет темати-касига, социалистик қурилишнинг муҳим ҳаётий проблемаларини ҳал қилишга, совет кишисининг ғоявий ва ма'навий ўсишига бағишланган.

Ўзбек театрлари саҳнасида Островский ва Гоголь, Пушкин ва Лермонтов, Горький ва Шекспир, Шиллер ва Мольер пьесалари муваффақият блан қўйилмоқда. Улар ўзбек актёрларининг ижодий такомилда муҳим роль ўйнадилар. Чайковскийнинг „Пиковая дама“, „Евгений Онегин“, Бизенинг „Кармен“ опералари ўзбек тилида қўйилиши ашулачиларимизнинг мураккаб опера сан'атини эгаллаш ишида кўп йиллик қилган меҳнатларини мустаҳкамлади.

Рус ва жаҳон классиклари асарлари устида ишлаш мураккаб драматургия сан'атини, опера ва симфония музыкаси сан'атини ўзлаштирган ўзбек драматурглари ва композиторларининг ижодига фойдали та'сир кўрсатди.

В. Ивановнинг „14—69-нчи Бронепоезд“, К. Треневнинг „Любовь Яровая“, Н. Погодиннинг „Менинг дўстим“, „Милтиқли киши“, „Кремль куранти“, Д. Фурмановнинг „Ис'ён“, А. Суровнинг „Сталинграддан узоқда“, „Яшил кўча“, А. Софроновнинг „Москвалилар характери“ К. Симоновнинг „Рус масаласи“ пьесалари ўзбек драматургияси ва театрининг ғоявий ва бадиий жиҳатдан ўсишига катта ижобий та'сир кўрсатди. Рус совет драматургларининг бу

энг яхши пьесалари ўзбек театрлари саҳналарида қўйилди, ўзбек актёрлари ва драматурглари бу пьесалардан совет кишилари характери кўрсатиш, ўзбек халқи ҳаётида замонавий темаларда янги драматик асарлар яратишни ўргандилар.

Ўзбекистон сан'ат ходимларининг 1930 йилда Москвада ўтган СССР халқлари Бутун Иттифоқ олимпиадасига қатнашуви ва 1937 йилда Москвада ўтган ўзбек сан'ати ўнқунлиги ўзбек сан'ати ютуқларини номойиш қилди, унинг янада ривожланишига йўл очиб берди.

Ўзбек совет сан'атининг муваффақиятлари партиямиз ва совет давлатининг ленинча-сталинча миллий сиёсатининг тантанасидир. „Правда“ газетаси Москвада ўтган Ўзбек сан'ати ўнқунлиги кунларида ўзбек сан'атининг ривожигаги муваффақиятларга юксак баҳо бериб: „Ўзбекистоннинг сан'ати, ундан баҳраманд бўлган кишиларнинг барчасини завқлантиради. Жўшқин, навқирон куч блан тўлган, қуёшли ватанининг рангоранг бўёқлари блан жилоланиб турган, ҳаётбахш ва гуллаган бу сан'ат — улуг Пролетар революцияси ҳаёт бағишлаган ажойиб, юксак исте'додли халқнинг ижодидир“ деб ёзган эди.

Михаил Иванович Калинин, 1937 йилнинг июнида, Ўзбекистоннинг сан'ат ходимларига орден топшираётган вақтида шундай деган эди: „Спектакльларингизнинг қизғин қабул қилиниши — унинг халққа манзур бўлишидир, бу рус ва ўзбек халқлари ўртасидаги самимий муносабатларнинг ифодасидир.

Ўртоқлар, сизни бу ерда кўп мақташди. Мен ўзим ҳам спектакльларингизнинг бирида бўлдим ва айтаманки: менга ёқди, менга айниқса сизлардаги ҳаётийлик ёқди. Аммо сизларнинг муваффақиятларингиз — илк қадамлар, ўртоқлар, бу биринчи босқич, халос. Мен уйлайманки, маданий, хушчақчақ ўзбек халқи сабот блан ишлай олади. У, энг илғор Европа мамлакатлари қаторида баробар тураоладиган театр ҳам, маданият ҳам ярата олади.

Лекин бу нарса ҳам бошланғич бўлади халос. Социалистик маданият капиталистик маданиятдан ўтиб кетиши керак. Мен шубҳа қилмайманки, ўзбек халқи Совет Иттифоқининг ҳамма халқлари блан янги маданий ютуқлар сари олға боради“

Москвада ўтган ўнқунликдан сўнг, Ўзбекистонда миллий опера ва балет, симфоник ва камерная музыка яратиш соҳасида катта ютуқларга эришилди. Ўзбекистон рассомлари ўз ижодида совет кишии образини чуқурроқ ва тўлароқ оча бошладилар.

Улуг Ватан уруши йилларида ва урушдан кейинги даврда совет кишисининг ватанпарварлиги ва миллий ғурури темаси ўзбек драматургиясида асосий уринни эгаллади.

Ўзбек сан'ати совет тузуми шароитидагина шунчалар раванқ топди. Буржуа шарқидаги мамлакатларнинг халқлари буни фақат орзу қилаолишлари мумкин.

Катта муваффақиятларга эришган ўзбек сан'ати халқимизнинг кун сайин ўсаётган талабларини қондиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистоннинг драматурглари, рассомлари ва композиторлари ўз асарларида халқимизнинг қаҳрамонона меҳнатини, унинг ма'на-

вий-сиёсий бирлигини ва руҳий бойлигини бундан ҳам чуқурроқ ва кенгроқ тасвирлайдилар. Улар ўз асарларида халқимизнинг халқ хўжалигини муҳим тормағи — пахтачиликни ривожлантириш учун бўлган курашини тасвирлашга бундан ҳам кўпроқ аҳамият бердилар.

ВКП(б) Марказий Комитетининг мафкура масалалари ҳақидаги қарорлари сан'атимизни ривожлантириш учун зўр программадир. Партиямиз бизни эришилган муваффақиятлар блан қоноатланиб қолмасликка, доим олға боришга ўргатади.

Партиямизнинг раҳбарлиги, ҳукуматимизнинг гамхўрлиги, халқимизнинг муҳаббати ўзбек совет сан'атининг янги ижодий муваффақиятларга эришишига ва социалистик Ватанимиз халқларининг маданий хазинасига қимматли ҳисса қўшишига гаровдир.

БАҲРОМ РАҲМОНОВ

ОЗОД ХИТОЙ

1949 йил 1 октябрь.. Бу кун тарих саҳифасига олгин ҳарфлар блан ёзилди. Дун'ёда яшавчи барча аҳолининг деярлик тўртдан бир қисмини ташкил этган хитой халқи ички реакция ва ташқи золимар устидан тарихий ғалаба қозонди.

Хитойнинг халқ республикаси деб э'лон қилиниши жуда катта аҳамиятга эга бўлган воқиадир. 475 миллионли улуғ хитой халқининг ҳаётида янги порлоқ саҳифа очилди. Хитойдаги демократик ва тараққийпарвар кучлар мамлакат ичкарасидаги реакциянинг ва халқаро империализмнинг бирлашган кучларини тор-мор келтирди. Шу блан Хитой халқи ўзининг асрлар мобайнида ўз озодлиги, мустақиллиги ва эркин яшаш ҳуқуқи учун олиб борган мардонавор курашини якунлади. Хитойнинг кенг халқ оммаси ишчилар синфи ва унинг жангларда чиниққан ҳамда синалган авангарди коммунистлар партиясининг етакчилигида, қудратли социализм ва демократия лагерининг катта ёрдамига таяниб, манфур ва чирик реакция гоминдан режимини, миллий хиёнат, феодал зулми ва мустамлака тузумини ағдариб ташлади.

Бу улуғ хитой халқининг буюк ғалабаси эди. Бу — тарихнинг ўлимга маҳкум этилган капиталистик система устидан чиқарган янги бир ҳукми эди. Бу — „ёшини яшаб, ошини ошаб“ бўлган, чирик ва манфур умрининг сўнги дақиқаларини кечираётган капитализмнинг гўрга тикилиши, унинг тарихнинг ахлатхонасига улоқтириб ташланишига оз вақт қолганлигини бугун дун'ё халқларига очиқ-ойдин кўрсатиб туручи янги бир далил бўлди. Бу — Чан-Кай-шилар ва уларнинг инқирозга юз туган усул идорасини, мажолдан кетиб, ҳоли-жони қолмаган, лекин ўлим талвасаси блан жон-жаҳднинг борича қўтираётган тескаричи кучларни оёққа турғизиш учун уларни қувватлаётган трумэнлар, маршаллар, даллеслар — Уол-стрит корчалонларининг тожу-тахтлари тобутга айланиши муқаррар эканлигидан далолат беради.

Хитой Халқ республикаси э'лон қилинган куни бутун Хитойда зўр тантана, улуғ айём, шодиёна байрам, беҳад катта тўй бўлар

экан, Хитой халқининг севикли йўлбошчиси, коммунистлар партиясининг раҳбари Мао Цзе-дун галаба симболи бўлган қизил байроқни — Хитой Халқ Республикасининг давлат байроғини ўрнатар экан, бутун дунё меҳнаткашлари, барча тараққийпарвар инсоният қувонч блан гулдурос қарсак чалди, социализм ва демократия лагеридан ҳақли ва муносиб жой олган қахрамон Хитой халқини табриклади.

Барча совет халқи Бутун Иттифок Коммунист (большевик)лар партияси Марказий Комитети қақириқларида ёзилган жангвар сўзларни яқдиллик блан такрорлади.

— „Ўз мамлакатининг озодлиги ва мустақиллигини курашиб қўлга киритган ва халқ демократияси давлатини тузган улуг хитой халқига қардошлик салом! Яшасин Хитой Халқ республикаси!“

* * *

Улуг Октябрь социалистик революцияси мустамлака ва қарам мамлакатлардаги мазлум халқларнинг кўзини очди, уларни гафлат уйқусидан уйғотди. Инсоният тарихида буюк бурилиш бўлган Октябрь революцияси мазлум халқларнинг озодликка бўлган ишончига ишонч, кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Уларни озодлик, мустақиллик ва инсон ҳуқуқлари учун курашга отлантирди. Асрлар бўйи ўз озодлиги учун курашиб келган, аммузоқ давр курашининг самарларига муяссар бўлаолмаган хитой халқи учун Улуг Октябрь революциясининг галабаси алоҳида аҳамиятга эга эди. Ёш совет ҳокимияти Хитой блан дўстлик муносабатлари ўрнатишга ҳаракат қилди. Лекин Америка Қўшма Штатлари, Англия, Япония, шунингдек Антантага кирган бошқа давлатлар Хитойнинг Совет Россияси блан музокаралар олиб боришига тўсқинлик қилдилар. Бирнеча ойлар мобайнида Хитой совет республикасидан граждандар уруши ва ажнабий интервенция фронтлари блан ажратиб қўйилди.

1919 йилда Колчак тор-мор келтирилганидан кейин совет ҳукумати Хитойга қарата махсус мурожаат чиқарди. Хитой блан дўстлик сиёсати ўрнатиш истагини яна изҳор қилди, Америка, Англия, Франция сариф мутбуотининг барча ҳийла-найрангларини фош қилди. Мурожаатда бундай дейилган эди:

„Биз шарқнинг қул қилинган халқларига, шу жумладан, биринчи навбатда, Хитой халқига уларни бўғаётган ажнабий найза зулмига қарши, ажнабий олтин зулмига қарши озодлик бахш этамиз“.

Америка Қўшма Штатлари, Англия, Япония ва Франциянинг империалистлари Совет Россиясига қарши қуроли интервенция уюштириш блан бир қаторда хитой халқини ҳам таладилар, хўрладилар, уни очиқ дарвозали майдонга, ҳарқандай пулдор ва капиталист келиб кетаоладиган кенг карвон саройга, қиммат баҳоблан мол сотадиган ва сариф чақага кўплаб хомаш'ё оладиган текин ва қулай бозорга айлантирмоқчи бўлдилар.

Аммо кўпни кўрган, кекса тарихга эга бўлган, бутун ҳаёти аччиқ тажрибаларга тўлиб-тошган хитой халқи дўст ва душманни ажрата билди. Америкаликлар, инглизлар, японлар тил бириктириб, ёш совет ҳокимиятини бўғиб ташламоқчи бўлиб интервенция бошлаган бир пайтда хитой халқи империализмга қарши қаратилган кучли ҳаракат бошлаб юборди.

1919—1920 йилларда кураш майдониغا, мардонавор жангга отланган Хитой ишчилар синфи дунёга танилди. Шу даврда Хитойда биринчи марксистик тўғарақлар тузила бошлади. 1920 йил қишида Чаншада тузилган ва Мао Цзе-дун раҳбарлигида иш олиб борган ишчиларнинг биринчи съёсий ташкилоти шулар жумласига киради.

Мао-Цзе-дун айтганидек: „Руслар Октябрь революциясини қилдилар, дунёда биринчи социализм мамлакатини вужудга келтирдилар... Хитойлар марксизмни руслар томонидан қўлланилганидан кейин тушиндилар. Октябрь революциясига қадар хитойлар Ленин ва Сталинни билмас эдилар, шунингдек улар Маркс ва Энгельсни ҳам билмас эдилар. Октябрь революциясининг тўпларидан отилган ўқлар бизга марксизм-ленинизмни келтирди... Руслар йўлидан бориш!— бизнинг қароримиз ана шундай бўлди“.

Большевизм, рус тактикаси намунаси ҳамма учун яроқлидир, уни ўрганиш, билиш керак, билиш учун интилиш керак. Нотаниш йўлдан бориш учун, қоронғиликдан ёрқин ҳаётга бориш учун йўловчига маш’ал керак. Большевизм намунаси, рус намунаси мазлум халқлар учун худди шундай маш’ал эди.

Яшаш учун курашмоқ керак. Курашсиз ҳаёт — жаҳолат демакдир. Яшашни истаган, ўз тақдирига ўзи хўжайин бўлишни истаган, озод ҳаётнинг самараларидан баҳраманд бўлишни истаган, бугуни порлоқ, эртаси, гўзал бўлишни истаган ҳарбир ирқ, ҳарбир миллат, ҳарбир халқ большевизм намунасидан, рус намунасидан сабоқ олади, марксизм-ленинизмни ўрганади, шу қуроол блан яшайди, курашади, ғалаба қилади. Маркс, Энгельс, Ленин, Сталиннинг та’димоти бутун инсониятнинг улуғ компасидир. Бу компасга эга бўлган киши ҳам, халқ ҳам адашмайди, инсониятнинг олий манзили — коммунизм сари комил ишонч блан боради.

1921 йилда ташкил топган ва расмийлаштирилган Хитой коммунистлар партияси Хитой ишчилар синфини ана шу та’лимот блан қуроолантирди, жанговар курашга олантирди, порлоқ истиқбол сари олға олиб борди.

Дунёда биринчи социализм мамлакати, инсониятнинг умид ва орзулар тимсоли, бошариятнинг суянган тоғи бўлмиш Совет Иттифоқи хитой халқининг мардонавор курашига хайрихоҳлик блан қаради. Империалистлар Хитойни талаш учун ғала ғала бўлиб келаётган, хитой халқининг „етти қават терисини“ шилиб олиш учун, бу халқнинг очлиги, яланғочлиги, мамлакат харобазорлиги ҳисобига ўз бойлигини кўпайтириш учун жон жаҳдлари блан ҳаракат қилаётган, асрлар мобайнида ғафлат уйқусида ётган

халқдан соғин сигир сифатида фойдаланиш учун уларнинг устига оч бўридек ташланган ажнабий золимларга „Хитойдан қўлингни торт!“ деб биринчи марта нидо қилган ҳам Совет Иттифоқи бўлди.

Сунь Ят-сен айтканидек: „У ерда — озод Россияда „Хитойдан қўлингни торт“ деган чақириқ янграганини унитмангиз.

Эҳтимол Европа капиталистлари бу шиорга истеҳзо блан қарарлар, Совет Иттифоқи Хитойдан узоқ бўлганлиги учун ҳам ҳеч нарса қилолмайдилар деб ўйларлар. Аммо ҳамма гап шундаки, Москвадан жаранглаётган шиорлар учун ҳечқандай масофанинг аҳамияти йўқ. Москвадан янграган шиорлар чақмоқ тезлигида бутун ер юзига тарқалади ва барча меҳнаткашнинг юрагига жо бўлади. Биз Советларнинг ҳечқачон ноҳақ иш томонида турмаслигини биламиз. Советлар бизнинг томонимизда экан, демак ҳақиқат биз томондодир, ҳақиқат ғалаба қилмай қолмайди, ҳақиқат зўрлик устидан тантана қилмай қолмайди“.

Сунь Ят-сен ҳақ эди. Ҳақ иш ҳарқачон ғалаба қилади. Ҳақиқатнинг баъзан эгилиши мумкин, аммо у ҳеч қачон синмайди. Адолат ҳақдир, у ғалаба қилмай қўймайди. Адолат сийқа йўллардан эмас, балки курашнинг оғир ва машаққатли йўлидан, жуда катта қийинчиликларга бордош бериб, кўп қурбонлар бериб, ҳисобсиз қонлар тўкиб боради. Лекин у тантана қилади. Ҳисобсиз тўкилган қонлар ўз мевасини беради. Бу қонлар блан бўялган Қизил Байроқ мағрурона баланд кўтарилган вақтда босиб ўтилган курашнинг машаққатли, аммо шонли йўлига зўр ифтихор блан назар ташланади. Ғалабани қўлга киритишда қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар ҳурмат-эҳтиром блан тилга олинади. Бу — мангулик демакдир. Озодликка, мустақилликка эришган бахтиёр халқ ғалаба учун, фаровон ҳаёт учун, порлоқ истиқбол учун қадаҳ кўтарган пайтда, улуг айём кунларида Қизил Байроқ учун қони тўкилган, ҳалок бўлган, аммо мангуликнинг олтин китобига ёзилган кишилар ҳам ўз ёрқин образлари ва ўлмас номлари блан орала намоен бўладилар. Улар: „Сизнинг курашингизда, ғалабангизда, эндиги фаровон ҳаётингизда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор“ деб айтадилар. Шу муносиб ҳисса учун, мардлик ва қаҳрамонлик учун, мангулик учун қадаҳ кўтарилади. Шаҳид бўлганлар ҳам ғалаба қадаҳига тенг шерикдирлар.

Пекинда, Кантонда, Шанхайда, Нанкинда, Гулжада ва Урумчида ғалаба қадаҳи кўтарилар экан, унга Сунь Ят-сен ҳам, унинг ҳалок бўлган сафдошлари ҳам шерикдирлар. Асрлар бўйи азобуқубат кўриб келган, эксплоатация бўйинтуруғининг жабру-жафоларини тортиб келган хитой халқи, Шарқий Туркистондаги уйғур, қозоқ, қирғиз ва ўзбек қон-қариндошларимиз озодлик қадаҳини баланд кўтарар экан, уларни биз қалбдан қувватлаймиз. Урумчидаги уйғур тинч яшаш ҳуқуқига эга бўлган бўлса, Гулжадаги деҳқон ер олган бўлса, торбўғатойли чорвадор гоминданчиларнинг ва унинг Усмон каби кўппақларининг адабини берган бўлса, биз самимий хурсанд бўламиз.

Хитой халқи жуда оғир курашнинг машаққатли йўлини босиб ўтиб, бу оқ ғалабага эришди. 1925 — 1927 йилларда Хитойда ре-

волюция бўлди. 1927 йил 11 декабрда Кантон шаҳрида коммуна тузилди. Бу хитой революциясининг янги, юқори босқичи эди. Кантон коммунаси уч кун яшаб, кейин мағлубиятга учради. Уни тескаричи кучлар бўғиб ташладилар. Ўртоқ Сталин бундан 22 йил муқалдам бундай деб та'лим берган эди:

„Хитой революциясининг империализм устидан ҳали бевосита ғалаба қозонишга олиб келмаганлиги революциянинг истиқболи нуқтавий-назаридан қараганда ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлаолмайди. Буюк халқ революциялари ҳаракатнинг биринчи даврида умуман ҳечқачон тўла ғалаба қилмайди. Улар кўтарилиш ва пасайиш тарзида ривожланиб, мустақкамланиб борадилар. Ҳамма ерда шужумладан Россияда ҳам шундай бўлган эди. Хитойда ҳам шундай бўлади.“

Хитой революциясининг энг муҳим натижаси шундан иборатки, у юз миллионларча эксплуатация қилинучи ва мазлум кишиларни абалий уйқудан уйғотиб, ҳаракатга келтирди...“ (Сталин. X том, 283 бет).

Совет Иттифоқи герман ва япон империалистларига ўлим зарбасини бериб, Шарқ халқлари миллий озодлик ҳаракатининг ривожланиши учун қулай замин яратди. Индонезияда, Бирма ва Малайяда миллий озодлик ҳаракатининг кенг қулоч ёйиши ҳам Совет Иттифоқи қозонган оламшумул ғалабаларнинг натижасидир. Хитойда озодлик учун бўлган ингилиш, мустақиллик учун олиб борилган курашнинг кенг қулоч ёйиши ҳам Совет Иттифоқи қўлга киритган буюк тарихий ғалабанинг самарасидир.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Америка Қўшма Штатларининг иқтисодий ва ҳарбий ёрдамларига таянган ва Америка Қўшма Штатлари ҳарбий кучларининг бевосита иштирокига катта умид боғлаган Чан Кай-ши Хитойнинг 1925 — 1927 йиллар революцияси натижасида бунёдга келган совет районларига қарши ҳужумга ўтди. Чан Кай-ши қўшинлари Уолл-стрит корчалонларининг формойишига кўра, Америка офицерларининг амри блан Хитой совет районларини қуршаб олдилар ва Америка империалистлари томонидан рағбатлантирилган, ўқ-дори ва қурола-аслаҳалар блан та'минланган, Америка доллари блан қутиртирилган гоминдан қўшинлари Хитой халқ озодлик армиясига — машҳур 8-нчи ва 4-нчи армияларга қарши кураш бошлаб юбордилар. Улар ҳужум бошлашдан аввал, японларга қарши саккиз йил мобайнида оғир жанглар олиб борган халқ озодлик армиясини 3 ёки 6 ой мобайнида тор-мор келтиривиз, Америка Қўшма Штатларидан ҳарбий ва молиявий ёрдам олаётган Чан Кай-ши қўшинларига бу армия бардош бераолмайди деб ўйлаган эдилар. Халқ озодлик армияси япон босқинчиларига қарши олиб борилган курашнинг энг машаққатли қисмини ўз зиммасига олган эди. 8-нчи ва 4-нчи армиялар япон қўшинларининг 49,5 процент кучларига қарши ва хонин Ван Цзин-Вейнинг 8000 000 кишидан иборат булган қўшинларининг 90 процентига қарши жанг қилди. Япония ва Ван Цзин-Вей қўшинлари 8-нчи ва 4-нчи армияларга қарши курашда 7 йил мобайнида (1937 — 1944 йиллар) ўлган

ва яраддорлар бўлиб 1 миллион 100 миғ кишини йўқотдилар. Ҳақиқат ана шундай. Халқ озодлик армияси Хитой халқининг озодлиги ва мустақиллигига қарши ҳуруж қилган япон босқинчиларига қарши курашнинг асосий оғирлигини ўз елкасига олган эди. Аммо Уолл-стритли хўжайин ҳам, унинг ноғарасига ўйнаган, долларга сотилган Чан Кай-ши ҳам бу қаҳрамонликнинг қадрига етмади, ватанпарварликни сариғ чақага алмаштирди, халққа ва мамлакатга хиёнат қилди, мамлакатни америкали пулдорларнинг хомаш'ё базасига айлантириб қўйиш учун, уни янги уруш плацдармига айлантириш учун кенг имкон очиб берди.

Чан Кай-ши ҳам, унинг хўжайинлари ҳам энди ҳеч тузатиб бўлмайдиган хато қилдилар, тарих олдида шармандай-шармисор бўлдилар. Улар Хитой халқининг туб манфаатлари, орзу-истаклари блан ҳисоблашмай, ўз тақдирларини хавф остида қолдирдилар. Халқ блан ҳисоблашмаганнинг, халқ блан бирга қадам ташламаганнинг тақдири ҳолакатли бўлишини унитиб қўйдилар. Чунки хитой халқи курашдан тўхтамаган эди, чунки у озодликка ташна, мустақилликка интизор эди. Халқ шундай бир тўлқинки, унга ҳечқандай куч бардос бераолмайди. Халққа қарши қаратилган ҳарқандай ҳаракат тўлқин юзидаги бир хас демакдир. Бу хас улуғ денгизнинг кучли пўртанаси блан қирғоққа улақтириб ташланади.

Ўртоқ Сталин 1925 йилдаёқ доҳиёна башорат қилиб бундай деган эди:

„Хитойдаги революцион ҳаракат кучлари битмас-туганмасдир. Бу кучлар ҳали тегишинча рўёбга чиққани йўқ. Бу кучлар келгусида рўёбга чиқади. Бу кучларни кўрмаётган ва улар блан тегишинча ҳисоблашмаётган Шарқ ва Ғарб ҳукмдорлари бундан зарар кўражақлар... Бу ерда ҳаққоният ва адолат тамомила Хитой революцияси томонидадир. Шу сабабдан биз Хитой революциясининг Хитой халқини империалистлар зулмидан озод қилиш учун ва Хитойни бир давлат сифатида бирлаштириш учун олиб бораётган курашига хайрихоҳмиз ва бундан кейин ҳам хайрихоҳ бўламиз. Бу куч блан ҳисоблашмаётган ва ҳисоблашмайдиган киши муқаррар ютқизади“.

Ўртоқ Сталиннинг башорат қилиб айтган бу сўзлари тарихнинг тасдиқидан ўтди. Революцион кучлари битмас-туганмас бўлган хитой халқи ғалаба қилди, бу кучлар блан ҳисоблашишни истамаган Шарқ ҳукмдорлари ҳам, Ғарб ҳукмдорлари ҳам ютқиздилар, тарих олдида шармандай-шармисор бўлдилар.

Хитой халқ озодлик армияси Чан Кай-шининг ҳам, ажнабий фармонфарастларнинг ҳам планларини барбод қилди. Халқнинг туб манфаатларини ифода этадиган, унинг орзу-истакларини амалга оширадиган, мамлакат озодлиги ва мустақиллигини та'мин этадиган, халққа фаровон ҳаёт берадиган жанговар халқ армияси — Мао Цзе-дун армияси мардона жанг қилмоқда, ғалабадан ғалабага комил ишонч блан бормоқда.

Америка империалистлари гоминданчиларга олти миллиард доллар миқдоридан „ёрдам“ бердилар. Аммо бу ҳечқандай натижа

бермади. Гоминданчилар Америкадан беҳисоб қурол, тўп, ўқ-дори, юзларча аэроплан ва танклар олдилар. Лекин натижа кутилгандай чиқмади. Америкали маслаҳатчилар ва инструкторлар 22 та гоминданчи дивизияни қуроолантирдилар ва жанг қилишга ўргатдилар. Аммо Американинг бу қурооллари ҳам, америка корчалонларининг „та’лими“ ҳам халқ маҳоратига ва жасоратига бардош бераолмади. Чунки қурол ҳам, пул ҳам, ҳийла-найранг ҳам, қаллоблик ҳам халқ блан ўйнашаолмайди.

Америка Қўшма Штатларининг ёрдами ҳам тескаричи Чан Кай-ши тўдасини ҳалокатдан сақлаб қололмади. 1946 йилнинг июнь ойидан 1949 йилнинг июнь ойига қадар гоминданчилар армияси 5.691.400 кишини йўқотди. Тўла бўлмаган ма’лумотларга қараганда, Халқ озодлик армияси 3 йил мобайнида 40 минг артиллерия тўплари ва миномётлари, 250 мингга яқин оғир ва енгил пулемётлар, 2 миллионга яқин милтиқ ва тўпшонча, бир мингга яқин танк ва бронемашиналарни, 100 га яқин аэроплан ва беҳисоб ўқ-дори ҳам бошқа ҳарбий анжомларни ўлжа қилиб олди. Ўлжа қилиб олинган қуроолларнинг кўпчилиги америкада ишланган эди. Бу шуни кўрсатадики, Америка Қўшма Штатлари қанчалик тиришиб ҳаракат қилмасин, уларнинг жирканч нияти пучга чиқади. Халқ озодлик армиясининг жангчилари „Америка бизнинг аслаҳахонамиз, Чан Кай-ши эса бизнинг аравақашимиз“ деб бежиз айтмаганлар.

Яқинда Америка Қўшма Штатлари Давлат департаменти минг саҳифадан иборат „Оқ китоб“ чиқарди. Давлат департаменти бу китобда гоминдан учун берилган 6 миллиард долларнинг зойи кетганлигини конгрессга исботлаб бермоқчи бўлади. Агар Америка Қўшма Штатлари Давлат департаментидаги жаноблар бу „ижодий“ асарга „Оқ китоб“ деб эмас, „Қора китоб“ ёки „Қора ниятларнинг тамомила барбод бўлиши“ деб ном қўйганларида жуда ҳам тўғри иш қилган бўлар эдилар. „Оқ китоб“ авторларининг фаҳми шу ерда ҳам калталиқ қилишти.

Хитой Халқ озодлик армияси муваффақият блан жанг олиб бормоқда. Фақатгина 1949 йилнинг сентябрь ва октябрь ойларида гоминданчиларнинг 76 дивизияси тор-мор келтирилди, гоминданчилардан 470 минг киши сафдан чиқарилди. Шуниси характерлики, ўлдирилган ва ярадор бўлганларга қараганда асир тушганлар, таслим бўлганлар, ихтиёрий равишда Халқ озодлик армияси қаторига ўтганларнинг сони кўп. Август ойида гоминданчилардан 240 минг киши сафдан чиқарилди. Улардан фақат 22.500 киши ёки 10 процентдан камроғи ўлдирилган ва ярадор бўлганлардир. Кўпчилик қисми эса ҳархил йўллар блан Халқ озодлик армияси томонига ўтганлардир. Я’ни 86.400 киши асир олинди, 33.500 киши Халқ озодлик армияси томонига ўтди, 80 минг киши гоминданга қарши қўзғолон кўтарди.

Сентябрь ва октябрь ойларида эса ўлган ва ярадор бўлганлар жуда оз. Аммо асир тушганлар 270 минг киши, таслим бўлганлар 61 минг киши, гоминданга қарши қўзғолон қилганлар 161

киши, гоминдан қўшинларидан Халқ озодлик армияси томонига ўтиш тўғрисидаги таклифни қабул қилганлар 14 минг киши!

Бу — Халқ озодлик армиясининг муваффақиятли жанг қилаётганига далолатдир. Бу — Халқ озодлик армиясининг кенг меҳнаткашлар оммасининг порлоқ истиқболи учун курашаётганига шаҳодатдир. Бу — Халқ озодлик армиясининг енгилмаслигига жанговар гувоҳномадир.

Фақат сентябрь ва октябрь ойларида бўлган жангдагина катта мансабдаги кишилардан, шу жумладан армия қўмондонлари, уларнинг ўринбосарлари, штаб бошлиқлари ва бригада командирларидан 115 кишининг асир олинганлиги гоминданчи қўшинларнинг узил-кесил таназзулга юз тутганини исботлайди. Чан Кай-ши ҳукуматининг вакили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбарига туриб қанча оғиз кўпиртирмасин, унинг хўжайини эса Формоза оролидаги пасқам жойда яширишиб қанча пўписа қилмасин, улуғ давлатнинг диктатори бир парча ернинг қўғирчоқ мансабдорига айланиш учун қанча уринмасин, барибир Чан Кай-ши ҳақидаги тарих ҳукми 1 октябрда э'лон қилинди ва бу адолатли ҳукм ижро эгилди.

* * *

Хитой Халқ республикаси — халқ давлатидир. Бу давлат халқ учун хизмат қилади. Халқ эса, бу давлат учун жонини фидо қилишга тайёр.

Хитой Халқ сиёсий маслаҳат кенгашининг эндиликда хитой халқининг хартияси бўлиб қолган умумий программасида бундай дейилади:

„Хитой Халқ республикасининг давлат ҳокимияти халқникидир. Халқ мажлислари ва халқ ҳокимиятининг турли босқичлардаги ҳамма органлари халқ томонидан давлат ҳокимиятини амалга ошириш органларидир“.

Халқ демократияси диктатураси кенг меҳнаткашлар оммасининг туб манфаатларини ифода қилади. Демократик ислохотларнинг ўтказилиши бунинг ёрқин ифодасидир. Озод қилинган территорияда юз миллиондан кўпроқ кишига ер берилди. Чет эл капитали ва гоминданчи тескаричи „юқори“ қатлам қўлидаги санонат корхоналари мусодара қилинмоқда. Темир йўл, завод, фабрика, шахталар тикланмоқда. Мактаб, университетларнинг эшиклари меҳнаткашлар учун кенг очиб қўйилди. Халқнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш учун ҳамма тадбирлар кўрилмоқда. Хитой Халқ Марказий ҳукуматининг яқинда икки юз миллион облигация миқдоридан заём чиқариш ҳақидаги қарори бутун халқ томонидан зўр хурсандчилик блан қутиб олинди. Халқ бу заёмнинг кенг меҳнаткашлар оммаси учун нималар беришини яхши тушинади.

Асрлар бўйи Хитойда помешчикларнинг зулми остида ярим оч, ярим яланғоч яшаб келган деҳқон энди янги ҳокимиятдан — ўз ҳокимиятидан чексиз миннатдордир. Пекин яқинидаги Пагу қишлоғида яшовчи Чан Де-ман бундай дейди:

— Мен 51 ёшга кирдим. Ҳозир 8 му ер олдим. Энди узоқ яшарман деб ўйлайман. Кейинги умрим ниҳоят яхши бўлади.

Унинг кекса қўшниси: мен 12 ёшимдан бошлаб ишлайман, аммо бирор марта қорним тўйганини эслайолмайман, — деди. Ўз умрида бирор марта ҳам бўлса тўйиб овқат емаган, ҳархил ҳокимларнинг асорати остида хўрланган, таҳқирланган хитой деҳқони озод бўлди, асоратдан халос бўлди. Энди у таҳқирланмайди, хўрланмайди, унинг моддий-маиший аҳволи яхшиланади.

Халқ ҳокимиятининг афзаллигини тушинган меҳнаткашлар оммаси гоминданчиларга қарши ва уларнинг ажнабий хўжайинларига қарши ўзининг озодлиги ва бахт-саодати учун мардонавор жанг қилмоқда, Хитой компартияси ва унинг жангларда синалган йўлбошчиси Мао Цзе-дун етакчилигида янги-янги ғалабаларни қўлга киритмоқда.

Хитой халқи ҳақ иш учун, адолатли иш учун, ғалаба учун ҳечнарсани аямай жанг қилмоқда. Халқнинг жанг майдонларида кўрсатаётган маҳорати, жасорати ва мардлиги беҳисобдир.

24 ёшли Лю Куй-чи зарбдор полкка қўмондонлик қилди. У Чу қишлоғи атрофидаги жангда 30 минг гоминданчини тормор келтирди. Шу жангда 9 марта ярадор бўлишига қарамай, у полкка раҳбарлик қилишдан тўхтамади.

Жэхэ вилоятининг Мунхуа қишлоғи учун олиб борилган жангда 20 ёшли Тун Тан-жуй ажойиб қаҳрамонлик кўрсатди. У душманнинг мустаҳкамланган истеҳкомини портлатиб, ўзи ҳам ҳалок бўлди. Аммо у ўз ўртоқларига илгарига силжиш учун йўл очиб берди. Бу шарафли ўлим. Бу ўлим эмас, абадийликдир. Ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун ҳалок бўлган қаҳрамон жангчиларнинг номи абадий шон-шарафлар блан қопланади. Уларнинг номи хитой халқининг йилномасига ўчмас ҳарфлар блан ёзилажак.

Чжан Ин-цой қўмондонлик қилган батальонга унинг номи берилди. У 1948—49 йилнинг қишида Янцзи дар'еси қирғоқларида олиб борилган жангда ўз батальони блан иккита гоминданчи полкнинг ҳужумини қайтараолди. Бу жангда Чан Кай-ши армиясининг 600 мингдан ошиқ солдати ва офицери қуршаб олинган ва тор-мор келтирилган эди.

Лю Гуй-цзи қўмондонлик қилаётган ротага „Ҳамма вақт енгучи рота“ деган ном берилди. Бу рота Шаньдунь вилоятининг жуда ҳам мустаҳкамланган маркази Цзинань шаҳрига биринчи бўлиб кирган эди.

Иродаси мустаҳкам, ғалабага ишончи зўр бўлган халқ ҳечқандай қийинчиликлардан, ғовлардан қўрқмайди. У ўз йўлидаги барча тўсиқларни бартараф қилиб, ғалабанинг машаққатли, аммо шонли йўлидан шаҳдам қадам ташлагани ҳолда порлоқ умид блан илгарилаб боради.

Ҳозир Хитой Халқ озодлик армиясининг 70—80 процентини ёшлар ташкил этади. Эркин ва фаровон ҳаётга ташна бўлган, бахтиёр ҳаёт кечиршни истаган, эксплуатация бўйинтуруғини улоқтириб ташлашга астойдил бел боғлаган, ўз йўлини Маркс,

Энгельс, Ленин ва Сталин та'лимотининг порлоқ нури блан ёри-таётган, компартия раҳбарлигида жанг қилаётган ёшликнинг иро-дасига машҳур Хитой девори ҳам, Чан Кай-шининг жон талва-сасида қилаётган хуружи ҳам, Америкадан келган доллар ва қу-рол ҳам бардош бераолмайди!

Ёшлик карвони ғайратга тўлиб-тошган ҳолда илгарилаб бор-моқда. Кўҳна Хитойнинг ёш ва новқирон насли ҳужум қилмоқда. Ёшлик энгилмасдир. Келажак ёшларники! Чан Кай-шилар ва улар-нинг ҳомилари мамлакатни ўз эгаларига бўшатиб беришга маж-бурдирлар.

Ўз даврини кечириб бўлган империалистик буржуазия тарих ҳукми блан ҳалокатга маҳкум этилган. Империалистик буржуа-зиянинг сўнгги умиди бўлган чан кай-шилар, бевинлар, даллес-лар, блюмлар, шумахерлар, сарагатлар денгиз тагига ботиб бора-ётган илма-тешик капиталистик „кема“нинг сўнгги чирик „ймо-ғи“дир.

Мамлакатнинг кўпгина еридан суриб чиқарилган, фақатгина бир оролда яшириниб сўнги дақиқаларни кечиришга мажбур бўл-ган Чан Кай-ши халқ масалида айтилганидек: „Думини чиқариб олса, тумшуги ботиб кетади, тумшугини чиқариб олса думи бо-тиб кетади“.

Дун'ёда энг катта мамлакатлардан бири ҳисобланган Хитой территориясига сиғмаган Чай Кай-ши Формоза оролига ҳам сиғ-майди. Ҳамма шаҳар ва вилоятлардан қувилган сотқин ва жаллод Формоза оролидан ҳам қувилади, гўрга тикилади. Ўз Ватанига хиёнат қилган кишининг ватани бўлмайди. Беватаннинг гўри ҳам нома'лум жойда бўлади. Кимнинг юраги ватан учун тепса, ким ватан учун мардонавар жанг қилса у бахтиёр бўлади, у мангу барҳаёт бўлади. Ҳалок бўлган ватанпарварларнинг қабрлари ус-тида гул-чечаклар, қип-қизил лолалар мавж уриб ўсади, ўзининг хушбўй эҳдилари блан кишиларга тасалли, ғурур ва ифтихор бахш этади. Ўз юртига хиёнат қилган беватанлар учун кичик бир гўр ҳам насиб бўлмайди. Унинг номи ҳам, жасади ҳам йўқ-ликка созурилади.

Хитой халқига хиёнат қилиб, энди Хитойдан маҳрум бўлган чан кай-шилар, америкали пулдорлар, англияли корчаловлар худ-ди иссиқ шовла атрофида нима қилишини билмай айланиб юрган мушукдек гирди-капалак бўла берсинлар. Янгидан бун'ёдга кел-ган кўҳна хитой халқи нима қилишини яхши билади.

Хитой Халқ сиёсий маслаҳат кенгашининг умумий програм-масида айтилганидек:

„Хитой Халқ республикаси, бутун дун'ёдаги барча сулҳпар-вар ва ҳурриятпарвар мамлакатлар ҳамда халқлар блан ва бирин-чи галда Совет Иттифоқи блан, барча халқ демократияси мамла-катлари блан ва барча мазлум миллатлар блан бирлашади ва халқ-аро тинчлик ҳамда демократия лагериди туриб, империалистик агрессияга қарши биргаликда кураш олиб боради ва бутун дун'-ёда мустаҳкам тинчликни ҳимоя қилади“.

Хитой халқи тараққиётнинг янги йўлига узил-кесил кириб олди. Энди уни бу йўлдан ҳечқандай куч чиқаролмайди. Асрлар мобайнида ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашиб келган ва ниҳоят ўз бахтини қўлга киритган халқ ғалабани қўлдан бой бермайди, бу ғалабани сақлаб қолиш ва мустақамлаш учун астойдил жанг қилади.

Хитой халқи яқка эмас. 200 миллионли совет халқи абадий энгилмас, абадий улуг, абадий ғолиб халқ, халқ демократияси мамлакатларининг меҳнаткашлари, бутун дун'ёдаги миллион-миллион оддий кишилар, тараққийпарвар инсоният хитой халқига хайрихоҳдир!

Хитой халқини Маркс, Энгельс, Ленин ва Сталиннинг улуг ва энгилмас ғоялари билан қуролланган, дун'ёда энг йирик, энг монолит, энг илгор, энг жанговар большевиклар партиясининг бой ва шонли тажрибасидан сабоқ олган, большевизм намунасидан, рус намунасидан сабоқ олган Хитой компартияси ғалаба сари бошлаб бормоқда.

„Модомики, Хитойдаги коммунистлар партиясини қисқа вақт ичида 5—6 минг кишилик кичик бир группадан 60 минг а'зоси бўлган оммавий партияга айланган экан; хитой компартияси бу вақт ичида 3 миллионга яқин пролетарни касаба союзларига уюштирилган экан; хитой компартияси неча миллионлаб деҳқонларни уйғатаолиб, 10 миллионларча деҳқонларни революцион деҳқон союзларига жалб этолган экан; хитой компартияси бу вақт ичида миллий қўшинлар составидаги бирталай полк ва дивизияларни ўз томонига ўтказолган экан; хитой компартияси бу вақт ичида пролетариат гегемонияси ғоясини истакдан фактга айлантирилган экан; хитой компартияси қисқа вақт ичида ана шу ғалабаларнинг ҳаммасига эришолган экан, бунга сабаб шуки, у Ленин чизиб берган йўлдан борди...“ (Сталин X том, 35—36 бетлар).

Бу сўз айтилгандан бери 20 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Хитой компартияси 60 минг а'зоси бўлган партиядан 3 миллиондан кўра кўпроқ а'зоси бўлган партияга айланди. Бунинг сабаби шуки, у Ленин чизиб берган, Сталин чизиб берган йўлдан борди.

Хитой халқининг ғалабаси буюк ғалабадир. Бу ғалаба оёқлари остидаги замини бўшаб қолган империализмнинг ҳалокат кунлари яқинлашиб келаётганини яна бир марта кўрсатучи ғалабадир.

Хитой халқининг ажнабий ҳокимларга ва ички золимларга қарши олиб борган кураши ғалаба билан якунланди. Бу ғалабани бутун тараққийпарвар инсоният қутлайди ва ғалаба қилган хитой халқига самимий саломлар йўллайди.

Буюк тарихий ғалаба қозонган қаҳрамон хитой халқига шон-шарафлар бўлсин!

Хитой ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар ва тараққийпарвар зиёлиларнинг жанговар авангарди — Хитой компартиясига шон-шарафлар бўлсин!

Яшна, гулла, балқи озод ва мустақил Хитой Халқ Республикаси! Буюк ғалаба қозонган кўп миллионли хитой халқига қардошлик салом!

ОЙБЕККА

ҚУЁШ СЎЗИ

„Қутлуғ қон“нинг охирида чиққан қуёшмен,
Олтин води чароғондир менинг нуримдан.
Қуёшменки, қораймаймен, ўзинг айтгандек,
Номим топдинг, сўзла энди менинг тўғримдан.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОРГА

КАМПИРЛАР СИМ ҚОҚДИ:

Янги ерлар очган эмиш Абдулла Қаҳҳор,
(Унда „гупчак кўкаришин“ қилмаймиз инкор),
Янги йилда, янги ердан ҳосил кутганлар
Орасида новеллалар кутганлар ҳам бор.

ШАЙХЗОДАГА

КЎНГИЛ ДЕЙДИКИ:

Телефонворий алоқалар яхши албатта,
Аммо ба'зан келиб туринг журналистонга.
Кўнгил дерки: „Чоп қилмагин битта ше'рни
Ҳам журналда, ҳамда „Қизил Ўзбекистон“да“.

ЯШИНГА

Яшин—Яшин яшасин.
Заб пьеса ёзибди.
Кўрдингми афишасин?
Яна конкурс кутмасдан
Янги асар бошласин.

АСАКА

(Ва фақат Асака)

Кўрганмисиз гўзал Асакани?
(Билдик, Сиз кўргансиз, оғайни,
Аmmo яна шуни билмоқчимиз:
Кўрганмисиз бошқа бир жойни?)

ТЕМУР ФАТТОҲГА

ЯПРОҚЛАР

(Автор назарида арча япроғи бўлса керак.
Лекин токчада ётабериб бироз сарғайган)

Темур Фаттоҳ ёзмайди, деб
Хафа бўлманг, ўртоқлар.
Беш фасл ўтиб кетса ҳам
Ўзгармайди „Япроқлар“.

ҲАМИД ҒУЛОМГА

ҲАЙКАЛ

Банорас денгиздай илҳомим мудом,
Арслон ҳамласига мавзу' чидолмас.
Менга та'зим қилинг, мен—Ҳамид Ғулом!
Чаманга ҳайкалим қўймоқчи Олмос.

Ш. САДУЛЛАГА

ЭРТАК

(Мағзи эмас, пўчоғи)

(Сюжети Ш. Са'дулла орқали фольклордан олинган)

Ажиналар пайдо бўлди қўққусдан,
Бунда деvu, аҳраманлар одам ер!
Шаҳан-шоҳнинг аркига ҳеч қўрқмасдан
„Бисмилло!“ деб кириб келди... пионер!.

ЯНГИ КИТОБЛАР

БАДИИЙ АДАБИЁТ

„Қизил Ўзбекистон“ ва „Правда Востока“ бирлашган нашриёти, Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллик юбилейига атаб республикамиз ёзучи ва шоирларнинг асарлари тўплами серияси ни нашр этди. Сериянинг ҳарбир тўпламида авторнинг ижоди ҳақида қисқача маълумот берилган. Бу китоблар республикамиз юбилейига Ўзбекистон ёзучиларимизнинг муносиб совғасидир.

Ғафур Ғулум. „Вақт“ (шеърлар тўплами). 1949 йил, баҳоси 80 тийин, 32 бет.

Сталин мукофотининг лауреати ёзучи Ғафур Ғулумнинг бундай тўпламига „Ленин учун“, „Вақт“, „Ассалом“, „Соғиниш“, „Йигитларга“, „Инсоният байрами“, „Поль Робсонга“, „Биринчи шеър“ ва „Алишер“ каби, совет халқининг ватанига бўлган муҳаббати ва шавкатли меҳнатини ифода этучи шеърлари кирган.

Мақсуд Шайхзода. „Олқишларим“ (шеърлар тўплами). 1949 йил, баҳоси 80 тийин, 29 бет.

Шоир ўз шеърларида улғу доҳий В. И. Ленинни, прогрессив кишиликнинг пойтахти Москвани, ўзбек халқининг пахта учун олиб бораётган фидокорона меҳнатини куйлайди. Тўпламга „Ленин номида“, „Москвага“, „Ватан“, „Москва вақти блан соат еттида“ каби янги лирик шеърлари киритилган.

А. Қаҳҳор. „Ҳикоялар“ (тўплам). 1949 йил, баҳоси 50 тийин, 20 бет.

Ёзучи тўпламдаги „Картина“, „Кровать“, „Кампирлар сим қоқди“ деган ҳикояларида совет кишиларининг энг яхши фазилатларини маҳорат блан ифодалаб берган.

Туроб Тўла. „Муборакбод“ (шеърлар). 1949 йил, баҳоси 80 тийин, 32 бет.

Китобга шоирнинг Ленин — Сталин комсомоли 30 йиллик тўйига бағишланган „Муборакбод“, „Хат“ номли поэмаси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Дарвишхон Убайдуллаевга бағишланган шеъри киритилган. „Хат“ достонига Улғу Ватан

Уруши йилларида хотин-қизларнинг фидокорона меҳнати, фронтда қаҳрамонларча жанг қилаётган ўз ёрларига пок муҳаббатлари тасвирланган. „Дарвишхон“, „Сўнгги кўрак“ шеърларида ўзбек халқининг пахта учун фидокорона кураши ақс этдирилган.

баҳоси 50 тийин, 34 бет. 1949 йил,

Тўплам „Қўшиқлари“ деган очерклари, „Қўшиқлари“ деган очерклари киритилган.

Ҳамид Ғулом. „Қўшиқларим“ (поэма). 1949 йил, баҳоси 80 тийин, 40 бет.

Шоир асарда машҳур пахтакор Турсуной Каримованинг пахтадан юқори ҳосил олиш учун фидокорона меҳнат қилаётганини тасвирлайди.

Мирмуҳсин. „Ватан қизи“ (поэма). 1949 йил, баҳоси 80 тийин, 24 бет.

Поэмада ёш пахтакор қизларнинг меҳнатдаги шавкати, социалистик мусобақанинг кучи, меҳнат блан чамбар-час боғланган самимий муҳаббат ва ватанга мўл ҳосил етказиб бериш учун бўлган кураш тасвирланади.

А. Удалов. „Родной дом“ (Рус тилида, очерклар). 1949 йил, баҳоси 75 тийин, 48 бет.

Ёзучи Удаловнинг бу китобига „Қадрдон уй“, „Беларусияли қиз“, „Натурадан этюдлар“ деган очерклари кирган. Автор бу очеркларида халқлар дўстлигини, улуғ рус халқининг ўзбек халқига биродарона ёрдамни зўр муҳаббат блан тасвир этади.

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

М. Горький. Ҳикоя ва эртаклар. (Н. Алмуҳамедов таржимаси) 1949 йил, баҳоси 1 сўм 50 тийин, 61 бет.

Китобга улуғ ёзучи Горькийнинг болалар учун ёзган „Чумчуқ“, „Евсейка ҳикояси“, „Аҳмоқ Иван“, „Болалар“, „Адаб“, „Пепе“, „Трамвайчиларнинг иш ташлаши“, „Парма болалари“, „Зилзила“ каби ҳикоя ва эртаклар киритилган.

А. С. Пушкин. Эртаклар. 1949 йил, баҳоси 5 сўм, 108 бет.

Китоб Пушкиннинг „Шоҳ Султон ва унинг азамат ўғли ботир Гвидон султонзода ҳам оққуш бека ҳақида эртак“ (Миртемир таржимаси), „Бир пўп ва унинг хизматкори Балда ҳақида эртак“ (Миртемир таржимаси), „Улик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак“ (Темур Фаттоҳ таржимаси), „Олтин хўроз эртаги“ (Шукур Садулла таржимаси) каби машҳур эртакларини ўз ичига олади. Китоб чиройли расмлар блан безатилган.

Ғафур Ғулом. „Тонг отар қўшиғи“ (шеърлар). 1949 йил.

Китоб „Билиб қўйки сени Ватан кутади“, „Умрлар гаровидир орзумизга“, ва „Таржималар“ деган бўлимлардан

иборат. Чиройли расмлар безалган бу китоб катта ва ўрта ёшдаги болаларга аталгандир.

Мирмуҳсин. „Юлдузлар“ (кичик ҳикоялар). 1949 йил, баҳоси 1 сўм 20 тийин, 23 бет.

Мактабгача ёшдаги бўлган болалар учун ёзилган бу китобда бахтли, қувноқ болаларимизнинг ҳаёти ва орзу умидлари тасвирланади. Китобда „Сталин бобом“, „Юлдузлар“, „Кичик теримчи“, „Кичик врач“, „Хулқар“, „Чипор“, „Қ“, „Чавандоз“, „Чапақай“ деган кичик ҳикоялар киритилган.

Борис Житков. „Менинг кўрганларим“. (М. Исмоилов таржимаси). 1949 йил, баҳоси 11 сўм, 235 бет.

Машҳур болалар ёзучисининг „Болалар энциклопедияси“ номини олган бу китоби мактабгача ёшдаги болаларни турмушдаги ҳамма нарсалар билан таништиради. Унда „Темир йўл“, „Москва“, „Метро“, „Бизнинг армия“, „Ўрмон“, „Бувимнинг чарбоғида“, „Пароход“, „Бувимнинг уйида“, „Пионерлар саройи“, „Тўр“, „Колхоз“, „Полиз“, „Боғ“, „Чорва кўраси“, „Болалар боқчаси“, „Пода“ каби ҳикоялар бор.

С. Т. Аксаков. „Қизил гул“ (эртак, Нурмуҳамедов таржимаси). 1949 йил, баҳоси 90 тийин, 48 бет.

Машҳур рус ёзучи Сергей Тимофеевич Аксаковнинг „Қизил гул“ эртаги унинг „Багров набирасининг болалик чоғлари“ деган ажойиб китобидан олинган.

М. Ильин. „Нарсалар ҳақида ҳикоя“ (И. Муслим ва В. Раҳим таржимаси). 1949 йил.

Ўрта ва катта ёшдаги болалар учун атаб ёзилган бу китобдаги „Юз минг нима учун“, „Стул устидаги қуёш“, „Соат неча“, „Қора билан оққа“, „Автомобиль юришга қандай ўрганди“ деган бўлимлар турли буюмлар ва нарсалар ҳақида маълумот берилади.

МУНИДАРИЖА

Русия халқлари ҳуқуқларининг декларацияси	3
Русия ва Шарқдаги барча мусулмон меҳнаткашларига	5
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига	
Ўзбекистон ССР Министрлар Советига	
Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетига	8
Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети Президиумига	10
Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Давлат Гимни	11
А. Э. Ниёзов. Совет Ўзбекистони 25 ёшда	12
Вс. Вишневский. Унитилмас 1919 йил. (Шу номли пьесанинг прологи)	20
Саида Зуннуова. Ильичимиз. Ше'р	26
Ойбек. Олтин водидан шаббодалар. Роман	27
Комил Яшин. Генерал Раҳимов. Пьеса.	67
М. Шайхзода. Богистон. („Йигирмабешлар“ достонининг кириш қисмидан)	112
	115
Асқад Мухтор. Республикам қўшиғи. Ше'р	117
Рамз Бобожон. Рус халқига. Ше'р	118
Ғафур Ғулום. Диплом. Ше'р	120
Темур Фаттоҳ. Янги йил мисра'лари. Ше'р	121
Ўтқир Рашид. Ўзбекнинг гурури. Ше'р	121

БОЛАЛАРГА

Туроб Тўла. Бу менинг ватаним. Ше'р ; ;	123
---	-----

ҚАРДОШ СОВЕТ ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИДАН

Фотиҳ Ниёзий. Вафо. (Шу номли повестьдан парча)	127
Қора Сейталеев. Меҳнат ша'нига. Ше'р	135]
Т. Сайтмамутов. Буюк Сталинга раҳмат. Ше'р	1 7]
Қармис Дўсанов. Қизил байроқ. Ше'р	138
С. Абдуқаҳҳор. Республика юраги. Очерк	140
М. Бобоев. Нур шаҳри. Очерк	148

Ҳаким Назир. Ипак шаҳрининг гудоғи. Очерк	161
Шароф Рашидов. Ўзбек совет адабиёти 25 йил ичида	172
М. Муҳаммедов. Совет Ўзбекистонининг сан'ати	185
Баҳром Раҳмонов. Озод Хитой	191
Ўртоқлик ҳазили	202
Янги китоблар	204

Мас'ул муҳаррир: УЙҒУН.

*РЕДКОЛЛЕГИЯ: Ш. Рашидов, М. Ойбек, Фафур Гулом,
Мирмуҳсин, Асқад Мухтор (мас'ул секретарь), Ҳомил Ёқуб.*

На узбекском языке

„ШАРҚ ЮЛДУЗИ“

№ 1

Орган Союза советских писателей Узбекистана

Объединенное издательство „Кзыл Узбекистан“ и „Правда Востока“

Ташкент—1950

„Шарқ Юлдузи“ редакциясининг адреси:
Тошкент. Биринчи май кўчаси, уй № 20. Телефон 32-689.

Босишга рухсат этилди 27/1-1950 й. Р 00633. Көгез формати 60×92/16. Босма листи 13.
Таражи 7500. Нашр. № 1921. Баҳоси 5 сум.

Тошкент „Қизил Ўзбекистон“ ва „Правда Востока“ нашриёти босмахонаси. Заказ 43.

Баҳоси 5 сўм